

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари” кафедраси

НАИМОВА Д.Н.

**«КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ»
фанидан маърузалар тўплами**



БУХОРО-2016 й.

Тақризчилар:

Бухоро шаҳар ЕСва П КХК
директор ўринбосари Ш.О Мавлонова

«ЕСТ ва Ж» кафедраси
доценти Пўлатова С.У.

Тузувчи:

«ЕСТваЖ» кафедраси
ассистенти Д.Н Наимова

Ушбу маърузалар матни «Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари» кафедраси йиғилишида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Баённома № ___ « ___ » _____ 2016 й.

Маърузалар матни институт ўқув-услугий кенгаши томонидан тасдиқланиб, чоп этишга рухсат этилди.

Баённома № ___ « ___ » _____ 2016 й.

Мазкур ўқув дастури – 5111000 Касб таълими.(5321600- “Енгил саноат технолгиялари ва жиҳозлари”)ва 5321600 -“Енгил саноат технолгиялари ва жиҳозлари” Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Маърузалар тўпламида . Композициянинг категориялари ва хусусиятлари, костюмда шакл яратиш, ритмик тузилишда нақшлар яратиш каби масалаларни ўргатади.

Данная учебная программа предназначена для студентов высших учебных заведений по направлению – «ТОЛП» (профессиональное образование).и ТОЛП.

В сборник лекций даны сведения о категориях и свойствах композиции, о формообразовании в костюме и о создании ритмического узора.

The given educational program is intended for the students of higher educational institutions on a direction - "TELI " (vocational training)and “TELI”.

In the methodical recommendation the items of information on categories and properties of a composition, about education of the form in a costume and about creation of a rhythmic pattern are given.

МУНДАРИЖА

1. Таянч иборалар.....
2. Кириш
3. Тикув буюмларини лойиҳалашдаги асосий тушунчалар.
4. Кийим композицияси асослари. Композиция моҳияти....
5. Композиция категориялари.Кийим ҳажмий фазовий
6. шаклининг хусусиятлари.....
7. Композиция қонун-қоидалари. Композиция қонунлари.....
8. Композиция хусусиятлари. Костюмдаги пропорциялар
9. ва нисбатлар.....
10. Композиция воситалари. Костюмдаги метрик ва ритмик
11. такрорланишлар. Композицияда рангнинг роли.
12. Кийимдаги декор ва танланадиган материаллар.
13. Материалларнинг расми ва фактураси.....
14. Костюм ахборот воситаси.
15. Костюмдаги белги ва тимсоллар.Семиотика.....
16. Кийим шаклининг тузилиши ҳақида тушунча.....
- 17.Дизайн
тарихи.....
- 18.Костюм дизайнининг назарий асослари.....
- 19.Дизайнда услуб ва услублаш.....
- 20.Замонавий дизайнда услубий ечимлар.....
- 21.Дизайннинг экологик ориентацияси.....
Мода функциялари ва ривожланиш
қонуниятлари.....
- 22.Шакл костюмнинг бадиий лойиҳалаш жараёнининг
асоси.....
- 23.Костюм дизайнининг ижодий асослари.....
- 24.Костюм дизайннида ижодий манбалар ва эвритмик
усуллари.....
- 25.Костюм дизайннида ижодий усуллар.
- 26.Костюмни бадиий лойиҳалаш усуллари.....
- 27.Костюмни лойиҳалаш асослари.....
- 28.Костюм дизайннида ижодий концепция.....
- 29.Ягона буюм, комплект, ансамбль ва коллекцияни лойиҳалаш
асослари.....
- 30.Кўп функцияли буюмлар ва янги кийим турлари костюм
ассортиментининг умумий тавсифи, муаммолари ва
ривожланиш тамойиллари.....
- 31.Костюм тизимида бош кийимни лойиҳалаш.....
- 32.Костюм тизимида аксессуарлар.....
- 33.Фойдаланган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....

КИРИШ

Узоқ йиллик иш тажрибалари шуни кўрсатдики, композиция яратишдаги бадиий шакл умумлашмалари шаклан янгича унсурлардан фойдаланиш, тасвирий ва фалсафий йўналишнинг шаклу-шамойилини келтириб чиқаради. Бундай ижодий услуб ёрдамида кашф этилган илмий кузатишлар талабалар ва ўқитувчилар — ижодкорлар учун жуда зарур. Унинг натижасида талабаларнинг эркин фикрлаши, ўзаро мунозаралари орқали тасвирий санъат асарининг қиммати аниқланади, ижод жараёни идрок этилади, санъат асарини таҳлил этиш қобилияти ошади. Фикрлаш доирасининг бу қадар кенгайиши эса гоҳо ҳар қандай мутолаадан устунроқ туриши мумкин. Шу сабабдан талаба ўз фикрини мустақил баён қилишга ўрганиши жараёнида ушбу методик тавсия яхши ёрдам беради, деган умиддамиз.

санъат асарларининг бадиий ифодаси кўпинча фақат композициясининг пухта топилганлиги туфайли ҳам бизни ўзига ром қилади. Композицияни таърифлашда яна бир ажойиб ибора бор, бу ҳам бўлса, умумийлик, яхлитлик, асосни танлаб олиш, марказни аниқлашдир. Шунинг ўзи ҳам композиция азал-азалдан санъат асарининг асосий сири эканлигини кўрсатади ва унинг қоидалари ҳар доим қўлланаётганлигини тасдиқлайди.

Илгарилари кийим якка тартибда тикилган. Аста-секин кийим тикиш марказлашиб, ательеларда, фабрикаларда тикиладиган булиб, тикувчилик саноати вужудга келган.

Кейинги пайтларда тикувчилик саноатининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир неча майда корхоналарни бирлаштириб, ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил қилинди.

Кейинги йилларда махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини купайтириш, тикилган буюмлар, жумладан, кийим - кечаклар ассортименти структурасини янада такомиллаштириш, сифатини яхшилаш, тикувчилик тармогини жадал ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифалари илгари сурилди.

Кийимни конструкциялаш уни лойихалашнинг энг муҳим қисми ва мураккаб ижодий иш булиб, бадиий констртсгорлик ҳамда техник вазифаларнинг ечимини камраб олади.

Кийимни конструкциялаш деганда, одатда кийимни ташкил этадиган деталлар ва материаллар комплекси, шунингдек, уларни узаро улаб - тикиб, муайян улчамдаги ва формадаги яхлит буюм холига келтириш усуллари, воситалари тушинилади.

Турли хил моделли кийимнинг конструкцияси унинг ва тикиш! технологиясининг такомиллашувига ҳамда модага қараб узгариб туради. Бу ҳол янги моделдаги кийим конструкциясини ишлаб чиқишни бирмунча

мураккаблаштиради. Ишни енгиллаштириш учун типавий ва база конструкцияларидан кенг фойдаланади.

Кийим ишлаб чиқаришда энг сермахсул ускуналардан фойдаланиш имкониятини берадиган камрок сонли ишгчилар кучи билан махсулот хажмини купайтирадиган технологик жараёнлар ва кийим конструкциялари яратиш тикувчилик саноати учун айникса долзарб масала булиб колмокда.

Тикувчилик ишлаб чиқаришининг фан - техника тараққиётини жадаллаштиришда - меҳнат унумдорлигини оширишдаги пировард натижага эришишда, ишлаб чиқариладиган махсулот сифатини яхшилашда технология, механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш соҳасида эришилган энг янги ютуқларни жорий қилиш йўли билан техник қайта қуроллантириш асосий роль ўйнайди.

Буюм муҳитини яратиш – одамзотнинг азалий муаммосидир. Бу жамиятнинг маданий асоси билан чамбарчас боғлиқ ва унинг азалларини, маданият даражасини, бадиий-эстетик интилишларини ва идеалларини ифодалайдиган ижтимоий муаммосидир.

Маданиятни тарбиялаш гўзаллик сирлар англаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Буюмлар ўзи инсонни тарбиялаши лозим.

Буюмларни ишлаб чиқиш асосий мақсади – аҳолини моддий ва руҳий талабларини қондириш ва буюмларни ижтимоий мақбулликдир.

Дизайнерларнинг маҳоратини фақат гўзал буюмларни яратишга йўлантормаслиги лозим. Дизайнер албатта ижтимоий муҳим, қўлай, кўпфункционали, маълум истеъмол гуруҳига мўлжалланган ва талабларини қондирадиган буюмларни яратишда қатнашиши зарур. Булар барчаси буюм дунёни тартибсизлигини, керак эмас, элитар ва дублёр буюмларни йўқотишини осонлаштиради.

Гўзал, ижтимоий йўналтирилган буюмлар янги турмуш тарзни ўрнатишга имкон беради инсоннинг руҳий талабларини қондиради, моддий воситаларни тежамлаш резервига айланб, махсулотни мукамаллик даражасини оширади.

Инсон атрофидаги буюм муҳитини яратиш аҳолини, ижодкорларни, заршуносларни ва истеъмолчиларни эътиборини жалбэтади.

Дизайнер жамият олдида маъсулияти фақат махсулотни сифатинигина эмас, балки инсонни маданий савиясини кўтаришдир.

Енгил саноат олдида турган вазифалар қуйдагилар: аҳолининг талабларини тўлиқ қондириш, бозорни керакли махсулотлари билан таъминлаш, буюмлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини кутариш.

Костюмни лойиҳалаш ва модани ривожланиши билан боғлиқ муаммола бежиз пайдо бўлмаган. Бу муаммоларни пайдо бўлишига бир неча сабаблар мавжуд: махсулотни керагидан ортиқ тўплангани, буюмларни тез маънавий эскириши, ишлаб чиқариш цикли ва мода циклини носинхронлиги.

Оммабоп эҳтиёжни қондирадиган модали буюмларни ишлаб чиқаришда кўп муаммолар мавжуд. Бу ҳолда эҳтимол муаммолар модани амалиётчилиги ва уни стабил томонларидан келиб чиқади. Мода қизиқарли, тез ўзгармайдиган, фундаментални тақдим этиши керак. Моданинг субъективизм ва объективизми нимадан иборатлигини, модага ҳаёт суръати, илмий-техникавий инқилоб

таъсирини тушуниш зарур. Мода ва саноат умумий қонунлар бўйича ривожланади: мода мураккабланса, буюмнинг лойиҳалаш технологияси мураккабланади. Инсон костюмда ўз индивидуаллигини ва ўз сиймосини акс этишга интилади. Шунинг учун либосларни оммабоп ишлаб чиқарилганда стандарт буюмни уйғун сиймолигини ва истеъмолчини индивидуалликка интилишини қондириш талаблари қийинчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Булар барчаси костюмни оммабоп ишлаб чиқариш учун муайян нуқтаи назардан лойиҳалашни талаб қилади. Дизайнер – саноат тармоғи – истеъмолчи тизим алоқасини барпо этиш лозим, яъни янги илмий лойиҳалаш усулини. Лойиҳалаш усули модага тегишли барча вазифаларни, костюмни вақтга биноан шакллантиришни, уни тузилишини ўзига ҳослигини, ижтимоий аспектиларини ва сиймолигини бирлаштирилиши лозим.

Дизайнер фаолиятида уни воқеликка ижтимоий-эстетик муносабати ифодаланади. Бу фаолият бадий ижод қонунларига жавоб бериши лозим.

Костюмни бадий лойиҳалаш назариясига ушбу маъруза матни бағишланган.

МАЪРУЗА № 1

МАВЗУ:ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.УСЛУБ ВА МОДА.

Режа:

1. Кийимнинг пайдо булиши.
2. Услуг тушунчаси
3. Мода тушунчаси.
- 4.Композиция тушунчаси

Костюмни ташкил этувчи буюмларни лойиҳалаш бир неча боскичдан иборат:

- буюм ассортиментини аниқлаш;
- буюмга куйиладиган функционал, эстетик, техник ва ҳоказо талаблардан келиб чиққан холда, уларни таҳлил этиш;
- буюм ушбу ассортиментнинг ривожланиш перспективасини аниқлаш;
- шакл композицияси, материаллар тавсифи, колорит ва техник ечим яъни ривожланиш перспективасини ҳисобга олган холда, ушбу ассортимент буюмларини ишлаб чиқиш.

Буюмнинг эстетик концепциясини ишлаб чиқиш унинг композицион тузилмасини излашдан бошланади.

Композиция (лотинча «*composition*») сўздан олинган бўлиб, бирикма, тузилма маъносини билдиради) – бадий асар қисмларининг аҳамиятли нисбатидир. Бу

тушунча амалиётда бир қанча маънони англатади.

Композиция – мусика, амалий санъат ёки муйкалам асари ҳам хисобланади. Костюм композицияси — кийимнинг тузилиши ҳамда бичимни ҳосил қилувчи деталларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг мазмунини ифодалайди. Композициядан мақсад—функционал, техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган замонавий форма ҳосил қилиш билан бирга, чиройли, уйғун, ҳаммақисмлари ўзаро мутаносиб, мажозий, атроф-муҳитга услубин жиҳатдан боғлиқ бичим ҳосил қилишдир.

Костюм - бу кийим қисмларининг муайян образли-бадий системаси бўлиб, ушбу қисмларни инсоннинг индивидуал образини ёки ижтимоий группасини характерловчи, қарор топган принципларга асосан яратилган ва муайян тарихий боскичда эришилган маълум техник, илмий ва маданий ютуқларни акс эттиради.

Одатда, эркаклар ва аёллар кийимининг пиджак ва шимдан ёки жакет ва юбкадан иборат маълум бир тури ҳам костюм деб аталади. Қўшимчалар костюмга тугаллик кўринишини беради. Буларга шарф, сумка, зонт, хасса, кулкоп, тақинчоқлар киради.

Кийим - бу маълум вазифага мўлжалланганликни ифода этувчи деталлар характерига биноан синчиклаб танланган, косметика ва соч турмаги билан қўшилиб, костюмни тўлдирувчи ва безовчи предметлар билан бирлашган кийим. Мақсадига қараб кийим-кечак маиший, кечалик, ишлик, тантанавор, спортбоп ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Гарнитур - бу одатда айнан бир тур материалдан тайёрланиб, маълум бир мақсадга мўлжалланган бир сидра кийимлар йиғиндиси (ич кийим гарнитур, заргарлик буюмлари ва ҳоказо).

Гардероб - бу бир қатор ҳолларда зарур бўлган бир сидра кийим комплектлари ва костюмни тўлдирувчи бошқа қўшимча предметлар, яъни бир кишининг ёки бутун оила аъзолари барча кийимларининг йиғиндиси.

Комплект - бир хил ёки хар хил материалдан тайёрланган, мақсади ва услубий хал этилиши умумий бўлган тўла бир сидра буюмлар тўплами: комплектдаги айрим буюмларни мўлжалланганлиги ва услубий хал этилиши ўхшаш бошқа буюмларга алмаштириш мумкин. Комплект - бу очик система бўлиб, айрим буюмларни унга қўшиш ва ундан олиш мумкин.

Ансамбль - костюмнинг муайян бадий услуб бирлигига эга бўлган барча қисмларининг йиғиндисидир ўзаро мустаҳкам бирликни билдиради. Ансамбль - бу бирор қисмини олиб ташлаб бўлмайдиган ва бирор бошқа қисм қўшиб бўлмайдиган ёпиқ система. Убир йўналишга қаратилган костюм, яъни ансамбль - бу инсон образига ажратилган кийимлар мажмуасидир. Ансамбль мураккаб структурадан тузилган бўлиб, бир нечта қисмлардан иборат, унинг ичига устки ва

оёк кийими, бош кийими ва тақинчоқлар

Набор - умумий вазифа адо этувчи бир қанча буюмлар: унда материал билан услуб бирлиги бўлиши шарт эмас (болаларнинг ич кийим набори).

"**Модель**" сўзи кийимга нисбатан кўриниши, шакли, материали, беаги ёки бошқа сифатлари янгича бўлган кийим намунасини билдириб, улардан тикувчилик цехи, артелда ёки уйда намуна – маҳсулот сифатида фойдаланишади.

Бир номли кийим группасидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқи **фасон** деб аталади. Фасон кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради.

Коллекция - образли ечими, услуби, конструкцияси, шакли ва материаллар структурасининг ягоналиги асосида қурилган, вазифаси турлича бўлган моделлар сериясидир.

Макет - бу бир предметнинг ўлчамини тасвири. Унинг формасини, пропорцияси ва функцияси тасвирловчи предмет.

Услуб ва мода

Кийимнинг тарихий ривожланишига, ўзгаришига услуб ва мода сабаб бўлади.

Услуб - жамиятнинг моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли системаси ижодий принципларининг тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир.

Услуб - бу даврнинг бадиий тили ва характеристикасидир. Давр ўзига хос ижтимоий-иқтисодий формация билан белгиланади.

Хар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси (қади - қомати) ётади. Композицияда ҳар бир буюм гармонияси (юнонча «harmonia» - буюмлар, воқеалар, бутун қисмларнинг турли сифатларининг боғлиқлиги, келишганлиги, мувофиқлиги, монандлиги) ва баркамоллиги ҳақида инсон гавдасининг эстетик идеали ўзининг тушунчасини ривожлантиради, бундан эса костюмдаги мутаносиблик, кўлам, геометрик ҳажм, шакл ва рангларнинг турли - туманлиги келиб чиқади. Антик эстетикада меъёр гўзалликнинг асоси, меъёр йўқлиги эса ўхшовсизлик эканлиги ҳақида қоида бор.

Услуб жамият ҳаётидаги муҳимомилни акс эттиради. Хар қайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлар, костюмда инсоннинг маълум даражада ўз ифодасини топган муайян эстетик талабларини ўзига бўйсундиради. Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси ётади.

Муайян ижтимоий-иқтисодий формация тикувчилик саноатида рассомларнинг қанчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндашганлигини ва моддий

мухит предметлари услубининг характерини белгилаб берарди .Афлотун антик дунё санъатига юксак баҳо бериб, унинг бир бутунлигини таъкидлаб, унда санъат турлари билан ишлаб чиқариш даражаси ўртасида меъёрнинг энг юксак кўринишдаги *услуб бирлиги* бўлганлигини ёзган эди. Юнонлар меъёр билан гармония ўзаромустаҳкамбоғлиқ бўлиб, бунда меъёр ижтимоий амалиётда ҳам норма вазифасини ўтайди, деб билардилар. Улар одам гавдасини бир маромдаги шакл идеали деб ҳисоблардилар. Юнон архитектураси, ҳайкаллари ва костюмлари - "одам гавдасининг акс садоси" эди.

Қадимий Юнон костюмининг услуги газлама билан инсон шакли ва табиий мутаносиблигининг гармоник бирга қўшилганлиги бўлиб, бу елкадан пастга томон бемалол осилиб турадиган кийимдаги беҳисоб хилма-хил тахламаларда ўз ифодасини топган эди. Кийим туғри тўртбурчак газламадан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қўйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемаллоллигини кўрсатадиган ва унга халақит бермайдиган нафис тахламалалар. Кийиниш санъатидан баҳраманд бўлиш ва "стандарт" шаклдаги хилма - хилликни топиш учун каттага усталик, маданият ва дид керак бўларди.

Инсон моддий ва маънавий маданиятнинг ҳаммасоҳаларида дин ҳукмронлик қилган. Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкамқарор топган Ўртаасрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди. Одамзод гавдасининг гўзаллигидан завқланиши номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар шунинг учун гавдани кўполдан - кўпол, оғир, кейинчалик эса чўзик шаклларга ўраб ташлар эдилар. Тор юқори қисми қатор - қатор мураккаб тахламалардан иборат, орка этаги жуда узун кўйлак, жуда баланд конуссимон бош кийим ва нихоятда чўзик пойабзал билан бирга қўшилиб кадди - комат кўриниши ўзгариб кетарди. Аёл кийимининг идеал образига, яъни она - мадонна образига мурожаат қилиш ана шу вазиятнинг инъикоси эди. Костюмнинг ён томондан кўринишида ҳомиладор аёл гавдасига тақлид қилинарди. Костюмнинг мураккаб силуэти чизиклари - гавданинг эгри чизик пластикасига мувофиқ келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган бўлса, иккинчи томондан черков курсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахламаларга кумиб ташлашга интилиш акс этарди.

Ўрта асрлар костюми гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида каттик қисиб, табиий шаклдан узоклаштирадиган " гилоф" системаси ривож топишини бошлаб берди. Бундай костюм юқори томон интилган бутхоналар архитектура шакллариининг дабдабадор, чузиклигида, турмуш ва одатларнинг сертақаллуфлиги ва тамтироклигида намоён бўлган уша давр умумий услубининг ифодаси эди. Рухий омил билан моддий омил ўртасидаги зиддият кучайиб кетганлиги натижасида Ўрта асрлар санъатида диспропорция билан асимметрия алоҳида ифодасини топади. Уйғониш даврида эстетик

дунёкарашларни кайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеология шаклланади. Бу буюк географик кашфиётлар, илм ва техника ютуқлари даври, санъат даври эди. Бу Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело каби улуг алломалар даври эди. Бу давр кишиси фаол, кучли, гайратли, ҳаракат кила оларди. У Ўртаасрлардаги сингари гавдасидан уялмайди, балки ундан фахрланади. Одамнинг табиий комати - эстетик идеал ҳисобланади. Тахламалар билан басавлат турадиган юбка, куплаб бурмали энгли, очик деколтели костюмлар огир духобадан, парча, атлас, мовуддан, муйналардан тикиларди. Костюмлар жуда куплаб кимматбаҳо тошлар билан безаларди. Соч оддий, табиий холда, тур ёки харир газлама тутиб, кимматбаҳо зийнатлар такиб безатиларди. Пойабзал - оёқда бемалол турадиган кенг бошмоқ.

Мода ва иқтисод бир-бирига боғлиқ маънодош сузлар. Мода (французча «mode» сўзидан олинган бўлиб - меъёр, тарз, усул маъносини билдиради) пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор ҳаёт омилларига боғлиқ, инсоннинг жуда куп фаолиятига утади.

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг утмишга ва теварак - атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади. Умуман, модага хайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб, улар ўзининг етук булмаган ёки очикдан - очик консерватив дидларни бошқаларга утказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг хар бир янги таклифига улар ашаддий қаршилик кўрсатадилар. Узгариб туриш - моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик каддини йўқотади. Бу эса мода характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва утиб кетадиган тушунча, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳам бўлади.

Мода - замонавий дегани, эстетик қиймат эса вақт узгармас бўлиб қолади. Бирок моданинг зиддиятчилиги унинг прогрессивчилигини инкор этмайди. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мос бўлади. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларни танлаб олади.

Мода - бу янгиланиш. Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Мода зерикарли бир хилликдан ҳалос қилади. Одамлар бир - бирига ёкишни хоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши қуринсам дейди - бу табиий эҳтиёж.

Мода - бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳамма вақт янгиликка ёки гайри табиийлик тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда, бунинг акси бўлган ҳодиса - ўзига

хослик намоён этилиши ҳам мумкин.

Мода каерда пайдо бўлади? Купчилик моделлар уйида деб ҳисоблайди. Моделлар уйи булмаганда мода қандай пайдо бўлган. Ҳамма вақт моданинг автори бўлганми? Мода тарихчиси Беённинг таъкидлашича - моданинг асосий чизигини ҳеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ушиб боради ва тараккий топади, у - замона фарзанди, лекин ўзининг катъий характери бор. Муайян конкрет мода - кўчкига сабаб бўладиган қор соккага ўхшаб кетади.

Ижтимоий - иктисодий формация, иклим, теварак - атрофдаги табиае, халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий - сиёсий воқеалар, фан, техника спортга оммавий кизикиш, яратилаётган янги материаллар, космик давр каби турли хил омиллар - моданинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

1956 йилда бир группа ёш инглиз модельерлар гуруҳи яратилди, улар ёшларга нима кераклигини билар эдилар. 1974 йилда Нью-Йоркда бўлибўтган кийимлар кўрғазмасининг шоири "Америкаликлардан афзалмисиз?" "Делайте лучше, чем американцы", ёки "Нью-Йорк-74". Бу кўрғазма (облитие грязю) бўлиб, ушбу кўрғазмада костюмлар, шимлар, шортилар, юбкалар, блузкалар кўрсатилганди. А. Левис энг яхши, сифатли «джинси» матосини ишлатиш буйича Американинг ҳамма штатларида конкурс эълон қилади. Шундан сўнг у музей кўрғазмаси очади ва магазинга айланиб, склад, каталогга айлантирилади.

Мода - энгил саноат корхоналарига катта даромад келтиради. К. Диор, Г. Шанель, А. Курреж, П. Карден - нафақат булар таниқли француз рассом-модельерлари, балки улар бизнесменлар ҳам бўлганлар. Ҳар қайси шаҳарнинг ўзига хос расм-русмларига боғлиқ мода йўналиши бор. Костюм - яратилиши тарихида ўзининг белгиларига эга. Масалан: XVI асрда кийиладиган кийимлар, яъни ҳашамдор, оғир формадаги, складкали костюмлар - эркинликни, цилиндрсимон шляпа ва фрак кўринишда бўлса, XIX асрда - қизил рўмол ва теридан тайёрланган аёллар костюмидаги Октябрь революциясидаги давр тенг ҳуқуқчилигини билдирарди. Ўша давр замондошлари ёзишича, кийимнинг баъзи бир элементлари, масалан, баланд ёқали кўйлақлар ва сорочкалар - демократия принципларидан бири эди.

Кийим бизни совуқдан асрайди, шунинг учун уни она ғимоясига қиёслаш мумкин. Чунки она болани кийинтиради, ечинтиради, шу билан бирга ўз меҳрини беради.

Ҳар қандай костюм ўзининг функциясига эга ва керакли ахборотни етказди. 1921 йилда яратилган моделлар рангли костюмлар ёки баҳор костюми деб аташган. Чунки костюмда ҳар хил ранглар тасвирланган. Шундай костюмлар яратилдики, унда геометрик шакллар тасвирланарди. Костюм тўғрисида ҳар хил позициядан гапириш мумкин. Кейинчалик вақт ўтиши билан кийимлар

манекенларга кийгизиб тикиладиган бўлди. Бундай кийимлар танага ёпишиб турадиган, лойикқина килиб тикиладиган бўлди.

Биз модага қайси муносабатда қарамайлик, бизга биринчи навбатда ташқи кўриниши таъсир кўрсатади, кейин, табиийки, психологик баҳолагандек, айна пайтда, информатив таъсирланиш, ўхшатишга, инкор қилишга ёки танқидий англашга ва ўзига мослашга олиб келади]. Ҳар бир давр, услуб, маданият, шароит ва костюм, скульптура ва маданият орасидаги боғланишни катъий шарт деб билишган. Костюм атрофдаги предметлар олами ва архитектура билан узвий борлиқлиги муайян тарихий босқич маданиятининг белгисидир. Албатта, улар орасида бевосита боғланишни аниқлаш қийин. Бу боғланиш жуда бевосита ифодаланади. Материаллар, масалалар, масштаблар фарқига қарамай, архитектура, скульптура ва костюм умумий қуриш принципларига ва рамзий ишораларга (Миср, Греция ва ҳ.к. костюми) бўйсуниб ўхшаш шаклланиш қонунларига амал қилади.

Ишлаб чиқариш билан костюм орасида, гўзаллик, эстетик идеали билан костюм шакли орасидаги боғланиш анча аниқ. Биринчи ҳолда, газламаларнинг толалари таркиби, улар тузилиши, эни, ишлов бериш усуллари ва пардозлаш йўллари аниқланади, иккинчи ҳолда эса кийимнинг идеал образи, унинг ташқи маълумотлар билан сунъий яратилган костюм шакли орасида ажойиб монандликка эришилади. Эстетик идеал ҳар қайси даврда синфий жамиятда синфий руҳда бўлади. Кийимда бу энг аввало, синфий бўлинишда кузатилади. Костюм ҳар доим кишининг ижтимоий ўрнини ва унинг поғонасини аниқлаган. Ҳукмрон синфлар модани ўз манфаатлари учун яратганлар, улар костюм ёрдамида ижтимоий табақага мансубликларини кўрсатганлар. Шунинг учун ўтган даврлар модаси учун «иш костюми» характерли эмас эди. Киши шахси жамият билан солиштириб бошлангандан қадим замонда мода бунёдга келган ва унинг фавқулоддалиги ҳукмронларга боғланиб қолган. Улар, кўпинча ҳукмрон оилалар вакиллари, уларнинг маҳбублари ва яқин кишилари бўлган. Ана шунинг учун ўтган даврлар модаси бежамдор, баландпарвоз ва ғайриоддий бўлган. Ҳозирги замон модаси тарихини ўн йилни ўз ичига оладиган даврларга бўлиш қабул қилинган; масалан, 20, 30, 40, 50-йиллар модаси ва ҳоказо. Ўн йил шундай муддатки, ҳар қандай мода шу давр ичида ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиб улгуради; мода шартли равишда даврларга бўлинсада, аслида унинг яшаш муддатини чеклаб бўлмайди.

Ҳарбирдаврмодасининг ўзига хос услуби бор. Кийимнинг услуби деганда, модага мос муайян йўналишни ифодаловчи хусусиятлар мажмуи тушунилади; киши гавдасининг гўзаллик тимсоли сифатида қабул

қилинган пропорциялари, ансамбль тузилишининг рангдорлик принципи, кийимнинг бичими, композиция тузиш принципи, кийим бичиш усуллари ва ҳоказоларулар жумласига киради Ҳар бир даврнинг ўзига хос пропорциялари, киши гавдасининг гўзаллик - эстетик тимсоли ҳисобланган масштаблари, геометрик ҳажмлари ҳамда ранглари бўлган .Мода жамиятнинг социал, тарихий ва бадий ривожинимаълум даражада акс эттиради. Шунга кўра у муайян даврнинг конкрет эстетик идеалини ифодалайди, дейиш мумкин.



а) Барокко услубидаги кийим (XVII аср)

б) Классик услубидаги кийим (XX аср)


Ҳар бир даврдаги синфий жамиятнинг эстетик идеали синфий характерга эга бўлган. Кийимда бу нарса синфий табақаланиш тарзида намоён этилган. Кийим дастлаб кишининг ижтимоий ҳолатини, мартабасини белгилаб берган. Ҳукмдор синфлар мода яратаётганларида ўз манфаатларини кўзлаганлар, кийим ёрдамида ўзларининг имтиёзли ҳолатига диққатни жалб этганлар. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги кийимлар, «иш кийими» характерига эга бўлмаган .Кийим ўз даврининг бадий услубига хос жиҳатларни мужассамлаштириб, шу давр билан бирга ўзгаради. Масалан, XVII асрдаги серҳашам услубга башанг, ярқираган, бесўнақай кийимлар мос тушган. XIX аср бошидаги амбир услубига ихчам, сипо бичимдаги кийим лсуда тўғри келган XX асрда кийимларнинг формалари кўпайиши натижасида форманинг бажарадиган вазифасига

караб, кийимнинг классик услуби, спорт услуби ва фантазия услуби пайдо бўлган. Классик услубдаги кийим сиполиги, формасининг ихчамлиги, деталлари жуда камлиги, кийим пропорциялари киши гавдасининг табиий пропорцияларига мослиги биланажралиб туради. Бундай кийимнинг асосий қисмлари гавданинг тегишли қисмлари устига аниқ тўғри келади. Классик услубда тикилган кийим безаклар билан деярли безатилмайди.

Спорт услубида тикилган кийим формасининг эркинлиги, енг бичимининг ҳар хиллиги, устидан қопланган чўнтаклари, чўнтак қопқоқлари, белбандлар, кокеткалар, бахялар, тўқа, илгак, пистон, тугма каби фурнитуралар мавжудлиги билан ажралиб туради.

Фантазия услубида тикилган кийим деталлар формасининг ҳар хиллиги ва савлатлилиги билан фарқ қилади, Унинг қисмлари ғайриоддий, конструктив чизиқлари эътиборни жалб қилмайди, кўпинча, халқ мотивлардан фойдаланилган бўлади.

Кийим (костюм)нинг услубини биринчи навбатда унинг бичими белгилайди. Бичим, биринчидан, елка чизиғи билан енгнинг формаси ўртасидаги нисбат билан ва иккинчидан, кийимнинг белгача узунлиги» юбканинг формаси ҳамда узунлиги билан ифодаланади.



Спорт типидagi костюм Фантазия услубидаги кийим

(XXаср)

(XIXаср)

Ҳамма буюмларнинг услуб жиҳатдан ягоналигини сақлаш жуда муҳим. Бир кийимнинг ўзида ҳар хил услубнинг аралаш - қуралаш бўлиб кетиши кўзга яққол ташланади, бунда пухта ўйлаб яратилган композиция ҳам

бузилади .

Мода пайдо бўлган даврдан бошлаб қарор топмоқда, кўпаймоқда, такомиллашмоқда ва ўзгармоқда. Париж, Лондон ва Римдаги машҳур кийим моделлари уйларида, модель яратувчи фирмаларда истиқболдаги янги моделлар намоиш қилинмоқда. Энг истиқболли моделлар машҳур мода журналларида эълон қилинади. Программага асосланган модали коллекциялар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (УИЁК) аъзолари ҳисобланувчи мамлакатларнинг кийим маданияти бўйича доимий ишчи группасига кўриб чиқиш учун йил сайин тақдим этилади. Ана шу коллекцияларга асосланиб методик коллекциялар тузилади; методик коллекциялар республика Кийим моделлари уйларидаги янги моделлар йўналишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Модель коллекциялари мамлакатимиздаги Модалар уйлари мутахассисларининг ҳар йили ўтказиладиган кенгашларида намоиш қилинади. Методик кенгашлар моделлаштиришга саноат нуқтаи назаридан ёндашишнинг бир кўриниши ҳисобланади; бу кенгашларда модельер - рассомлар фикр алмашадилар, бошқа Модалар уйларидаги тажрибасини ўрганадилар, шунингдек, етакчи модаларни саноатга жорий этиш масалалари ҳал қилинади. Шундан кейин моделлаштирувчи ташкилотлар саноат нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган кийим моделлари коллекциясини тузади; бу коллекцияларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқараётган материаллар ҳамда кийимни мукамаллаштирадиган деталлар ишлатилади. Модажурналлари кишининг ва кийимнинг янги эстетик (қиёфаси ва кўринишини тарғибот қиладиган, истеъмолчилар) талаб - эҳтиёжини қўзғатадиган ва кучайтирадиган восита ҳисобланади. Илгариги мода журналларида моделлар каталоги берилмас эди; уларда кўпроқ турли манзаралар тасвирланиб, манзара қатнашчилари янги модадаги кийимларни кийиб ҳамда нафис ҳаракатларни намоиш қилишарди. Ундаги текстда замонавий моданинг таҳлили берилиб, мода турмуш тарзига, одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳоказоларга боғлаб кетиларди. Бундай шундай журналларки, ҳақли равишда санъат асарлар қаторига киритиш мумкинларнинг тиражи чекланган бўлиб, расмлар моҳир усталар қаламига мансуб бўларди. Ҳозирги вақтдаги конструкторлар ўзларининг кундалик ишларида дуч келадиган кўп сонли мода журналлари, каталоглар, буклетлар, мода альбомларидан ишнинг кўзини билиб фойдалана олишлари лозим.

Моданинг асосий ҳамда энг муҳим йўналиши «Модалар журнали»да эълон қилинади; мазкур журнални Енгил саноат буюмлари ассортименти

ва Кийим маданияти Бутуниттифоқ институти (ВИАлегпром) босиб чиқармоқда. У бошқа мода журналлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу журналда кийим моделлари камроқ берилади, лекин моданинг ҳамма соҳалари (бош кийимлар, соч турмаги, грим, пойабзал, газлама, трикотаж, аксессуар)ни ўз ичига олган йўналишига алоҳида эътибор берилади. Журнал китобхонлари эстетика комиссиясининг мода ва кийим маданияти тўғрисидаги фикрлари, қарорлари ҳамда Модалар уйларидаги ва жаҳондаги машҳур модельерлар яратилган мақбул, ажойиб моделлар билан таништиради

Ривожланган мамлакатлар ўз модасини яратмоқда ва такомиллаштирмоқда. Бу мода биринчи навбатда меҳнаткашлар дидига ва эҳтиёжига мосдир. Кийимнинг формаси ва материалнинг одатдагича ўзгариб туриши фан ва техника тараққиётига, инсоннинг жамиятдаги ўрнига, эркаклар билан аёллар ўртасидаги муносабатлар ўзгаришига, спортнинг ривожланиши ва ҳоказоларга боғлиқ

Қадимги одамлар кийимни ўзларини табиатдан, табиат офатларидан сақлаш учун ишлатганлар. Улар кўпинча теварак-атрофларида бор нарсалардан кийим қилар эдилар. Одамларнинг биринчи кийими ҳайвонларнинг пўстидан бўлиб, ўз таналарини ўраганлар.

«Кийим» француз тилидан олинган «vetement», одамни танасини ўраб турадиган нарса бу кийим ҳисобланади. Масалан: тошбақани ўраб турадиган нарса бу унинг устидаги тоши, ҳайвонларни эса юнги ҳисобланади.

Биринчи бўлиб кийим белгиларини палеолит одамлари кашф этганлар. Улар ҳайвонларнинг пўстларидан, балиқларнинг пўстидан тахлаб, елкаларига ташлаб юрганлар, яна ўтларни бирлаштириб юбка тахлаб кийганлар. Сўнграҳар хил матолар пайдо бўла бошлагандан сўнг, одамлар шу матони ўраб юрганлар. Кийим характери бўйича: бичиш ва кийиб юришга бўлинади, яна бир кийимнинг қадимий элементларидан бири бу белбоғ, керакли предметчалар ҳисобланади. Охирида бунга қўшимча чўнтак тикиш фикри туғилди. Белбоғга яна барглари, пўстлари, матони улаганлар. Қадимги Греция ва Римда одамлар матони белбоғ билан ўтказиб қўйганлар.

Қадимги Египетда матони бош, оёқ, қўл учун алоҳида ўйиқлар қилганлар. Улар кўпинча енгил матодан кийим тикканлар.

«Костюм» сўзи ҳам француз тилидан олинган. Костюм тушунчаси кийим тушунчасига ўхшаш. Костюм ва кийим одамнинг танасини ёпади, аммо бир томондан фарқи ҳам бор. Костюм тушунчасига кийим, пойабзал, прическа, бош кийими, қўлқоп, тақинчоклар ва грим киради.

Кийимнинг синфланиши.Замонавий кийимлар турли хил бўлади. Уни ёнига қараб ва матонинг кўриниши, фаслга қараб бўлиш мумкин. Кийим ёшга қараб яна 2 га: катталар учун (эркаклар ва аёллар учун) ва болалар учун (ўғил болалар ва қиз болалар) бўлинади. Костюм сифатида ишлатишда кийим яна ички кийим, кўйлак ва устки кийимга бўлинади. Ички кийимни танага кийишади. Кўйлак – кийим маъносида келиб, ички кийимнинг устидан кийишади, костюм билан (юбка билан, кофта, сарафан кофта билан).

Устки кийимга ҳар хил турдаги палто, плах, куртка киради. Кундалик кийимга ишга киядиган костюмлар, дарсга боришга, байрамларга киядиган, дам олиш учун кийиладиган костюм ва уйдаги ишлар учун кийиладиган костюмлар киради.

Уйда кийиладиган кийимлар ҳам бўлакчаларга бўлинади, яъни дам олиш учун кийим, ишлашучун. Бу кийимлар қулайҳаракатланиш учун тикилган.

Кийим бизни совуқдан асрайди, шунинг учун уни она ҳимоясига қиёслаш мумкин. Чунки она болани кийинтиради, ечинтиради, шу билан бирга ўз меҳрини беради..

Костюмнинг яратилиши ҳар хил халқларда белгиси билан, тили билан қарама-қаршиликларга эга бўлган. Костюмнинг тили деганда – бир соҳанинг мураккаб маданияти ҳисобланади. Ҳарқандайкўринишўзининг функциясига эга, керакли ахборотни етказди. Масалан: 1919 йилда яратилган костюм шарқхалқининг фикрича бўлган. Костюмнинг силуэти бино гумбазини билдирарди. 1921 йилда яратилган моделлар рангли костюмлар ёки баҳор костюми деб аташган. Чунки костюмда ҳар хил ранглар тасвирланган. Шундай костюмлар яратилдики, унда геометрик шакллар тасвирланган. Костюм тўғрисида ҳар хил позицияда гапириш мумкин. Бир структурадан бошқа структурага ўтишда бир нечта операция ишлари бажарилади. Кейинчалик вақтўтиши билан костюмлар, кийимлар манекенларга кўйиб тикиладиганбўлди. Бундай кийимлар танага ёпишган, лойиқкина қилибтикиладиганбўлди. Манекенларнинг қўл ва оёқларнинг ҳаракати жуда қулайликларга эга бўлиб, шунга мосқилиб яратилади. Кўримли бўлиши учун 1911 йилдаги кийимларга фикримизни қаратамиз. Либос 1913 йилда эса янада ривожланди.

Кийим кишилиқ жамияти ривожланишининг илк босқичларида пайдо бўлган. Ҳайвонлар териси, балиқ ичаклари, ўсимликлар ва ҳоказолар кийим учун материал бўлган. Кийимнинг тарихи ривожланишига, унинг ўзгаришига услуб ва сабаб бўлади.

Услуб –бу жамият моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва

характерли белгилар образли тизими ижодий тамойилларнинг тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир. Услуб –бу даврнинг бадиий тили, унинг бадиий характеристикасидир. Давр ўзига хос ижтимоий-иқтисодий формация билан белгиланади. Ҳар бир даврнинг ўзига хос услуби бўлади. У жамият ҳаётидаги муҳим омилни акс эттиради. Ҳарқайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлар, инсоннинг маълум даражада костюмда ўз ифодасини топган муайян эстетик ўзига бўйсундирад эди.

Ҳарқандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси етади. Ҳар бир гармония (юнонча *harmonia*–предметлар, воқеалар, бутун қисмларнинг турли сифатлари боғлиқлиги, келишганлиги, мувофиқлиги, монандлиги) ва баркамоллиги ҳақида, инсон гавдасининг эстетик идеаллиги тўғрисида ўзининг тушунчасини ривожлантиради, бундан эса костюмдаги мутаносиблик, кўлам, геометрик ҳажм, шакл ва рангнинг турли-туманлиги келиб чиқади.

Муайян ижтимоий-иқтисодий формация тикувчилик рассомларининг қанчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндашганлиги моддий муҳит предметлари стилининг, кўп турлиликдаги бирлигининг характерини белгилаб беради.

Антик дунё санъатига юксак баҳо бериб, унинг бир бутунлигини таъкидлаб, унда санъат турлари билан ишлаб чиқариш даражаси ўртасида меъёрнинг энг юксак кўринишдаги услуб бирлиги бўлганлигини ёзган эди. Антик эстетикада меъёр гўзалликнинг асоси, меъёр йўқлиги эса ўхшовсизлик (Афлотун) экани ҳақидаги қоида бор. Юнонлар меъёр билан гармония ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиб, бунда меъёр ижтимоий амалиётда ҳам норма вазифасини ўтайди, деб билардилар. Улар одам гавдасини бир маромдаги шакл идеали деб ҳисоблардилар.

Инсон моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамма соҳаларида черков ҳукмронлик қилган. Оврўпо мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди. Одамзод гавдасининг гўзаллигидан завқланиши муносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар, шунинг учун гавдани кўполдан-кўпол, оғир, кейинчалик эса чўзиқ шаклларга ўраб ташлар эдилар. Тор юқориқисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат, орқа этаги жуда узун кўйлак жуда баланд конуссимон бош кийим ва ниҳоятда чўзиқпойабзал билан бирга кўшилиб қад-қомат кўриниши ўзгартириб юборарди. Аёл кийишининг идеал образига, яъни она, мадонна образига мурожаат қилиш ана шу вазиятнинг инъикоси эди. Костюмнинг ён томондан кўринишида хомиладор аёл гавдасига

таклидқилибқилинган буларди. Костюмнинг мураккаб силуэти чизиқлари гавдасининг эгри чизиқ пластикасида мувофиқ келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган бўлса, иккинчи томондан черков кўрсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахламаларга кўмиб ташлашга интилиш акс этган эди.

Ўрта асрлар костюм гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиққисиб, табиий шаклдан узоқлаштирадиган "ғилоф" тизими ривож топишини бошлаб берди.

Уйғониш даврида эстетик дунёқарашларни қайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеология шаклланади. Бу буюк географик кашфиётлар, илм ва техника ютуқлари даври, санъат даври эди. Бу Леонардо да Винчи, Рафаэл Санти, Микел Анжело каби улуғ алломалар даври эди.

Бу давр кишиси фаол, кучли, ғайратли, ҳаракатқилиббилмайди. У ўрта асрлардаги сингари гавдасидан уялмайди, балки ундан фахрланади. Одамнинг табиий қомати эстетик идеал ҳисобланади. Тахламалар қилинган ва басавлат турадиган юбка, кўплаб буғмали ва кесмалари бор енгли, очик деколтели костюмлар. Кийим оғир духобадан, парча, атлас, мовутдан, мўйналардан тикилади. Костюмда жуда кўплаб қимматбаҳо тош безаклари. Соч оддий, табиий ҳолда, тур тортиб, ҳарир газлама тутиб, қимматбаҳо зийнатлар тақиб безатилган. Пойабзал – оёқда бемалол турадиган кенг бошмоқ.

Уйғониш давридаги вазмин гармоник шаклларнинг акси тариқасида абсолютизм, дворянлар маданияти ва дунёни бўлиб олиш мақсадидаги урушлар таъсирида таркиб топган Барокко услубидаги XVII аср санъати келиб чиқади, санъатда тантанаворлик, улуғворлик, дабдабадорлик, тийиқсиз зеб-зийнат, театрона қалбаки хусусиятлар ҳукмрон бўлиб қолади.


Эндиликда одам маънавий қудратини гавда пропорцияларининг гўзаллигини намоиш қилади; ижтимоий молиявий дунёдагиқ одам образи эътибор марказига ўтади. Атайлаб сохта ҳолатда туриш, театрча ҳаракат, дабдабали серсавлат аломатлар юзага келади.

Гавданинг пластикаси ўзгаради, чунки подшо саройларда оёқ учида юриш лозим бўлиб, бу пошнапи поймабзал пайдо бўлишига олиб келади. Гавдани муносиб қилиб кўрсатиш учун костюмнинг елкаси, қорин қисми тагига ҳар хил тагликлар қўядилар. Аёллар кийими қимматбаҳо газламалардан (парча, муар, атлас, духобадан) кўпқаватли қилибтикилиб, нақш жимжималари, бантлар, тўр тикилган, қимматбаҳо тошлар тақилган ҳарбий костюм (мушкетёрлар костюми) ҳукмронлик қилади. Парик модага киради.

XVIII аср да Барокко услуби ўрнига нозик –нафис Рококо услуби юзага келади. Бу услуб ўзидан олдинги услубнинг бевосита давоми бўлиб, ундан шаклларининг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқилади. Бу услуб учун мавжуд воқеликдан кечиб, орзу-умидлар, севги-муҳаббат оламига интилиш характерлидир. Бу услуб таъсирида манфаатдорлик вазифасига алоқадор бўлмаган костюм қарор топади. Бундай костюмда гавданинг бел қисми, кўкрак, бўкса кузга ташланиб туради.

Костюменгил,нозикбўлиб,бошданхекгул тикилган,тюлдан,«газсимон» материалдан, тўқима тўрдан, «кўпчителиб» кўйгандек тикиб безатилади.

XIXасрдагиОврўпочакостюмтарихи1789йилдагифранцузбуржуа революциясининг бўронли воқеаларидан бошланади (расм 3).



Расм 3. Пурпуэн: форма ва конструкцияси

Янги даврга капитализмнинг, фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди.

Натижада илгариги услубларнинг ҳаммаси: антик дунё ва қадимги рим санъатига ўхшаб кетадиган класситизм, ампир, сохта готика, янги барокко, янги услублар калейдоскопдаги сингари бирин-кетин ўтади. Бу тақлид қилиш асри эди.

Конструкциянинг вазифаси, мантиқи билан кийим материали ўртасида мустаҳкам алоқахали йўқ. Костюмда қатор шакллар, силуэтлар, каркаслардан халос бўлиш ва яна гавдани ушлаш ёрдамида қисм, айрим материалларни, безакларни ва костюмниманзарали тикишни афзал кўриш кўзга ташланади.

XX аср шакл ва материаллар танлашда қатъиян хизматбопликни, соддаликни, бемалолликни ўзтамоили деб эълон қилди. Бу аср –фан-техника

тараққиёти асри, саноати ишлаб чиқаришнинг гуркираб ўсиш асри, аёл кишининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашув асри, космос асридир. Бу аср ўзи учун анчагина барқарор элементлар топиб, шуларни ишлатиш ёрдамида қисм шаклларининг ниҳоятда кўп хилма-хиллигига эришди. Костюмнинг образли ифодалилиги эндиликда илгаригидек бошқа воситалар ёрдамида эришилади, яъни силуэттез-тезалмашибтуради, чизикларинжиқвадоимийэмас; гавдабиланкостюмнинг ўзаро боғлиқдаги динамикада ифода топади – кийим бир қарасангиз гавдага ёпишиб, гоҳида унга салгина териб, баъзан эса гавдадан жуда қочиб турадиган бўлади. Костюмни шакллантиришда хизматбопликни асос қилиб олган дизайн яъни саноат буюмларни бадиий лойиҳалаш фаол рол уйнайди.

Мода – турмушнинг ташқи кўринишида, асосан кийимда намоён бўладиган бирон диднинг муайян ижтимоий муҳитда озроқхукмрон бўлиб туришидир.

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг ўтмишга ва теварак-атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

Умуман модага ҳайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳамбўлиб, улар ўзининг етук бўлмаган ёки очикдан-очик консерватив дидларни бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Моделерларнинг ҳар бир янги таклифига улар ашаддий қаршилик кўрсатадилар. Алмашлаб туриш моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик қадрини йўқотади. Бу эса моданинг характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳамбўлади. Мода – замонавий дегани, эстетик қиймат эса вақтўзгармас бўлибқолади. Бироқ моданинг зиддиятлилиги унинг прогрессивлилигини инкор этмайди. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мосбўлади. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларини танлаб олади. «Мода – бу янгиланиш! Бу табиат риоя қиладиган тамойил! Дарахт эски баргини одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Нарсалар ҳаддан ташқари ўрганиш бўлиб кетса, одам улардан тез чарчайдиган бўлибқолади. Мода зерикарли бир хилликдан халос қилади. Одамлар бир-бирига ёқишни хоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши кўринсам дейди – бу табиий

эҳтиёж».

Мода – бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳаммавақт янгиликка ёки ғайритабиийлик тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда бунинг акси бўлганҳодиса – ўзига хослик намоён этиш ҳамбўлади.

Мода қаерда пайдо бўлади. Кўпчилик моделлар уйида деб ҳисоблайди. Моделлар уйи бўлмаганда мода қандай пайдо бўлган. Ҳаммавақт моданинг автори бўлганми. Мода тарихчиси Беённинг таъкидлашича, моданинг асосий чизиғини ҳеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ўсиб боради ва таракқий топади, у – замона фарзанди, лекин ўзининг катъий характери бор. Муайян конкрет мода кўчкига сабаб бўладиган қор соққага ўхшаб кетади.

Ижтимоий-иқтисодий формация, иқлим, теварак-атрофдаги табиат халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий-сиёсий воқеалар, фан, техника спортга оммавий қизиқиш, янги материаллар пайдо бўлиши космик давр каби турли-туман омиллар моданинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Кадимда инсонларнинг кийиниш тартиби?
2. Кийимни риводслантиришда нималар сабаб була олади?
3. Костюмни куркам булиши учун қандай услуб кулланади

Таянч иборалар: мода, фасон, услуб, санъат, костюм, бадиий ривожланиш, мажмуа, кийим.

МАЪРУЗА № 2

МАВЗУ: КИЙИМ КОМПОЗИЦИЯСИ АСОСЛАРИ. КОМПОЗИЦИЯ МОҲИЯТИ.

Режа:

1. Композиция нима?
2. Композицион марказ нима?
3. Композицион мувозанат?
4. Шаклнинг уйғун яхлитлиги?
5. Композициянинг моҳияти.

Костюмни ташкил этувчи буюмларни лойихалаш бир неча босқичдан иборат:

- буюм ассортиментини аниқлаш;
- буюмга куйиладиган функционал, эстетик, техник ва ҳоказо талаблардан

келиб

чиккан холда, уларни тахлил этиш;

- буюм ушбу ассортиментининг ривожланиш перспективасини аниклаш;

- шакл композицияси, материаллар тавсифи, колорит ва техник ечим яъни ривожланиш перспективасини ҳисобга олган холда, ушбу ассортимент буюмларини ишлаб чиқиш.

Буюмнинг эстетик концепциясини ишлаб чиқиш унинг композицион тузилмасини излашдан бошланади.

Композиция (лотинча «composition» сўздан олинган бўлиб, бирикма, тузилма маъносини билдиради) – бадий асар қисмларининг ахамиятли нисбатидир. Бу тушунча амалиётда бир қанча маънони англатади.

Композиция – мусика, амалий санъат ёки муйкалам асари ҳам ҳисобланади. Костюм композицияси — кийимнинг тузилиши ҳамда бичимни ҳосил қилувчи деталларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг мазмунини ифодалайди. Композициядан мақсад—функционал, техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган замонавий форма ҳосил қилиш билан бирга, чиройли, уйғун, ҳаммақисмлари ўзаро мутаносиб, мажозий, атроф-муҳитга услубин жиҳатдан боғлиқ бичим ҳосил қилишдир.

Муайян костюм композицияси ҳақида суз кетганда, инсоннинг костюмдаги бадий – образлилик ифодасини таъминловчи баъзи ҳажм, детал ва элементларнинг ўзига хос тузилиши тушунилади.

Ижтимоий – иктисодий шароит ва ҳукукий – эстетик нормалар ўзгариши туфайли инсон образи ҳам узгариб келади.

Рассом бу ўзгаришлар тенденцияларини сезгирлик билан иллаган холда, уз санъатининг воситалари орқали «янги» инсонни ифодалайди. Шу сабабли костюм – уз замонасининг эстетик ва ижтимоий жиҳатларининг ифодасидир.

Рассом иш фаолияти анча мураккаб. Хиссий – сезги даражасида пайдо бўлган гоё ва образ эскиз кўринишда коғоз ёки макет кўринишда юзага келар экан, етарли маҳоратни талаб этади. Эскизларнинг мантикий тахлили, улардан энг сарасини танлашни ва сунгра унга композиция конунлари асосида ишлов беришга имкон яратади.

Бу иш жараёнида композициянинг куйидаги воситаларидан фойдаланишга тугри келади: шаклга ишлов бериш; муайян пластик хусусиятли ва фактурали материалларни танлаш; шаклни колористик ташкил этиш; шаклнинг асосий қисмига ургу бериш.

Шундай қилиб, мақсадли йуналтирилган ижодий фаолият жараёнида яратилган шакл композицияси – ушбу фаолият махсули бўлиб, ҳисобланади ва


маълум хусусиятларга эга бўлади.

Композицион марказ

Ҳар қандай костюмнинг тимсолий ечими унинг бутун тузилишида намоён бўлиб, айнан композицион марказ орқали ўткир янграйди: бу ерда унинг энг кучли воситалари қўлланади, бу ерда акцент – костюм композицияси кулминацияси ҳам жойлашади.

Костюмда композицион марказнинг аниқ ифодаланиши унинг асосий функцияси характерига боғлиқ. Ишчи костюмда композицион марказ ўз жойлашуви (қўллар ишчи зонаси соҳасида), деталнинг аниқ ечими (чўнтаклар, белбоғ) ва фурнитураси билан ишлаб чиқариш кийими қулайлигини ифодалаш керак. Бундай костюмнинг эстетик ечими бахякаторлар тури, деталлар конфигурацияси, ёқа, чўнтаклар ва белбоғ, қадалиш принципи, газлама рангини танлашда намоён бўлади. Тантанали костюмда композицион марказ ушбу костюм асосий эстетик хусусиятлар тўпловчи функцияларни бажара бошлайди ва у бутун шакл бўйлаб эркин жойлаша олади, бу аниқ тимсолий ечим талабларига боғлиқ бўлади.

Композицион марказнинг қабул қилиниши костюмнинг бутун тузилиши билан тайёрланади. Қисм ва деталлар масштабини аниқлашдан бошлаб, кейин симметрия воситалари, пропорционал нисбатларни аниқлаб, ҳажмлар деталлар, фурнитура жойлаштирилиши ва ташкил этилиши рўй беради (у ёки бу ритм тури ёрдамида). Ҳаммаси костюмда асосий нарсанинг қабул қилинишига йўналтирилган бўлиши керак (2.25-расм).



2.25-расм. Композицион марказ:

а – олдинда устки қисмда, акцент – бош кийимда; б – лифда, акцент – ёқа олдида; в – костюм ўрта қисмида, акцент – белбоғ

Композицион марказ кўпинча костюмнинг устки қисмида жойлашади, бунда акцент унда киши индивидуал хусусиятлари билан мослашуви керак (нафақат ташқи, балки унинг характери билан ҳам), яъни костюм акценти юз олдида жойлашганда; юздан қизиқроқ, аҳамиятлироқ бўлмаслиги керак. Композицион марказ эркин жойлашган ҳолларда (белда – олдинда ёки орқада, юбкада – пастда ёки юқорисида, оёқда – кўпинча болаларда пойабзалда – голфлар, пайпоқларда), унинг акценти характери у жойлашган фигура қисми билан аниқланади.

Композицион мувозанат

Композицион мувозанат костюм шаклининг шундай ҳолатики, унда барча элементлар ўзаро балансланган бўлади. Композициядаги мувозанатни ҳисоблаш ёки геометрик тузилиш билан текшириш мумкин эмас. У рассомнинг ривожланган интуициясига асосланади.

Материаллар ҳажми, ранг юзалари, фактурасининг тақсимланиши костюм шаклининг ташкил этилганлигини тавсифлайди. Шаклнинг фазовий ташкил этилганлигини етарлича оддий қабул қилинишини таъминловчи восита – симметриядир. У шаклнинг ҳамма хусусиятларига такрорланиш имконини бериб, ўзига бўйсундиради. Асимметрик ташкил этилганлик шаклда костюмнинг барча компонентлар тобелиги шаклларнинг нозик пропорционал мувозанати, ритмик тузилишлар мураккаблиги (кўпинча газламаларда), пластик ишлов берилиши бадийлиги асосида тузилади.

Шаклнинг уйғун яхлитлиги

Шаклнинг уйғун яхлитлиги рассомнинг шаклни ташкил этувчи қисмлар, элементлар, хусусиятларнинг мос ўлчамларини излаш бўйича кўп меҳнати натижасидир. Уларни уйғунлаштиришда қонуниятлар ва турли воситалардан фойдаланиш бой билимлар, шаклни ҳис қила олиш хусусияти ва рассомнинг юқори маҳоратига асосланади.

Костюм шаклининг уйғун яхлитлиги шакл тектониклиги асосини ташкил этувчи барча қисмлари, элементлари, хусусиятлари ўлчамларининг мослиги билангина эришилмайди: у эргонометрик омиллар, ижтимоий-психологик омиллар ва функционал мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади.

Шакл бу талабларнинг ҳаммасига жавоб берса, у ижтимоий аҳамиятли бўлади, гўзаллик синонимига айланади, муайян вақт даврини тавсифлайди, амалий фаолиятда эса унинг қатор вариацияларини яратишда эталон, намунага айланади.

Композициянинг моҳияти

Композицияни алоҳида жараён, тасвирлаш асосий услубидан фарқланувчи алоҳида усул деб қаровчи фикр мавжуд. Тўғри, аниқ, объектив, академик расм бўлар экан. У композицион эмас, фақатгина натура аниқ акс этади. Композиция эса бу расмнинг анча-мунча эркин беазаги бўлади. Композиция тўғрисида бундай тасаввурга эга бўлган мактаб асосан фақат «тўғри» расмга ўргатган, композицияни эса рассомнинг ихтиёрига қўйган ва композицияни ҳақиқатдан алоҳида бадиий узоклашиши, натуранинг қандайдир бузиб кўрсатилиши, ҳатто бадиий фирибгарлик, айёрлик деб ҳисоблаган. Бундай қараш расмни борлиқнинг аниқ ифодаси, деб композицияни эса бу объектив тасвирни бадиий қизиқарлича айлантирувчи найранг каби алоҳида жараён деб кўрсатади. Бу қараш албатта нотўғри, ва бу ерда баён этилган кўринишда уни бирон киши қабул этмайди. Бироқ, уни бундай қўпол ва очик кўринишда қабул қилмаган ҳолда, кўпчилик академик тўғри расм тўғрисида фикр юритилади ва мантиқан тўғри бўлиб, нарсаларни бадиий қизиқарли қилишнинг маълум рецепти сифатида композицион муаммонинг мавжудлиги билан боғлиқ алоҳида томонларини қабул қилишлари керак эди. Композициянинг моҳиятини кўриб чиқамиз. Биз борлиқда қабул қиладиган барча нарса фазо ва вақтда қабул қилинади, ва ҳеч бир нарсани биз фақат вақтда ёки фақат фазодагина алоҳида қабул қилмаймиз. Борлиқни биз уч ўлчовда эмас, тўрт ўлчовда қабул қиламиз (тўртинчи ўлчов – вақт), шу сабабли расм реал борлиқни акс эттириши керак бўлса, унинг олдида вақтни акс эттириш вазифаси туради. Чунки маълумки, бирон -бир нарсага икки кўзимиз ёрдамида қараганда, кўзларимизни конвергациялайдиган текисликда анча-мунча секин кўра оламиз. Барча яқин ва барча узок нарсалар иккита бўлиб кўринади ва шунга кўра, ўз ўрнини ўнгдан чапга ва аксинча алмаштирадиган бўлиб кўринади. Шундай қилиб, бу ерда ҳам биз ҳаракат ва вақт билан дуч келамиз, уни биз ёки бартараф этишимиз, бу фақат шартли равишда бўлиши мумкин, ёки реал борлиқни тасвирламоқчи бўлсак, биз бу соф кўринувчи ҳаракатни ҳисобга олишимиз керак бўлади. Бироқ, кўриш ҳам ҳис этиш ва ҳаракатни қабул қилишдан девор билан ажратилмаганку, ахир. Шунинг учун кўриш ҳаракати орқасидан кўп ёки оз миқдорда тўлиқ қабул қилувчи киши барча ҳисларини жалб этади. Шундай қилиб, тасвир ҳар қандай расм, вақтни ташкил этади ва тасвирлайди, бунда, албатта, тасвир бутунлиги тўғрисида савол туриши керак, чунки турли вақтни бериб уни биз бутун, бир вақтли беришимиз керак, динамикасини кўрсатиб, биз тасвирда динамика-статикани беришимиз керак, соф фазовий, шартли расм эса тасвир бутунлигини ўйламаслиги керак, чунки у механик тарзда бир вақтликликка

олиб келади ва том статикага интилади. Бу фикрлар тўғри бўлса, «тўғри» академик расм бадиий тасвир соҳасида мавжуд бўлмай, кўз ёрдамида проекция шартли услуби бўлади, борлиқни бадиий тасвирлашга интилувчи ҳар бир расм эса фазо вавақтда яшовчи борлиқни тасвирлаш мақсадини кўяди, демакки, композицион вазифага эга бўлади.

Яхлитликнинг ҳаракатланувчи шаклини биз конструктив шакл деб, кўриш шаклини эса – композицион шакл деб аташимиз мумкин. Тасвирий материални асарда ҳаракатланувчи яхлитликка келтириш конструкция бўлади. Кўриш образини яхлитликка келтириш композиция бўлади. Конструктив тасвирнинг охириги шакли кино ёки фотомонтаж бўлиб, унда аппаратнинг ритмик ҳаракати фигура ясаши, фазони чизиши мумкин. Бунда биз ҳаракат билан бирлаштирилган, вақтда қабул қилинувчи алоҳида лаҳзаларга эга бўламиз. Бундай тасвирда вақт – ҳаракатнинг ритмлаштириш асосий бўлади. Композицион ечимнинг охириги шакли станокли расм бўлиб, унда охир муаммоси марказ муаммоси билан қопланади, у ерда биз вақтни тугун қилиб боғлагандек бўламиз ва у ўтмиш ва ҳозир кай баҳоланади, орқамизда турган ваатрофимиздаги ўтмиш, ва ҳаммасини бирлаштирувчи борлиқ – композиция маркази. Вақт шакли яхлитлиги ҳақида гапирсак, вақт ёки ҳаракат уч турда бўлиши мумкин. Биринчи тури бу биз ўзимиз ҳаракатда бўлганда бошини ҳам, охирини ҳам билмаймиз, фақат бир текис ва узлуксиз ҳаракатни ҳис қиламиз. Вақт ёки ҳаракатнинг иккинчи тури бу биз, масалан, тоғ устида туриб, унинг чўққисини кўрамиз, кўтарилиш боши ҳақида биламиз ва тушиши охирини шу каби фараз қиламиз. Биринчи вақт шакли материал ва масса шакли бўлса, иккинчи шакл конструктив шакл бўлиб, асосан деярли ҳар қандай адабий асарга хос. Биз бу ерда ҳаракатни бошланиш, ўрта ва охирига эгамиз, бунда охир муаммоси, хусусан, кўп фазовий асарлар учун рол ўйнайди, ва адабийлар учун у асосийдир, унинг ечимсиз бирон бир асар расмийлаштирилмайди ва бундан авантюрали ахлоқона асарлар кўп фойдаланади. Лекин яна учинчи шакл ҳам бўлиши мумкин. Биз қатор адабий-бадиий асарларни биламизки, улар охиридар бошланиб, охирини тоғдан тушиш эмас, барча олдингилар тушунтириш бўлиб хизмат қилувчи марказ қилади. Бу ерда биз вақтнинг ўзига хос тескари истиқболини кўрамиз, бу албатта, охир ўзига хос тескари истиқболини кўрамиз, бу албатта, охир ғоявий бутун бир нарсанинг боши, унинг пайдо бўлиш сабаби бўлганда бўлиши мумкин бўлиб, биз бунда нафақат четдан ҳаракат – вақтга қарабгина қолмай, ҳар бир лаҳзани бутун воқеа детали эканлигини билиб, унга бўйламасига қараб барча лаҳзаларни бирдан кўрамиз. Яхлит тузилган адабий асарларда вақт шакли шундай, ва бу вақт шакли композицион деб аталиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси адабиёт

соҳасида тушунарли, лекин бу жиҳатларнинг ҳаммаси фазовий асарлар вақт шаклини ҳам тушунтириб беради. Фазовий асарда вақтнинг турли ташкил этилишига эгамиз. Архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомчилик вақтни маълум жиҳатдан турлича қайд этади. Бироқ биз фақат юзадаги тасвирни қарайдиган бўлсак, вақтнинг турли тузилишининг бутун қаторини бу ерда ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, мисрликларда инсоннинг турли нуқтаи назардан тасвирланган расмини кўрамиз, улар инсонни нуқтаи назардан эмас, кўриш текислигида олишади ва шу сабабли ҳаракатни горизонтал бўйлаб курадилар, уларга кўп ёки бир неча марказлар билан ҳамма ҳаракатларни бирлаштирувчи фризи кўринишини берадилар. Нихоят, бароккога яқин тасвирлар шакллари бўлиб, унда ёпиқ юзу мараз билан ташкил этилади, бунда бу аниқ кўриш маркази бўлиб, бутун нарса бир кўриш нуқтаси билан бошқариладигандек. Булар Византия, рус қадимги рассомчилиги, Микеланджело, Греко, Сезанн, Дерен, Пикассо ва бошқалар. Қайд этиш қизиқки, биз вақтдан қанчалик бевосита фойдалансак, кино, фотомонтаждагидек, материализмни шунчалик соддароқ ташкил этамиз ва, бошқа томондан, биз тасвирлайдиган предметлар кам ўзгаради. Ва аксинча, бизнинг ҳаракатсизлигимизда кўриш фаоллиги жуда ривожланади, энди ҳаракатли эмас. Кўз билан турли кўришларни бирлаштириш фазонинг жуда бой тасвирланишини беради ва бунда кўпинча 7 предмет статикасини бузади ва унинг одатдаги контурлари зарар кўради. Бунга мисолни биз иконада, Греко, Сезаннда кўрамиз. Умуман айтганда, барча бу турдаги композициялар икки кўзли кўришимизга асосланади, бу бизга катта тажриба беради: ҳаракат билан тўла нуқтаи назарлар, турли вақтли лаҳзаларни бир вақтлига бирлаштиришлар.

Назорат саволлари:

1. Композиция нима?
2. Композицион марказ нима?
3. Композицион мувозанат?
4. Шаклнинг уйғун яхлитли
5. Композициянинг моҳияти

Таянч иборалар: мувозанат, иллюзия, шакл, уйғунлик

МАЪРУЗА- 3

МАВЗУ: КОМПОЗИЦИЯ КАТЕГОРИЯЛАРИ.

КИЙИМ ҲАЖМИЙ-ФАЗОВИЙ ШАКЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Тектониклик
2. Силуэт тушунчаси ҳақида.
3. Силуэт чизиқлари ҳақида

4. Шакл кўриниши ҳақида

Тектониклик. Тектоника шаклдаги конструкция ва материал бажараётган ишининг кўзга кўришиб турадиган оксидир.

Тектоник шакл – бу саноат буюми шакли конструкциясининг ва тайёрланиш усулининг материал хусусиятларини бадий тушуниб етиш, уларни кўрсатиб бериш нуқтаи назаридан ифода топган иши. Материал ёки тайёрланиш усули тектоник шаклини топиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рассом материал хусусиятларини, унинг конструкциядаги ишини ва буюмнинг тайёрланиш технологияси хусусиятларини – буларнинг ҳаммасини умумий ғояга, яъни бадий ва композицион мўлжалга бўйсундириб онгли равишда танлайди, топади, бўрттириб кўрсатади. Ҳар бир материалнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу хусусиятлар муайян шаклга асос қилиб олинади. Масалан, шифондан бўлаклари минимал миқдорда бўлган майин, пластик, енгил шакл яратилса, парчадан қаттиқ, «курук» геометрик шакл ясалади.

Материалдан буюмнинг қандай ишлаш нуқтаи назаридан фойдаланиш ҳар қандай буюмнинг чинакам тектониклигига эришишнинг муҳим шартидир. Агар муайян материалнинг потенциал-конструктив имкониятларидан фойдаланилмаса ёки, бундан ҳам ёмони, уни ғайритабiiй тарзда ишлашга мажбур этилса, унга тектоника бузилишидан кутилиб бўлмайди. Одамнинг ҳаракатлари натижасида чинакам зўр келишлар ҳисобга олинмаса, шакл конструкциясини ишлаётганда нотектоникли юзага келади.

Қачонки тектоника муайян бадий яхлитликнинг узвий қисми бўлса, шундагина у аниқ-равшан ва ифодали бўлиб чиқади. Фан-техника революциясининг ютуқлари – янги материалларнинг пайдо бўлиши тектоникага катта таъсир кўрсатади.

Нима учун тектоника композициянинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, конструкция ва шаклнинг конкрет материалда ифода топган ўзаро боғлиқлиги – бу энг муҳим жиҳат бўлиб, у бутун буюмнинг композициясини ва шу композиция устида олиб борилган ишни, яъни композицион приёмдан бошлаб ва шакл характерини ҳамда унинг нюансларини топишга қадар композиция воситаларидан фойдаланишгача бўлган ишни белгилаб беради.

Ҳар бир буюм шаклига унинг ҳамма элементларининг бир-бири биланва фазо билан ўзаро муайян таъсир этиш нуқтаи назаридан қараш, яъни уни ҳажмий-фазовий структура, деб ҳисоблаш мумкин. Бу структура баъзан эса жуда мураккаб бўлади. Ҳажмий-фазовий структуранинг мураккаблик даражаси


қандайлигидан қаты назар ундаги барча элементларнинг ўзаро алоқадорлик системаси тектоника билан бир қаторда чинаккам уйғунликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Костюм яратилаётганда унинг нимага мўлжаланганлиги ва қандай шароитда ишлатилишини билиш керак. Костюм қулай, ишбоп ва чиройли бўлиши керак. Шунинг учун костюмнинг шакли, конструктив ҳал этилиши, материалларнинг танланиши, безаклари ва ранги унинг асосий вазифаларига, яъни эстетик ва амалий вазифаларига итоат этган бўлади.

Қисмларнинг муайян тартибда ташкил топганлиги, яъни структураси костюмни характерлаб беради. Структура деган образли, функционал ва техник ечимга боғлиқбўлган геометрик шакл элементларининг муайян фазовий тизимини тушуниш керак.

Костюм шакли унинг эстетик тўғри ечимида мақсадга мувофиқ ва ифодали бўлади: бунда силуэт аниқлаш, костюм қисмлари пропорционал нисбатлари тўғрилиги, деталлар ритмик тузилиши яққоллиги, костюм ранг тузилишининг унинг вазифасига мос келиши кўзда тутилади. Костюм шаклини уч ўлчамга эга ҳажмий-фазовий объект сифатида қараш керак.

Костюм шакли унинг силуэтини тавсифлайди. Костюм силуэти деб ҳажмли шаклнинг унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатувчи текисликда ифодаланишига айтилади. Костюмда мода йўналишларнинг алмашуви силуэтлар алмашуви билан характерланиши бежиз эмас. Костюм силуэти елка чизиқлари ва маҳсулот қомат қисми, енг боши, бел чизиғи даражаси ва пасти характерига боғлиқ. Одатда костюм шаклини фронтал ва профил силуэтлар тавсифлайди.



Фронтал силуэт (а) ва аниқкостюм профил силуэти (б)






Шакл геометрик кўриниши шаклнинг учта фазовий координаталаридаги ўлчам микдорларининг нисбати билан, умуман шакл ва деталлари юзасининг характери билан белгиланади. Кийим шаклини кўриб чиқаётганимиздаги дастлабки таассурот шаклнинг ҳажмдорлик даражасидан, силуэт ва чизиқларидан келиб чиқади.

Ҳажмдорлик даражаси – бу учта фазовий координата бўйлаб шакл ўлчамларининг нисбатидир. Шаклнинг ҳажмдорлик даражаси битта ўлчамли бўлса, чизиқли характери, ўлчамли бўлса, текислик характерида кийим шакл уч ўлчамли бўлса, ҳажм характерида бўлади. Буюмнинг ҳажмдорлик даражасини танлаш костюмнинг кўриниш ва нимага мўлжалланганлиги билан белгиланади. Чизиқли характердаги шакл башанг кийимлар учун тавсия этилса, текислик характеридаги ҳарқандай ишга мўлжалланган костюм учун ва ҳамма турдаги гавдалар учун, ҳажм характеридаги шакл эса асосан бўйчан, озгин гавдаларга мўлжалланган башанг кийим учун тавсия этилади.

Кийим шаклининг текисликка туширилган энг ифодали пропорциясини костюмнинг силуэтидеб аталадиган бўлган. Одатда костюм шаклини асосан фронтал силуэтлар ва камроқ пайтларда профил силуэтлар характерлайди. Силуэт маълум давр мобайнида модада юз берган характерли ўзгаришларини умумий тарзда аниқлаш имконини беради.


Силуэтларни қуйидагича синфлаш мумкин; гавдага ёпишиб туриш даражасига биноан – ёпишиб турадиган, сал ёпишиб турадиган, бемалол турадиган (4-расм).

Кийим силуэти 5 хил бўлади: Расм-4

1.	2.	3.	4.	5.
				
ёпишувчи	ўта ёпишувчи	тўғри	трапеция	тескари трапеция

бел чизиғининг ҳолатига биноан – бел чизиғи табиий жойда, бел чизиғиyoқорирокда кўтарилган ёки пастрoқ тушган, бел чизиғи сезилмайдиган этак чизиғининг тиззага нисбатан ҳолатига биноан – кийим узунлиги тиззагача, «мини» – тиззадан юқори турадиган калта, «миди» болдирлар ярмигача тушадиган ўртача ва «макси» – тўпикқача тушадиган узун; бўкса, кўкрак чизиқларини сезилиш даражасига биноан ва елка чизиқларининг ҳолатига биноан (елкалари кўтарилган, елкалари кенгайтирилган).


Силуэтнинг эстетик қабул қилиниши ва ифодалилиги кўп жиҳатдан костюм шаклининг техник ишлаб чиқилиши сифати билан аниқланади. Шаклнинг конструктив тузилганлиги силуэт характериини аниқлайди. Бироқ қайтарма боғланиш ҳам бўлиши мумкин – бир силуэтнинг ўзини қатор ҳолларда турли конструктив ечимлар билан олиш мумкин.






Силуэтнинг геометрик асоси

Силуэт ўзгариши белгиси шакл геометрик кўринишининг ўзгариши бўлиб, у нафақат конфигурация, балки катталиги бўйича ҳам ўзгаради. Шакл бир элементининг ўзгариши унинг бошқа элементларининг ўзгаришига олиб келади.



Шакл катталигининг ўзгариши



Масса, шакл, унинг оғирлигининг кўриш орқали қабул қилиниши нафақат шакл алоҳида қисмлари ўлчамларидан, балки уларнинг турли йўллар, безаклар билан тўлдирилиш даражасидан, газлама ранги, расми ёки фактура характери алоҳида деталлар ўлчамларидан) ҳам боғлиқ бўлади.


Бу тавсифлар нисбати киши фигураси ўлчамларини уларнинг ўртача стандарт ўлчамлардан оғишида қабул қилинишига муҳим таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, костюм шакли маълум геометрик шакл, ўлчамлар, масса, силуэт юзаси билан тавсифланади.




Шаклнинг йўллар, безаклар билан тўлдирилиши даражасига кўра қабул қилинишининг ўзгариши


Шаклнинг фактура, расм билан тўлдирилиши даражасига кўра қабул қилинишининг ўзгариши



Шаклнинг детал миқдори ва катталигига кўра қабул қилинишининг ўзгариши




Силуэтларнинг геометрик шакллари



Турли етакчи боғламлар елка (а), кўкрак (б), бел (в) ва бўксалар (г) ажратилиши

Тўғри силуэтлар тўғри ёки тўғрига яқин контур чизиқларга эга. Бундай силуэт статика, мувозанат, тинчлик ва қатъийлик таассуротини қолдиради, аёллар фигурасини эркакларникига ўхшатади.

Тўғрибурчак баландлиги бўйича қанчалик кўп чўзилган бўлса, фигура шунчалик хушбичим кўринади.



Силуэт шаклларда (а) ҳажмлар ва бир силуэт доирасида (б) пропорционал қисмлар ўзгариши

Трапециясимон силуэт асосида трапецияга мос келувчи кенгайтирилган шаклга эга. Кенглиги юқорига ёки пастга ўзгарувчи «трапеция» силуэти турлича таассурот қолдиради.

Трапециясимон силуэт учбурчак билан ҳамоҳанг бўлади. Трапециясимонда бош кийимни ўткир учли шаклда бажарилса, учбурчак ҳосил бўлади. Силуэтнинг бу шакли тўғри шаклдан кўра динамикроқ, чунки ҳаракат катта шаклдан кичикка йўналганда юқорига ривожланиш тенденциясига эга бўлади. Бундай шаклни чўққисини пастга қилиб тескари айлантирилса, у беқарор ва динамик бўлиб кўринади.

Яримётувчи силуэт ботиқ четли гулдон мураккаб шаклига эга.

Белда ётувчи силуэт шакли учи бири иккинчисига кирувчи икки учбурчак билан ифодаланади. Бу нисбатан барқарор шакл бўлиб, айти пайтда газламалар

фактураси, ҳамда бу шаклга қўшимча ҳажмлар киритиш ҳисобига (масалан, энглар) у ҳаракатчан, пластик бўлиши мумкин.

Мураккаб силуэтлар турли конфигурацияли геометрик шакллардан тузилади. Силуэтнинг исталган шакли икки проекция – фронтал (фас) ва профил проекцияга эга. Тўғри ва овал силуэтлар бурилишда шаклни кам ўзгартиради, шунинг учун уларда фронтал силуэт анча ифодалироқ. Трапециясимон, яримётувчи ва айниқса белда ётувчи силуэтлар ҳаракатда ўзгаради, шунинг учун уларда нафақат фронтал, балки ён томондан проекцияси ҳам муҳим.

Аниқроқ тасаввуф этиш учун силуэтни геометрик шаклга нисбат бериб қаралади, уни алоҳида предметларга; бўчкачага, урчукқа ва ҳоказо; ўсимликларга: чучумага, очилмаган лолага, бананга ва шу кабилар; ҳарфларга таққосланади

Кийимнинг контурларини кийим алоҳида қисмларининг, деталларининг контурларини чизиклар деб олса бўлади. Кийим композицияси тўғри, эгри ва синиқчизикларидан тузилади Кийим қуйидаги асосий чизикгуруҳлари бўлади.


Силуэт чизиклари – шаклнинг ташқи контурларини чегараловчи чизик.



а – конструктив; б – конструктив-декоратив; в, г – декоратив

Конструктивчизиқлар—кийимшаклини ҳосил қилишдагина қатнашадиган чизиқлар; елка чоклари, виточкалар, енг ўтқазиш чоклари.

Конструктив-декоратив чизиқлар ҳам шакл ҳосил қилувчи, ҳам декоратив вазибаларини бажарувчи чизиқлар: бўртмалар, кокеткаларни улаш чоклари, қирқмалар, майда тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, бурмалар.





Декоратив чизиқлар– декоратив вазифаларнигина бажарувчи чизиқлар: кўйма бурмалар, икки томонлама кўйма бурмалар, тасмалар, турлар, безак деталлар, фурнитура, кашталар, бантлар.

Силуэт «ясовчи» асосий декоратив ва конструктив чизиқларга виточкалар, бўртмалар, майда тахламалар, тахламалар, бурмалар, пардозловчи бахяқаторлар киради.

Виточкалар – шундай чизиқларки, улар ёрдамида гавдага ётувчи турли ҳажмлар ҳосил бўлади. Кўкрак, бел ва бўкса соҳасида энгларда виточкалар мавжуд.

Кўкрак соҳасида бўртма ҳосил қилиш учун кўкрак усти виточкалар айлана бўйлаб ўтказилиши мумкин – энг ўмизи, ён чекка, бел чизигига олд ўртасига, ёқа ўмизига. Бел ва бўксада виточкалар зарур жойда бўртишлар ҳосил қилишда ёрдам бериб силжитилиши мумкин. Аёллар костюмида виточкалар у ёки бу ётувчи шаклни яратишда муҳим рол ўйнайди.

Бўртмалар, бўртма чизиқлар – виточкалар каби костюмнинг асосий, белда ётувчи ва бошқа шакллари шакллантиради. Улар ҳам конструктив ҳам декоратив (безаш) аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Бўртмалар бейкалар, жияклар, тасмалар ва ҳоказо билан ажратилиб кўрсатилиши мумкин.

Майда тахламалар газламада 2-4 мм вертикал ёки горизонтал букиб тикилади, конструктив (амалий) рол бажаради, костюм ташкил этилишида виточкалар ўрнини босади ва қизиқарли ритм ҳосил қилади.

Тахламалар – турлича бўлиши мумкин – йирик, майда, кўкрак қисми, юбкалар, энглар, ёқа ва чўнтакларнинг ритмик қизиқарли шаклини яратиш учун қўлланилади.

Бурмалар турли функцияларни бажаради – конструктив ва декоратив, турли катталиқда ҳажмлар яратишда ёрдам бериб, шаклни хилма-хиллаштиради.

Пардозловчи бахяқаторлар асосан декоратив аҳамиятга эга, бироқ баъзан бундай бахяқатор билан чоклар мустаҳкамланади (енг ўмизи, молниялар қўйма қисми, спорт кийимида бўртмаларни мустаҳкамлаш, улар бейкалар, жияклар, рангли иплар билан ажратиб кўрсатилиши мумкин. Костюмда муҳим детал – декоратив пардозлашдир. У аппликация, кашта, имкони бор бўлган рангли бахяқаторлар, бейкалар, жияклар, тасмалар ва ҳоказо лан бажарилади.



Назорат саволлари:

1. Силуэт нима?
2. Силуэт чизиқлари қанақа бўлади?
3. Декоратив чизиқ нима?

Таянч иборалар:

Тахлама, драпировка, декор, конструктив, силэт, шакл

МАЪРУЗА № 4

МАВЗУ: КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУН –ҚОИДАЛАРИ. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУНЛАРИ.

Режа:

1. Композицион қоидалар
2. Миқдор қонуни.
3. Сифат қонуни.
4. Марказда бўлиш қонуни.
5. Маъно омили қонуни.

Композицион марказ қандай қурилади? Инсон кўзи фақат муайян радиусда кўради. Расмни кўзнинг анатомик тузилишига мос қуриш лозим. Ахир у ўша аппаратнинг ёрдамида кўриб чиқилади, шу сабабли унинг композициясининг тузилиши, албатта, шу қонунларга бўйсунishi керак. Агар композициянинг марказий жойини жудаям четга сурсангиз, унда расмда ғоявий маъно аҳамиятини камайтирувчи оқланмаган бўш фазо ҳосил бўлиши мумкин.

Композицион қоидалар

Икки ўлчамли ва уч ўлчамли тасвирнинг яссалишини ташкил этувчи асосий қоидалар ёки доимий қонуниятларга киради:

1. Пропорциялар, қисмлар ва бутун организм уйғунлиги қонунини ўргатувчи табиий шакллар кўплиги, одам гавдаси тузилиши пластикасидан келиб чиқувчи симметрия қоидалари;
2. Мувозанат қоидалари – турли массали тасвир қарама-қарши томонларининг кўшилиши;
3. Композициянинг пластик ечимида статика ва динамика (тинчлик ва ҳаракат) қоидалари;
4. Ритм қоидалари – катта ва кичик шакллар, ҳаракат ва тинчлик, контраст ва пасайтирилган, ёруғлик ва соянинг тўғри навбатлашуви;
5. Турли композицион ечимларга қўлланувчи истиқбол қоидалари – иллюзор истиқбол, тўғрибурчакли (ортогонал), ҳаво;
6. Олтин кесилиш ва ордер архитектурада қисмга ажратиш қонунияти сифатида;
7. Масштаб натурал катталиқка нисбатан кичрайтириш ёки катталашт
8. Ансамблда услубий бирлик – бир неча санъат турларининг кўшилиши ириш йўли сифатида;

Композициянинг энг асосий қонуниятлари деб яхлитликни ҳисоблаш керак. Сюжет жиҳатдан композиция қанчалик мураккаб бўлмасин, унда қанча фигуралар бўлмасин, улар масштаби қандай бўлмасин, картина ўзида алоҳида тасвирий дунёни акс этарканми. Бу дунё қанчалик яхлитроқ, монолитроқ бўлса, шунчалик унинг маъновий ва пластик ечимини томошабин яққолроқ қабул қилади.

Композицион марказ

Расмнинг тузилишида асарни ҳосил қилувчи барча элементлари композиция тасвирий тузилиши расм ғоявий мазмунига зид бўлмаслиги, у маъно жиҳати ва ифодалилиги бўйича қолишмаслиги, тасвирий марказ руҳий марказ билан мос келиши учун асосий композицион ғояга бўйсунishi керак. Композицияни шундай ҳал этиш мумкинки, у яхши тузилган бўлади: одамлар ҳаракатларига мос ҳолатда олинган бўлади, улар бир-бири билан боғлиқ бўлади, бироқ тасвирий тузилиш унинг мазмуни, ғоясига ҳамоҳанг бўлмаслиги мумкин. Бу ҳол расмнинг томошабинни жалб этувчи энг чиройли қисми томошаби эътиборини энг кам тортиш керак бўлган жойда жойлаштирганда юз бериши мумкин. Қандайдир ёруғлик таъсири ёки жуда чиройли доғ, рассомчиликнинг энг ифодали техникаси негадир, қайси бир тасодиф туфайли, ўйланмаганлиги сабабли ғоявий марказдан бирдан четга чиққан – ва, шундай қилиб, композиция икки жуда муҳим таркибий қисмлари мазмун ва шакл ўртасида узилиш ҳосил бўлди. Худди шунинг ўзи расмда ҳам бўлиши мумкин.

Костюмда композицион марказ бўлиб, сумка ёки пойафзал ҳам бўлиши мумкин. Бунда эркаклар костюмида шим остки киркими ва туфли ўртасидаги, аёллар костюмида елка ёки белда турадиган кийим ва этик устки киркими ўртасидаги нисбатлар каби композиция майдонларининг бутун ечимини айтиб утиш жоиздир. Эркаклар костюмида шимларнинг пойафзал устига тушириб кийиш урф бўлиши – уларнинг пойафзал билан аниқ ўзаро композицион алоқаси юзага келтирди.

Композицион марказ гавданнинг исталган қисмида бўлиши мумкин. Масалан, у юзга якин жойда, белда, куракда, буксада, оёк яқинида, олдинда ёки орқада жойлашган бўлади. Шакл элементларининг ўзаро тенгсизликни белгилайдиган композицион марказнинг бошқақисмлардан устунлигини таъкидлаб берадиган хусусиятларнинг қонуниятлари асосида композицион марказни бурттириб курсатишга эришилади. Куйида шу қонуниятларни куриб чиқамиз.

Миқдор қонуни. Бир турли безакнинг катта-кичиклиги, ҳажми, массаси ёки миқдори каттароқ бўлган бошқа қисмларидан устунроқ келиб туради.

Сифат қонуни. Хусусияти ёки бир гуруҳ хусусиятлари жиҳатидан кўпроқ бўлган қисм устун бўлиб туради. Расмий характерда бўлган ҳар қандай турли безакларнинг ҳар хил фаоллигидан ва сифатидан фойдаланиш асосий қисми бир бутундан ажратиб кўрсатиш приёмларидан бири бўлади.

Маъно омили қонуни. Бир бутуннинг маъноси бор безакли қисми расмий характердаги безакли қисмлардан устун туради.

Марказда бўлиш қонуни. Бўрттириб кўрсатиладиган қисмнинг нисбатан марказий жойда бўлиши бошқа ҳамма жиҳатлари тенг бўлган ҳолда шу қисми асосий композицион марказ қилиб кўрсатади

Бироқ умумлаштиришни аниқ хусусиятлар – ранг, материал, безаклардан узоқлашиб, шаклни геометрлаштириб давом эттириш ҳам мумкин. Умумлаштиришнинг бу даражасида шакл фазовий тузилишни ҳосил қилинади, унда унинг алоҳида ҳажмлари ўзаро боғлиқлиги аниқ ўқилади.

Костюм кишининг имкониятлари ёки характерли хусусиятлари туфайли «яшайди»; у ёки бу усулда туриш (унинг қомати) ва костюмда ҳаракатланиш (ҳаракатланишда фазода унинг кўпқатламлиги намоён бўлади – юбкалар ва энглар, шарфлар ва рўмол учлари ҳилпирайди ва ҳоказо), имо-ишоралар усули билан (пластик ишора энглар ва умуман костюм алоҳида қисмлари пластиклигини қайд этиши ёки, аксинча, ўша пластик ишора костюм геометрик контраст шаклларда тузилган бўлса, унинг характерига қарши бўлиши мумкин).

Шундай қилиб, костюм кишидан ажралмас ва уни структура даражасида қараб чиқишда (унинг принципиал тузилганлиги даражасида), биз у кийдирилган кишини ҳам кўзда тутамиз.

Костюм тузилиши киши умуртқаси соҳасидан ўтувчи ўққа эгадек. Умуртқа эгилувчанлиги характери қоматни аниқлайди. Қоматига кўра муайян киши турлари маълум: меъёрий тузилишли, қомати букчайган ва эгилувчан. Бироқ, «модали қомат» ҳам мавжуд бўлиб, у «костюм қандай кўриниши» нинг асосий шартидир (модерн усулидаги аёллар фигурасининг мода қомати характерли).

Умумий тузилишга эга костюм шакллари доимий элементлар умумийлиги билан бирлашади, мобил элементлар турли-туманлиги эса уларга индивидуаллик бағишлайди, уларнинг равшанлигини аниқлайди.

Барқарор элементлар ўзаро бирлашиб катталик бўйича муайянга киради, тузилиш ўқиға нисбатан жойлашиб симметриянинг муайян турини ҳосил қилади.

Буюмнинг **ҳажмдорлик даражасини** танлаш костюмнинг кўриниш ва қандаймақсадга мўлжалланганлиги билан белгиланади. Чизикли характердаги

шакл башанг кийимлар учун тавсия этилса, текислик характеридаги хар қандай ишга мўлжалланган костюм учун ва ҳамма турдаги гавдалар учун, ҳажм характеридаги шакл эса асосан буйчан, озгин гавдаларга мўлжалланган башанг кийим учун тавсия этилади.. Костюм шаклини уч ўлчамга эга ҳажмий-фазовий объект сифатида қараш керак. Костюм шакли унинг силуэтини тавсифлайди.

Назорат саволлари:

- 1.Миқдор қонуни нима?
- 2.Сифат қонуни нима?
3. Композиция маркази нима?

Таянч иборалар: миқдор, сифат, марказ, мувозанат

МАЪРУЗА № 5

МАВЗУ: КОМПОЗИЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

- 1.Симметрия ва ассиметрия.
- 2.Статиклик ва динамиклик

Симметрия деганда шакл тузилишининг ташкил этилиш принципи тушунилади. Симметрия масалалари олим А.В. Шубинков томонидан кристаллографияда тўлароқ ўрганилган. Симметриянинг бир турдаги намоён бўлиши гуруҳларга бирлаштирилган.

Костюм шаклини тавсифлаш учун қуйидаги гуруҳлар қабул қилинган: классик, ўхшашликлар, афинали ва эгри чизиқли.

Классик симметрияда бир шаклнинг барча нуқталари симметрия ўқиға нисбатан бошқа шакл нуқталарига мос келади, бунда шаклнинг метрик хусусиятлари (бўлаклар узунлиги, улар орасидаги бурчаклар) ўзгармас бўлиб қолади.

Классик симметрия уч турда намоён бўлади: ойнали, ёки ўқли (2.20-расм, а), шунингдек бурилишли (2.20-расм, б) ва тенгликларда мос келувчи (2.20-расм, в).



2.20-расм. Костюмда классик симметриянинг намоён бўлиши:
 а – ойнали симметрия; б – бурилишли тенглик; в – мос келувчи тенглик

Ўхшашлик симметриясида, нафақат ҳақиқатан тенг шакллар, балки кўпроқ ёки камроқ масштабдаги ўша конфигурация шакллари ҳам қараб чиқилади.

Ўхшашлик симметрияси икки турда намоён бўлади: параллел ва спирал ҳаракатда.

Параллел ҳаракат ўхшашлик симметрияси шакл ўхшаш ҳамма қисмларини параллел ҳолатга масштабни ошириш ёки камайтириш билан ўтказишдан иборат (2.21-расм, а). Ушбу принцип асосида бири иккинчисига йиғилувчи матрешкалар қилинган.

Спирал ҳаракат ўхшашлик симметрияси шаклларнинг бурилиш ўқиға нисбатан маълум бурчакка изчил бурилишини айна пайтда масштабни ошириш ёки камайтириш билан амалга оширишдан иборат (2.21-расм, б). Костюмда винтли симметрия кўйлак драпировкаси, пойабзал иплари, соч турмакланиш характерининг тақсимланишида намоён бўлади.



2.21-расм. Костюмда ўхшашлик симметриясининг намоён бўлиши:
 а – параллел ҳаракат симметрияси; б – спирал ҳаракат симметрияси


Афина симметриясида ўхшаш, бироқ бир турдаги деформацияларга учраган шакллар қараб чиқилади. Афина симметрияси уч турда намоён бўлади: чўзилиш, сиқилиш, силжиш.

Чўзилишда шакл берилган йўналишда катталашади. Мода ривожланиши жараёнида бу ўзгаришлар янги шакл юқоридан пастга қараб ўсиб бориб, ўзининг кейинги конструктив белбоғини аста-секин тўлдириб борганда, яъни узайиб борганда яққол кўринади (2.22-расм, а). Сиқилишда шакл берилган йўналишда кичраяди (сиқилиш-чўзилишга тескари жараён).

Мода ривожланишида шакл чўзилиши жараёни ҳажм катталашуви элементларининг тўпланиши ёрдамида катта бўлмаган ҳолдан ҳажмлига аста-секин ўтади, кейин эса шакл қисилиши жараёнига ўзгаради.

Силжиш деганда асос текислиги ўзгармас қолиб, вертикал ўқ қия ҳолат қабул қилган, атрофи эса эллипсларга айланувчи шакл ўзгариши тушунилади, яъни шакл ҳажми ўзгармас бўлиб қолиб, пластик ифодалигини ўзгаради.

Костюмда бу фигуранинг фазодаги ҳолатига, унинг мода қоматига тегишли (2.22-расм, б).



2.22-расм. Костюмда афина симметриясининг намоён бўлиши:

а – чўзилиш ва сиқилиш симметрияси; б – силжиш симметрияси

Шундай қилиб, симметрия афина гуруҳида классик ва ўхшашлик симметрияси гуруҳларидан фарқли у ёки бу мода тенденциясининг вақтда ривожланиши рўй берувчи ўхшаш костюмларнинг қаторини қараб чиқиш лозим бўлади.

Эгри чизикли симметрияда дастлабки вертикалдан сиқиш эгиш, «синдириш» ва эшиш жараёнлари орқали ҳосил қилинган шакллар кўриб чиқилади. Дастлабки вариант ўқи ва текислиги бундай ўзгариш натижасида эгри чизиклар ва юзаларга айланади. Шакллар сиқилишини бошланғич вариантнинг турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлган мажбурий деформацияси сифатида қараш мумкин. Костюм учун белнинг тортилиши характерлироқ. Бу айниқса XIX аср модаси учун характерли (2.23-расм).

Шакл эгилиши бир ёки бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Костюмда эгилишлар фигуранинг профил текисликда ҳаракатлари натижасида амалга оширилади – готика даври костюмига хос силуэт абрис, модерн услубига хос S-сифат силуэтлар. Ўқ эгилиши даражасига қараб кийим шакли силуэт пластикаси ҳам мос ўзгаради (2.23-расм, б).

Шакл «синиши» ушбу ёки бир неча йўналишда вертикал ўқ «синиши» шартида ҳосил бўлиши мумкин. Костюмда бу шаклнинг монолитлигини бузувчи айлана бурмалар, бурмалар билан ажратилиши каби ёки силуэт шаклнинг кескин ўзгариши каби намоён бўлади. Бундай симметрия XIX аср 40-50 йилларида костюми учун характерли (2.23-расм, в).

Шакл эшилиши шаклни деформацияловчи мувофиқ ҳаракатда ҳосил қилиниши мумкин. Костюмда бу модерн усулида яққол намоён бўлган (1906-1910 йиллар), бу фигуранинг бел соҳасида эгилиши айна пайтда кўкрак қафаси

ва бошни туширилган елка томон буриши билан эришилган. Бу таъсир шарфлар, палантинлар, шлейф ва ҳоказо жойлаштирилиши билан кучайтиради (2.23-расм, г).



2.23-расм. Костюмда эгри чизикли симметриянинг намоён бўлиши:
а – сиқий симметрияси; б – эгиш; в – «синий»; г – эшилиш симметрияси

Симметриянинг эгри чизикли гуруҳи ўз сунъийлиги (каркас конструкциялар, киши фигураси пропорцияларининг деформацияси), ҳолатни ифодалаш учун тинч воситалар етарли бўлмай қолган кучланиш билан маълум бўлган костюм ривожланиши даврларини тавсифлайди.

Шундай қилиб, костюм ривожланишида ўрнашиб қолган тинч даврлар учун яқка маҳсулотларни лойиҳалаштиришда классик ва ўхшашлик симметрия гуруҳлари хосроқ, афина симметрияси гуруҳи кийим шаклини олдиндан айтишда модали ассортиментни стратегик режалаштириш воситаси каби фойдаланилиши мумкин.

«Асимметрия» тушунчаси шакл элементларини фазовий ташкил этилишидаги мураккаб тобеликни, симметрия оддий турлари йўқлигини англатади. Хусусан, асимметрик композиция таққосланаётган катталиклар пропорцияларига риоя қилинишини талаб этади. Бундай композицияларни ташкил этиш ритмик ривожланишнинг йўналишлари ритм ўлчамлари алмашувига боғлиқ. Костюм киши фигураси билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда (умумий кўринишда симметрик, унинг асимметрик композицион ечими) алоҳида фаолликка эга бўлади.

Асимметриянинг яққол намоён бўлмаслиги унинг шаклнинг кичик миқдори ёки ҳатто бир хусусияти бўйича қўлланганлигини англатади. Бундай композициялар амалий симметрия ичида асимметрия намоён бўлишида ҳал этилади. Масалан, асимметрик рангли йўлли газламалардан бажарилган кўйлакнинг қатъий симметрик конструкцияси ўзи ҳақида ноодатий бир нарса каби фикр юритишга мажбур қилмайди, лекин асимметрик чўнтаклар ёки клапанлар жойлаштирилса, тўқ рангли сумка ва тикувчилик рўмолидан тўлдирувчи сифатида фойдаланиб, рўмолнинг узун учи елкага ташланиб турса, костюмнинг умумий тузилиши яққол асимметрик каби янграйди.


Асимметрия уйғунлиги аста-секин очилади. У яхши ривожланган интуиция ва композицион яхлитликни нозик ҳис этилишини талаб этади, ҳамда биргаликда композицион мувозанатга олиб келувчи қонуниятлар мураккаб нисбатига асосланади..

Симметрия ва асимметрия. Симметрия – композициянинг энг ёрқин ва кўзга ташланиб турадиган хусусиятларидан бири .«Симметрия... унинг ёрдамида инсон бир неча асрлардан бери тартибга, гўзалликка ва камолотга етишмоқчи ва буни яратмоқчи бўлиб келган ўшағоядир". Кийим композициясида симметрия масалалари муҳим рол ўйнайди. Бу икки жиҳатдан: материалдаги расм композициясида ва костюмнинг ўзини шакллантиришда ўз аксинитопади. Костюмларда кийимнинг алоҳидақисмлари, унинг деталлари,

ранги, безаги, фурнитураси ва шу кабиларни симметрик жойлаштирилиши мумкин.



Симметрик такорланишлар



Асимметрик композиция ҳам симметрик композиция сингари функционал вазифани ҳал этишнинг объектив натижаси бўлади. Лекин асимметрик шакл устида ишлаш мураккаброқ, композицион мувозанатни нозик ҳис этишни, бадиий бутунликни таъминлаш даражасида тараққий топган интуицияни талаб қилади.




Кийим ва пойабзалдаги симметрия ва асимметрия




Ўнг олд бўлакда асимметрик бурмали кўкрак қисми

Асимметриянинг кундалик костюм композициясида ёркин кўзга ташланадиган эмаслиги ундан шакл хусусиятларининг озгина қисмида фойдаланишни билдиради. Амалда бундай композициялар симметрия ичида асимметрияни кўрсатиш мақсадида ҳал этилади.



Симметрия ва ассиметрия



Шаклнинг катта-кичиклиги. Шаклнинг бу хусусиятига кийим шакли катта-кичиклиги билан одам гавдасининг нисбати тариқасида, шунингдек икки ёки уч шаклнинг уларни бир-бирига таққослаётгандаги нисбати тариқасида қаралади. Фақат кўриниши ўхшаш кийимларнигина ва уларнинг таркибий қисмларинигина катта-кичиклик жиҳатидан таққослаш мумкин.

Рассом шакл устида ишлаш жараёнида (унинг алоҳида қисмлари пропорционал нисбатлари, унинг элементларининг ритмик ташкил этилишини, шаклнинг пластик ишланишини излаш, рангдан фойдаланиш ва ҳоказо) муайян яхлитлик, шакл ифодалилика эришишга интилади.

Узоқ композицион изланиш натижасида биз муайян хусусиятли шакл ҳосил қиламиз, улардан асосийси қисмларнинг ўзаро бўйсунуши, статиклик ва динамиклик, композицион мувозанат, уйғун яхлитликдир.

Ўзаро бўйсунганлик

Шакл яхлитлиги унинг ҳамма қисмлари ва элементларининг ўзаро бўйсунуши натижасида юзага келади. Шакл алоҳида ҳажмларининг аниқ визуал муносабатлари (контраст ёки нюанс), материалларнинг турли фактура ва пластик хусусиятлари, ранг муносабатларини ўрнатиш, кейин пропорциялаш воситалари орқали таққосланувчи катталикларда уйғун муносабатларга эришиш бир томондан бу катталикларнинг ўзаро бўйсунушини олиб келади, бошқа томондан бу ишларнинг ҳаммаси маҳсулот вазифаси билан аниқланувчи асосий нарсани намоён қилиш вазифасига қаратилади. Шундай қилиб, шакл қисмлари ва элементларининг ўзаро бўйсунганлиги бутун бажарилган иш натижасида эришилган шакл хусусиятидир. Шакл яхлитлиги ва унинг элементларининг ўзаро бўйсунганлиги ўзаро сабаб ва оқибат каби боғланган

Масса – бу умуман кийим шаклини ёки ундаги алоҳида қисмларнинг кўринишидаги оғирлик миқдори. Шакл массасининг қуриб идрок этилишига қуйидагилар таъсир этади.

Шаклнинг катта-кичиклиги – каттароқ шаклнинг массаси каттароқ туюлади.

Ҳажмдорлик даражаси– ҳажм характеридаги шаклнинг массаси максимал, чизиқли характеридаги массаси эса минимал бўлиб кўринади.

Шаклнинг ўз чегараси доирасиди конструктив, конструктив-декоратив ва декоратив чизиқларига қанчалар тўлганлик даражаси – кийим шакли чизиқларга сийрак тўлган бўлса, массаси минимал, энг кўп тўлган бўлса массаси максимал бўлиб кўринади.

Статиклик ва динамиклик. Композициянинг ифодалилиги, унинг тушунишга қулайлиги шаклнинг бўйсунган қисмлардан боні композицион марказ томон ҳаракатда бўлиб қуриниши қай даражада ҳосил қилинганлигига


боглик. Нимаики бурттирилаётгани аниқ булиши учун, ҳаракатни костюмнинг қайси қисмига қаралса ҳам, динамика рақоснинг бурттириб қуйган қисмини қурсатадиган булиши қерак.

Статиклик - шакл турғунлигининг, тинчлик ҳолатининг бурттириб ифода этилганидир.

Гавдани қуриб идрок этиш костюмдаги динамикага қандай таъсир этилганига боғлик: агар ҳаракат юқорига томон йуналган булса, гавда узунроқдай, пастга томон йуналган булса, қалтароқдай қуринади.

Костюм шакли статиклиги – бу шаклнинг бутун тузилиши, геометрик асоснинг ўзида тинч, барқарорлик, ўзгармас ҳолатини ажратиб ифодаланиши. Квадрат, айланага яқин костюм шакли статикДинамиклик статикликка қарама-қарши ҳолат. У ҳаёт, ривожланишни ифодалайди. Динамик композиция негизида «олтин қесилиш» жонли пропорциялари ва унга яқин оддий ҳамда самарасиз нисбатлар ётади. Улар ритмик ўлчам, костюм шаклининг динамик қисмларга ажралаши, ранг ва материаллар фактурасининг нисбатларига бош бўлади. Шакл қисмлари ва элементларининг фазовий ташкил этилиши симметрия орқали амалга оширилади. Бу ерда контрастлар ва нюанслар ёнма-ён мавжуд бўлади.

Ҳар қандай ривожланиш фаол ҳаракат ва нисбий тинчлик ҳолатлари билан тавсифланади. Композиция ҳам муаллиф ғоявий йўналганлигидан энг умумий қонуниятларни ақс этувчи тизим сифатида ўз воситалари билан у ёки бу ҳаёт намоёнлигини таъқидлайди. Кишининг бу ички фаоллиги костюм композицион ечимида ўз ақсини топади. Костюмнинг шакл барча хусусиятлари бўйича абсолют статиклиги ғайрибаътий ҳолат.



1.13-расм. Пластика (а), динамика (б) ва статика (в) билан ифодаланган костюмдаги ҳаракат

Костюм композициясининг уйғун бир бутунлик сифатида шаклнинг яхлитлиги, симметрик ва асимметрик, статиклик ва динамиклик каби бир қатор хусусиятлари бор.

Таянч иборалари :Кийим, газлама, нотукима материаллар, декоративлиги, физик-механик хусусиятлари, гигиеник хусусиятлар, конструкция, драпировка, фактура, модель, композиция, симметрик ва ассиметрик, статиклик ва динамиклик.

Назорат саволлари:

1. Канака чизиклар конструктив чизиклар деб аталади?
2. Газламанинг пластик тузилиши нимага боғлиқ?
3. Газламада канака расмлар булиши мумкин?
4. Газламанинг фактураси?

МАЪРУЗА-6

МАВЗУ:КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ. КОСТЮМДАГИ МЕТРИК ВА РИТМИК КОМПОЗИЦИЯСИДАГИ РАНГНИНГ РОЛИ.

Режа:

- 1.Пропорциялар ва нисбатлар.
- 2.Костюмдаги ритмик ва метрик такрорланишлар.
- 3.Костюмда масштаб ва масштаблилиқ.
- 4.Композицияда рангнинг роли.

Композиция воситалари орасида пропорцияларни, ўлчам нисбатларини биринчи ўринга қўйиш керак – бутун композицияни қуришнинг асоси мана шу. Кийим деталлари ўзича қанчалик яхши бўлмасин, лекин бутун ҳажмий-фазовий структурани аниқ пропорционал тизим бирлаштириб турмаса, шаклнинг бир бутун бўлиб чиқиши қийин.

Пропорциялар– бу кийим алоҳидақисмлардаги мосўлчамларининг бири-бирига ҳамда одам гавдасидаги мосўлчамларига бўлган нисбатидир

Икки бир турдаги катталикларни таққослаш натижаси нисбатдир. Икки таққосланувчи катталиклар нисбатини ижобий қабул қилиниши уларнинг мосланганлиги, ўлчамлар тўғри келишини кўрсатади.

Мосликнинг энг оддий тури бир хиллик, яъни тўлиқ ўхшашлик (тенглик, чизиклар, юзалар, масса, фактуралар, ранг такрорланиши). Бир хил


нисбатлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим, чунки алоҳида элементларнинг кўп маротаба такрорланиши тез чарчатади, қабул қилинишини сусайтиради.

Чизиқлар, юзалар, массалар, фактуралар, рангдаги кичик фарқлар нюанс нисбатларни намоён қилади. Фарқлар қанча кўп бўлса, бу нисбат киши қабул қилишига шунчалик фаолроқ, динамикроқ таъсир этади.

Чизиқлар, юзалар, массалар, фактуралар, рангда яққол ифодаланган фарқлар контраст нисбат деб аталади. Контраст нисбатлардан фойдаланиш чегараси бутун шаклни ҳали фарқлар билан бузилмаган яхлитлик каби қабул қилиниши бўлади.

Контраст нисбатларнинг ўткир ифодалилиги таққосланувчи қисмларнинг қатъий тўғриланиши, маълум қонуниятларнинг ҳисобга олинишини талаб этади. Ноанс нисбатлар ифодасизлик, сустликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўпинча контраст ва нюанс нисбатлар қўшилишидан фойдаланилади, яъни шаклнинг бир хусусиятлари ўзининг контраст нисбатлари билан таққосланади, бошқалари бу бошланишни ривожлантиради, бироқ ифодалиликнинг бу даражасида эмас, кейингилари эса биринчиларига ўз барқарорлиги билан бўйсунди ва, ниҳоят, ушбу костюмда бўйсунган рол ўйнайдиган нюанс нисбатлар фон бўлиб янграйди. Шундай қилиб, шакл турли хусусиятлари оҳанглиридаги полифоник хушбичимлилик уларнинг уйғунлиги билан эришилади. Бунда асосий восита қисмлар нисбатини аниқлаш бўлади.


Костюмни ташкил этишда содда арифметик ва мураккаб геометрик пропорциялардан фойдаланилади. Арифметик пропорциялар (2.16-расм) бутун сонлар нисбатида тузилади (бир катталиқнинг модуллиги – такрорланишига асосланган).



2.16-расм. Арифметик пропорциялар асосида олинган костюмнинг пропорционал қисмлари

Геометрик пропорциялар геометрик фигуралардан ҳосил қилинади. Маълум элементларнинг нисбати уларда самарасиз муносабатлар билан – каср сонлар нисбати билан ифодаланади. «Олтин кесилиш» пропорциялари соддалик учун бутун сонлар қатори билан ифодаланувчи сонлар математик қаторини ҳосил қилиши мумкин. Бу қатор сонлари – 3, 5, 8, 13, 21, 34, 56 – икки олдинги сон йиғиндиси каби ҳосил бўлади, ҳар бир жуфтлик нисбати эса 3-5, 5-8, 8-13, 13-21 ва ҳоказо – «олтин кесилиш» нисбатига яқин.


Костюмда шакл барча хусусиятлари бўйича пропорционаллаштирилади, яъни нафақат детал ўлчамлари нисбати, балки фактура юзалари, ранг, декоратив ва безак элементлари нисбати ҳам аниқланади (2.17-расм).



2.17-расм. Геометрик пропорциялар асосида ҳосил қилинган шаклнинг қисмга ажратилиши

У ёки бу пропорционал нисбатларнинг танланиши маҳсулот жавоб бериши керак бўлган функционал ва эстетик талаблар билан шартланиши керак. Шунинг учун ҳамма ҳолларда бир хилда яхши пропорция бўлиши мумкин эмас.

Пропорционал нисбатлардан фойдаланиш яхлит шакл олиш учун фаол воситадир, чунки маҳсулотнинг алоҳида чизиқли ва ҳажмли қисмларининг қатъий ўлчамлар мослигини яратади.



Расм 6. Сумка (а) ва пойабзаллар (б) композициясидаги пропорция



Костюм композициясида икки хил асосий **нисбат** бўлиб, уларнинг оддий нисбатлар ва ирриционал нисбат деб аталади.

Ирриционал нисбатлар – бу кўпинча геометрик тузилма ёрдамида олинадиган каср сонлар нисбати.

Костюмда шаклнинг ҳамма хусусият жиҳатларини пропорциялаб олинади, яъни деталларнинг ўлчамлари пропорциясинигина эмас, балки ифодали фактура сатҳининг, гул, декоратив элементлар, шакл алоҳидақисмлар сатҳининг пропорциялари ҳам топиб олинади.

Костюмнинг исталган шакллари, масалан, кўкрак қисми ва юбка, гавда ўлчамлари устки қисми (торс билан) ва пастки қисми – оёқ узунлиги билан мослаштирилади. Юбка ҳажми бел ва бўкса ҳажмига, энглар ҳажми қўлга, ёқа ўлчами бўйин ўлчамларига ва хоказо мос келади. Шунинг учун костюмдаги пропорциялар, пропорционал қисмлар ҳақида гапирганда, одам гавдаси уйғунлигини кўзда тутиш лозим. Одам гавдаси қисмлари ўлчамларининг мослиги костюм пропорционал қисмлари негизидир. Шунинг учун тўлиқ фигуралар учун моделлар, ўсмирлар учун моделлар мавжуд бўлиб, улар манекенчи стандарт фигурасига тайёрланган моделлардан ҳажмлари билан фарқ қилади.

Шундай қилиб, костюм пропорциялари деб одам гавдаси пропорцияларига қараб костюм қисмларининг ўзаро ўлчамлари мослик муносабатларини аташ мумкин.



Фигуранинг

конструктив нуқталари.

Умумий кўринишда ритм тушунчаси – бу элементнинг вақтда ёки фазода муайян такрорланишидир.

Ритмнинг энг оддий намоён бўлиши – бу бир элементнинг бир хил тенг ораликда (вақт ёки фазо) такрорланиши, бундай ритм метрик деб

аталади.Элемент ўзининг ёки элементлар ўртасидаги ораликнинг ўсиши пропорционал изчил ритмни тавсифлайди.**Ритмик** тузилишлар асосида пропорционал нисбатлар ётади. Оддий метрик қатор бир катталиқнинг бир хил такрорланишига асосланган. Шунинг учун унинг қўлланиши ўлчовни алоҳида ҳис этилишини талаб этади, чунки ортиқчалиги биртурлилик, монотонлик ҳисини уйғотади. Мураккаб метрик қатор ўзининг тенг ораликдан кейин такрорланувчи бир неча катталик асосида тузилиши мумкин. (Бу принцип асосида йўл-йўл газламалар учун композициянинг кўп қисми тузилади).

Ритмик (пропорционал ўсувчи ёки камаювчи) қатор олдинги элементнинг кейингиси билан пропорционал нисбатига асосланган. Бунда геометрик тузилиш билан ҳосил қилинувчи, самарасиз нисбатлардан фойдаланилади.

Оддий метрик қатор статиклик билан тавсифланади. Ритмик қатор катта ёки кичик тезланиш билан ривожланади ва динамиклик билан тавсифланади (унинг пропорционал асосига қараб).

Костюм элементлари (вертикал, горизонтал, спирал, нурли, радиал, бир йўналтирилишли ва қарама-қарши йўналишли) мураккаб йўналишларда метроритмик ташкил этилиши мумкин (2.18-расм).

Шаклнинг барча хусусиятлари, унинг қисмлари ва деталлари ритмик ёки метрик ташкил этилишга бўйсунди. Костюмда унинг ритмик ташкил этилишида фақат бир ўлчамдан фойдаланиш жуда кам учрайдиган ҳодиса. Кўпинча турли ўлчамларнинг метроритмик қўшилишини кўриш мумкин. Бу ўлчамларнинг мослиги уларнинг пропорционал боғлиқлигига асосланиши мумкин. Масалан, метрик қаторнинг бир ўлчами фурнитурани (тугмалар жойлаштирилиши), бошқаси – газлама йўллари кенглигини, учинчиси – бу йўлларнинг ёруғлик муносабатларини, метрик қаторнинг кейинга ўлчами кўйлак бурмаларини ташкил этиб, унинг силуэтига муҳим таъсир этади, яъни деталлар элементлар каби шакл силуэти ҳам ритмиклаштиришга учрайди.

Шундай қилиб, костюмда ритмнинг намоён бўлиши турли-туман (2.19-расм). Шакл турли элементлари ва хусусиятларининг ритмий ташкил этилиши яхлит шакл олинишида кучли воситадир, шунинг учун у ҳам пропорционаллаштириш каби костюм тузилиши қонуниятларига киритилади.



2.18-расм. Костюм элементлари ритмик ривожланиш йўналганлиги:
 а – спирал; б – нурли; в – радиал; г – параллел-қарама-қарши; д – параллел-бир
 йўналтирилган; е – мураккаб



2.19-расм. Костюмда ритмнинг турлича намоён бўлиши:

а – шакл алоҳида ҳажмларининг ташкил этилиши; б – конструктив ва декоратив йўлларнинг ташкил этилиши; в – ёруғлик муносабатларининг ташкил этилиши; г – фактура муносабатларининг ташкил этилиши; д – деталлар жойлашуви ва ўлчамлари; е – шаклнинг ритмик қисмларга ажратилиши

Масштаб ва масштабlilik. Кийимда пропорция гармониянинг яна бир муҳим воситаси – масштабlilik билан ажралмасликда бўлади.

Масштабlilik – шаклнинг ва ундаги элементларнинг одамга нисбатан, теварак-атроф фазога ва бошқа шаклларга нисбатан мослигида.

Кийимнинг масштабlilik унинг абсолют катта-кичиклигига эмас, балки унинг одамга мойиллигига қараб белгиланади. Костюм ва уни ташкил этган ҳамма элементлар одамнинг ўлчамларига – унинг бўйига, гавда тузилишига ҳаммавақт бирон нисбатда, яъни мосбўлади.

Контраст, нюанс, ўхшашлик. Шакл элементлари ўхшашлик тамойилига контрастлик тамойилига биноан бирлашган бўлиши, яъни ҳаммақисмлар такрорланишга асосланган ёки шакл, ранг, ҳажмлилик даражаси, фактурадаги чизиқлар жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршиқўйилган бўлиши мумкин.

Контраст композициясидаги турли йўналишларнинг кураши, бир-бирига қарама-қаршилиги бўлиб, бу рассомларнинг ҳаммавақт энг кенг фойдаланиб келган воситалардан бири бўлиб келган.

Контрастга асосланиб тузилган композициянинг моҳияти унинг кўриниши таъсири фаоллигида. Нюанс нисбатларидан контраст нисбатларининг фарқи шундаки, булар дарҳол кўзга ташлана қолади. Зерикарли геометрик шаклнинг ифодалилигини ундаги ички чизиқларнинг, рангнинг, фактуранинг бир-бирига таъсири контрастлигидан фойдаланиб оширса бўлади. Ўхшашлик тамойили – бу асос қилиб олинган элементларнинг костюм композициясида тараққий топиб, турли вариантларда ривожлана бориши.

Нюанслар композиция воситаси тариқасида пропорцияларда, маромда, гул ва тус нисбатларда, декорда, пластинкада, лекало қўйиб чизиладиган мураккаб эгри чизиқлар ёрдамида шакллар тузишда кўринади.

Костюм композициясини нюансли ҳал этилиши ҳамма ёшдагиларга, ҳамма тур қоматларига ва ҳарқандай ишга мўлжалланганда ҳамтўғри келаверади.

Ритм тушунчаси умумий кўринишда – бу шакл элементларининг навбатма-навбат қонуний алмашланиб туриши. Ритм ҳосил қиладиган боғланиш кучи анчагина бўлиб, у костюмнинг ҳаммақисмларига таъсир этиб туради. Ритм ҳарқандай асарга муסיқийлик бахш этади, уни ҳаракатга солади.

Шакл элементларининг ва улар ўртасидаги интервалнинг такрорийлиги ритмнинг характерли аломати ҳисобланади. Акцентли элементлар фаол элементлар дейилади, акцентсизлари эса пассив элементлар деб юритилади. Фаол элементлар ўртасидаги оралиқ динамик одим дейилади. Элементлар ҳаракатининг орта бориш тезлиги суръат дейилади.

Икки ёки ундан ортиқ оддий метрик қаторларнинг бирга қўшилганидан

иборат қатор мураккаб метрик қатор деб аталади.


Шаклларнинг ва улар ўртасидаги интервалларнинг бири-кетин қонуний ўзгарабориши шаклларнинг **жойланишининг ритмик тартиби** дейилади.

Композицияда рангнинг роли

Предметнинг энг муҳимахборот сифатларидан бири ранг ҳисобланади. Амалий санъат предметларига рангнинг вазифаси турлича. Булар психологик, ижтимоий, эстетик вазифалардир (расм 7).

Урушлар, эпидемия, очарчилик одми кийимлар тарқалишига сабаб бўлса, улардан кейин ёрқин рангли кийиниш анъана тусига кирар эди.

Ранг ҳаммавақтларда жинс-ёш фарқини билдирадиган восита бўлган. Болалар кийими нозикроқ тусли бўлади, ўсмирлар контраст рангларни маъқулроқ кўради, катта ёшлиларга чуқурроқ ранг туслари ёқади. Аёлларнинг кийими эркаклар кийимидан кўра ёрқинроқ ва кўп ранглироқ бўлади.



Расм 7. Асосий ранглар халқа схемаси

Хроматик рангларнинг хусусиятлари қуйидагилар:

- **Ранг туси**– рангнинг шартли белгиси (кизил, кўк, тўқ сарик, хаво ранг) рангнинг номи шартли ёки биронта предмет, ўсимлик номига яқинлаштириб айтилади;

- **ранг тўқлиги** – ранг кучининг ва хроматик рангга ахроматик ранг аралашгани билан характерланадиган ранг тусиқанчалик софлигининг кўрсаткичи;

• **оқишлик** – хроматик рангнинг оқ рангга яқинлик даражаси. Рангларнинг гавдани ўзгартириб кўрсатиш хусусияти ҳам бор.

Гавдани илиқ ранглар яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади, совуқ ранглар узоқлаштириб ва кичрайтириб кўрсатади.

Хроматик рангларнинг икки рангли монандлиги қуйидаги тамойилларда юзага келади:

• **ўхшаш ранглар**– бир хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг бир чорагидаги рангларнинг бирга қўшилгани;

• **контраст ранглар** – ҳар хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг қарама-қарши турган чораклардаги рангларнинг кўкиш яшилнинг ва бирига қўшилгани (расм 7).

Хроматик ва ахроматик рангларнинг бирга қўшилгани кийим композициясида жуда ифодали бўлиб чиқади. Оқ ранг соф хроматик ранг тусининг кучи ва жарангдорлиги юзага келадида, байрамона манзаралилик ҳиси туғилади; оқ ранг билан майин ранглар узвий ва осонгина қўшилиб, софлик ва башанглик ҳисини юзага келтиради

Қора ранг билан соф хроматик ранг бирга қўшилиб, кўзга ташланиб турадиган ва кескин кўринадиган ранглар ҳосил қилади. Қора ранг туснинг ёрқинлигини ва софлигини бир қадар камайтириш хусусиятига эга. Атрофдаги ранглар таъсирида ранг оқишлигининг ўзгариши оқишлилик контрасти дейилади.

Рангни идрок этиш сунъий ёритиш, материалнинг фактураси ва зичлиги қандайлигига қараб ўзгаради.

Аёллар костюмида рангга алоҳида рол ажратилади, чунки унинг шакли 17 ёки 18 асрларда аёллар костюмида кўриш мумкин бўлган мураккаб конфигурацияларга эга эмас. Бундан ташқари костюмни индустриал услубларда тайёрлаш шаклан ажойиб, бироқ турли газламалар ёки имкони бор тўлдиришлар билан костюмлар сериясини бажаришга имкон берди. 20 аср ранг нафақат композиция воситаларининг бири ролига эга бўлади, қатор ҳолларда асосий аҳамият касб этади. Бундан физика, кимё, психология олимлари рассомчилик фаолияти турли соҳаларида, айниқса муҳит дизайнида ранг масалаларини ўрганишга кўп асарларини бағишлашларини тушуниш мумкин.

Бироқ айтиш лозимки, костюм ва тўқимачилик соҳасида амалиётда фойдаланиш учун жиддий асос бўла оладиган ишланмалар жуда оз. Теофил Готе рассом ишламоқчи бўлган санъат алифбосини билиши керак деб ҳақ гапни айтган.

Ранг предмет муҳим ахборот хусусиятларидан бири. Бошқа белгилардан кўра кўпроқ ранг кишига эмоционал таъсир этади: костюмда бу айниқса аҳамиятга эга, чунки моделлар турли-туманлигига турли газламалар ва

уларнинг ранг уйғунликларидан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Ранг орқали биз материал ҳақида маълумот оламиз: ранг «оғирлиги» ёки «енгиллиги» модел ёки предмет образи тўғрисида биринчи тасаввурлар беради. Объектнинг энг фаол белгиларидан бири бўлган ранг предметнинг умумий муҳитдан ажралиб туришига ёрдам беради, уни бошқа предметлардан ажратиб туради. Ранг туфайли биз предметни дастлаб ҳис этамиз ва қабул қиламиз, унинг мазмуни билан танишамиз.

Турли рангдаги атрофимиздаги предметларни кузатиб, қуйидагига эътиборни қаратиш мумкин: оқ предметлар сояда яхши ёритилган оқ предметларга нисбатан кул ранг кўринади. Қизил, яшил, кўк, бинафша ранг предметлар сояда ҳам фақатгина тўқроқ бўлиб қолади, кул ранглар эса оқлардан сал баландроқ бўлгани билан фарқ қилади. Қизил, яшил, кўк, бинафша ранглар эса оқлардан ҳам, бир-биридан ҳам бири қизил, бошқаси яшил, учинчилари кўк ва ҳоказолиги билан фарқ қилади.

Физикадан маълумки, спектрда (камалакда) оқ ва кул ранглар йўқ. Оқ-кул ранглар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Уларга яна спектрда бўлмаган, кул рангдан фақатгина яна ҳам тўқлиги билан фарқ қилувчи қора рангни ҳам қўшиш керак.

Оқ ранглар кўп. Оддий ёзув қоғози, бўр, қор, гипс, белила (оқ бўёқ) оқ рангда. Кул ранглар ҳам кўп. Улар ўртасида қорага ўхшаб кетувчилари ҳам кўп учрайди. Қора ранглар ҳам кўп: қора бахмал қора мовутдан тўқроқ, қора мовут қора сурат қоғозидан тўқроқ ва ҳоказо.

Ранг тўғрисидаги фанда оқ, кул ва қора рангларни ахроматик деб аташ қабул қилинган (грекчадан – рангсиз деб таржима қилинади, хромос – ранг дегани), қолган ҳамма ранглар – хроматик (рангли дегани).

Ахроматик деб фақат соф оқ, соф кул ва соф қора ранглар аталади. Салгина сезилувчи қизилча, яшил, кўкимтир ёки бошқа бирон тус қўшилган ранг ***хроматик*** бўлади.

Ахроматик ранглар бир-биридан фақат ёруғлиги билан фарқ қилади, яъни бири очикроқ, бошқаси тўқроқлиги билан.

Хроматик ранглар ахроматиклар каби бир-биридан очиклиги билан фарқ қилади. Масалан, кўк ултрамарин қизил киноваридан тўқроқ, қизил киновар краплакдан очикроқ. Бундан ташқари, хроматик ранглар бир-биридан улардан бири қизил, бошқаси сариқ ёки кўк ва ҳоказолиги билан фарқ қилади. Рангни қизил, яшил ёки кўк ва ҳоказо деб аташ билан кўзда тутилувчи ранг белгиси рангшуносликда ранг туси атамаси билан ифодаланади.

Демак, хроматик ранглар бир-биридан нафақат очиклиги, балки ранг туси билан ҳам фарқ қилади.

Ранг тусларининг табиий шкаласи спектрдир. Спектрга қарашда, унинг

бир томонида бинафша рангларни, яъни кўкдан қизилга ўтувчиларни, бошқа томонидан бинафша тусга яқин қизилларни кўрамиз. Бу спектр ранглари ўртасида тўқ қизил ранглар жойлашади. Тўқ қизил рангларни спектрал рангларга кўшиб, спектрни ҳалқага – рангли айланага ўраш мумкин, яъни бу рангларни айлана бўйлаб жойлаштириш мумкин. Рангли айланада тўрт ранг: қизил, сарик, яшил, кўк ранглар ажралиб туради (2.27-расм). Қолган ҳамма рангларда бу ранглар бирининг борлигини кўриш мумкин. Бу тўрт ранг асосий ранглар деб аталади. Рангли айланани ранглар туси бўйича гуруҳланувчи иккига ажратсак, яъни бир қисмида қизил, тўқ сарик, сарик, сарғиш-яшил ранглар, бошқасида – мовий-яшил, кўк, кўкимтир-бинафша ранглар жойлашган бўлади, илиқ ва совуқ деб аталувчи рангли айлананинг икки қисми ҳосил бўлади.

Иссиқ жисмлар рангини эслатувчи ранглар – илиқ деб, узокни, сув, муз, металлни эслатувчилари эса совуқ деб аталади. Бироқ барча хроматик ранглар кул ранг, қора ёки оқ ранглар қўшилмасига қараб ўзгаради. Ҳар бир рангга қора ёки оқ ранг қўшилса, бир ранг тусига эга бўлган қатор ранг тусларини ҳосил қилиш мумкин бўлиб, улар унинг асосий ранг тавсифини тавсифлайди.

Хроматик рангнинг ахроматикдан фарқланиш даражаси ранг тўйинганлиги деб аталади. «Тўйинганлик» атамасини рассом кўпинча «интенсивлик» атамаси билан алмаштиради. Бу кейинги атама ранг тўғрисидаги фанда ҳам қўлланади, фақат бошқача маънода. Ранглар интенсивлиги унинг тўйинганлигига боғлиқ, анча тўйинганроқ ранглар интенсив бўлади.

Илиқ туслар предмет юзасини катталаштириб кўрсатади, совуқлар – кичрайтиради. Рангларнинг бутун илиқ қисми ранглар айланасининг устки қисмида, совуқ қисми эса – пасткисидида жойлашган. Рангнинг инсонга таъсири қатор сабабларнинг мураккаб ўзаро таъсири натижасидир. Ранглар кишиларга бир хил таъсир этмаслигини эсда сақлаш лозим, бу шахснинг ижтимоий тегишлилиги, миллати, ранг қабул қилинаётган шароитлар билан боғлиқ. Бир кишининг ўзи турли предметлар: китоблар, кўйлақлар, бинолар ва ҳоказо рангига турлича муносабатда бўлади. Ранглар турли нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин: қизил ранг девор текислигида кўйлақ учун яхши бўлмаслиги мумкин. Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, рангнинг эмоционал таъсири икки асосий сабабга эга: бевосита физиологик (қўзғовчи ёки тинчлантируви) ва у билан боғлиқ ҳислар.

Бироқ ҳар бир рангнинг умумий эмоционал яққол ифодаланган характери тўғрисида гапириб бўлмайди, чунки ҳар иккала сабаблар ҳар бир кишининг ижтимоий келиб чиқиши ва индивидуал хусусиятлари билан шартланади. Шунинг учун эмоционал таъсир масаласи жуда мураккаб ва турли-туман.

Инсон табиатида аниқлик, шодлик, гўзаликка интилиш чуқур ўрин олган. Шу сабабли киши инсон кўзини кувонтирувчи чиройли ранглар, уйғун кўшилишларни яхши кўради.

Халқнинг эстетик ҳис этиш кучи ва қудрати, онгининг чуқурлиги сабаби шундаки, халқ ва табиат бир бутунликни, ҳақиқий ва онгли ҳаётни ташкил этади, шунинг учун халқ санъати доимо ҳаққоний ва гўзал.

Халқ кашталари, сопол идишлар, кўлда тўқилган гиламлар ва халқ маданияти бошқа моддий буюмлари ичида ранглар турли-туманлиги, расмлари ва ранг кўшилиши уйғунлиги билан лол қолдирмайдиган намуналар топилмайди.

Ранг эстетикаси бутун ижодий жараёнга хос бўлиб, кишиларнинг атрофимиздаги борликни, биринчи навбатда ранглар кўшилмасига бой бўлган табиатни чуқур англашдан келиб чиқади.

Кўпчилик бир рангнинг ўзига бир хил муносабатда бўлади, баъзан кишининг муайян рангга бўлган алоҳида муносабати олдинги, бироқ унутилган ҳислар билан шартланади. Меъёрдан маълум оғишлар ҳам мавжуд (масалан, далтониклар рангни тўғри қабул қила олмайди). Рангга бўлган таъсир кишиларда ранг ожизлигидан юқори даражада ҳис этишгача бўлади. Ранг ҳиси ҳид, таъм, эшитиш қобилияти каби кучли бўлиши ҳам мумкин. Рангни юқори даражада ҳис этувчилар ажойиб колористлардир. Олимларнинг маълумотиغا қараганда, одамлардаги рангни ҳис этиш қобилияти ёши, саломатлиги, ҳаёт тарзи ва меҳнат фаолиятига кўра ўзгариши мумкин экан. Ҳар бир кишининг севимли ранги ёки ранглар кўшилмаси бўлади. У ёки бу рангни афзал кўриш ўзгаради, йиллар ўтиши билан ёстиқ ранглари севимли ранг бўлиб қолади.

Маълум ранг чақирадиган ҳислар киши эмоционал ҳолатига таъсир этиши мумкин; бироқ кишининг рангни қабул қилиши кўпинча англамай, яъни унга нисбатан шартли-белгили муносабат пайдо бўлмаган. Болалар ранглар тимсоли ҳақида тушунчага эга эмас ва кам ҳис этиш тажрибасига эга бўлгани сабабли турли рангларга бир хил муносабатда бўлади.

Одатда рангга муносабат мусиқага бўлган муносабатдай бўлади, у минор (қайғули) ёки мажор (қувноқ) бўлади.

Ранг ҳам мусиқа каби киши кайфиятига таъсир эта олади. Ранглар ва ранглар кўшилиши одамга турлича таъсир этади: илиқ ранглар (сарик, тўқ-сарик, қизил) - кўзговчи ранглар, ҳаракатчан, совуқ (бинафша ранг, кўк, мовий ёки нейтрал яшил) – босиқ ва тинчлантирувчи.

Колористик афзаллик таъсири шундай изчилликда камаяди: 1) қизил; 2) кўк; 3) бинафша; 4) яшил; 5) тўқ сарик; 6) сарик; 7) қора.

Қизил ранг болалар ва аёллар ўртасида, кўк ранг – эркаклар ўртасида кенг тарқалган. Аёллар эркакларга нисбатан рангга кўпроқ таъсирчан. Кичик юзада

соф рангларни кишилар ранг тусларидан кўра кўпроқ афзал кўрадилар, катта юзаларда эса туслар ёки турли ранг ўтишлари катта таъсир беради.

Ранг кишида турли ҳисларни чақиради: қаттиқ ҳаяжон, тинчлик, бекфарқлик, совуқ ёки иссиқликни сезиш ва ҳоказо, бу физиология ва руҳиятга таъсир этади.

Қизил ранг кўпинча бош оғриғи ва чарчоқни, иссиқлик таъсири ва томир уриши тезланишини, қон босимининг кўтарилишини чақирини кишилар сезган. Эҳтимол шунинг учун испан корридада бузукни эмас, балки матадорни кўзғовчи қизил плаш кўлланса керак. Чунки ҳамма ҳайвонлар (одамсифат маймунлардан ташқари) далтониклар.

Яшил ранг – ўсимлик ранги одамни тинчлантиради, қон босимини пасайтиради. Қадимдаёқ Шарқда яшил баргларга узоқ қараб туриш чарчаган кўзлар дам олишига ёрдам беради, деб ҳисоблашган.

Бинафша ранг ўпка ва юракка яхши таъсир кўрсатади, улар чидамлилигини оширади.

Сариқ (олтин ранг, тўқ сариқ ёки оч қизил ранг) кайфиятни кўтаради, иссиқлик ҳиси, қувноқ кайфиятни чақиради, ақлий машғулотларга кўмаклашади, иштаҳани кўтаради.

Қора ранг, аксинча, кайфиятни туширади, инсонни қисади. Қора ранг қоронғилик, совуқлик билан қиёсланади, улар олдида қадимги кишилар енгилмас кўрқув ҳис этганлар.

Бир хилли кул ранг, қора ранг каби тушқунликни, оч қизил ранг эса яхши кайфиятни чақирини мумкин.

Мовий (кўк) ранг томир уришини секинлаштиради, қон босимини пасайтиради, нафас олишни текислаштиради. Одатда, бу ранг асаб тизими ва нафас олиш органлари касалланишига учраган кишиларни даволашда кўлланади.

Бу ходисаларни психологик ва физиологик нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилиб, олимлар инсон кўзи 130-250 ранг туслари ва 5-10 миллион кўшилмаларни фарқлай олишини аниқлашган. Рассомлар буюмларни ранг белгилари билан берадилар.

Костюмда ранг атроф-муҳит, предмет-фазовий муҳит, фактура, костюмнинг ўз шакли, товушлар, кишининг костюмда ҳаракатларига боғлиқ, яъни инсонни унинг атроф билан боғловчи бутун омиллар турли-туманлигига боғлиқ.

Бадий лойиҳалаштиришнинг вазифаси предмет-фазовий муҳит элементларини у ҳақдаги абстракт билимлар асосида синтезлашдан иборат. Абстракт билимнинг соҳаларидан бири ранг, унинг хусусиятлари, унинг турли кишилар томонидан қабул қилиниши ҳақида билимлардир.

Рассом лойихалашга киришишида ижод жараёнида кўшни мутахассислик кишилари билан мулоқотга киришиши керак: муҳандис-психологлар, рангни ўрганиш билимларини кенгайтирувчи эргономистлар билан алоқада бўлади, бу ердан эса у лойихаловчи объект моҳияти келиб чиқади, чунки рассом ўзининг соф интуитив ҳиси билан чеклана олмайди; рассом учун костюмнинг яхлит тимсолини яратиш муҳим.

Костюм ранг композицияси уйғунлиги бу костюм киши образи билан қай даражада мослиги, унинг сочи, тери, кўзлари ранги каби индивидуал хусусиятлари билан аниқланади. Костюм ранг тавсифларини такрорлаши мумкин, масалан, мовий кўйлак мовий кўзлар рангини, тўқ жигар ранг – каштан рангли сочларни ва ҳоказо қайд этади.

Тери ранг туслари анча турлича ва мураккаб: оқ терили, қора терили, сарғиш тусли терили ва бошқа одамлар бор.

Костюм ранги бу нюансларни албатта ҳисобга олиши ва улар билан контраст ёки ўхшашлик принципи асосида уйғунлашуви лозим.

Кийим мавсумийлиги ранг орқали ифодаланиши мумкин. Маълумки, ёзги кийимлар ранглар кўшилмаси очиклиги, оч ва оқ туслар кўплиги билан фарқланади. Бу ранглар кўклам, мовий осмон, денгиз, сариқ қум ва бошқалар билан уйғунлашади.

Қишки кийим ўз композицион ечимида очиклик муносабатлари, тўқ ва очик, илик ранглар кўшилишига асосланади.

Баҳор – табиат уйғониши, биринчи нозик мовий-яшил майсалар, кул ранг – яшил куртаклар ва жонланаётган дарахт пўстлоғининг жуда нозик тусларининг пайдо бўлишидир. Баҳорнинг бу нозик колорити ўзининг енгиллиги, кўшилишлари эркинлиги, бошқачалиги билан фарқ қилади.

Куз табиат кучлари фаол ишлаш якуни сифатида қизғиш – жигарранг – окра гаммаси билан тавсифланади. Бироқ кундалик кузги кийимда анча тинч ёстик туслари, тантанали кийимда – контраст ранглар, эстрада костюмида бу ранглар томошабин узокдан қабул қилинишига мўлжалланган. Ялтироқ кўшимчалар ва кашта билан кучайтирилган.

Тантанали костюм ечимига маълум даражада костюм колоритини аниқловчи кишининг индивидуал хусусиятлари таъсир этади.

Ёшни фарқлашда кийим ранги муҳим ўрин ўйнайди. Болалар кийими учун нозик ва очик ёстик туслари хос, ўсмирлар анча контраст ранглар, катталарга чуқур ранг тусли кийимлар хос.

Рангнинг сигнал функцияси ишлаб чиқариш муҳитида кенг фойдаланилади. Ранг билан энг хавfli жойлар, бир турли машиналар гуруҳи ажратилиб кўрсатилади. Ишчи ва ҳимоя кийими ранги ишлаб чиқариш аниқ шароитлари, муҳит, бирга ишловчи кишилар сони, хона ёритилиши, ишловчи

ҳаракатлари характерини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Йўл ишчиларининг тўқ сариқ рангли блузонлари ёки хирургларнинг оч-яшил рангли кийими маълум, бу кийим хирургга операция пайтида ёрдам беради, оқ рангга ўхшаб кўзни қамаштирмайди, чарчатмайди.

Биламизки, ранг тимсол ҳақида биринчи тасаввур беради. Модада кўпинча унинг туси ёки очиқлигини аниқламай, унинг номидаёқ тимсол тушунчасини чуқурлаштириш тавсия этилади.

Қадимги Хитой халқи байрамона кийимларнинг рангини фаслларга ўхшатишган. **Қизил ранги**– бу ёз фаслини билдиради. **Олов ранги** –Марс планетасига ўхшатишган. **Оқ ранг**–куз фаслини билдирган. Бу ранг таъзияни билдирган. **Қора ранг** –қиш рамзи, шимол ранги, қудуқдаги сувнинг рангини билдирган. **Сариқ ранги**–ёзнинг охири, ноннинг пишган вақти, Сатурн планетасига ўхшатишган. Бу рангларнинг кийимгатаъсири жуда катта бўлган

Кийим шакли турли қисмлардан иборат бўлиши мумкин, бу унинг киши гавдаси шакллари, материал характери ва маҳсулотга ишлов берилиши технологияси, ушбу кийим турига қўйилувчи талаблар ва унинг вазифасига қараб изоҳланади.

Кийимни тўлиқ қабул этишда унинг бор қисмларини бошқаси билан таққослаймиз. Чизиқли катталиклар, юзалар ва ҳажмлар, материаллар фактураси тавсифлари, ранг доғлари катталиклари ва хоказо таққослаш, қиёслаш мумкин.

Костюм, одатда, динамик бошланишларнинг ўзаро сингишида тузилади: асимметрия симметрик композицияда намоён бўлади, метрик қатор костюм композициясининг энг содда элементлари ҳақида гап кетганда ҳаракат қилади (тугмаларни жойлаштириш ва тахламалар ҳосил қилиш), кўпинча даврий ритм ва ритмий тартибдан фойдаланилади, костюмда динамик пропорциялар афзал кўрилади. Композициянинг кучли воситаси ранг ҳам киши берилганларига ўзининг нюанс ва контраст нисбати билан кўп ҳолларда костюмнинг уйғун яхлит шаклида динамик асосни таъкидлаб кўрсатишга ёрдам беради

Таянч иборалар: восита, ранг, психологик. ахроматик, хроматик, пропорция, нисбат.

Назорат саволлари:

- 1.Композиция воситалари нималар?
- 2.Метрик такрорланиш нима?
- 3.Рангнинг роли нимада?

МАЪРУЗА № 7

МАВЗУ: КИЙИМДАГИ ДЕКОР ВА ТАНЛАНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР, МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ПЛАСТИК ВА МАНЗАРАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ, МАТЕРИАЛЛАРНИНГ РАСМИ ВА ФАКТУРАСИ.

Режа:

1. Газламанинг пластик тузилиши.
2. Материалнинг гигиеник хусусиятлари
3. Фактура тушунчаси
4. Газламаларнинг фактура хусусиятлари
5. Газламани расми ва фактураси.
6. Фасл буйича газламаларга солинадиган расмлар.

Кийимни ҳажмли шакл деб қаралганда унинг қандай материалдан тикилганини билиш керак (газламалар, трикотаж, мўйна, чарм, замша, нотўқима материаллар қават газламалар, плёнка, ёғоч, пластмасса, шиша ва бошқалар). Бу материаллардан ҳар бирининг ўз пластик хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), декоративлиги (фактура, ранг, нақш гул), физик-механик хусусиятлари (зичлик, қайишқоқлик, чўзилувчанлик, киришувчанлик, титилувчанлик ва бошқалар) ва гигиеник хусусиятлари (ҳаво ўтказувчанлик, нам ўтказувчанлик, чанг ўтказувчанлик, иссиқўтказувчанлик) бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечим қандайҳал этилишини шу хусусиятлар белгилаб беради.

Масалан, ҳарир шифон газламалар майин, осилувчан, драпировкабоп бўлади, шунинг учун улардан чоклари минимал даражада ҳам, юмшоқ овалсимон шакл яратилиши керак, бунда драпировкалар, бурмалар, майин тахламалар, клёш бичиқҳисобига шакл ҳосил қилади; йилтироқ, ташланиб турадиган (крепсатин типидоғи) газламаларнинг драпировкабоп эканлиги етарли даражада ҳажмли, гавда бўйлаб «сирланиб» осилиб турадиган кийим тикиш имконини бериб, газламанинг жимирлашиб унинг юқоридаги хусусиятларини кучайтириб кўрсатади; синтетика, аралаш жун газламалардан жуда аниқ, қатъиян геометрик шаклдаги буюмлар тикилади.

Физик-механик хусусиятларни билиш тўғри шакл бериш учун ҳам (масалан, трикотажнинг чўзилувчанлиги киши гавдасига ёпишиб турадиган кийим тикиш имконини беради), зарурат бўлганда тикишдан олдин материаллари декатировка қилиш (намлаб-иситиб ишлов бериб, киришмайдиган қилиб олиш) учун ҳам имкон беради.

Материалларнинг гигиеник хусусиятлари ҳам кийим шаклини ҳосил қилишга таъсир этади. Масалан, ҳаво ўтказиш ва нам ўтказиши ёмон материаллардан бўлган кийимларни, кийим тагидаги ҳаво вентиляция бўлиб туриши учун, гавдага ёпишмайдиган очиқ шаклли қилиб тикиш тавсия этилади.

Газламаларнинг декоратив хусусиятлари шаклнинг геометрик кўринишини танлашдагина эмас, балки шакл ҳосил қилиш тамойилларни ҳам, шаклдаги ички ечимларни танлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Фактура материалнинг энг ифодали хусусиятларидан бири ҳисобланади, у сезилувчан ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фактура – бу материал юзасининг тузилишини характерловчи хусусият. Фактура табиий (мўйна, тери, ёғоч, замша) ва механик йўл билан олинган ҳосила бўлади. Материаллар силлик, ғадир-будур, ялтироқ, хира, тукли фактурали бўлиши мумкин. Ҳосила фактуранинг характери материалнинг қандай усулда (тўқимачиликда, тўр тўқишда олинганига, юзасидаги бўртиққисмларининг баланд-пастлигини ва ипларнинг материал зичлигини белгилайдиган чалишиш характерига боғлиқ. Сатҳ бирлигига тўғри келадиган фактура элементларининг катта-кичиклиги ва микдорига қараб материалларнинг юзаси ифодалилиги жиҳатидан ҳар хил бўлади.

Фактура хусусиятларига етарли эътибор бермаслик кўпинча битта кийимда турли материаллар ноқулай бирга кўшилиб қолишига олиб келиб, бу шаклни бўлиниб ва номонанд кўринадиган қилибқўяди (расм8). Бадий режа ва ечимлар турлилиги сабабли, эксплуатацион, технологик ёки иқтисодий зарурат боисдан битта кийимда ҳар хил фактуралар ишлатиш мумкин. Бунда бирон кийимда ҳам, умуман костюмда ҳам фактураларнинг сифат ва микдор жиҳатидан бирга кўшилишларини бўрттириб кўрсатган маъқул.



Расм 8. Костюмдаги фактураларнинг мувофиқлиги

Ҳар бир фактурада бадиий образ белгилари бўлади. Фактура совуқлик ва илиқлик, енгиллик ва вазминлик ва бошқа таасуротлар ҳосил қилиши мумкин. Фактура танлашда мавсум, кийимнинг нимага мўлжаллангани, одамнинг жинси, ёши ва гавда тузилиши тури ҳисобга олиниши керак. Кечқурунги башанг кийимларга олийжаноб ялтиллайдиган сидирға материаллар ишлатилади, лекин олачипор газламалар зинҳор-базинҳор тўғри келмайди.

Газламаларнинг фактура хусусиятлари умуман шаклни ва унинг қисмларини идрок қилишда кўз алданиши пайдо бўлишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, кўриниши вазмин, хира, тўқли фактуралар шаклни катталаштириб кўрсатади.

Шаклнинг ва умуман гавданинг идрок этилишида нақш гулнинг муҳимаҳамияти бор. Шаклни нақш гулдан ажратиб бўлмайди. Ҳамонки шаклда нақш гул бор экан, демак нақш гул шаклнинг зарур компоненти, бир қисми бўлиб туради. Нақш гулнинг ҳам костюм сингари кўп асрли тарихи, халқларга, миллатларга мансублиги бор.

Материалларнинг кўпдан-кўп хил гулларни кўйидаги декоратив мотивлар кўринишида бўлади деб қараш мумкин:

1. Абстракт ёки геометрик мотивлар.
2. Реалистик ёки предметли мотивлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, предметлар).

Аралашмотивларданиборатрасмларжудакўпишлатилади.Расмтасвиринату реалистик ёки тиллаштирилган, ясси ёки ҳажмли бўлиши мумкин.

Нақш гул юзани бир текис тўлдириб туриши (ҳаракатлантирувчи ёки ёки раппорт-такрорланувчи бўлиши) мумкин, ёхуд муайян участкаларда жойлашган (купон ҳолидаги ёки ҳошиядаги) бўлиши мумкин.

Турли кийим турларини моделлаштиришда нақш гул танлашга жиддий муносабатда бўлиш керак ва нақш гул характери билан хусусиятларини жинс-ёшга, гавда тузилишининг типига кийим нимага ва қайси мавсумга мўлжалланганига, тикиш усулига қараб ҳисобга олиш керак.

Болалар кийимидаги нақш гул композицияси айниқса аниқ-равшан, тушуниш осон, кўпинчақирик расмли бўлиши керак, чунки болалар кийимидаги нақш гулнинг фақат эстетик эмас, бали билим орттириш вазифаси ҳам бор. Катта ёшли кишилар майда ёки ўртача гулли, босикроқ бўғиқ тусни маъқул кўришади.

Тасвирий мотивларнинг, размерга боғлиқ ранг ва тус ечимларининг ва расм жойлаштиришининг энг эмоционал жарангдорлиги, ифодалилиги, хилма-

хиллиги ёшларнинг кийимида бўлади, деб ҳисобланади. Кундалик кийимда майда ва ўртача гулли газлама ишлатилади, борди-ю, газлама йирик гулли бўлса, унда гуллар сони колоритли бўлиши керак. Башанг кийимларда ва истироҳат кийимларида расмлар диапазони жуда кенг бўлади.

Расми мураккаб материаллардан кийим моделлаштирганда ҳамма деталларда расмлар йўналиши бир томонга қараган бўлишини, ўқчизикларининг жойлашини, умумий ранг ечимини ҳисобга олиш керак. Кийимни бичаётганда жуфт деталларда, виточкаларда, чокларда расмлар мос келишини, деталлар чокида раппорт сақланишини назорат қилиб бориш керак.

Нақш гулли материалларда турли чизиклар, бўртма чоклар, драпировкалар, майда деталлар кам сезиладиган бўлгани учун, улар ифодали чиқмаслигини ёдда тутиш керак. Уларни кўринарли қилиш учун сидирға газламадан мағиз, тасма ва хоказоларни қўйиб, қўшимча безаш керак бўлади.

Костюмдаги декоратив безак. Безак композициянинг мустақил элементи эмас – бу қўшимча, зийнат бўлиб, кийимда у йўқ бўлиши ҳам мумкин. Кийим тарихининг ҳарқайсибосқичига ўз безак турлари ва уларни ишлатиш усуллари хос бўлади.

Кийимни моделлаштириш тажрибасида ишлатиладиган безак турлари хилма-хил бўлиб, улар композициядаги асосий ғоя бўлиши ёки костюмдаги мўлжалланган бадий-образли ниятни кучайтирадиган ва бойиладиган бўлиши мумкин. Безакдан кийим шаклини ёки бир қисмини бўрттириб, шаклни бўлақларга ажратиб кўрсатиш учун фойдаланилади. Декоратив безакнинг декоратив (драпировка, бурма, майда тахлама, гофре, плиссе, декоратив ва утилитар) ва конструктив аҳамияти (кашталар, қўйма бурмалар, аппликация ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Хозирги сон-саноксиз безакларни материали ва шаклига биноан қуйидаги гуруҳларга ажратса бўлади:

1. Барча турдаги бўрттирма чокларни, тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, плиссе, гофрэ, безак бахяқаторларни тикиш натижасида ҳосил бўладиган безаклар.

2. Кийимни ўз материалдан ёки безак газламадан ясалган деталлар ёрдамида безаш (қўйма бурмалар, икки томонлама қўйма бурмалар, айлана бурмалар, бейкалар, мағизлар, бўртма мағизлар, бантлар, галстуклар, хлястиклар, фаталар, погонлар).

3. Махсус безак материаллар (тўр, тасма, попук, ленталар, гуллар ва бошқалар) ёрдамида безаш.

4. Фурнитура (тугмалар, тукилар, декоратив пистонлар, блокча-пистонлар,

«молниялар» ва бошқалар).

5.Кашта, қоплама безак, эмблемалар.

6.Бошқа материаллар (мўйна, тери, трикотаж, замш, тўр) ёрдамида безаш.

7.Кийим деталларини босма гул солиб безаш.

Безак турини, унинг жойини танлаш кийимнинг тури ва нимага мўлжалланганига, унинг жойини танлаш кийимнинг тури ва нимага мўлжалланганига, кийим шаклига, материалнинг фактурасига, жинс-ёш омилига, одам гавдасининг турига, гавданинг шахсий хусусиятларига, характериға боғлиқ.

Газлама расмлари турли-туманлигини геометрик, ўсимлик, ҳайвон ва аралаш характердаги расмлар билан кўрсатиш мумкин бўлиб, бунда геометрик расмлар алоҳида ўрин тутди.

Геометрик характердаги расм соф геометрик ёки кучли геометриклаштирилган шакллардан ясалади. Уларга классик расмлар (нўхат, йўл, катакча ва уларнинг вариан

Материалнинг ранги, расми ва фактураси – фонини зич тўлдириб турган йирик расми одам ёки тўқ рангли металллар ва фактураси ялтироқ материаллар массаси максимал, фонини сийрак тўлдириб турган майда расми очик ранг, оқиш материаллар фактураси сийрак материаллар массаси минимал бўлиб кўринади.

Кийимларни лойиҳалаётганда унинг массасини ёшга, мавсумга ва нимага мўлжалланганига боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, ясли ёшидаги ва мактабгача ёшдаги болалар кийимнинг массаси енгил бўлиши учун уларни ҳамма вақт очик, майин рангли, майда сийрак расми материаллардан тикилади; қишки кийим ҳам кўринишда енгил бўлиши керак; чунки унинг табиий вазни нисбатан катта бўлади, шунинг учун улар ҳурпайган турли фактурали материаллардан тикилади; мактаб битирувчиларининг тантана маросимидаги кўйлақларини оқ, пушти, ҳаворанг ва бошқа рангдор гулли материаллардан тикилади, чунки бунда ёшликка хаёлчанлик хос бўлгани учун, шўхчанлик, қушдек енгиллик, парвоз ҳисси сезилиб туриши керак.

тлари) киради. Геометрик шакл ва йўлларнинг мумкин бўлган барча уйғунликлари фойдаланилади.

Ўсимлик характердаги расм ўсимлик дунёсининг тасвирий ва услублаштирилган шаклларида иборат бўлади.

Тўқимачилик расмида ҳайвонлар тасвири кўпинча кучли услублаштирилган ечимда бўлади – кўпинча чизиқлар ёки текисликлар нақшли ечимлар ёки мултипликацион юмшоқ ҳазил сифатигача етказилади.

Бундай газламаларда аралаш мотивдаги расмлар кенг қўлланади. Композициянинг «лоскут» ечими ўсимлик ва геометрик мотивлар уйғунлигида

тузилади.

Мавзуй расмлар сувенир бош ва тикувчилик рўмолларида якколрок намоён бўлади.

Газламада бажарилган расм аниқ нақш мотивларнинг кўп ёки кам сонидан иборат бўлиши мумкин, улар миқдори турли-туман. Газламада такрорланувчи (рапортда) расм ўлчами эса ишлаб чиқариш шароитлари (босмалаш валининг кенглиги, босмалаш элаги юзаси ва ҳоказо)дан боғлиқ бўлади. Газлама купон расмга (рапорт газлама кенглигига тенг) эга бўлиши мумкин, бундай газламалар, одатда, тантанали ёки ёзги (дам олиш) учун мўлжалланган бўлади.

Кийим турли турларини моделлаштиришда газлама расмларини танлашга жиддий қараш, унинг характери ва хусусиятлари жинс ёш белгига қараб кийим тақсимланишига кўра, функционал вазифаси, мавсум ва кийимни тайёрлаш характерига жиҳатларидан ҳисобга олиш лозим.

Болалар кийими учун газламалар ҳар доим композиция алоҳида аниқлиги, мураккаб бўлмаган, кулгили расмларнинг осон ўқилиши ва ранг софлиги билан ажралиб туради.

Кекса ёшли кишилар учун газламалар паст тусларда, нақшли мотив майда ёки ўртача катталиқдаги расмлар билан бажарилади. Бироқ бу одатлардан тез-тез чекинадилар. Бундай газламалар кўпинча ёшлар замонавий костюмида модала оҳангга эга бўлади. Кекса одамлар эса вазифасига кўра кўпроқ очиқ тусдаги етарлича контраст нақшли шакл ишланмали газламалардан фойдаланишади. Бундай газламалардан кийимлар «ёшартиради» ва фигура контуридан эътиборни узоқлаштиради.

Кийимлар тайёрлашдаги газламалардан фойдаланишдаги ҳозирги эркинликка қарамай таъкидлаш мумкинки, эркаклар учун сорочкалар ишлаб чиқаришда афзаллик нақшли мотив майда ёки ўрта катталиқдаги расмли, босиқ колоритда геометрик ёки кучли услублаштирилган характердаги ёки етакчи мураккаб ранг услуб оҳангида ёки соф ранглар нисбатида ҳал этилган аралашликдаги газламаларга берилади.

Кийимларнинг амалий фаолияти жамоада ўтади. Жамоа иши шароитлари маълум даражада костюмнинг характерини ҳам, у учун газлама танлашни ҳам маълум даражада аниқлайди. Иш учун костюм ўз жиҳозлари, рангли ечимга эга маълум хонада яқин масофада қабул қилинади. Кийим (кўйлақлар, блузкалар, юбкалар, сарафанлар, эркаклар сорочкалари ва ҳоказо) майда ёки ўртача расмли анча контраст рангли газламалардан яратилиши мумкин. Газламанинг йирик расми юмшоқ колорит ёки нақшли шакл элементларини «нозик» ишланишини талаб этади. Бу принципларда кундалик кийимнинг ҳал этилиши нафақат индивидуал костюм яратишга, балки кишилар жамоасини маълум яхлитликда

қабул қилишга имкон беради.

Форма кийимини моделлаштиришда маълум даражада индивидуалликнинг намоён бўлиш имконияти маълум даражада тораяди, бироқ бундай костюм яхлит меҳнат жамоасини атроф-муҳитда кўпроқ ифодалироқ намоён этади.

Байрамона ва турли дам олиш турлари учун костюмларда жуда кенг расмлар қамрови бўлган газламалардан фойдаланилади.

Кийимларнинг мавсумларга кўра бўлиниши газлама расмларини танлашда ҳам ақс этади. Йил фаслининг совуқ вақти учун кийимни (кузги-қишки давр) илиқ, тўйинган тусли геометрик абстракт ва услублаштирилган расмни газламалардан бажариш афзалроқ, иссиқ палто ва курткалар учун плаш гуруҳ газламалари совуқ, ёстик тусларида бажарилади.

Иссиқ йил фасли (баҳорги-ёзги давр) кийими учун тасвирий характердаги енгил ўсимлик расмни ўткир контраст ранглар ёки очик соф тусли газламалар кўпроқ тўғри келади.

Газлама расмини танлашга кийимни тайёрлаш учун муҳим таъсир этади. Индивидуал буюртмалар бўйича кийим тайёрлашда расмларнинг бир йўналишлиги ёки нақш мотиви катталиги каби хусусиятлар майда расмни газламадагидан кўра газлама сарфи кўплигини ҳисобга олмаганда алоҳида қийинчилик туғдирмайди (лекалолараро чиқиндилар бичиш деталларида расмни мослаштиришда ошади). Кийимни оммавий ишлаб чиқаришда расмнинг бундай хусусиятлари умуман тўғри келмайди. Улар газлама сарфланишини оширади, бу маҳсулот номувофиқлигига олиб келади.

Шундай қилиб, газлама расмини танлаш қатор омиллар билан шартланади: кийимнинг ёш жинс белгиси, мавсум, функционал вазифаси ва тайёрлаш усули бўйича мўлжалланиши. Бу омилларни маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш жуда зарур.

Фактура – газлама тузилишининг ташқи намоён бўлишидир. Маълум фактура таъсирларига иплар шакли ҳосил қилишдан бошлаб газлама ҳосил бўлиши бутун жараёни натижасида эришилади. Фактура катталиги ва унинг газлама юзаси бирлигига элементлари миқдорига кўра газламалар ифодалилиги турлича бўлган юзага эга.

Газлама фактурасини ифодалашда чекка чегаралар бу юза бирлигига бу элементларнинг катта бўлмаган миқдоридеги жуда йирик элемент, шунда газлама бўртма чокли каби қабул қилинади (бўртма чокли бархат); элемент жуда майда, элементлар миқдори бунда шунчалик каттаки, газлама деярли силлиқ каби қабул қилинади (креп ўрилишли газламалар).

Газлама юзаси характери бўйича газламаларни силлиқ, дағир-дуғир, буклирланган, бўртма чоклиларга ажратиш мумкин. Ҳар бир гуруҳ ичида

ўралиш тури, иплар шаклланиш характери, тола турига кўра ўз бўлинишлари бўлади: силлиқ - ялтироқ (тенг акс этувчи), ялтироқ (йўналтирилган акс эттирилишли), нурсиз (тарқоқ акс эттирилишли), майда ва ўрта заррачали дағирлик, буклирланган – ўртача ва йирик заррали, бўртма чокли – расмли, йўл-йўл.

Шундай қилиб, газлама рассом-моделер учун икки муҳим тавсифларга эга – аниқ пластик ва фактура хусусиятлари. Амалиётдаги бу кийим тайёрлаш газламалари тавсифлари белгидек бўлиб қолган. Улардан бирини қабул қилиниши бошқаси тўғрисида ва умуман газлама тўғрисида тасаввурни чақиради.

Костюм ташкил этилишида технологик ва пластик хусусиятлар, фактура, ранг ва расми бўйича турли газламалардан фойдаланилади (газламалар ва трикотаж, плёнкали ва нотўқима материаллар ва бошқалар). Улар костюмнинг умуман вазифаси ва унинг ҳар бир алоҳида қисмидан келиб чиққан ҳолда танланади. Бу доираларда контраст қўлишишлар ҳам, ва албатта, жуда яқин фактурали газламалар танланиши табиий.

Шаклнинг фактура ва пластик хусусиятлари, унинг конфигурацияси яхлит шаклни қабул қилинишида иллюзиялар пайдо бўлишига таъсир этади ва шу сабабли ўрта стандарт ўлчамлардан оған фигурага кийимни лойиҳалашда яхшилаб ҳисобга олиниши керак.

Шаклнинг кейинги жуда муҳим хусусияти – бу ранг. Маҳсулотни тайёрлашда газлама ажралмас тавсифи сифатида ранг маҳсулот хусусиятига, баъзан эса унинг тимсолий тавсифига айланади. Биз «қизил сарафан», «бинафша ранг берет» ва ҳоказо сўзларни ҳар бир предмет ўз аниқловчисига эга бўлган оддий сўз бирикмасидек қабул қилмаймиз. Бу сўз бирикмалари мустаҳкам тимсолларга айланиб қолган.

Киши тасавурида ранг – объектнинг энг ҳажмли, ифодали тавсифи. Турли шароитларда бир рангнинг ўзи киши индивидуаллигини акс эттира олади ва халқда бир давр давомида тимсолий маъно касб этиши мумкин (қора ранг – фуқаролар аза ранги. Бугунги кунда ёш келишган қизлар ўз ташқи имкониятларини қора ранг билан ажратиб туришини яхши кўришади).

Кийимнинг жинс ёш белгиси, функционал вазифаси, касбий тегишлилигига кўра мўлжалланишини аниқловчи тавсиф сифатида рангга нисбатан анъанавий муносабатлар мавжуд.

Масалан, ёстиқ тусларининг нозик тигиклиги гўдак ёшидагилар кийимини тавсифлайди, тўқ рангларнинг жарангдор фаолилиги – мактабгача ёшдаги болалар кийимини тавсифлайди. Ўсмирлар костюм рангининг мода таклифларини кузатиб боришади, бироқ кўпинча уларнинг шаклланиб бораётган дунёқарашидаги максимализмига, жўшқин энергияси ва спорт билан

қизиқишига мос келувчи, контрастларни афзал кўришади. Ўрта ёшлилар мода таклифларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишади ва кўпинча мураккаб рангларнинг чуқур жиддий тусларини афзал кўришади.

Кийимга нисбатан функционал ёндошув унинг ранг тузилишини аниқлайди. Кийимнинг кундалик ва тантанали, остки кийим ва устки кийимларга мавжуд бўлиниши бугунги кундаги моданинг кучли таъсирига қарамай таққослашда ранг ечимида барибир принципиал фарқланишга эга.

Ранг костюм хусусияти сифатида кўп омилларга ва энг аввало костюм вазифасига боғлиқ бўлган мураккаб ҳодиса.

Костюм шакли билан боғлиқ ҳолда у катта маълумот ҳажмига эга ва маълум маънода белги функциясини бажаради.

Костюм турли элементлари, шу жумладан унинг шаклининг алоҳида қисмларининг ритмик ташкил этилиши маълум даражада бутун костюмнинг шакл пластикаси характерини аниқлайди.

Костюм пластикаси остида унинг шакли бир йўналишдан бошқасига аста-секин ўтиши тушунилади.

Костюм шакли унинг юзаси «ҳаракати» йўналишининг бу юзага тегишли йўл йўналиши ўзгариши бўйича кузатиш қулай. Костюмда бу конструктив йўллар бўлиши мумкин (борт чети, виточкалар чизиғи, бўртма чок чизиғи). Бунда чизиқ ва юзани шакл ривожланишининг бир йўналишида қараш керак. Ва аксинча, чизиқлар ҳаракати кузатилса, ҳаракат, ривожланишнинг бу характери у жойлашган юзага ҳам хос бўлишини таъкидлаш мумкин.

Чизиқлар турли-туманлигини уларнинг чизилишига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин: қиялик радиуси тўғри, доимийли эгрилар (айланаси ва улар чизиғи – ёйлар) ва ўзгарувчили эгрилар (парабола ва спиралли).

Тўғри чизиқлар ва ёйлар бир текис, тинч ҳаракатни ифодалайди, чунки бу ҳаракат негизида метрик такрорланиш ётади.

Эгрилик ўзгарувчи радиусли чизиқлар (параболалар, спираллар) динамик, улар тезлашган ёки секинлашган ҳаракатни ифодалайди, чунки улар негизида ритмик такрорланиш ётади (ритмик такрорланиш ўз навбатида олдинги ва кейинги катталиқнинг пропорционал нисбатига асосланган).

Ҳар қандай мураккаб эгри кўрсатилган уч гуруҳдан бирининг чизиқларига мос келувчи бўлақлардан иборат бўлади.

Костюм силуэти чизгилари анча-мунча мураккаб чизиқдан иборат. Силуэт чизиғи алоҳида қисмлари шакл ҳосил қилувчи бўлиши мумкин. Масалан, 19 аср ўртаси костюмининг муҳим қисми цилиндр бўлган. Унинг шакли вертикал тўғри чизиқ бўлаги билан тавсифланади, унинг ўзи шакл ҳосил қилувчи чизиқ бўлади. 18 аср иккинчи ярми аёллар костюмида пане билан тутиб турилувчи юбкаларда (обручлардаги остки юбка) парабола шакл ҳосил

қилувчи чизик бўлган. Шундай қилиб, кийимнинг шакл ҳосил қилувчи чизикларининг ритмик асоси унинг пластик ташкил этилиши ва шаклининг характерини аниқлайди.

Маҳсулот шаклининг пластик ташкил этилиши расом томонидан эскизлаш босқичидаёқ амалга оширилади. Эскизда шакл пластик ривожланиш характери (юзанинг шакл бир қисмидан бошқасига «оқиб ўтиш» характери) кўриб чиқилади, ҳар бир чизик характери уларнинг ўзаро ва шакл силует чизиклари билан мослиги ишлаб чиқилади.

Костюм яратилишига касбий муносабат газлама пластик имкониятларини аниқлашга интилиши, уларни синаб кўришни кўзда тутати. Газлама хусусиятларини ажратиб кўрсатиш (алоҳида ҳолларда бунинг тескариси – газлама хусусиятларини яшириш, ёки ушбу газламани бошқа газлама хусусиятларини кўрсатишга мажбур этиш, масалан, макетлаштиришда). Шаклнинг пластик ишлаб чиқилиши нафақат конструкция билан, балки маҳсулотнинг технологик дастурини танлаши, жараёни бажаришдаги усулларнинг ўзи билан ҳам таъминланади.

Шакли барқарор газламалардан маҳсулотлар шакли скульптуралиги бичиқнинг ҳар бир деталининг нам-иссиқлик билан ишлов беришда шаклланиши, уларнинг ўзаро аниқ қўшилиши билан эришилади. Устки кийим шакллари скульптураликка эга. Шаклларнинг хуш кўринишга енгил, сирғалувчи, ипак газламалардан турли драпировкалар, бурмалар, ҳақлар ҳосил қилиш орқали эришиш мумкин. Ҳаракатланишда газламанинг фигурада эшилиши, унинг юзаси тўсилиши, драпировка тубида ёруғлик ва соя ўйнаши ялтираш таассуротини яратади.

Шундай қилиб, костюм шакли пластикаси ҳажмлар пропорцияси, шакл ҳосил қилувчи чизиклар характери, шаклнинг конструктив ечими, унинг элементлари ритмик ташкилоти, маҳсулотнинг технологик ишлов берилиши ва газламанинг пластик хусусиятларига боғлиқ.

Таянч иборалар: драпировка, тахлама, фактура, расм, таркиб.

Назорат саволлари:

1. Фактура нима?
2. Пластиклик нима?
3. Газламани расми ва фактураси

МАВЗУ:КОСТЮМ АХБОРОТ ВОСИТАСИ.КОСТЮМДАГИ БЕЛГИ ВА ТИМСОЛЛАР

Жамият ривожланиши билан биргаликда кийимда ҳам табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар акс этади. Кийимдаги шакл ва ранг табиий элементларнинг тимсоли бўлиб уларнинг такрори ҳисобланади. Табиий элементлар бўлиб, ҳайвонот олами ёки биологик жараён имитацияси (татуировка, барг ва теридан ёпинчик) тушунилади.

Ҳарқандай давр ва халқнинг хусусиятлари ўзига хос архитектура интерер атроф-муҳитга боғлиқликни ўзида қайд этади. Шу туфайли кийимни санъатнинг бошқа элементлари нафақат биргаликда балки услуб ривожланишда асосий аҳамиятга эга деб айтиш мумкин. Ҳақиқийликнинг кийимда акс этиши қандай восита, усул ва тизимда фойдаланиб амалга оширилади? Бу савол бир неча 10 йилликни ўз ичига қамраб олади. Кийим коммуникациясининг маълум бир кўриниши бўлиб, у услуб, мода, ўша давр эстетик ва илмий концепциялари, жамиятнинг, моддий ва маънавий ҳаётнинг тарзи, даражаси, технологияси ва ҳоказолари тўғрисида маълумот беради. Ҳақиқийликнинг диалектик тасвири шундаки, образни ўрганиш шакли унда қарама-қаршиликни акс эттириш белги шартлили элементлардан фойдаланилади. Биринчи навбатда белгилар тил доирасида идеал образларнинг моддийлаштирилган шакли бўлиб хизмат қилади. Шунини эътиборга олиш керакки бизни ҳақиқийликни белгилар ёрдамида акс эттириш жараёни эмас, балки кийим соҳасидаги ўрганиш ва ижод имкониятларини кенгайтириш шартлари қизиқтиради. Кийимнинг маданият элементлари (тасвирий санъат, адабиёт, театр)га нисбатан эгаллайдиган ўрнини аниқлаш учун кийимнинг мазмуний хусусияти ёки коммуникацион моҳиятини англаш эътиборга лойиқдир. Агарда кийим тузилиши шакл ва атроф-муҳит жиҳозлари структурасига адекватлиги аниқбўлса, у ҳарқандайкўринишдаги маълумотни бера олишга қодир. Худди шундай ҳолда кийимни коммуникациянинг кўриниши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Костюмда ҳам архитектурадаги сингари маълум бир содир бўладиган воқелик ва жиҳозларнинг асоциатив тушунчалари ҳукмронлик қилади. Кийим ривожланиш тарихининг давомийлиги даврида унинг шакли геометрик ва абстрактив элементлари асосида кўрилади. Бу замонавийлик кийимда акс этмайди дегани эмас. Кийимнинг мастиклиги, ритмиклиги ва композицион таркиби ва уларнинг тартиб жойлашув ритми маълум эмоционал ҳис-туйғу ёки оддий эмоционал туйғу чақиради.

Кийим образининг ҳақиқийлик билан таққослаш жараёни унинг тил

моҳияти ёритилиши асосида ётади ва у (семиотика ва синтакматика) атамалари билан ифодаланилади.

Костюм композициясида ижодий ечимнинг тимсолий-ассоциатив негизи

Рассом-моделер амалий фаолиятини таҳлил қилишда, костюм тимсолий ечимининг уч энг аниқ ифодаланган турини аниқлаш мумкин.

1. Костюмларнинг умумий-тимсолий ечими – унда тимсолийлик умумлаштирилиши энг юқори даражасига етади ва алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай костюмлар халқ, вақт тимсолига айланади.

2. Тимсол-расм – бунда образлилик бир оз бутафор – театрлаштирилган режада чиқади ва қишлоқ турмуши расмларини намоён қилади (2.26-расм).

3. Ассоциатив образ – бунда костюм ечимида образлилик шундай бўладики, у ҳаётий, замонавий деб қабул қилинади. Костюм бунда ёки «халқ ҳислари»га эга бўлади ёки ўзида бир оз ишора жо этади ёки эмоционал тусга эга бўлади (2.27-расм).



2.26-расм. Дим ўйинчоғи мотивлари асосида кўйлак расм-образи

2.27-расм. Костюм ечимида ассоциатив образ: газламанинг ўзбек мотивлари асосида безатилиши

Костюм образли ечимининг биринчи икки тури кўрғазмалар иши билан боғлиқ. Кейингиси халқаро мода доирасида ўз мислий масалаларини ҳал этиш имкониятини беради. Рассом-моделерга кийимни оммавий ишлаб чиқариш билан илгари сурилувчи кундалик масалаларни ҳал этишга тўғри келади.

Шундай қилиб, костюм композициясини ижодий ечими қамрови жуда кенг. Рассом ижодида ғояларни қаердан олади? Ижодий фикр қандай туғилади? Ажойиб рус физиолог И.П. Павлов инсон асаб фаолияти жараёнларининг моҳияти ва механизмини очиб берди, бош мия ижодий фаолияти, англаш жараёнларини тушуниш калитини берди.

Англаш-психологик жараён бўлиб, у туфайли инсон борлиқдаги буюм ва ҳодисаларни уларнинг муҳим белгиларида акс этади, улар орасидаги турли боғлиқликларни кўриб чиқади.

И.П. Павлов онг атроф-муҳит буюмлари билан яқин боғланган оддий ассоциацияларга асосланиши аниқлади. Бу фикр туғилиш пайтидир. Оддий ассоциациялар анча мураккаб фикрларга олиб келади. Шундай қилиб, онгнинг ижодий фаолиятига инсоннинг атрофдаги дунё билан ўзаро таъсири замин бўлиб хизмат қилади. Бу ўзаро таъсир қанчалик турли бўлса, фикр ҳаракати учун рағбат кўпроқ бўлади.

Рассомнинг атрофдаги дунё билан ўзаро таъсири унинг табиатни, ундаги гўзаллик намоёнлиги шакллари, инсон жамияти моддий ва маънавий маданиятини ўрганишида ифодаланади.

Табиатга мурожаат уйғун моҳиятни излашни кўзда тутаяди (организмнинг биологик функцияси). Организмнинг яшаш шакллари (усуллари), пластик ифодалилиги, ранг ва фактура муносабатлари биологик объект эмоционал ифодалилигини очиб беради.

Моддий ва маънавий маданият объектларига инсон жамиятининг ижодий манбалар сифатида мурожаати ҳислар катта маданияти, билимни талаб этади, чунки улар ўз яратувчисининг, даврининг муайян дунёқарашини ўз ичига олади, бу объектнинг хусусиятлар ва сифатлар ўзаро таъсири орқали намоён бўлади. Шунинг учун бу объектлар таҳлили – жуда мураккаб жараён ва ўз кейинги ижодий фикрларида ундан фойдаланиш мумкин бўлган хусусиятларни ажратиш катта эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак.

Схемада (2.2-схема) кўрсатилган маълумотлар топшириқ ечимини излашдаги ижодий жараённинг самарали онгли томонини акс эттиради. Бунда топшириқни аниқлашдаги аниқлик ижодий изланиш характери, воситаларнинг танланиши характерини шартлайди ва кўп жиҳатдан иш тугаши муваффақиятини ҳал этади.

Семантика– объектнинг сифати ўзига хослиги ва ифодалаш маъносини ёритади. Б.В. Мантанов ёзишига кўра гносиологик шартлилик билимининг мажбурийликдан халос этиб кейинги ифодани олдинлаб – идеал моделга ўтиш демакдир, яъни ифода воқелиқдаги асосни кўрсатиш демакдир.

Кийимдаги тизимли тимсоли – рассомдан томошабинга ахборотнинг узатилиши. Бундай боғлиқда кийим ва код маълумотлар манбаи ўртасида

коммуникация ўрнатилиш усули ҳисобланади. Бунда кийим мазмуни маълум белги, тимсол ва бошқалар билан «кодлаштирилади». С.Эзшезининг бадиий асарнинг томошабин томонидан қабул қилиш даражаси; тажриба, хаёлий ҳолати, ахлоқ, ижтимоий келиб чиқишга боғлиқ. Демак, маълум бир ифода турли томошабин томонидан ўзгача қабул қилиниши мумкин. Рассомнинг ғояси маълум бир қисқа тимсол бўлиб, «калит» ёки «код» билан белгиланиши мумкин.

Кийим белгиси– коммуникацион функцияни бажариб, ижтимоий нюансларни чегаралайди, яъни кийим иқтисодий даражаси белгиси кийим маълум ғоявий гуруҳга тааллуқлилиқ (художўй, замонавий, консерватив) кийим этник сифат белгиси (минтақавий, миллий) кийим жинсий фарқлилиқ белгиси кийим инсоннинг дид белгиси кийим маданият белгиси дастлаб белгилилиқ одам танасининг қисмлари ва унинг функцияларини белгилайди. Кейинчалиқ у костюм тури материалнинг шакли, ранги, деталларнинг жойлашуви ва таснифи кийимни манераси ва безаклари сифатида ишлатилади.

Қадимги Миср костюмларини қараб чиқадиган бўлсак, бўйинга тикиладиган курсимон жойлашишига эга бўлган маржонлар жойлашуви. Мисрликларнинг асосий худоси Ра – қуёш худосини англатган. Ёқа ўйимининг – учбурчак шаклда қирқилиши, ҳосилдорлик, Нил дарёсининг қирқимини изоҳлаган. Костюм эгалари Вузлар эса худога яқинлаштириб илоҳийлаштирилган ҳолда грим сурилган (Клеопатра, Геракл). Тарихнинг кейинги даврида кенг ҳашамдор, «Барокко» усулидаги кийимлар зодагон оилаларга мансуб бўлиб озодлик тимсоли эди (XVI аср).

Цилиндр ва фрак (IX аср) ишбилармон шахслар костюми, қизил дурра ва теридан тайёрланган пиджак, Улуғ Октябрь Революцияси аёллар тенг ҳуқуқлилигининг тимсоли бўлиб қабул қилинди.

Таянч иборалар: грим, белги, семиотика, тимсол

Назорат саволлари:

1. Костюм ахборот воситаси деганда нимани тушунасиз?
2. Кийимдаги белгилар нимани англатади?
3. Семиотика нима?
4. Ижодий мотив нима?

**КИЙИМ ШАКЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА.
КИЙИМ СТРУКТУРАСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШ ЖАРАЁНИ. КОСТЮМ
ШАКЛИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШДА ЧИЗИҚЛАР ВА ДЕТАЛЛАРНИ
КОНСТРУКТИВ-БЕЗАК РОЛИ**

Режа:

1. Кийим структураси.
2. Кийим шакли тузилиши жараёни.
3. Аспект ҳақида.

Кийим лойиҳалаш жараёнида унинг шакли чуқур аҳамиятга эга. Кийим шакли ўзида ўша замон услубига монанд бўлади. Кийимдаги шакл вақтдаги даврийликни ўзида сақлаб қолади.

Кийимни шакли қандай тузилганлиги ва ривожланганлигини билиш учун унинг аҳамияти ва моҳиятини англаш керак. Дизайнер соҳасидаги назарий тушунчалар «Кийим шакли» тушунчасининг мазмунини тўлиқ изоҳлай олмайди. Кийим шаклининг кўпинча статик ҳолатда кўриб чиқилади. Ваҳоланки, у динамик тизим бўлиб ҳисобланади. Баъзида кийимнинг одам билан боғлиқлиги яъни унинг ҳаракати ва пропорцияси билан боғлиқ ҳолатда қараб чиқиш керакдир. Агарда бизнинг ҳарбий хизматчиларнинг XIX аср давомида кийимлар рангининг ўзгариши ўрганилган ҳолда фақатгина уларнинг рангига эътибор бериб кифояланишимизга тўғри келади.

Кийим шакли ўрганилаётганда 4 даражага ажратишимизга тўғри келади. Газлама фактураси ранги беаги чизиқлари кўринувчи чоклари – моддий декоратив даража. Кийим эркинлик даражаси (танага ёпишувчанлиги – эркин етиш ҳақ даражаси).

Кийим шакли геометрик ички тавсиф сифатида (пропорция геометрия симметрия) – структуравий даража одам танаси шаклининг пластиклиги – тана пластиклик даражаси.

Костюм шаклининг юқоридаги даражалари бўйича ўрганиш чуқур ўзаро таҳлилини талаб этади. Шундай экан, кийим шакли динамик ҳолатда театрлаштирилган гуруҳ еки бир кишилик манекенчилар ёрдамида намойиши билан олиб борилади.

Кийим намойишида асосан кийим моделининг фиксациясидан кўра унинг пластик тилсими шакли хотирада қолади. Кийимларнинг намойиши асосий мақсади шакллар ғояси, масалан, бир геометрик шакллари ва уларнинг пропорционал мосликлари асосида тузилган кийимлар ассортиментини публика

этиборига беришдан иборат. Кийим шакли бундан ҳаракатда кўринади. Ҳаракат кийим шакли ҳақида маълумот берувчи омил бўлиб ҳисобланади. Маълум бир кийим шаклининг ўқилиши ва қабул қилиниши маълум бир вақт оралиғига юзага келади, яъни физикавий жисмнинг фазода ҳаракатланиши билан биргаликда биологик ўзгариш, кучланиш, товушлар, механик фактор, балки вақтинчалик фактор сифатида қабул қилиш керак. Кийим шакли маълум бир вақт мобайнида фазодаги аломатлар йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, кийим шакли деганда фазовий вақттизимини динамик модели тушунилади. Ундан модел элементлари фигураси ва муҳити ўртасидаги кўп даражали структуравий боғлиқлигига эгадир. Кийим шаклини геометрик кўриниш структура, конструкция аниқлайди.

Шакл мавжудлигининг асосий қоидаси унинг етуқлиги ва ташкил этилишидадир.

Шакл 3 та аспектда бўлиши мумкин.

Якка оддий модел тизими.

- Инсон маълум образини тавсифловчи сифатида.
- Маҳсулотлар гуруҳи умумий ғоясини берувчи тур сифатида.
- Вақтнинг умумий ғоясини англатувчи максимум тизимни тавсифловчи безакли шакл сифатида.

Костюмдаги геометрик кўриниш конструкция, материал ва пропорция циклини тавсифлайди. Барча вариантлар учун асос бўлиб хизмат кўрсатувчи базавий ёки асосий шакл деб ҳисоблайди. Базавий шакл маҳсулотлар сериясига асос бўлиб маълум услуб учун ғоя шакл ҳисобланади. Услубий базавий шакл бўлиб вақтнинг маълум аҳамиятли аломатларини мужассамлаштирилган шакл ҳисобланади. Классик шакл прогрессив урф-одатлар ўзида мужассамлаштириб ва уни келажакдаги ўзгарилишини ўзида акс эттиради. Классик шаклда мисол бўлиб инглизча костюм, шотландлар юбкаси, фрак, редингод, туфли – қайиқ ёки лодочка, кўйлак– рубашка, шим, пиджак, юмшоқ шляпаси, шапка-қулоқчин. Классик шаклда азалдан сақланиб келган ва ҳозирда функция талабларига жавоб берувчи элементлар мужассамлашган бўлади.

Шакл – нафақат ташкил этилган ҳажм, балки унинг фазо билан чегарасидир. Ҳар бир шакл оғирлик маркази ўқ ва симметрияга эга бўлиши лозим. Марказий шаклининг катталиги ва унинг ҳаракатини аниқлайди ва психологик куч сифатида келтирилиши мумкин.

Марказни нафақат унинг белгиланганларига кўра, балки визуал қабул

қилинадиган тасвирлардан тарқалувчи кучлар ўзаро алоқаси орқали ҳаманиқлаш мумкин.

Кийим шакли ташкил этиш тамойиллари унинг структурасини тўлиқўрганган ҳолатдагина аниқлаш мумкин. Бунинг учун шакл деталлари ва уларнинг ўзаро алоқатизими нисбатлари бўлақларга бўлинган ҳолда ўрганилади. Шакл ўрганилишининг турли аспекти морфологик чизиқлари, функциялари, тайёрлаш технологияси бўлибҳисобланади.

Структура – бирор-бир объектнинг муаллақ «скелети» бўлибқолмай, балки қоидалар мажмуаси бўлиб бир объектнинг 1, 2, 3-чи ва шоказо унинг элементлари ва ҳосилалари алмаштирилиши билан юзага келтирилади. Структуранинг тарқалган тушунча бўлиб, у геология, математикада учрайди. Структура нафақат таҳлил учун, балки предметнинг бирламчи қабули учун зарурдир. Структура – 2, 3 бўлақдан иборат тизимкўринишда қабул қилиниб, бўлақланувчи тушунчаси макроструктура бўлибҳисобланади.

Макроструктура – унинг масштаби бутун асар масштабига тенг ёки тизимнинг тўлиқлигидир. Макроструктура деганда, маълум бир конструкция эстетик тимсол асосида тузилган маҳсулотлар гуруҳининг оддий структураси бўйича кетма-кетлиги тушунилади. Масалан: ўзбек халқи санъати мотивлари асосида яратилган ўйинчилар, раққосалар кийимининг мураккаб ансамбли.

Микроструктура ёки оддий структура тушунчаси асосида макроструктура таркибини ташкил этувчи алоҳида моделлар тушунилади.

Структурани англашдан мақсад костюм аломатларининг сифати ўзгаришларини тушуниш, бу ўзгариш силжишни англатиш ва бу ҳақда ЭҲМга маълумот шакли ўзгаришининг аҳамиятли ва аҳамиятсиз эканлигини ажратишдан иборат.

XIX-XX аср костюм шакллари таҳлил қилинганда, улар шакли геометрик шаклининг маълум бир турига мансублиги аниқлиги, яъни шакл деталлари маълум бир шакл сифатида эканлиги маълум бўлади.

Кийим шаклларининг таҳлили улар силуэтлари таҳлили билан ёндош бўлиб, улар трапеция, тўртбурчак, айланалар турли кўриниши шаклида берилган. Вақтўтиши билан оддий, овалсимон, тўртбурчаксимон конфигурациялар мураккаблашиб келмоқда.

Кийим шакли замона услубига мосҳолатда ўзгариб келади. XX аср костюмларидаги ҳам сифатий, ҳам миқдорий аломатлар таҳлил қилинганда, кийимнинг узунлиги ва эни бел сатҳи, шакл проекцияси юзасига таянилди.

Устки кийимлар – палто, плашлар кўйлақларга нисбатан кам ўзгарувчан

шаклдаги тўртбурчаклар ҳамвақт давомийлигида ўзқўринишини ўзгартиради.

Масалан: 1910-1944 ва 1966 йиллардаги аёллар кийимидаги шакл фарқлари. Ҳар бир мода цикли 103-106 йилни ташкил этади.

Кийимдаги асосий шакллар – 3 хил асосий геометрик структура – овал, трапеция, тўртбурчак.

Улар доим трансформацияланиб, бурчаклар катталиги ва чизиқлар қийиқлиги ўзгариши билан ҳосил бўлади.

Мода ва костюм мураккаб ўзаро ташкил этувчи тизимбўлганлиги сабабли кийим шакли етуқлиги ва тўлиқлигини таъминлаш учун мода ривожланиши жараёни бошқариш талаб этилди.

Таянч иборалар: трансформация, шакл, аспект, структура,

Назорат саволлари:

1. Кийимдаги шакл нимани англатади?
2. Структура нима?
3. Шакл мавжудлигининг қоидасини айтинг.

8-СЕМЕСТР

Маъруза № 1

Мавзу: **Дизайн тарихи.**

Режа

1. Дизайн ва санъат орасидаги фарқи.
2. Техникавий инқилобни санъатга таъсири
3. Дизайн асосчилари.
4. Замонавий дизайн муаммолари.

Дизайн ва санъат орасида жиддий фарқлари мавжуд: дизайн жамоат ва инсоннинг аниқ талаблари бўйича янги вазифаларни ечишни кўзда туттади. Дизайн – бу санъатнинг ўзгача тури бўлиб буюм муҳитини яратади.

Дизайннинг тарихи инсониятнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Одамзод, қайерда бўлмасин, ўз буюмларини ташқи кўринишига эътибор берган, ва шу сабабли дизайнни пайдо бўлишига асос бўлган. Ҳозирги тушунча бўйича дизайнни шаклланиши учун маҳсус шароитлар, талаблар ва кўрсатмалар бўлиши лозим.

XVIII – XX асрлардаги саноат инқлоби ва илмий кашфиётлар янги

техникавий асбоблар ва технологияларни яратилишига сабаб бўлди. Техникавий тараққиёт одамларни ҳаётига кирди ва уларни дунёқарашига таъсир этди. Аммо, биринчи саноат инқлобининг натижалари кўйдагини айён қилди: эстетик нуқтаи назаридан саноат маҳсулотлари хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлардан сифати анча паст. Юқори маълумотли шахслар машиналарни шиддатли киришига қарши бўлишган. Уларни орасида инглиз файласуфи Д.Рёскин (1819-1900) ажралиб турарди. У янги машина техникасини рад этарди. Унинг фикри бўйича кўл меҳнати йўқолиши билан одамлар машинанинг кўшимча қисми бўлиб қолишади. Техникани ривожланиши билан маданият инқирозини Гёте ва Шиллер олдиндан сезишган. Уларнинг фикри бўйича маданиятни энг улуғ вазифаси – инсоннинг физик ва моддий муҳитида шакл эстетик қонунларга буйсуниш лозим, чунки фақат утилитарликдан эмас, балки эстетикликдан ахлокий ҳолат ривожланиши мумкин. XIX асрнинг 60-70 йилларида инглиз шоир ва rassom У.Моррис Д. Рёскиннинг таълимини Англиядан ташқарига чиқарди, “Санъат ва Ер гўзаллиги” китобини ёзиб. Ундан кейин “Санъат ва хунар“ америка йўналишининг йулбошчиларини фикри бўйича машинада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари инсонни эстетик ва ахлоқини бузади ва фақат кўлда ишлаб чиқарилган буюмларни эстетик сифати юқори бўлиб, истеъмолчини бойитади.

Лойиҳа маданиятининг икки қисми – техника ва санъат – бир биридан узокланиб, алоҳида кўриб чиқиларди ва бир бирига қарши қуйиларди. XX асрда уларни бирлаштиришга ҳаракат қилина бошланди. Техника ва санъатни бирлашувига махсус кумиталар ташкил этилди. 1849 йилдан бошлаб Лондонда буюм дунёсини эстетик муаммоларига бағишланган “Journal of Design and Manufactures” журнали чиқадиган бўлди. Шу вақтда истеъмолга “industrial art” деган тушунча кирди.

Демак, дизайн жамиятни эстетик талаблари ва машинада ишлаб чиқариш чорраҳасида туғилган. Буюм муҳитини шакллантириш соҳасидаги бадиий шароитининг инқирози дизайнни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Юзага келган шароитдан чиқиш йули фақат янги фаолият турини ривожланишида мумкин эди, қайерда типавий саноат маҳсулотига эстетик хусусиятларини баҳш этиш эди. Биринчи уринишлар шундай фаолият соҳасида ўрта аср романтик хунарманд анъаналарни тиклаш булган. Келажак дизайннинг илдизи дунёни рационал қайта кўриш ғояси, муҳитни ифода этиш объектни ҳар томонлама эстетик таъсир этиши билан боғлиқ булган.

XIX асрни охирида европа мамлакатларини модерн бадиий услуби қамраб олган. Уни асосида фикирлаш шаклларга асосланган. Айни модерн одамларда, rassomларда идеал сифатида шаклни сезиш дизайнни тадбиқ этилишига имконият берди.

Модернда бино элементлари конструктив ва декоративга бўлинди. Барча утилитар элементлари эстетик маъноли бўлиб яратиларди.

Келажак дизайнер кўрсатмалари ва муамолари немис бадиий бирлашмалари “Веркбунд” (1907 й.) ва “Баухауз” намоён қилишди.

“Веркбунд”га саноат ходимлари, меъморчилар, rassomлар ва коммерсантлар кирар эди. Уларнинг фикри бўйича саноатда ишлаб чиқаришда

иктисодий в эстетик талаблар ўзаро боғланмаса, халқаро бозарда ютиш мумкин эмас. “Веркбунд” асосий вазифаларни аниқлади: маҳсулотларни ишлаб чиқаришни хунармандликдан саноат йулларига ўтказиш. “Веркбунд”ни асосчиси Г.Мутезиус “эстетик фундаментализмнинг” принципларини аниқ таърифлаб берди: буюмнинг шакли унинг моҳиятидан, тузилишидан, технологиясидан, нимага мўлжалланганидан келиб чиқади. 1914 йилда фирманинг бадий директори П. Бернесни биринчи дизайнер деб ҳисобланса бўлади. Унинг амалий фаолияти янги фаолият тури – дизайнни - шаклланишига катта аҳамиятга эга. Бу фирмани фаолияти биринчи жаҳон урши 1914 йилда тўхтади.

Аммо уруш тугаганда муаммо қолган эди. 1919 йилда кичкина Германия шаҳари Веймарда “Баухауз” (қурилиш уй) номли саноатда ишлидиган рассомларни тайёрлайдиган биринчи ўқув маскани очилди. П.Бернеснинг шогирти В.Горпиус “Баухауз”ни ташкилотчиси ва бош назарчиси бўлган. Қисқа вақт мабойнида дизайн соҳасида “Баухауз” услубий марказ бўлди. XX аср йирик маданият арбоблари бу ерда ўқитувчи бўлган: меъморчилар Мис ван дер Роз, Ганес Майер, рассомлар В.Кандинский, П. Клее, П.Мондриан. Улар пластик санъатда ва буюм муҳитида шакллантириш универсал методларни қидиришган. Улар турар жойларни, оммавий саноат маҳсулотларни: газламани, мебельни, декоратив рангасвир ва пластикани лойихалашган, чунки булар барчаси бир муҳитни буюмлари. 1930 йилда Г.Майер кетгандан сунг Мис ван дер Роз фирмани бошқарганди. 1932 йилда “Баухауз” Берлинга кучди ва 1933 йилда нацистлар фирмани ёпишди. Г.Майер бир гуруҳ ўқитувчилари билан Россияга кўчиб келди. Улардан кўплари Москвада 1920 йилда ташкил этилган давлат олий бадий - техникавий устахоналарида (ВХУТЕМАС) ўқитувчилик қилишган.

Дизайн - бу замонавий саноатда ишлаб чиқаришда йўқолган маданий мувозанатни тиклаш усулидир. Айнан шунинг учун гўзалликни функционал асосланган буюмлар шаклида қидира бошлашди. “Баухауз” 1920 – 1950 йй. европа дизайн аксини намоён этган.

1937 йилда “Баухауз” АҚШга эмиграция этган. Улар европа дизайннинг асосларини америкада ўзлаштиришган. Бунга 1930 йилдаги Америкадаги депрессия сабаб бўлган, чунки маҳсулотни сотиш қийин бўлди. Бизнесменлар рассомларни ишга олиб, маҳсулотга эстетик хусусиятни беришга интилишди.

Инқироз пайитда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз буюмларини дизайнига эътибор берадиган бўлишди. Бунга ёрқин мисол, Г.Форд “Джененра моторс” томонидан рақобати ва бозорни машиналар билан тўганлиги сабабли “Т” маркали машҳур автомобилларни ўрнига 18 миллион долларни сарфлаб янги келишган “А” моделини чиқарадиган бўлди.

Айнан инқироз пайитда ҳозирги дизайн контексти ташкил этилганди. Дизайн фаолиятининг шиддатли тафаккури асосан 1920–1930 йй. Америкада бўлган. У, энг аввало, коммерция дизайнида ёки “индустриал санъатида” ўз ифодасини топган. Ҳар бир корхонада маҳсус гуруҳлар ташкил этилган, улар “стафф-дизайн” - дизайн вазифаларини бажаришган. Маҳсус буюртма бажарадиган мустақил дизайн фирмалари ҳам барпо этилганди.

Демак, дизайн уч маъноли соҳаларнинг, уч турли маданий ҳаракат чоррахасида барпо этилган: санъат, оммавий саноат корхоналар ва буюмларга мужассамланган оммавий онг.

Россияда дизайн 1922–1933 ййларда ташкил этилган. Янги мутахассисликлар ва методик ишланмалар пайдо булганди. ВХУТЕМАСни битирган меъмочилар, санъатшунослар, рассомларни олдида қўилган асосий вазифа - санъатни янги турмуш билан боғлаш ва уни саноатга киритиш. Аммо у вақтда бу вазифани ечишга имконият йўқ эди. Уларнинг лойиҳалари асосан утопик эди ва эски маданиятни барбод этиб, янги келажак маданиятни барпо этиш эди.

Санъатда бу оқимни ёрқин намояндалари Е.Татлин (1885 - 1953), А. Родченко (1891 - 1956), Л. Попова (1889 - 1924) бўлган. Л.Попова биринчи рассом–конструктор бўлган ва корхонага келган биринчи дизайнер бўлган. У янги газламалар нақши ва кўйлақларни рационал моделларни яратган.

Совет даврида дизайнни ривожланиши қийинлик билан утган, чунки вайроналардан сунг саноат энди оёққа турар эди. Иккинчи жаҳон урушдан кейин 1962 йилда дизайнни саноатга тадбиқ этиш туғрисида қарор чиққан эди. Шунинг учун ғарб мамлакатлардан ва Америкадан орқада қолган эдик.

Мустақлилик эришгандан сунг хорижий мамлакатлар билан алоқалар кучайганди. Хориждан келган махсулотлар маҳаллий махсулотларга рақобатдош бўлгани боис, буюмлар дизайнига эътибор бериладиган бўлди.

Ўзбекистон махсулотларни дизайнига ҳам эътибор бериладиган бўлди. Дизайнерлар уюшмаси ташкил этилди ва бу уюшма халқаро дизайнерлар уюшмасиги киритилди.

Х.Х.Комилова бошлигида республикамизда “Осиё рамзи” модельерлар уюшмаси ташкил этилди. Бу ташкилот Ўзбекистон либос дизайнерларни бошқарди ва миллий анъаналарга асосланиб, “Ўзбек модасини” дунёга намоён этишди. 2005 йилдан бошлаб, “Art week” қошида Тошкентда ҳар йили “Style Uz” ва “Болажонлар, ширинтойлар” мода фестиваллари ўтказилади. У ерда, миллий либослар анъаналарига таяниб, миллий (хон–атлас, адрас, шойи, беқасам) ва замонавий газламаларидан замонавий ва миллий либослар намоёиш этилади.

Таянч иборалари: дизайн, санъат, асосчилар. маданият, саноат, инқилоб.

Назорат саволлари

1. Санъат турларини таърифлаб беринг.
2. Дизайн ва санъат орасидаги фарқи.
2. Техникавий инқилобни санъатга таъсири.
3. Дизайн асосчилари.
4. Замонавий дизайн муаммолари.

Мавзу: *Костюм дизайнининг назарий асослари.*

Режа

1. Дизайн – ижодий фаолият тури.
2. Дизайн турлари.
3. Дизайннинг асосий омиллари.
4. Костюм дизайни.
5. Костюм дизайнининг асосий функциялари.

Адабиётлар: 1, 2, 5, 4, 6, 15, 30, 33

Дизайн – ижодий фаолият тури. “Дизайн” атамаси италийча сўзи “disegno”дан келиб чиқади. Ўйғонишдаврда бу тушунча билан ишни асосида ётган лойиҳалар, расмлар ва ғояларни аташарди. XVI асрда “design” сўзи билан ғоя ёки нақшни, лойиҳалаш ва конструкциялаш жараёни аташарди.

Дизайнга беш асосий нуқтаи назарлари мавжуд:

- 1) дизайн – бу буюмни функционалиги ва рационал конструктивлигини қонуний натижаси;
- 2) дизайн – бу фан;
- 3) дизайн – бу санъат тури. Инсон дизайн маҳсулотини бадиий буюм сифатида тасаввур этади;
- 4) дизайн - уйғунлаштириладиган соҳа. Уни ёрдамида инсонга ижобий эстетик таъсир этиши учун саноат буюмларнинг хоссалари ўзаро мослаштирилади;
- 5) дизайн – саноатда ишлаб чиқариладиган буюм сифатининг махсус аспекти.

Саноат соҳасида махсус ижодий фаолият сифатида дизайн XIX-XX асрларда пайдо бўлди. Оммабоп ишлаб чиқариш ва саноат инқилоби натижасида пайдо бўлган дизайн, гўзал ва фойда орасидаги номувоқуқликни бартараф қилди, санъат ва техникани орасидаги чегарани йўқотди. Дизайн лойиҳа фаолити бўлиб, янги турдаги маданият билан боғлиқ, яъни маданияти билан. Бу маданият турида илмий-техникавий ва ижтимоий маданиятлар ўзгача бириктирилди, замонавий фикрлашда лойиҳалаш ўзига хос хусусият бўлди, инсонни дунёда янги ўрни ҳисобга олинди, ташқи муҳит билан боғлади. Илмий-техника тараққиёти шароитида лойиҳалаш маданиятини қайта ишлаб чиқаришда асосий усулдир, у турмуш тарзни узликсиз ўзгаришига мўлжалланган ва янги буюм яратишда фаолиятнинг барча томонларини: техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва эстетик томонларини ўзаро қамради.

Лойиҳалаш маданияти қонун-қоидалар ҳуқумига асосланган, қадимий маданиятларни (қадимий цивилизациялар, Европа ўрта аср, Ҳиндистон, Хитой, Япония маданиятлари) ўрнига Ўйғониш даврида келди.

Қонуний маданиятни муаллифлари номаълум эди ва натижада ўқитувчилардан ўқувчига ўтарди. Таклид этиш учун намуна сифатида узок замонларда пайдо бўлган анъаналар бўлган. Лойиҳалаш маданияти эса муаллифга оид, унда шахс лойиҳалаш ҳуқуқига эга бўлади. Лойиҳалаш маданиятида эски қонун-қоидаларни бузмасдан, янгини яратиш мумкин эмас: бу сиз барча соҳаларда (техникавий, ижтимоий, бадиий) ижод бўлмайди.

Аммо янги даврдан бошлаб (XIX асрни ярмидан) технократ ва техноцентриқ фикрлаш маданиятни дегуманизацияланиши боис танқид объекти бўлди.

XIX аср охири–XX аср бошида дизайн назариячилари Д.Рёскин ва У.Моррисдан бошлаб, машиналар ҳуқумлигига йўқотилган маданият яхлитлигини кутариш фикрини таққослашди. Бу ғоя дизайнни замонавий тамойилларида ҳам ўз аксини топди.

Дизайн саноат ва санъат орасидаги номувофиқликни енгиш лозим: лойиҳалаш маданиятида гўзаллик ва фойда уйғунлашади.

Дизайн лойиҳалаш фаолият сифатида жамоа ва инсонни турли талабларини қондиради.

Дизайн – ижодий лойиҳалаш фаолият, унинг мақсади – инсонни руҳий ва моддий талабларини тўлиқ қондирадиган уйғун буюм муҳитини яратиш.

Буюмларга юқори истеъмол ва эстетик хоссаларни таъминлайдиган мутахассис дизайнер деб аталади.

Дизайн таркибига қуйидаги элементлар қиради: дизайн – фаолият субъекти – дизайнер ва истеъмолчи; дизайн - фаолият объекти: дизайн-лойиҳа ва дизайн-маҳсулот; муҳит – фаолиятнинг ҳар хил тизимлари.

Дизайн объектлар сифатида саноат маҳсулотлари, шаҳар, корхона ва яшаш муҳит элемент ва тизимлари ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Лойиҳалаш объектига кўра дизайн қуйидаги турларга бўлинади: индустриал дизайни (“А” гуруҳидаги маҳсулотлар – меҳнат учун асбоб ускуналар ва механизмлар, транспорт ва қурол; “Б” гуруҳига оммабоп истеъмол қилинадиган буюмлар, яъни идиш-тавоқ, маиший ускуналар, мебель); меъморчилик муҳит дизайни (интерьер, меъмор ва ташқи муҳит дизайни); компьютер дизайни; ландшафт дизайни; артдизайн; ижтимоий дизайн; костюм дизайни; полиграф дизайни.

Дастлаб дизайнга фақат саноатга оид лойиҳалаш кирса, энди унга кўпинча ягона намунада ясалган ноёб лойиҳалар (артдизайн, элита дизайни) ҳам қирадиган бўлди.

Замонавий жамиятда дизайн оммабоп алоқа воситаси ҳам бўлди, чунки савдо-сотик орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни бирлаштирди, талаб ва таклифни тартибга солди, аҳолининг харид қилиш қобилияти активлигини оширди. Буюмни харид қилганда, истеъмолчи фақат ўз эҳтиёжини қондиришига эмас, балки ижтимоий рамзини ҳам қондиради.

Хуллас, дизайн – истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи орасида маркетинг ва алоқа воситасидир: “социология томонидан қаралса, дизайн – бу буюмларни ташқи кўринишига нуфуз тимсоли, фаровонлик, содиқлик бериш орқали саноат ва бозорни ҳамкорлигини бошқариш тизим. Маданий томонидан қаралса,

дизайн – санъатдир” (К.Кантор. Правда о дизайне. – М.: Анир, 1996.).

Бу ўзаро алоқаларни аниқ тасаввур этиш учун дизайн лойиҳалаш жараёнини аниқлайдиган асосий омилларни таърифлаймиз.

1. Функционал комплекс. Асосий функциялар ва улар белгилайдиган буюмнинг принципиал шакли. Ушбу функцияни қийматини ва истеъмолдабуюмни ролини аниқлаш.

2. Корхона, сотиш ва реклама нуқтаи назаридан буюмнинг тежамлиги. Кўп вақт давомида буюмни серияли ишлаб чиқариш ва корхонани оқилона ташкил этиш.

3. Дизайн талабларига жавоб берадиган материалларни танлаш.

4. Дизайн талабларига жавоб берадиган конструкцияни танлаш.

5. Дизайн талабларига жавоб берадиган, материалларни тежамлайдиган, асбоб ускуналарни ва технологик жараённи қўллаш учун имконият берадиган технологик усулларини танлаш.

6. Ижтимоий омиллар. Буюмни истеъмол этадиган ҳаридорлар туўғрисида маълумотларни эътиборга олиш (жинси, ёши, мутахассислиги, миллати, ишлаш жойи, дид ва хоҳишлари, турмуш тарзи, жуграфик ва иқлим шароитлари).

7. Психологик омиллари. Буюмнинг моддий ва эмоционал томонлари.

8. Физиологик талабларига жавоб бериши. Акустика, гигиена, ҳарорат, вентиляция, тозалик, кир, чанг, шовқиндан ҳимоя қилиш.

9. Деталларини унификациялаш. Стандартлаш, модул тизимини, элементларни комбинациялашн усулларини қўўлаш.

10. Буюм шаклига қўйиладиган асосий талаблар: буюм ёки буюмлар комплексини муҳитга мосланиши, буюмнинг пропорционаллиги ва буюм, инсон ва ташқи муҳит билан ўзаро пропорционаллиги; инсоннинг антропометрик кўрсаткичларига мослиги ва ҳ.к.; визуал тартиблиги: фарқлар ва контрастлар, визуал ритмлар ва таркиблар, рангли бирикмалар ва контрастларни қўллаш, буюмнинг юқори сифатли кўриниши; материал ва рангни мўлжалга мослиги; рангни информатив, сигнал ва реклама сифатида қўлланиши; тактил тартибланиши: тактил хоссалари ёрдамида буюмнинг юқори сифатлигини тасаввур этилиши; акустик тартиблиги; буюмни стабиллиги ва ҳаракатчанлиги билан боғлиқ муаммоларини эътиборга олиш; реклама ва упаковка; шакллантириш воситаси сифатида технология: шакл ва қўлланган технологик жараёнларнинг мослиги.

Костюм дизайни. Костюмнинг барча элементлари дизайн объектларига киради. Костюм инсон билан чамбарчас боғлиқ ва муҳитнинг ажралмас қисми бўлиб, турмуш тарзини ўзгаришини ифода этади.

Костюм (итал. costume – одат, урф-одат) – бу яхлит ғоя ва мўлжал билан бириктирилган, ижтимоий, миллат, минтақа, жинс, ёш ва мутахассилигини ифода этадиган элементларининг муайян тизими. Костюм маиший анъаналар билан чамбарчас боғлиқ, маълум минтақанинг урф-одатларини, конкрет тарихий даврни, халқни ёки этносни ижтимоий ҳолатини, маълум шахснинг сиймосини, унинг ноёблигини ифода этади. Костюмнинг асосий функциялари қаторида ҳимоя, утилитар ва белги функциялари киради, чунки костюм махсус алоқа тури, яъни у атрофдагиларга одам тўғрисида маълумот беради: унинг

ижтимоий ҳолидан, сиёсатга муносабати, эстетик диди, динга мансублиги, маданияти.

Костюм қуйидаги функцияларни бажаради:

- ёши тўғрисида маълумот беради, аммо костюм ёшини кўрсатиш ёки яшириши мумкин;
- ойилавий ҳолатини кўрсатади. Масалан, барча миллий костюмларида ёшидан ташқари унинг оилавий ҳоли белгиланганди: унаштирилган қиз, узатилган қиз, бева ва ҳ.к.. Анъанавий жамоада шахсга мойил бўлмаган кийимни кийиш ман этиларди. Замонавий костюмда бу функция деярли йўқолди деса бўлади: ҳозир костюм бўйча баъзан оилавий ҳоли ва жинсини билиб бўлмайдиган бўлди (унисекс услуби);
- одамнинг маълум табақага, ижтимоий синф ёки гуруҳга мансублигини белгилайди, ижтимоий вазиятини кўрсатади ёки яширади;
 - одамнинг мутахассилигини кўрсатади. Ўрта асрларда Европада барча касблар махсус кийим кийишган. Замонавий костюмда бу функция ҳарбий, ишлаб чиқаришга оид костюмда учрайди ва камроқ маиший костюмда. Аммо, ҳозир ҳам костюм ёрдамида ишбилармонни бошқалардан ажратиш мумкин;
 - минтақа иқлими ва унда яшаётган халқларнинг турмуш тарзини ва миллий анъаналарини кўрсатади. Аммо, ҳозир кенг тарқалган байналминал услуби барча миллий хусусиятларни йўқота бошлади;
 - шахснинг маълум динга мансублиги кўрсатади. Масалан, дастлаб Ҳиндистонда фақат мусулмонлар бичилган ва тикилган кийимни ва чармдан тикилган пойабзални кийишган, ҳиндлар эса – бичилмай уралган кийим кийишган; XVI асрда Францияда костюм ёрдамида католикни протестантдан ажратиш мумкин эди. Аммо бу функция костюмда аввалгидек деярли аҳамиятга эга эмас.

Европа типидagi замонавий костюмда маълум функцияни ажратиб кўрсатиш қийин. Костюм кўпфункционали бўлди, функция ўзи кўп маъноли. Костюм аввалгидек эротик ва эстетик функцияни бажаради. Бу маънода костюм инсонни ўзига хос эстетик дидини ифодалаб, маълум вақтни гўзаллик тўғрисида умумий тасаввурни акс эттиради. Костюмни индивидуал танлаш (услубини, ранглар ва айрим буюмлар бирикмасини, қоматга ва конкрет шароитга мослигини, шахснинг маълумоти ва унинг ижтимоий насабини кўрсатади) инсонинг умумий маданияти тўғрисида маълумот беради. Замонавий модада “яхши дид” тўғрисида аввалги меъёрлар йўқ, аммо, “кийим маданияти” тушунчаси ўз маъносини саклаб қолди.

Кийим дизайни – дизайн фаолиятининг йўналишларидан бири. Кийиш усули, танада маҳкамлаш тури ва бичимига кўра кийим қуйидаги турларга бўлинади:

- драпировкаланган (бичилмаган ва тикилмаган) – бу бир бўлак мато танага ўралади ва драпировка қилинади (хитон, гиматий, тога, сари, дхоти ва б.);
- қоплама – бу бошдан кийладиган кийим. У тикилмаган – фақат ёқа ўмизи қирқилган мато парчаси (пончо, пенула ва б.) ёки тикилган (туникасимон бичимли);
- олди очик – бу бичилган ва тикилган кийим (чопон ва кафтан турида);

- европа туридаги бичилган ва тикилган – бу одам қоматига мос бичилган ва тикилган кийим.

Замонавий костюмни яратганда уни асосий функциясини инобатга олиш зарур. У костюмни конструктив ечимини, матосини ва сиймосини белгилайди. Буюмни лойиҳалашда бундай йўл “функционал кадам” деб аталган, қачонки буюм эмас, балки истеъмолчига берадиган фойда кўзда тутилади (шу нуқтаи назардан башанг кўйлакни эмас, балки яхши кайфиятни, гўзалликни лойиҳалаш зарур).

Буюм лойиҳаланганда функционал қараш уни ишлаш жараёнини дастлаб ўрганилгандан сўнг, идеал ишлайдиган тизим яратилади ва натижада одамни ҳар хил ва ўзгарувчан талабларини қондирадиган принципиал янги функцияни бажарадиган буюм яратилади.

Лойиҳалаш объектига биноан костюм кийим, бош кийим, пойабзал, аксессуарлар, безаклар ва б.дизайнига бўлинади.

Кийим истеъмол ва оммабоп чиқариладиган буюм бўлгани боис, кийим дизайнери асосан саноатга оид коллекцияларни яратади. Бундай мутахассисларни кийим дизайнери ёки стилист деб аташади.

1950 йилда пайдо бўлган тушунча “прет–а–порте” (кийишга тайёр) кийим ишлаш соҳасида мавжуд. “Прет-а-порте” кийими таниқли дизайнер фирманинг номи кўйладиган юқори сифатли кийим. Саноат модасининг биринчи ярмаркаси 1948 йилда Дюссельдорфда ўтказилган, 1951 йилда Флоренцияда аёллар модасининг биринчи кўрғазмаси ўтказилган, 1956 йилда Парижда биринчи “прет-а-порте” салони очилди.

“Костюм дизайни” тушунчаси ҳозир умуман костюм яратиш фаолиятида тарқалган ва фақат саноатда ишлаб чиқариладиган буюмлар учун эмас, балки кутюрелар ижодида ҳам учрайди.

Парижда бир йилда икки маротаба аёл ва эркаклар мода салони ўтқазилади. Йирик мода салонларининг “Юқори мода синдикати”ни 1868 йилда Ч.Ф.Уорт Парижда ташкил этган. Юқори мода синдикати ўрта аср хунармандчилик цехини эслатади. Фақат бу ташкилот аъзоларигина кутюрье деб аталиши мумкин. Синдикатга қабул қилиниш учун бир қатор талабларга мувофиқ бўлиш керак: моделларни фақат шахсий буюртма бўйича ишлаш, буюмни фақат кўлда тикиш, махсус миждозлари бўлиши лозим. Синдикат низомига янги талаблар киритилди – миждозлар ва оммавий ахборот вакиллари учун ва мавсумий янги модалар коллекцияси доимо кўрғазмаларини ўтқазिश. Ҳозирги кутюрье юқори мода синдикати аъзоси бўлиши учун Парижда салони (Юқори Мода ўйи), штатида 20дан кам бўлмаган ҳодимлари, 3 доимий манекеншичалари бўлиши ва маълум қоидаларга риоя қилиши лозим: моделлар ишланганда асосан кўл иши кўлланиши (ҳозир 30% машина чоклари кўлланиши мумкин), маълум баҳодагиматоларни кўллаш, бир йилда икки маротаба 75та моделдан кам бўлмаган янги моделларнинг мавсумий кўрғазмаларини ўтқазिश шарт.

Костюм дизайни ўзига хос хоссаларга эга. Бу соҳадаги профессионал муаммолар съезд ва конференцияларда муҳокама қилинмайди, дизайнерларни бирлаштирадиган уюшмалари йўқ. Маълум даражада бу ролни мода

ярмаркалари, прет-а-порте салонлари, юқори мода ҳафталари бажаради. Бунда асосий вазифа – реклама, корхоналар ва савдо-сотик орасида алоқа боғлаш. Яна костюм дизайнерлар орасида назарий ва манифест турида ўз ижодий концепциясини ифода этиш анъанаси йўқ. Одатда, дизайнернинг концепцияси моделлар кўрғазмаси ўтқзилгандан сўнг интервью ёки пресс-релиз сифатида берилади. Шу билан бирга етакчи роль дизайнерларга мансуб бўлмасдан, танқидчиларга, мода шарҳловчиларига мансуб, чунки улар янги мода йўналишини асослаб реклама қиладилар.

Костюм дизайнери ўз ғояларини энг аввало моделларда намоён этади, ижодий концепцияларини эса – мода кўрғазмасида. Дизайнерлар фаолияти лойиҳа маданиятини умумий ривожланиш рағбатини акс эттиради: масалан, 1920 йй. функционистлар (конструктивистлар) қўллаган принципни К.Шанель кийим яратганда инобатга олган.

Костюм дизайннинг объекти – амалий мўлжали ва эстетик функциялардан ташқари бир неча функцияларни бажарадиган утилитар буюмдир. Дизайнер буюм дунёсини тасвирламасдан уни яратади. Лойиҳа маданиятининг келажакка интилиши, унинг динамиклиги, янги дунё сиймосини яратишга мақсад қилиб олиши, дизайннинг асосий вазифасини белгилайди – янги буюм намуналарини яратиш. Шунинг учун костюм дизайни одамларнинг талабларини ва турмуш тарзининг ўзгаришини инобатга олиб, анъанавий шаклларга безак бўлмасдан, кийимнинг янги функцияларини лойиҳалаш лозим.

Костюм буюмлар тўплами бўлиб, қуйдаги функцияларни бажаради:

- инструментал: одамнинг фаолияти, кийим мўлжали билан боғлиқ (утилитар-амалий функция);
- адаптив: буюм-фазо муҳитида комфортни таъминлаш, одамнинг ташқи муҳитга адаптация қилинишига осойишталаш (бу функция экологик муаммолар нуқтаи назаридан жуда муҳим);
- натижали: буюмлар бирлаштирилган ва уларда маданият сифати умуман кўринадиган - маъно, анъана, материал ва шаклда акс этган қиймати.

Демак, буюм умуман турмуш тарзининг акси бўлса, кийим эса - одам сиймоси ва унинг турмуш тарзининг ифодасидир.

Баъзи дизайн тадқиқотчилари дизайн санъатнинг янги шакли деб муҳокама қиладилар. Бир қараганда дизайн билан амалий санъатни кўп умумийлиги бор. Аммо, дизайн янги функционал вазифани ечишни кўзда тутса, амалий санъат мавжуд буюмларга бадиий вариантларини яратади.

Дизайнер ўз фаолиятида фан ва техника ютуқларини таҳлил этиб, ижодий фикрлаш асосида янги буюмларни яратиши лозим, улар саноат соҳасда ишлаб чиқарилиши мумкинлиги инобатга олиши керак.

Дизайнернинг ижодий қобилиятининг интегратив хусусиятини италийан дизайнери Э.Сотсасс ўз таърифида қуйидагича этган: “Дизайнер – бу юқори даражали рассом, файласуф, хунарманд”. Дизайнер файласуф бўлиши лозим, чунки у инсоннинг дидига ва ташқи кўриришига, сезгисини, турмуш услубини лойиҳалайди. Дизайнер бевосита буюмни лойиҳалайди, восита эса – инсонни ва жамоани. Демак, дизайннинг ҳақиқий мақсади – инсонни лойиҳалаш, унинг қиёфасини, турмуш тарзини. Шунинг учун лойиҳанинг асоси

инсон сиймосини ва жамоанинг концепцияси бўлиши лозим.

Таянч иборлари: санъат, дизайн, фан, костюм, фаолият, омиллар, костюм, функция, инсон, мақсад, жамоа, қобилият, дид.

Назорат саволлари

1. Дизайн – ижодий фаолият тури.
2. Дизайн турлари таърифланг.
3. Дизайнинг асосий омиллари таърифланг. ли
4. Костюм дизайнининг асосий функциялари.
5. Костюм дизайнини ўзига ҳослиги нимада?.

Маъруза № 3

Мавзу: *Дизайнда услуб ва услублаш*

Режа:

1. Услуб тушунчасини таърифлаш.
2. Услублаш тушунчасини таърифлаш.
3. Катта услублар.
4. Фирма услуби.

Адабиёт: 4

Дизайнда услуб ва услублаш. Санъатда услуб асосий тушунчаларнидан бири бўлиб, вақт мобайнида ва жамиятда костюм эволюцияси билан боғлиқ. Давр услуби, тарихий костюм услуби, мода услуби, дизайнер услуби, фирма услуби тушунчалар ҳам учрайди.

Услуб – бадиий фикрлашнинг энг умумий категорияси; санъатда муайян давр ёки асарнинг тасвирий воситаларнинг ғоявий бирлиги; буюм муҳитининг бадиий-пластик ўхшашлиги. Услубда ҳар бир даврни дунёқарашлар, ғоя ва қарашлари акс этилади. Услуб – даврнинг бадиий тили, даврнинг бадиий ифодаси. Унда муайян тарихий даврнинг эстетик идеали намоён бўлади. Услуб барча санъат турларига ўзгача таъсир этади, уни “даврнинг катта бадиий услуби” деб аташади. Санъат тарихида даврга мансуб “катта услублар” бирин кетин бўлган: Қадимий Миср, Антик, Роман, Готик, Ренессанс, Уйғониш, Барокко, Рококо, Классицизм, Амбир, Модерн. Ушбу услублар костюм турини, шаклини, пропорцияларини, қўллаган матоларини, кийиш усулини ва ҳ.к. белгилаган.

Ҳар бир услуб ривожланиш жараёнида бир неча босқичлардан иборат: пайдо бўлиши, авжга етиши, инкирозга учраши. Шунинг эътиборига олиш лозимки, ҳар бир даврда бир неча услублар биргаликда мавжуд бўлган: олдин

бўлган, айти шу вақтда ҳукумронлик қилган ва келажак услубнинг элементлари. Ҳар бир мамлакатда бадиий маданияти ривожланиш даражаси, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, бошқа мамлакатлар маданияти билан алоқалиги билан боғлиқ бадиий услубларни эволюция динамикаси ўзига хос бўлган: масалан, XV асрда Италияда Ренессанс услуби авжига чиққан бўлса, Францияда - кеч Готика, Германияда эса - Готика XVI асрни ўртасигача бўлган, Ўрта Осиёда эса - Ренессанс услуби IX асрдан бошлаб то XVII асрга қадар ривожланган.

“Катта услуб” доирасида “микроуслублар” ривожланиши мумкин. Масалан, Рококо услуби доирасида (1730-1750 йй.) “шинуазри” (хитой услубига ўхшаш) ва “тюркери” (туркча услуб); модерн услуби доирасида (1890-1900 йй.) “неоготика”, “неорус” ва геометрик услублари; “арт деко” услубда (1920 йй.), Миср, рус, африка, геометрик ва б. микроуслублар мавжуд бўлган.

Аммо, тарихий даврлар ўтиши билан “катта услуб”лар ўтмишда қолди: жамоа ва инсонни турмуш суръати тезлашиши, информацион жараёнларни ривожланиши, янги технологиялар ва оммабоп бозорни таъсири, ягона услубга эмас, балки кўп услубий шакллар ва пластик сиймоларни мавжуд бўлишига олиб келди.

XIX асрда илгари бўлган услубларга асосланган услубий йўналишлар пайдо бўла бошлади (эkleктизм, ўтмишга берилиш ва б.). Эkleктика – бу ҳар хил услубларни аралашмаси, бир неча услубни бараварига мавжудлиги. XX асрда эkleктика маданиятини муҳим хусусиятларидан бири бўлди, айтиқса асрни охирида – постмодернизм маданияти модага таъсир этганди.

XX асрда “катта услуб”ларни ўрнига санъатда авангард санъатни инновацион моҳияти билан боғлиқ янги концепциялар келди: абстракционизм, функционализм, сюрреализм, поп-арт, оп-арт ва ҳ.к. Модада ҳар бир ўн йилликда “микроуслуб”лар мавжуд бўлган: 1910 йй. - нео-грек ва шарқ услуби; 1920 йй.- рус, миср, лотинамерика, африка; 1930 йй.- неоклассицизм, ўтмишга берилиш, лотинамерика, сюрреализм; 1940 йй.- кантри, вестерн; 1950 йй.- Нью Лук, Шанель; 1960 йй. – космик; 1970 йй. романтик, ретро, фольк, этник, спорт, джинс, диффуз, милитари, ички кийим, диско, сафари, панк; 1980 йй. – экологик, янги қароқчилар, неоклассик, необарокко, секси, корсет; 1990 йй. – гранж, этник, нео-панк, киберпанк, гламур, ўтмишга берилиш, нео-хиппи, минимализм, деконструктивизм ва б.

Ҳар бир мавсумий нашрлар янги услубларни тарғибот этади, дизайнерлар эса ўз услубини яратишга интилишади. Аммо, барча услублар тасодифий пайдо бўлмайди. Сиёсий воқеалар, ижтимоий муаммолар ва б. услубни шаклланишига таъсир этиб, уни актуал қилади. Модали услубларда инсоннинг сиймоси ва турмуш тарзини ўзгариши ҳозирги замонда уни ўрни ва ва роли бўйича тасавури ифодаланади. Янги услубларни пайдо бўлишига янги материаллар ва уларга ишлов бериш усуллари таъсир этади.

Кўп услублар орасида классик услубни ажратиш мумкин: улар узок вақт давомида актуаллигини сақлаб, модада бўлади. Классик услуб муайян хусусиятларга эга бўлиши мумкин: универсаллик, кўпфункционалик, шакл яхлитлиги ва оддийлиги, одамни талабларини қондирадиган. Классик услубга,

масалан, англиз, Шанель услублари кириши мумкин.

“Катта бадий услуб”лар ва “микроуслуб”лардан ташқари “муаллиф услуби” ёки “устанинг индивидуал услуби” деган тушунчалар бор. Бу услуб турида муаллифнинг мавзулари, ғоялари, қўллаган тасвирий воситалари ва бадий усуллари намоён этилади. К.Шанель, К.Диор, А.Курреж, Дж.Версаче, К.Лакруа, В.Зайцев, В.Юдашкин ва б. ижоди муаллиф услуби билан ажралиб туради.

Замонавий буюм муҳитни бадий-пластик бир хиллиги “дизайн-услуб” деб аталади. Бу услуб техникавий тараққиётни ўзлаштириш натижасини намоён этади. У янги мато ва технологиялар билан боғлиқ бўлиб, буюмларни ташқи кўринишини фақат ўзгартирмасдан, инсонни ҳаётига янги хоссаларни бахш этади ва буюм ва инсонни ўзаро алоқасига таъсир этади.

Дизайнда “*фирма услуби*” деган тушунча ҳам бор – бу фирмани ишлаб чиқарган маҳсулотига услубий бирлик мансуб. Фирма услуби конкрет муаллифлар томонидан яратилади ва субъектив хоссага эгадир.

“Услуб” тушунча билан “услублаш” тушунчаси чамбарчас боғлиқ. Янги санъат асрлари яратилганда услублаш бадий усул сифатида қўлланади. *Услублаш* – маълум услубнинг сиймоси ва формал белгиларини янги, унга монанд эмас бадий контекстда ғаразли мақсад билан қўллаш.

Бу усул тимсол билан эркин фойдаланишни, трансформация этишни кўзда тутаяди, асос қилиб олинган услуб билан алоқани узмасдан. Бу ҳолда ижодий манба доимо таниш бўлади. Бадий восита сифатида услублаш классицизмда, неоклассицизмда ва б. қўлланган.

Замонавий дизайнда оммабоп истеъмолчига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда бу усул ўз аҳамиятини сақлаб қолган, айниқса, коммерциячилик дизайнида (“корпоратив” дизайнда).

Дизайнда услублаш – бу биринчидан буюмни лойиҳалашда муайян услуб хоссаларини онгли қўллаш (бу маънода кўпинча “стайлинг” тушунчаси қўлланади); иккинчидан – маданий намунани кўринарли хоссаларини тўғридан-тўғри лойиҳалаётган буюмга кўчирмоқ, кўпинча безакда; учинчидан – табиий шакллар ёки муайян буюмларга тақлид этиб, шартли декоратив шакл яратиш.

Услублаш усулда ажойиб коллекцияларини Ив Сен-Лоран 1960-1980 йй. (“Африканка”, “Рус балет-опералар”, “Хитой аёли”, “Испан аёли”, “Пикассо хотирасига” ва б.) яратган.

Модага нисбатан услуб-оғишмаси ижтимоий феномен. К.Шанель этиши бўйича: “Мода ўзгаради, ҳақиқий услуб эса – ҳеч қачон”.

Дизайнерлар, мода журналлари, телевидение ва Интернет тавсия этган кўп услублар орасида замонавий костюм дизайнида асосий йўналишни аниқлаш мумкин.

Бу йўналишлардан бири – модани демократизацияланиши, ўзига хос “модани ҳуқумдорлигидан озод бўлиш”, барчага мажбурий ягона модали намунани йўқлиги, турли мўлжал кийимларни фарқланмаслиги, “яхши дид” қонунларни, турли буюмларни бирикмаларини, ранглар ва материалларни қўллаш қоидаларни муқаррар эмаслиги.

Иккинчи йўналиши – буюм муҳитини индустриализацияланиши, ҳар бир инсонга ўз фикрини эркин ифодалашга шароит яратиш.

Жамоани олдида турган муаммоларни ечишда кумак беришда дизайнни инсонпарвар роли кучаймоқда, чунки у турмуш тарзни шаклланишига инсоннинг талаблар таркибини аниқлашга таъсир этиши мумкин, жамиятда экологик қийматини тасдиқлашга имкон тўғдириб.

Таянч иборалари: дизайн, ижод, композиция, бадиий, усул, услуб, услублаш, костюм, шакл, фикр, ғоя, функция, кутюрье, прет-а-порте.

Назорат саволлари

1. Дизайннинг моҳияти.
2. Дизайннинг функциялари тавсифланг.
3. Замонавий дизайн турлари .
4. Дизайн таркибига қандай элементлар киради ?
5. Дизайн лойиҳалаш жараёнини асосий омилларини таърифланг.
6. Костюм дизайннинг функциялари қандай?
7. Кутюрьелар ижодида дизайннинг ўрни.
8. Костюм функцияларини тавсифлаб беринг.
9. Услуб ва услублаш тушунчалар маносининг фарқи нимада?

Маъруза № 4

Мавзу: *Замонавий костюмда услубий ечимлари*

Режа

1. Классик услуб: инглиз костюм, Шанель, минимализм, анимал, катак –катак.
2. Романтик услуби: фантази, хиппи, ретро, винтаж.
3. Спорт услуби: сафари, деним. Милитари, денгиз, космик. оп –арт, графити, фитнесс.
4. Фольклор услуби: кантри, Гаучо, Мао, экзотика, скандинав, кармен.
5. Услублар аралашмаси: кэжуаль, фьюжи, гранж, китч.

Классик услуби. Классик (одмий, ишбилармон, элегант) услубига модага деярли сиғинмайдиган, турғун вақт давомида танланган, деярли ўзгармайдиган услуб. Классик услуб – чизикларни сиполиги ва оддийлиги, бичимни мантиқалаги. Одатда, классик услубдаги буюмлар – бу кўзга ташланмайдиган жуда оддий сиймо, эътиборни узига сифати билан тортади. Классик услубини асосида, уни баъзи элементларини комбинация қилиб, ҳар хил микроуслублар шакллланади. Классик услубга либоснинг барча элементларини киритиш мумкин. Янги классика одатий шаклларнинг сиполигини йуқотди – моделлар юмшоқ, табиий ва олийжаноб. Аммо, авалгидай классика деталларни минимуми билан фарқланади. Кўпинча

материаллар эркактар модасида ўзлаштирилган – бу репс, габардин, поплин ва фланель, юпка классик йўл –йўл ва “ёлочка”, юмшоқ жун газламалари. Услуб фаворити – шим ва юбка, нимча билан классик костюм.

Инглиз услуб. Кийимда классик услубни типик намунаси – инглиз услуб. Бу услуб уч аср мабойнида ривожланади ва модани инжиқлигига қарамасдан ўз оммабоплигини йўқотмади.

“Инглиз костюм” тушунчаси ХУ111 асрда падо булган. Айнан шу вақтда Англияда шакли ва ранги бўйича сипо кийим услуби юзага келган.

ХУ111 асрни 80–чи йилларида отда юриш костюм жуда оммабоп булган: мовутдан фрак, редингот – этаги тўғри устки кийим, тор панталонлар, қайтармали этиктар. Бу одми костюмни инглиз костюми деб аташадиган бўлди.

Инглиз услуб аёллар костюмига хам таъсир этди: силуэти ўзгарди, аёллар каттиқ мосламаларни (каркасларни) киймайдиган бўлди, бу кийимни кулай ва оддйроқ қилди. XIX асрни 80–чи йилларида аёллар модасига эркактар костюминини бичимини эслатадиган костюм кирди: астарли жакет ва тўғри шаклли тахламали ёки тахламасиз юбка. Шундай костюмни одатда эркак усталари тикишган. Инглиз костюми кўзга ташланмайди, шунинг учун ёрқин эмас, йўл –йўл ёки кактак –катак газламалари қўлланади.

Шанель услуби. Коко Шанель услуби – бу эркин аёлнини элегант – амалий услуби. Твиддан костюмлар, қора духобадан кичкина куйлактар ва ялтироқ башанг либослар XX аср классикаси деб ҳисобланади. Француз дизайнери Габриэль Шанельнинг нафис бичими аёлларни корсетлардан воз кечишга ва шимни гўзаллик рамзи қилишни мажбур қилди. Бу услуб оддий, гўзал ва интернационал. Мадам Шанель костюмида ўз фикирини амалга оширди: “Мен модага қаршиман, чунки у тез утиб кетади. Бахор келгани учун кийимларни ташланганини кўришга тоқатим йўқ”.

Шанельнинг костюми тўғри ёки ним ёпишган силуэтли, бел чизиғи табиий холда ва ўрта кенекда ўтқазма енг, ёқали ёки ёқасиз, қопқақли қопланма чунтакли, йирик тугмали. Безакка махсус эътибор берилади: енгнинг шлицасида уч тугмадан кам бўлмаслиги керак, зарли ёки кумиш, жун, тўр тасма. Шанель газламалари – твид, джерси. Шанель буюмларни классик узунлиги – тиззани сал беркитади. Нафис элементлари туқалар, занжирли белбоғлар, брелоклар, бантлар, туғноғичлар. Шанель илк бор икки рангли туфлиларни яратди, сумкаларни занжирлар билан безатди, эрактар смокинигини аёллар модасиги киритди ва кичкина қора кўйлакни ва свитерни киритди. Замонавий модада Шанельнинг содиқ давомчиси – машхур дизайнер Карл Лагерфельд.

Минимализм услуби. Минимализм услуби ёки *пуризм*, оддий этилганда – соддалик, одатда даврлар қиррасида руй берди, қачонки эскиси жонга текган, янгиси эса хали яратилмаган. Айнан шу вақтда жамоада “тоза варақдан хаётни бошлаш” талаб пайдо бўлади. Турли даврларда ва мамлакатларда минимализм ўзига хос бўлган. Бу услуб комфортликни хохлайди, унинг шиори: қанчалик кам бўлса, шунчалик яхши! Бу услубда оддий бичим, ранг палитраси очиқ, қора, кул ва оқ ранглар кўп қўлланади; табиий ранглар кийимни ҳар хил қилиб кўрсатади. Бу услуб аёлларга тақинчоқларни кийишни, жингала сочни,

аксессуарларни кийишни ман этган, модага қора туфлини киритган. Силуэт прет–а–порте мода тенденцияларига риоя қилган. Бу шаҳар услубда юмшоқ силуэтлар, тукилиб турадиган ва қалин материаллар (жун креп ва креп – габардин), нейтрал ва пастел ранглар мавжуд.

Анимал услуб кийимда чарм ва мўйнани қўллаш. Анимал услуб мододадан чиқмайди, демак у классик деб ҳисобланса бўлади. Замоनावий мода бу услубда хайвонларнинг чармини имитация қиладиган материаллар қўлланади. Анимал услуби кундалик кийим модаси эмас.

Бугун табиий мўйна ва чарм дабдалик рамзидир. Сунний чарм ва мўйна табиийларидан қолишмайди. Бу услубда мураккаб бичимлар бўлмаслиги лозим. Анимал услубида ансамбль сидирға буюмлар билан элегант куринади.

Катак–катак услуби. Катак–катак кийимга мода киради ва кетади, аммо доимо қайтади. Катак–катакни узоқ хаёти классик услубга киритишга имкон беради. Кундалик модани янги сиймоси – “*шотландка*”, ёрқин тахламали катак–катак *килт* юбкалари, джемперлар ва беретлар. Кундалик кийимда майда катакли–*виши* қўлланиши мумкин. Оптимал вариант – оқ фон, қизил катак–катак. Кактак–катак материаллар сидирға материаллар билан қўлланилиши яхши эффект беради. Сурилган катак–катак “товуқнинг панжачаси” нақшни Коко Шанель киритган.

Романтик услуб– бу фантазия, изланиш, хотира соҳаси, у тарихий костюмга интилади ва ундан шакл, бичим ва декоратив безак ўзлаштирилади. Романтик либос қомадни гўзаллигини ва аёлларнинг анъанавий сузилмоқлигини, сентименталлигини, сезувчанлигини намоён этиши лозим. Бу услубнинг асосий силуэти – Х–симон, юмшоқ ва маин чизиқлар билан. Минималистик услуб ман этган безаклар – драпировкалар, декольте, кокеткалар, қўш бурмалар, воланлар, рюшлар, жабо, бантлар, тўрлар, буфлар, манжетлар руликдан измалар романтик либосларда кенг қўлланади. Бу услубда ёрқин ранглар либосда қўлланади. Пойабзал локланган чармда ва кимхобдан баланд пошналар “кемача” туфлилар. Узун ёки кальта қўлқоплар. Мураккаб соч турмаги. Вуалли шляпалар, нозик тақинчоқлар, шифондан шарфлар. Бу услуб кечи ва байрамона кийимларида қўлланади.

Фантази услуби. Замоनावий мода романтикага ўз куринишини намоён этади. Фантазия услуби авангард услубидан фарқи – замоनावий модани ифодаси бўлмайди. Романтик услуб – бу утмиш ва келажакни фантастик сиймолари. Фантази услубини асосий хусусиятлари: нореалик, эртаклик, сюрреалик, ажаблик, жасурлик. Бу услуб томашабинни хайратга солади. Фантази либосларни силуэтлари ҳар хил ва ўзгача. Безак сифатида бантлар, стразлар, мунчоқлар, чарм ва замша, кашта ва б. қўлланади. Фантази услуби дизайнернинг ижодини чекламайди.

Хиппи услуби. XX асрни 60–чи йилларида хиппи модани бошдан оёққа оғдарди. Энди моданинг қоидаси–ҳеч қандай қоида бўлмасин. Бу хиппи ўзгача психологияси – “гуллар болаларини”. Аммо, замоनावий модада 60–чи йиллардаги каби маънавий ва идеологик интилиш йўқ. Замоनावий дизайнерлар фақат чеклашни мутлақо йўқлиги, кийим тассавур чегарасидан чиқиши керак. Хиппиларни либос тупламада каштали джинслар, ўзгача белбоғлар, ола–була

кофталар ва топиклар, тўқилган ёки қўроқли катта сумкалар, туника ёки узун, бели юқори кутарилган юпка кўйлак, очик шиппаклар, косметикани минимумликлиги, тўғри ташланган сочлар. Хиппилар орасида деҳқонлар кийими – тахламали узун юбка кенг тарқалган. Мунчоқлардан фенечкалар, банданалар, чармдан курткалар, кўш бурмали жакетлар ва думалоқ ёки квадратли тўқилган линзали кичкина кўзойналар кенг қўлланади. Заргор буюмлар мексикали, ҳинд ёки марокаш мельхиордан қилинган заргар буюмлар. Билакузуклар, узуклар, қўлоқ ва бурун учун халқалар. Тинчлик рамзлари, муштум, Инъ–Ян ва бошқа шарқ экзотикаси рамзлари маржонлар билан безатилган.

Ретро услуби. Утмиш модаси – замонавий дизайнерларини ижодида илхомланиш манба. Ретро услуби – замонавий модада утмиш мавзуларни, деталларни, моделлаштириш усулларни қўллаш йўналиши, аммо уларни такрорланмаслиги.

Ҳар бир тарихий давр модаси ўзига хослиги билан ажралади, уларни ўз ретро сиймоси бор. Ретро мода утмиш модасини нусхаси эмас, балки уни стилизацияси бўлиши керак.

Винтаж усули. Утмишга асосланган романтик модада яна бир йўналиш винтаж (vintage). Бу услубда утган йиллардаги ўзига хос либослари мавжуд, яъни попукли сумкалар, тўқилган шоллар ва б. Винтаж коллекция моделлари бенуқсон тарбияланган, қиролича қоматли, нозик ва элегант ҳақиқий ледиларни эслатади. Бу услубнинг асосий элементлари – тўғри силуэтлар, кашта ва тўрни кулланиши, шаклни сиполиги.

Мутахассислар романтик услубни ривожланишини прогнозлашмоқда. У унисекс модани аста–секин сиқиб чиқармоқда. ХХ1 асрда аёлларнинг назокатини намоён қиладиган, харакатига майинлик берадиган кийим биричи қаторга чиқади. Тахмин буйича мода танани беркитади. Эртақлар ва тасаввуф илхом манбаси бўлади. Денгиз, океан, сеҳир, тасаввуф, эротика, мусиқа, севги, парвоз ва б. романтик йўналишни белгилайдиган энг оммабоп мавзулар бўлади.

Спорт услуби. Спорт услуби қулай ва гўзаль спорт либосларни модага таъсир этди. Хозир спорт услубида либоснинг барча элементлари қилиниши мумкин: уй кийимдан башанг костюмигача. Энг оддий спорт усубининг варианти кийимда қоплонма чунтаклар, погонлар, фурнитура, кокеткалар, хлястик ва паталар ва б. Спорт услубига бир неча микроуслуглар киради.

Сафари услуби. Сафари – бу спорт услубининг энг оммабоп йўналиши. “Сафари” услуби Африкада инглиз харбийлар ов сафарида кийиган либосларига асосланган. Бу услубни тарғиботчиси 1980–чи йилларда Ив Сен–Лоран бўлган. Сафари услубдаги либос – бу асосан зиғир, ип, аралашма ва джинс газламалардан тикилган кийим. Сафари услубда барча ечимлари қўлайликка қаратилган: ўртаси тахламали кўп қоплонма чунтаклар, узун этиклар, шлемлар, чарм белбоғлар, елкасига осилган сумкалар, хаки ва қум ранглиар. Бу услубда типик деталлари портфель–чукнтақлар ёки погон ва уқдонлар бўлган. Юқорида этилган ранглар қаторида сафари услубида зирворлар ранги, сариғич–яшил, нухат, яшил лимон ранглар қўлланган. Судралиб юрадиган ҳайвонларнинг терисига ўхшайдигананимал босмалар ва

расмлар кенг қўлланади. Ганновер мода эксперти Туула Зало сафари услубини замонавий йўналишини шундай тавсифлаади: “Янги сафари услубидаги либослар янги газламаларидан ва анимал босмаларга асосланади. Бичимига эса деярли аҳамият берилмайди”.

Деним ёки джинс услуби. Бу услуб бошидан доимо оммабоп, ҳашаматли, ёки оддий. Джинс услубида асосий ранг– тўқ–кук. Илк бор ишчилар учун кийим бўлиб, хозир эса кук деним “от кутюр” ва “прет–а–порте” да кенг намоиш қилинади. Индигога бўялган ип газламаси дағаллигини йўқотди. Янги технологиялар ёрдамида янги хусусиятларга эга бўлди. Бугун джинс услуби спорт услубидан чиқиб, башанг кийимига ҳам кирди. Замонавий деним ялтироқ қоплонма ва пайеткалар билан безатилган, камалак рангларга бўялган.

Милитари услуби. Милитари–лук – 70–80–чи йилларда спорт ва дам олиш учун киймларида харбийлашган услуб. Бу услубда ажралиб турадиган деталлари – погонлар, пат ва копқоклар, уқдонлар, хаки рангли газламалар, харбий ботинкага услубланган пойабзаллар. Харбий формага мода доимо қайтади, чунки у униформани намоиш этади. Милитари услубда дизайнерларни қизиқтирадиган хосса – унинг утилитарлиги ва театраллиги. Бу услуб тартиб ва жасорат рамзи. 2001–2002 йилларда милитари услуби кенг тарқалганди. Бу даврдаги милитари модаси купроқ театрал томонга интилганди. Ив Сен–Лоран Мода Уйи гусарларни мундирларига ўхшаган пальтони тақдим этишди. Длоьче ва Габбана елкани эполетлар билан безатишган, кўкрагини эса заргорли буюмлар ва олтин тугмалар билан безатишган.

Денгиз услуби. Бу услуб илк бор 1880 йилларда болалар кийимида пайдо бўлганди. Матрос киймини эслатадиган болалар кийимлари жуда ифодали ва қўлай бўлган. Сунг бу деталлар аёллар модасига кирган. Денгиз услуби бугун ҳам ўз муҳимлигини йўқотмади. Бу услубни фарқлайдиган деталлари квадрат шаклдаги катта ясси ёқа ва оқ–кук тасмалар. Денгиз услубда туқ–кук блейзерлар, олтин тугмалар, оқ шимлар, фуражкалар ва б. мавжуд. Одатда бу услубда ёзги кийим яратилади. Унга тахламали юбка ёки шим, кенг блуза, матрос ёқали жакет, йул–йул майка ёки блузка киради. Бу либосларда асосан табиий зиғир ва ип газламалари қўлланади.

Космик услуб. Космик услубни асосан космосни эслатадиган футуристик турдаги материаллар қўлланади. Мавзуни ифода этиш учун спорт газламалари (эластик толали синтетик газламалар) ҳам қўлланади. Техно газламалар – бу юқори технологияли газламалар, улар ҳашаматли кўринади ва кийилганда оптимал комфортни бахш этади. Газламанинг фактураси ифодали бўлгани боис, ранги ва бичимига деярли аҳамият берилмайди. Нюанслар асосий бўлади – безак оқ ва кумиш ранглар. Қора ранг кам учрайди. Силуэтлар оддий туғри ва тор. Ажралиб турадиган услубий воситалар – ёқа ўмизини сипо вариантлари (“кемача” шаклида, тик ёқа ва баланд ёқа–труба). Космик услубида пойабзал ўзгача маънога эга – “луноход” туридаги, тумшиғи думалок, қалин тагликли ёки текстил газламалардан этиклар.

Оп–арт услуби. Газламаларни оптимистик босмалари оп–арт услубини

спорт йўналишига киритишига имкон берди. Оп–арт услуги (*optical art*– оптик санъат) илк бор 60–чи йилларда модага кирди. Тасвирий санъатда оп–арт оқимининг асосчиси венгрия рассосми Виктор Вазарелли бўлган. Бу услубнинг ўзига ҳослиги – ясси ва фазовий фигураларни тасаввур қилинишига асосланган кўз алданишлар. Оптик рангтасвирда оддий бир хил элементлар шундай жойланади, қачонки шакл таркиби яхлит тасаввур этилмайди, яъни кўз алданади. “Соф ранг ва соф шакл ўзига бутун дунёни сиғдириш мумкин” – ҳисоблаган В.Вазарелли. Оп–арт услубидаги либосларда геометрик, абстракт нақшлар, ёрқин, бир–бири билан контрастли рангли газламалар қўлланади (масалан оқ–қора ранглар бирикмаси).

Граффити услуги. Бу ёшлар услуги 1960 йилдаги оп–арт услубининг давоми. Граффити (италиан *gruffiare* - тирнамоқ)– бу деворларда расм ёки ёзувлардан бадий композицияни яратадиган “куча санъати”. Пикассо граффитида одамнинг юзини ва қоматини ифодалаш учун минимал миқдорда график элементлари қўлланади деган. Бу услубнинг асосий хоссаси – жинс ёки ёз кийимида шаҳар фольклори тасвирлаган кашта ёки шаҳар фольклори мавзудаги, матн, ёзувлар ва болалар расмларнинг имитацияси бўйича босма.

Фитнес услуги. Фитнес – бу спорт билан шуғулланиш маъносини билдиради. Охириги пайитларда мода яратувчилари спорт костюми ғояларига назарини ташлашган. Улар велосипедистлар, сузивчилар, гимнаст костюмларига ўз эътиборини қаратишди. Фитнес услубидаги либосларида эластик материаллар, спорт костюмдан ўзлаштирилган лампаслар, тасма “молниялар” ва ёрқин контраст ранг бирикмалари қўлланади.

Фольклор услуги. Фольклор услуги – бу миллий костюмларнинг элементларини қўллайдиган услуб. 1950 йиллардан бошлаб қишлоқ услуги “*кантри услуб*” оммабоп бўлганди, 1990 йилларда бу услуб этно–микс шаклида тарқалганди. Фольклор услуги бугун – бу фақат кийимни беазаги эмас, балки элементларни, шаклни, буюмларни замонавий модада ўзлаштириш. Фольклор услубида кийим яратиш – бу миллий кийимни нухасини яратиш эмас. Газламани танлаш, унинг рангини, мережка каштаси, нақшли тасма, атлас ленталар, бичим ва деталларни қўлланиши буюмни фольк услубига мансублигини кўрсатади. Шартли фольклор услубига инглиз кантри, америкалик вестерн ва турли этно–микслар киради.

Кантри услуги. Кантри услуги XX асрни бошида вужудга келди. Бу атама малакат ва қишлоқни ифодалайди. Бу услуб шаҳардан ташқарига сайр учун кийладиган кийим назарда тутилади. Масалан, кантри услубида твиддан тикилган спорт кийими, юпқа жун газламасидан тикилган пальто бўлиши мумкин. Одатда кантри услубдаги кийимга узун шарфлар, тўқилган шапкалар, этикка тикилган шимлар қўшимча кийилади. Аёллар юбкалар, ёпинчоқлар, шляпалар, туфли ва пайпоқлар кийиши мумкин. Кантри услубида муҳим деталь – гулли, йул–йул ва катак–катак нақшли текстиль. Костюм колоритида табиий ранглар қўлланади: яшил, сариқ, мовийосмон ва сув, дарахт, кузги япроқлар ва б.

Гаучо услуги. Бу услуб 1960 йилларда модага кирган фольк услубининг бир варианты. Гаучо услуги Жанубий Америкадаги чорводорлар–гаучо

кийимларидан ўзлаштирилган: чарм ва замша курткалар, чармдан қилинган попук ва заклепкалар билан безатилган шимлар, нимчалар. Гулли кўйлак ковбой этиклари билан, шорт билан романтик блузкалар – бу гаучо услубдаги ижод қиладиган дизайнерларни замонавий моделларидир. Замонавий модада гаучо услуби нақшлар, материалар, бўёқлар ва шакллар ўзгача бирикма.

Япон услуби. XX аср охирида ва XXI аср бошида оммабоп бўлган этноуслуб. Бу услубни мантиқийлик ва бекам–кўстлик тавсифлайди. Либосдаги типик деталлари: япон кимоносини эслатадиган бичим, иероглифлар, “оби” белбоғи, ёғоч тагликли гетани эслатадиган оёқ кийим.

Таянч иборалари: услуб, катта услуб, микроуслуб, классик услуб, спорт услуб, ретро услуб, фольклор услуб, романтик услуб, услублар аралашмаси.

Назорат саволлари

1. Классик услубдаги микроуслубларни тавсифланг.
2. Романтик услубдаги микроуслубларни тавсифланг.
3. Спорт услубдаги микроуслубларни тавсифланг.
4. Фольклор услубдаги микроуслубларни тавсифланг.
5. Услублар аралашмасидаги микроуслубларни тавсифланг.
6. Замонавий модада қандай услублар мавжуд?
7. Кантри микроуслубини тавсифланг.
8. Милитари микроуслубни тавсифланг.
9. Сафари микроуслубни тавсифланг.
10. Хиппи микроуслубни тавсифланг.

Маъруза № 5

Мавзу: *Дизайнинг экологик ориентацияси.*

Режа

1. Дизайнда экологик йўналишлар.
2. Истеъмолни экологизациялаш.
3. Ишлаб чиқаришни экологизациялаш.
4. Экологик тарғибот.
5. Инсон экологияси ва дизайнни гуманизациялаш.
6. Маданият ва дизайн экологияси.

Адабиётлар: 4

Дизайнда экологик йўналишлар. 1970 йй. технологиик инқилобни негатив натижасида инсониятни олдида реал экологик хафи тўғрисида муаммолар кўтарила бошланди. Лоийҳалашни принципиал янги экологик нуқтаи назаридан яратиш, дизайнни олдида мутлақо янги вазифаларни кўйилди.

1980 йилда дизайнда қаятиян янги концепциялар ўрнашди (“альтернатив дизайн”, “янги дизайн”, “метафорик дизайн”, “антифункционализм”), улар дизайнни социомаданият функцияларнинг асоси деб ҳисобланади.

Табиий муҳитни инқирози дунёвий жараёнга айланди, у инсон фаолиятида кескин ўзгаришларни талаб қилди. Замонавий файласуфлар, социологлар, экологлар, маданиятшунослар фикрлари бўйича биз цивилизациялар алмашаётган даврда яшайбмиз; технологик ва “индустриал цивилизация” инқирози давр ўрнига “постиндустриал давр” деб номланган янги цивилизация, “информацион цивилизация”, “экологик цивилизация” ва “ноосфера” даврлар ташкил топмоқда. Экологик кризис одамзотдан мақсадга эришиш учун воситаларни ва усулларни қайта кўриб чиқишга талаб қилади, чунки муаммолар фақат моддий сабаблари эмас, балки рухий сабаблари таъсирида содир бўлган.

Дизайнда маданий ёндошиш инсон маданиятини ривожланишида дизайн-фаолиятни қонуний жараён деб ҳисобланди, чунки дизайн фақат янгиликка интилиш бўлмасдан, анаънавий бойликларни тиклаш билан ҳам шуғулланиши.

“Экологик лойиҳалаш”ни аниқ чегараси йўқ – дизайнда ҳар қандай йўналиш экологик бўлиши мумкин, улар экологик этика принципларини даъво қилади ва инсонни ташқи муҳит билан уйғун муносабатда бўлади.

Костюм дизайнерлари ижодида ҳам экологик муаммолари инобатга олина бошлади. Дастлаб 1970 й. охирида – 1980 й. бошида “экологик услуб” пайдо бўлиши билан экологик мавзу рўй берди: модага табиий толадан, асосан зиғир ва ип матолар, табиий ранглар, қўлда ишланган безаклар ва б. 1993–1994 йилларда экологик услуб яна модага кирди. Аммо, экологик муаммоларни кийим дизайнига таъсири уни лойиҳалаш принципларидакатта ўзгаришларни рўй беришига олиб келди.

Дизайннинг экологик йўналишлари кўйидагилар: истеъмолни экологизациялаш; янги “экологик” материал ва технологияларни қидириш; онгни экологизациялаш; инсон ва маданиятнинг экология билан боғлиқ муаммоларни ечиш.

Истеъмолни экологизациялаш. “Цивилизацияли” инсонҳаддан ташқари моддий бойликларини истеъмол қилиши экологик кризисни рўй бериш сабабларидан биридир. Истеъмол ҳаётнинг услуби ва фикрини намоён этадиган усул бўлди. Буюмга одат бўлиб қолган муносабат ўзгарди – бозор молига асосий талаблар - сифат ва чидамлик ўрнига қўлайлик модали талаб бўлди, бир маротаба фойдаланадиган буюмлар кенг тарқалди. Буюм лойиҳаланганда тез маънавий ва моддий эскириш (“эскиришни режалаш” концепцияси) олдиндан назарга олинадиган бўлди, истеъмолчиларни янги такомиллаган молларни харид қилишга мажбур қилинди. Бозор иқтисоднинг талаблари мода цикллари қисқартишига олиб келди. Талаб ўсиши янги эҳтиёжларни пайдо бўлишига сабаб бўлди, шу билан бирга яқинда баъзилар учун башанг бўлган буюмлар кўплар учун кундалик буюм бўлиб қолди.

Янги талабларни пайдо бўлиши ва уларни қондириш табиий тизимга шикаст етказиб, глобал экологик кризисга олиб келди.

Қадриятларни янги тизимини яратишга вақт келди, улар табиат ва инсонни бирга уйғун мавжуд бўлишига имкон туғдириши лозим.

Дунёда ўтказилган кўп илмий тадқиқот ишлар натижасида куйидаги хулоса аён бўлди: турмуш сифати ва иқтисодни ўсиш суръати, истеъмол ҳажми ва инсонни ўз турмуши билан мамун бўлиши билан бевосита боғлиқлик йўқ. Демак, турмуш тарзини ўзгартиришга энг муҳим йўналиш -бу истеъмолни экологизациялаш (истеъмолни оқилона камайтириш), мутаносиб экологик истеъмол меъёрларни тарқатиш, узоқ вақт давомида фойдаланадиган буюмларга қайтиш.

Истеъмолни экологизациялаш муаммоси дизайн вазифаларини ўзгаришига олиб келди – дизайн молларни истеъмол қилишни камайтириш, материаллар ва технологияларни қайтадан кўриб чиқиш, истеъмолнинг янги таркибини тузиш. Жамиятда сифатли истеъмол қилишга интилиш пайдо бўла бошлади – анаънавий истеъмол моделига қайтиш.

Костюм дизайнида бу йўналиш контрмодада ўз аксини топди, мода намуналари моданинг асосий қонуниятларидан (ўзгарувчанликдан) воз кечиб, классик услуб намуналарига айланди. Кийимда классика – бу “абадий” буюмлар, уларни кийиш муддати маънавий эскирганлиги эмас, балки емирилганидир (физик эскириши).

Юқори сифатли классик буюмларни чиқарадиган фирма номига сазовор бўлиш учун баъзи фирмалар ўзининг эски машхур моделларини ишлаб чиқаришади. Масалан, модали кийим ва чармдан аксессуарлар ишлаб чиқарадиган “Гермес” француз фирмаси “Келли сумкаси” номи берилган (Монако маликаси Г.Келли шарафига бағишланган, чунки у шу фирма сумкаларини афзал кўрган) сумка моделини 1956 йилдан бери доимо ишлаб чиқармоқда. Улар классик услуб, энг юқори сифат, нуфуз ва дабдабалик тимсоли бўлган эди. Шу фирманинг анаънавий расмли “каре Эрмес” шойи рўмоллари ҳам ушбу имиджга сазовор бўлди, улар илк бор 1937 йилда ишлаб чиқарилганди. Худди шундай мисол Шанель фирмасининг дастаси занжирли, қавилган машхур сумкаси ҳозиргача ишлаб чиқарилади. Айнан, К.Шанель илк бор ўз олдига аёлни ўзгарувчан мода хукмронлигидан озод этишни мақсад қилиб қўйишди. У тавсия этган классик трикотаж, кичкина қора кўйлак, “Шанель услубида”ги костюм кўп йиллар давомида модадан чикмайди. К.Шанель шундай деган: “Мен учун дабадаблик – бу яхши тикилган кийим, беш йил кийиладиган костюм, чунки у менга ярашади. Менинг орзуим – эски костюмлар, кийилган кийимлар... Мен тез ўтадиган модага қаршиман”. Ив Сен-Лоран ҳам модадан чикмайдиган буюмларни яратиш энг қийин деб ҳисоблаб, худди шундай фикрда бўлган. Масалан, 1966 йилда у илк бор аёллар учун смокингни, 1970 йилда – кўйлак-смокингни тавсия этган эди, уларни турли вариантлари ҳозиргача “Ив Сен-Лоран” коллекцияларида бор.

Замонавий костюм дизайнида истеъмол ҳажимини камайтиришга узоқ вақт давомида фойдаланадиган буюмларга (классик буюмлар, “джинсуслуби”, “хай-тек” йўналишдаги буюмлар) фақат тарафдорлик эмас, балки кўпфункционаллик буюмларига хосдир. Замонавий дизайнерларнинг кўпчилиги минимал гардероб, яъни муайян ассортимент гуруҳига мансуб эмаслиги ва барча вазиятга мослиги

кўзда тутиладиган гардероб ғоясининг тарафдордир. Шундай универсал буюм бошқа кўплаб буюмларнинг ўрнини олиши мумкин. Замонавий моданинг эклектиклиги, услуб, шакл ва сиймоларнинг кўплиги ҳам шунга имкон беради, чунки, буюмларни комбинациялаб, янги бирикмаларни ҳосил қилиб, эски буюмларни янгилари билан бирлаштириб, кийимнинг фойдаланиш муддатини узайтириш мумкин. XXI асрда модага “*vintage*” йўналиши кирди – бу йўналиш ўтган машҳур дизайнерлар яратган кийимларни фойдаланиш ёки эски кийимларни қайта бичиб, янги кийим яратишни назарида тутди. Шу жумлада дизайнерлар ва мода тадқиқотчиларини фикри бўйича бугун мода муҳим эмас, балки инсоннинг шахсий услуби. Шунга риоя қилган ҳолда мавсумий модага риоя қилиш зарур бўлмайди ва истеъмолни оқилона камайтиришга олиб келади.

Истеъмолнинг экологик тўғри услубини яратиш фақат уни камайтиришни назарда тутмасдан, балки экологик ҳавфсиз буюмлар билан фойдаланишга йўналтириш, улар безарар ва чиқиндиларсиз технологиялар қўлланиб ишланган бўлиши лозим.

Истеъмолчилар тўғри муамола этиши учун экологлар қуйидагидек йўналишларни тавсия этади: истеъмолни камайтириш; экологик безарар буюмлар фойдасига талабни йўналтириш; экологик самарали буюмларни харид этиш; рециркуляция, яъни чиқиндиларни қайта ишлаш учун мақсадида утилизация этиш; экологик масалалар бўйича шикоят ва норозиликлар билдириш; буюмларни ўрашни (упаковкасиз) камйтириш дастурлари - жилдини ортқча қатламларини йўқатиш, керакли жилд элементларини қайта фойдаланишни максимализациялаш; ва ҳ.к.

Ишлаб чиқаришни экологизациялаш. Бу йўналиш технологик жараён билан боғлиқ муаммоларни ечади: табиий бойликни тежамлаш, безарар ва чиқиндисиз технологияларни қўллаш, буюмлар билан қайта фойдаланиш, экологик “айланиш” билан шуғулланиш.

Костюмда ушбу муаммолар қуйидагича ечилади:

- биринчидан, ташқи муҳитда ўзлаштирмайдиган сунъий синтетик материаллар билан фойдаланмаслик, чунки уларни ишлаб чиқилиши ташқи муҳитни ифлос қилади ва инсонни соғлигига футур етказди (масалан, статик электрни тўплади); синтетикани ўрнига анаънавий табиий материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. 1960 йй. авжда бўлган синтетика 1970 йй. охирида паст дид ва қамбағалларни эслатадиган бўлди; қиммат ва сифатли кийимлар асосан табиий ёки синтетика аралашган материаллардан (масалан, лайкра билан юнг) ишлаб чиқариладиган бўлди. Шу боис кийимнинг ғижимланган эффекти баҳоланадиган бўлди, чунки шундай ташқи кўриниши газламанинг соф табиийлигидан далолат берарди. Аммо, 1990 йй. бошида оммабоп услуб “*гранж*” ва айниқса “*нео-панк*” (1994-1995 йй.) аввалгидай бўлмасда синтетика яна қизиқиш туғдирди. Синтетик материаллар табиий материалларнинг хусусиятларига эга бўлгани ёки улардан ўзиб кетгани боис уларни мавжуд бўлишга сазавор бўлди (масалан, сув ва шамолдан сақлайдиган, мембрана билан қопланган, “нафас оладиган”, ҳаво ўтказадиган кўпқаватли юқори технологик газлама-бутерброд махсус кийимлар учун қўлланади);

- иккинчидан, хайвонларни сақлаш учун “яшиллар”нинг ҳаракати боис костюм дизайнида табиий чарм ва мўйнани ўрнига сунъийларни қўллашга тависия этилади.

Аммо, бу муаммога дизайнерларнинг мунасобати ҳар хил, чунки чарм ва мўйна фақат дабдабалик тимсолигина бўлмасдан, балки қадимдан кийим учун анъанавий материал бўлган. Масалан, италиян “Фенди” фирмаси дизайнери К.Лагерфельднинг фикрича табиий мўйна ва чармли кийимдан воз кечиш гўшти истеъмол қимаслик билан баравардир. 1990 й. охирида табиий мўйна, чарм ва патлар подиум ва бутикларга қайтиб келди ва бу “яшил”ларга дизайнерларни иккиюзламачиликда айиблашга баҳона бўлди. Ҳар ҳолда, бугун дизайнер ва истеъмолчилар учун чарм ва мўйна билан фойдаланиш ва воз кечиш масаласи эркин танланади.

Шунингдек, масалани ечишда табиий материалларнинг ўрнини босувчилар кийимда қандай қўлланишлиши кераклиги тўғрисида бир маъноли жавоб йўқ. Демак, синтетика табиий материалларга ўхшамасдан, ўзининг сунъийлигини ошкора, масалан, ёрқин рангларга бўялиб, намоён этиши керак, гарчи 2000-2001 йй. баъзан табиий мўйна ва чарм ёрқин рангларга бўялган бўлса ҳам.

1990 йй. дизайнерлар яна синтетика билан қизиқиб қолишди: сунъий мўйна ва чармлар, винил ва пластиклар, табиий материалларга ўхшатиб ишланган (масалан, “Қизил китоб”га киритилган ноёб хайвонларнинг мўйнасига ўхшатиб ишланган) материаллар қўлланадиган бўлди. Бунинг устига, гарчи синтетик материалларни ишлаб чиқариши табиатга зарар берса ҳам, ҳозир синтетикадан воз кечиш мумкин эмас. Янги хоссали, айниқса юқори эксплуатацион хоссаларидан ташқари ўзи ириш хоссасига (биодеградабли) эга бўлган материалларни ва экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида безарар ва чиқиндисиз технологик жараёнларни яратишперспектив деб ҳисобланади.

Учинчидан, ишлаб чиқаришни экологизациялаш – бу фақат ресурслардан истеъмол қилишни камайтиришгина, янги безарар ва чиқиндисиз технологияларни яратишгина эмас, балки анъанавий технологияларни тикланишидир. Бу жихатдан “Эспри” американ компаниясининг тажрибаси намунали ҳисобланади. Бу компания 1992 йилдан бери экологик коллекцияларни ишлаб чиқаради. “Экоколлекция” бўялмаган ип газламалардан (чунки бўяш жараёни ташқи муҳитга энг кўп зарар етказди), “молния” тақилмаси жездан, тугмалари ёғоч, суяк ва садафдан ишланган моделлар коллекциясидан иборат. Дания “Новотекс” компанияси газламани бўяшдан воз кечган ҳолда, технологик циклнинг ташқи муҳитга максимал зарар етқазмаслигига интилди. У ўз буюмларида дефолиантсиз ўстирилган пахтани қўллаб, бўяш жараёнидаги чиқиндиларни йўқ қилишга эришди.

Бу муаммони ечиш йўлларида бири анъанавий ўсимлик бўёқларини қўллашдир (масалан, америка “Ливайс” фирмаси джинс коллекциялари учун ўнмайдиган ўсимлик бўёқларини қидириб топиш борасида махсус тадқиқотлар ўтқазмоқда). Материалларга бўлган анъанавий муносабат, буюмларни яратишда ҳунармандчилик нуқтаи назаридан ёндашиш дизайнда анъанавий фаолият моделига қайтиш дарак бўлади.

Бу муаммони ечишнинг яна бир йўли – чиқиндисиз технологиялар ва

ресурслар билан қайта фойдаланишга имкон берувчи туташтирилган экоциклларни қўллашдан иборат, чунки “ахлат кризис”и хом ашёдан ноокилона фойдаланишнинг энг сезиларли аломати бўлиб қолди. Бугун қайта ишланган хом ашёдан фойдаланиш – ташқи муҳитни ифлослантириш муаммосини ечиш учун энг оммабоп усул бўлиб қолди. Кийим дизайни бу масалани ечиш учун қайта ишлов берилган чиқиндиларни қўллашдан то маънавий эскирган кийимлардан фойдаланишгача бўлган бир неча вариантлари тақдим этилади. 1990 йй. “сэконд хэнд” бизнесининг равнақ топиши шундан далолат беради. Замонавий моданинг “ретро” ва “vintage” (ўтмиш кийимлар билан ишқибозлик) услублари билан қизиқиш ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Масалан, 1969 йилда америкалик С.Лейн келинларнинг туй либосини қоғоздан тайёрлаган, 1994 йилда лондонлик Х. Чалоян ҳам модани тез ўзгаришини тасдиқлаб, авиа конвертларнинг қоғозларидан тайёрланган кўйлак ва костюм моделларини намойиш этган, сўнг уни ёқиб ташлаган (гарчи бу қоғоз чидамли бўлса ҳам).

Костюм шаклланишида ноанъанавий материаллардан фойдаланиш материалларнинг янги имкониятларини, янги шакллари ва янги сиймоларини қидиришга имкон туғдиради.

“Альтернатив экономика”ни тарафдорлари экологик ишлаб чиқариш қизиқарли ғояни тавсия этишади. Уларнинг фикри бўйича хом ашёни минимал талафотини таъминлайдиган мукамал технологияга асосланиши зарур ва аҳолини кичкина гуруҳининг талабларини қондириш учун бўюмларни кам серияли ишлаб чиқариш, улар ресурсларни катта тежамлигига олиб келади, чунки фақат керакли маҳсулот ишланади. Мантиқага зид равишда услублар кўплиги, лойиҳалаш дифференциацияси, бир хил бўюмларни оммабоп серияли ишлаб чиқаришдан анча тежамли бўлиб чиқади.

Экологик тарғибот. Ишлаб чиқариш жараёни экологизациялаш, янги технологик ечимларни излашни муҳимлигига қарамасдан, экологик муаммо биринчи навбатда инсонни онги билан боғлиқ. Экологик кризисни фақат ташқи муҳитга инсоннинг муносабатини ўзгартириб ҳал этиш мумкин. Экологик муаммони ечиш учун барча сатҳларда экологик маданиятни шаклланиши – давлат сатҳидан то оддий истеъмолчигача керакли шартдир.

Онгни экологизациялаш талабларни экологизациялашнишни, ахлоқ сабаблари ва инсонни ўз феъл-атворини назарда тутати. Экологик онгни шаклланишига экологик маълумот асос бўлади. Шу боис “Мода ва экология” Ҳалқаро форумида (Берлин, август 1994 й.) савдо-сотик ва истеъмолчиларни маҳсулотларининг инсонга таъсири тўрисидаги маълумотларни ишончли маълумотлар билан таъминлашнинг муҳимлиги таъқидланганди. Ишлаб чиқариш жараёни инobatга олинган ҳолда экологик соф маҳсулот банкини барпо этиш тўғрисида қарор қилинганди.

Экологик этика қийматини жамоат онгида тасдиқлаш вазифани ечиш учун бозорда экологик маҳсулотни сотиш ва ташвиқот этиш (реклама қилиш) керак.

Экологик соф маҳсулотни реклама қилишдан ташқари “экологик тарғибот” мавжуддир. Масалан, либос дизайнерлари кийимда экологик шиорларни тасвир этишади.

Дизайнерлар фикри бўйича ҳозирги вазиятда уларни ижодида жамиятни олдида турган муҳим муаммоларни даҳл қилиш лозим.

Масалан, француз дизайнери Ж.Ш.де Кастельбажак ўз коллекциясини болалар кийими муаммоларига бағишлаган. Унинг фикри бўйича “модельер фақат мода тўғрисида ўйламаслиги кераклигининг вақти келди”. Айнан шу фикрга британ дизайнери К.Хемнетт ва Х.Сторей қўшилишди, улар моделларида экологик шиорлар ва расмларни тасвирлашди.

Экологик эстетика табиатни сақлаш, табиий эҳтиёжларни ҳимоя қилиш, экологик барқарорликни сақлаш, инсоннинг имкониятини ривожлантиришга қаратилган.

Инсон экологияси ва дизайнни гуманизациялаш. Файласуф М.Мамардашвилининг фикрича экологик инқироздан чиқиш инсоннинг ўзи ўзгаришини тақозо этади, чунки экологик, иқтисодий ва маънавий муаммолар мажмуини “антропологик фожеа” деб баҳоласа бўлади. Сўнгги вақтда индустриал жамият мафқурасига мос “иқтисодий инсон”лар ва дунёдаги янги вазият орасида яққол фарқ кўрина бошланди. “Иқтисодий инсон”нинг технократик фикрлаш, оқилоналик, моддий талабларни маънавийлардан устун қўйиш, этик индивидуаллик ва прагматизм, табиатни чеклаш, ва ундан ҳуқумронлик қилиш каби хусусиятлари кўзга ташланади. Индивидуаллик моддийликка эгалик ёки мутахассислик мақоми билан ассоциацияланади. Ҳозирги жамиятни олдида “*постиндустриал давр*” ва “*экологик цивилизация*” инсоннинг янги сиймосини яратиш вазифаси турибди.

Инсонни инқирозга олиб келган индустриал цивилизация альтернатива равишда замонавий инсонни гуманизацияга йўналтирадиган “*экоривожланиш*” ва “*органик турмуш тарзи*” концепциялари пайдо бўлди. Фанда “*инсон экологияси*” деб аталган бу йўналиш инсоннинг ташқи муҳитга мосланиши, унинг жисмоний ва маънавий соғлигини сақлаш уйғун жамият ва уйғун инсонни яратиш муммоларинини ўрганади. Файласуф Л.Мамфорднинг фикрича “*янги дунё*” инсони “*органикталаблар*”ни қондиришда севгида, дустликда, мулоқатда, ўз қобилиятларини ижодий ривожланишида эркинликка эга. У “мул-кулчиликнинг ўсиш” идеали ўрнига “маънавийликка ва ўз эҳтиёжларинини чеклашга” интилади. Биосферанинг тадрижини аниқлайдиган омилларда айнан шу инсон экологик ўзгаришнинг асосий объекти бўлади, у биосферанинг тадрижини аниқлайдиган омилдир.

“*Ижтимоий дизайн*”нинг концепциялари, келажак инсон тўғрисидаги муммолар экологик йўналтирган дизайннинг яратилиши билан боғлиқ.

“*Истеъмол маданият*”ининг инқироzi “янги одам” сиймосини яратиш муаммосини туғдирди. XX асрда “*нуфузли истеъмол*” инсонни ижодкорликдан тайёр моддий бойликларни истеъмолчисига айлантиради. Инсон экологияси, унинг жисмоний соғлигини сақлашдан ташқари, унинг маънавий талабларини қондириш, ижодий имкониятларини ва қобилиятларини намоён этиш муаммоларини кўтаради. Ушбу йўналиш вақтинча жамиятнинг реал ўзгаришига олиб келмади, аммо иқтисодда пайдо бўлган жараён – маҳсулотни оммавий ишлаб чиқармасдан, энергия ва материални тежайдиган технологияларга асосланганкам серия ишлаб чиқаришга ўтишди.

“Инсоний омил”ни тўлиқ эътиборга олиш – дизайн-фаолиятининг асосий шартидир. Замонавий дизайнда шахсда, яъни дизайнер ва истеъмолчи шахсларига қизиқиш кучайди.

Бу ҳолда одам тўғрисида европа анъаналарига таалуқли тасаввур ўзгарди: “*хомо сапиенс*” (онгли инсон) ғояси ўрнига “*хомо сенунс*” (сезгир инсон), “*хомо люденс*” (ўйнайдиган инсон) концепциялар кенг тарқала бошланди: “*техникавий инсон*” концепцияси ўрнига “*экологик инсон*” ва “*маданият инсонни*” концепциялари пайдо бўлди. Айнан “янги дунё инсонни” тўғрисидаги шундай тасаввурлар дизайнда муҳитга асосланган асосий принципларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, у дизайн-лойиҳалаш экологик йўналишнинг куйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

- муҳитни тотал лойиҳалаш билан бирга табиат ва маданият экологиясини инобатга олиб, уни реал маданий-тарихий контекст лойиҳасига киритиш;

- истеъмолчини мавҳум-типологик жиҳатдан моделлаштириш, лойиҳани реал шахсга мўлжаллаш;

- истеъмолчи билан ҳаммуаллиф бўлиш, унга раҳбарлик қилмасдан, уни муҳит ижодида тенг ҳуқуқли қатнашчи сифатида тан олиш;

- истеъмолчи ўзининг буюм-фазовий муҳитни дизайн маҳсулотларидан лойиҳаловчи яратган схема бўйича пассив фойдаланмасдан, уларни фаол трансформациялаш.

“Инсон экология”сига йўналтирилган дизайннинг олий мақсади – шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, инсон учун қўлай ва шинам муҳит яратишдан иборат. Экологик йўналтирилган дизайн маҳсулотларга экологик эстетикага таянадиган куйидаги талабларни қўяди: улар ёқимли, сезгир ва идрокли бўлиши лозим; инсонни руҳиятига яхши таъсир этадиган ҳолда, унга осойишталик, табиийлик ва эркинлик ҳис қилишга имкон бериши лозим; ижобий ҳиссиёт туғдириши зарур; инсонга ижод қилиш ва ўз фикрини эркин ифодалашга имконият бериши лозим.

Инсоннинг ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш учун замонавий дизайн белгилаб берган йўналиш моддий бойлик ва карьеранинг ўрнига инсоннинг ижодий ривожланишига, ҳамжиҳатликка ва тенг ҳуқуқликка эришишига келиши лозим.

Масалан, 1983 йилдан бошлаб Германия федератив республикаси Дизайнерлар Уюшмаси саноатда чиқариладиган буюмларда истеъмолчининг кунглини очадиган ва қувноқтирадиган, руҳий-маънавий кучайтиришнинг бўлишини талаб этганди. Дизайннинг бундай йўналиши буюмнинг функциясига булган муносабатни ўзгартиради: аввал утилитар функция буюмнинг муҳим хусусияти бўлган бўлса, энди у орқага ўтиб, ўйин, фантазия, шахснинг ижодий ривожланишига, ўз ўрнини бўшатиб берди. Дизайн маҳсулотларидан истеъмолчи фаол эмоционал ва интеллектуал таъсир ўтказишни талаб қилади.

Буюм муҳитини сйимолиги замонавий лойиҳалаш маданиятни турли йўналишларини умумий хусусиятидир. Буюм, муҳит ва фазонинг сйимолиги дизаннинг муҳим категориясидир, чунки буюм муҳитининг кўп маънолиги ва ҳар хиллиги – инсонни эркин фикрлашига имкон берувчи шароит яратади.

Парадокслар, тасодифий ассоциациялар, рамзлар замонавий дизайннинг ифодали воситаларини бойитади. Сйимоликни олий баҳолаш дизайн учун принципиал бўлди – сйимоли фикрлаш эса лойиҳалашда ҳаттоки янги усулга айланди.

Дизайнерлик фаолиятнинг моҳияти нафақат буюмни яратишда, балки турмуш тарзини “сценарийини” яратишда, буюмлар ёрдамида истеъмолчи билан алоқа ўрнатишда ҳам намоён бўлади. Ўзгарувчан инсон сйимолари – костюм дизайнерининг асосий объекти. Цивилизациянинг маънавий инқирози вазиятида дизайннинг янги ролини тушуниш костюм дизайнида дизайннинг назарияси ва концепцияларидан анаънавий бир мунча четта турган соҳада ҳам тарқала бошлади.

Дизайннинг фаолияти фақат инсоннинг эҳтиёжини ташкил этишдан иборат эмас, у инсоннинг фаолиятини яратишда ҳам намоён этади. Дизайнерларнинг ижтимоий кўрғазмаси улар яратган буюм муҳити ёрдамида инсоннинг реал турмуш тарзига таъсир этади.

Замонавий инсон ўз қўли билан бирорта нарсани қила олмайдиган бўлиб қолди, у ижодкорликдан тайёр маҳсулотни истеъмол қилувчига айланди. Дизайнни гуманизациялаш бугунги кун кишисини функционализмга оид фазовий ва ижтимоий муҳитни режалаштирадиган ва лойиҳалаштирадиган инсонга айлантиришдир. ”Истеъмолчини лойиҳалаш” тушунчаси бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотди, чунки инсон тўғрисида дизайнерларнинг профессионал тасавури ва инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжлари, талаблари, хулқи орасида номутаносиблик мавжудлиги аён бўлди.

Биринчи бўлиб меъморий назария ўз мунасобатини билдирди – ишнинг натижасига кўра иш тутмасдан, балки лойиҳалаш жараёнига оид бўлган “меъморчилик меъморчиликсиз” концепциялари пайдо бўлди. Профессоналлар ташаббускорлар ижодининг маҳсулотларига тақлид этадиган бўлди. “Компромиссли эстетика”нинг “яхши дизайн” ва “кич” орасидаги эстетика, “яхши дизайн”нинг шакл фазилатларини кични эмоционал жозибалиги билан ўйғунлаштиришга қаратилган концепцияси вужудга келди. Аралаштириш принципи куйидагини назарда тутди: инсон уйга кириб ўзининг хоҳишига, гўзаллик ва фойда тасавурига кўра уни барпо этгандагина меъморчилик мазмун ва маданий маънога эга бўлади. Ташаббускорликда ижоднинг фаоллашиши рўй беради, асарни яратиш жараёнда истеъмолчи ўз ҳиссасини қўшади. Ҳамкорлик, шериклик санъат ва ҳаёт орасидаги чегарани йўқотишга имкон яратиб, истеъмол жараёни ўйин, эрмакка айлантиради.

Айнан истеъмолчини буюм муҳитини лойиҳалаш жараёнига жалб этгандагина инсон экологияси муаммосини ечиш мумкин. Бугунги кунда ниҳоясига етмаган эстетик объектни лойиҳалашга ўтиш рўй бермоқда. Истеъмолчидан нафақат “ташаббускор дизайнер” ва буюм-фазовий муҳитини ижодкори бўлиш, балки шу билан бирга лойиҳалаш жараёни қайта англаш, ҳамкорликка киритиш ўли билан уни назарда тутилади, функционал трансформациялаш, буюмни фойдаланиш даражасигача еткизиб тугатишни ҳам талаб қилинади.

Истеъмолчининг ҳамкорлик концепцияси костюм дизайнерлари орасида

ўз тарафдорларини топди. Айнан кийим дизайнида бу концепция амалда тўлиқ рўёбга чиққан, назарий маълумот бўлиб қолмасдан, инсон ўз сиймосини яратиш жараёнида ҳам қатнашади, чунки унга тайёр сиймолар ўтқазилмайди. Замонавий моданинг демократиклиги, услублар, шакллар силуетларининг хилма-хиллиги, инсон ўзига ёққанини ва ярашганини танлаб олиши мумкин - буларнинг барчаси модага риоя қилишда эркинлик беради.

Европа ва ҳалқаро модасида инсон ва кийимнинг ўзаро алоқасига янги тушунча киритган япония дизайнерлари бунга кўп эътибор беришади. Масалан, И.Мияке ижодий жараёнида истеъмолчининг ҳамкорлиги тўғрисида шундай деган: "Менинг кийимимни кийганларнинг ижодкорлигисиз менинг кийимим - кийим эмас. Унда истеъмолчининг ижодий фаолияти учун кенг имконият тўғдирилган, уни ҳар ким ўзича тушуниши мумкин" (International Herald Tribune— 1988 – Desember 12. – p.16); "Менинг модаларим – ўралиш эмас. Ва мен уларни қандай кийиш учун кўрсатма бермайман" (Time. – 1986.- January, 27, - p.50). Ё.Ямомото ҳам шундай фикрда: "Мен ҳеч қачон буюмларни ўзимнинг тасаввурим бўйича яратмайман. 70-80% яратишга интиламан, кейин уларни истеъмолчи ўз хоҳиши бўйича тугаллаши учун ва уни улар ўз хоҳишлари бўйича кийиши мумкин дейман".

Дизайнер ва истеъмолчининг ҳамкорлик концепциясида яна бир йўналиш мавжуд: бу истеъмол жараёнини эрмакка айлантиришга интилишдир. Дизайнинг бундай йўналиши "*постиндустриал жамият*"да бўш вақтнинг янги концепцияси – "*бўш вақт цивилизацияси*" билан боғлиқ. Фаолиятнинг бир тури бўлган бўш вақт бир неча муҳим хусусиятларга эга: бегоналикдан озод бўлиш, бахт, хурсандчилик, яшаш маъноси ва ҳаёт қувончини топмоқ шулар жумласидандир.

Айнан бўш вақт соҳасида маданиятда инсоннинг индивидуаллигини ва унинг ижодий қобилиятларини илгари сурадиган янги модел муносабатларининг янги этикаси, қийматининг янги тизими юзага келади. Айнан шу соҳада инсон қувонч, ўйин, кулги, орзуга эришиш ҳуқуқини амалга оширади.

Ғарбда 1980 йилдаёқ истеъмолнинг янги турига сайр-томоша бўш вақт махсус турга айланди. Дизайн маҳсулотнинг истеъмол этиш жараёни сайир-томоша, ўйин ва ижодий фаолиятга айланди. Шунинг учун дизайнерлар эркин комбинацияланадиган буюмларини лойиҳалашга эътибор берадиган бўлди.

Костюмга муносабат ўзгаргани тўғрисида танқидчилар ва дизайнерлар сўз юртилар. Моделларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида япон кийим дизайнери И.Мияке шундай дейди: "Мен фақат кийимни яратишга интилмасдан, балки яхши кайфиятни ҳам тадбиқ этаман" (Time – 1986 January 27). Ундай эффектга "қувончли" ранг бирикмалари, ғалати шакллар, костюмни кийиш жараёнида уни ўзгартиришга имкон берадиган эркин таркиблар орқали эришди.

Дизайнда ўйинли эфетлар турли аспектларда намоён бўлади. Биринчидан, модага муносабат ўзгарди: мода-ижтимоий мақомнинг акси деган фикрнинг ўрнига модада ўйинга оид жиддий муносабат ғоялари пайдо бўлди.

Иккинчидан, ўйинэлементларинидизайнерлар кийим кийиш жараёнида

назарда тутишади. Шундай имкониятларини трансформация этиладиган шаклларда тугма ёрдамида бириктиладиган элементларда кўриш мумкин. Масалан, Ж.-Ш. де Кастельбажакнинг дамлама ёстиклардан ишланган пальтони ёки ўрама туридаги куртка ёқалари; Ф. Москинонинг “кулгили” кўшимчалари ва аксессуарлари. Ўйиндаги чексиз имконият кийимнинг айрим элементлари, аксессуарлари, ранглар ва расмларнинг комбинацияланиши беради.

Учинчидан, дизайнда ўйинга оид пайт ролли ўйин тушунчаси билан боғлиқ. Дизайнерлар фикрига биноан модали кийим одам ҳаётида ўз “ролини” ўйнайдиган костюмга ўхшайди. Кўп вақт давомида костюм инсоннинг реал ижтимоий ҳолини ёки мақом иллюзиясини намоён этарди.

Аммо, индивидуаллик тамойили кучайган сари кийимдан кўп ҳолларда ижтимоий ролни бартараф қилиш воситаси сифатида фойдаланидиган бўлди. Ҳар мавсумуда дизайнерлар тавсия этган турли сиймолар истеъмолчига танлаш учун жуда кўп имконият беради – кундалик ҳаётни чегараларни ҳаддан ортиқ очиб, барча шу “роллари” ўзига ўлчаб кўриши лозим, чунки америкалик дизайнер Дж.Каррано сўзи бўйича “инсон кийимни алмаштириб ўз хошишига биноан ўз имиджини ўзгартиради”.

Ҳозирги кунда дизайнерлар “мегаполисда яшовчилар”нинг оддий кунларини қувноқ қилишга, унинг эркин ва табиий бўлишига ёрдам беришга интилмоқда, улар кийимнинг рангларини ўзгартириб, кўпинча аввал қўлланмаган “қувноқ” ёркин рангларни тавсия этишди. Масалан, рангли доиранинг “ўлик” сектори ҳисобланган ва кийимда камдан-кам қўлланилган тўқ қизил-сарик рангдан сарикқача, сарик-яшилдан яшил-сарикқача бўлган ранглардир. Бу рангларни кийиш инсонларнинг эркинлигини ва ҳаётдан манмунлигини қувончга берилишини намоён этади.

“*Неотехнологик дизайн*” ранг, ёрўғлик, ҳид, иқлим, муҳитнинг акустик ва фактуравий тартибини экологик йўналтирилган дизайн деб тушуниш мумкин. “Овоз берадиган”, ёруғ эффеқтли, ҳидли, ҳарорат ёки ёруғликнинг ўзгаришини сезадиган суёқ кристаллардан материалларнинг лойҳалари пайдо бўлди. Янги технологиялар билан шундай тажрибаларни япон ва италиян дизайнерлари (А.Мендани, Д. Сантақьяра, Ч. Руджери ва б.) ўтқизмоқда.

Информацион цивилизацияга ўтиш “*сенсор инқилоб*” янги сезгига оид маданиятни барпо этиш, дизайнда юқори технологияларни қўллаб, сенсоризация асосида янги шакллар ҳосил қилишни талаб қилади. “*Хай-тач*” деб номланган дизайнда бу янги йўналиш актуал бўлмоқда, чунки дунё фақат оқилона жиҳатдан эмас, балки барча ҳис қиладиган органлар ва интуиция ёрдамида тасаввур этилади. “Хай-тач” экологик йўналтирилган дизайннинг муҳим қисми, чунки у замонавий юқори технологияларни инсонни эҳтиёжларига ва қийматларига мослашув муаммоларини ҳал қилади.

Маданият ва дизайн экологияси. Экологик ҳаракатни энг муҳим йўналиши маданият экологиясидир. Индустиал цивилизациянинг инқирозини маданиятни глобал инқирози намоён этади. Инқирозини барча аломатлари бунга далолат беради: жамиятда маданиятни роли сусайиши, маданий бойликларни стандартизация ва унификацияланиши, миллий хусусиятларни ва

ўзига хосликни йўқотилиши, оммабоп “маданиятга қаршилиқни” кенг тарқалиши. Бу муаммолар билан ва уларни ечиш йўллари қидириш билан маданият экологияси шуғулланади. “Маданиятэкологияси” деган тушунчансини илк бор Д.С.Лихачев киритди. Одам зоти омон қолиш учун маданий анъаналарни сақлаш ва қўллаб-қўватлашни муҳимлигига жамиятни эътиборини қаратди. Унинг фикрига биноан “табиий биологик муҳитни сақлаш вазифани қўйиш билан экологияни чеклаш мумкин эмас. Одам ҳаёти учун авлодлар ва ўзи яратган маданият ёрдамида муҳит ҳам инсон учун муҳим” (Д.С.Лихачёв. Прошлое будущему: Статьи и очерки. – Л., 1985).

Келажак цивилизацияси –“экологик цивилизация” – маданият цивилизацияси бўлиши лозим, унда ҳар хил маданиятлар учун эркин мулоқатга шароит тўғдирилган, чунки фарқланувчи маданиятларга қизиқиш инсоннинг муҳим ҳаётий эҳтиёжидир. Умумий инфорацион фазо, жаҳон иқтисодни бирлашуви маданий хоссаларни тенглаштириш хавфни тўғдиради.

Экологик цивилизация ҳар хил маданиятларни ўзига хос хусусиятларини йўқотмасдан, “тинч-тотув мавжуд бўлиши лозим”. Маданиятлар орасидаги музокалар маданиятшуносликда муҳим категория бўлди, чунки санъат экологияси ҳар хил ва минтақавий маданиятларни, концепциялар ва фикрларни бирга мавжуд бўлишини назарда тутди. Маданиятлар музокараси –ўзига хослиги сақланган ҳолда ҳар хил маданий тизимларни ўзаро бойитиш жараёни. Маданиятда ўзига хослигини сақлаш, бошқани эъзозлаш (чунки фақат биздан фарқ қиладиганлари ўзимизни тушунишга имкон беради) вужудга келадиган янги цивилизацияни фундаментал бойлигидир.

Ҳозирги инсоннинг яшаш муҳитни янги технологиялар таъсирида замонавийлаштириши турмуш тарзини маданий кетма-кетлиги билан мужассамлалантирмоқ лозим, қайиски замонавий лойиҳа маданиятини ривожланишида энг муҳим муаммоларидан бири.

Дизайннинг “этномаданий ўхшашлигини” изланишлари бараварига икки йўналишда олиниб бормоқда: бир томондан, ўзини миллий маданиятининг асосларини англаб олишга интилиш, буюм муҳитда унинг энг муҳим архетипларини тиклаш; иккинчи томондан, замонавий инсоннинг буюм муҳитини маънавий бойитадиган бошқа маданий бойликларга қизиқишни кучайиши.

Ҳозирги босқични жиддий вазифаларидан бири - мамлакат кўламида миллий дизайнни ташкил этиш, чунки миллий ўхшашлик имиджи ҳозир халқаро бозорда дизайнни муваффақиятига эришиш гаровидир.

Экология йўналган дизайн инсон сиймосини тиклашга интилиб, минтақани моддий ва маънавий маданият манбаларини билан фойдаланади, улар шу этномаданият анъаналарига мос.

Минтақавий дизайнни вазифаси – минтақани табиий шароитига ва иқлимига мос костюм яратиш, анъанавий шаклланиг усулларни ва материалларга муносабатларни тиклаш.

Костюм анъанавий турмуш тарзидан жуда муҳим элементи, унда ҳар бир этноснинг дунёқараши акс этилган, шунинг учун дизайнерлар янги тарзда анъана ва инсонни турмуш тарзига мос миллий сиймоларни тиклашга

интилади.

Мутахассисликка оид дизайнерлар ва мутахассисликка оид эмас усталар турли мамлакатларда анъанавий хунармандчиликни тиклаш рағбати шу билан боғлиқ (айниқса хунармандлик анъанаси Финляндия ва Японияда ҳеч қачон узилмаган). Ўзбекистонда хунармандлик анъаналари халқ косибкорлигида сақланиб қолган (кулолчиликда, тўқимачиликда, заргарликда ва б.).

1970 йиллардан бошлаб костюм дизайнерлари коллекцияларида “миллий руҳни” этнографик маънода намоён этишэмас қадирланадиган бўлди, балки модада “байнал-минал услуб” контекстида, яъни миллатдан қаътий назар барча инсонларга мос. Масалан, Англияда таҳсил олган, Италияда ишлаётган турк дизайнери Р.Озбекни ҳар хил шароитга мўлжалланган коллекцияларида этник руҳият ижодий манба бўлган. Япон дизайнерларнинг коллекцияларида бундай мувафақият айнан кийимга, шаклга, материал ва нақшга шарқона муносабати билдирилган ва европа анъанаси, конструкцияси билан бирга органик қўшилганда ва шу асосда қўлланилган мутлақо янги кийим яратилганданамоён бўлди.

Ўзбекистон дизайнерлари ўз ижодида анъанавий матоларни (хон-атлас, шойи, беқасам ва адрасни), безак, аксессуарлар ва тақинчоқларни кенг қўллашади. Улар миллий кийимларга янги ҳаёт беришади ва миллий матолардан замонавий либосларни тақдим этишади.

Моддий маданият анъаналари бошқа халқларнинг, айтиқса “экзотик” минтақаларнинг замонавий дизайнерлари эътиборни ҳам жалб этмоқда. Янги дизайн пайдо бўлишига бошқа маданиятлар амалда битмас-туганмас манбадир. Инсонни, айтиқса, ғарбдагиларнинг барчаси номаълум, ажойиб, кундаликда учрамайдиган, одатдан фарқланадиган “экзотика” доимо жалб этган.

Аммо, замонавий маданиятнинг учинчи дунё мамлакатлари анъаналари билан қизиқиши фақат янгилик ва ажойботларни иташдан иборат бўлмаган – шарқ фалсафаси, дини, табиат ва инсонга муносабатида янги дунёқарашнинг янги аломатларини қидириш, келажак цивилизациянинг асоси бўлиши мумкин. Ғарб цивилизациясининг инқирози “цивилизациялашмаган” халқларни ҳаётини тажрибаси Ғарб муносабатининг ўзгаришига сабаб бўлди, мадомики айнан Шарқда инсон табиат мавжудоти бўлган экан, шу боис бошқалари билан ҳам уйғунликда яшамоқда. Постиндустриал цивилизация ғарб ва шарқ анаъналари синтези асосида барпо этилмоқда.

Кийим моделлашда бошқа халқларнинг маданий анъаналарига назар ташлаш қадимдан маълум. Европаликларни Шарқ экзотикаси, бойлиги ва нозик диди билан жалб этиб келган. Европа костюм тарихининг ҳар бир даврида салб юришлари давридан замонавий модадаги “этник услубига” шарқ таъсирини сезиш мумкин. Европа костюмидаги кўп янгиликлар Шарқ ёки Америкадан келган (Х.Колумб Американи ихтиро қилгандан сўнг).

1970 й. бошида европа дизайнерларининг учинчи дунё миллий маданиятини ўзлаштириши натижасида модада “этник услуб” пайдо бўлди ва у ҳозиргача ўз актуаллигини йўқотмади. Жаҳон модасида европалик дизайнерларнинг пайдо бўлиши билан яна икки йўналиш белгиланди – шарқ маданияти намояндалари томонидан европа анъаналарини костюмда

ўзлаштириш (масалан, Х.Мори, Р.Кавакубо, Ё.Ямамото коллекцияларида) ва европалик бўлмаган дизайнерларнинг уларга ёт шарқ анъаналарини ўзлаштириши (“этник услуб” япон дизайнери Кензо Такада коллекциясидан бошланди, қайерда Жанубий-Шарқ Осие мамлакатларнинг миллий костюм мавзулари кўлланганди).

Замонавий костюм дизайнида миллий анаъаналарни ўзлаштириш ўзига хос хусусиятлари постмодернизм, жумладан *иктибос*(цитата) услуби(ўзгартирмасдан костюм қисмларини ўзлаштириш ва моделда ҳар хил ижодий манбалардан элементларни аралаштириш) билан боғлиқ. Иқтибос сифатида миллий костюмнинг детали, безак элементи, нақши, бичими ёки ранг гаммаси бўлиши мумкин. Ҳар хил иқтибосларни комбинациялаб, турли ҳалқларнинг костюм элементларини аралаштириб, дизайнер 1970 йилларга ўхшаш аниқ ва таниқли ижодий манба билан боғлиқ бўлмаган мутлақо янги сиймони яратди. Жан-Поль Готье, Дж.Гальяно, Р. Джилъи этник мавзулари бўйича ўз моделларини айнан шундай яратишади.

Костюм моделлашда миллий костюмнинг бичимини ўзлаштириш махсус соҳадир. Этник услуб аллақачон жаҳон халқларининг костюм шаклини замонавий костюмга мослаштиради.

Одатда, бу оддий шакли, кўпинча тикилмаган кийим сари, саронг, пончо, панева ва б. иборат.

Шарқ анъаналарининг ғарб дизайнига таъсири шакллар, ранглар (Шарқ мамлакатлар ранг маданиятидан кўп модали ранглар ўзлаштирилганди – индиго, “зироварлар ранги”, “хитойча сарик”. “буддавий тўқ сарик” ва б.), аксессуарлар, амалий санъатининг ўзлаштирилиши билан чекланмайди.

Ҳозир жаҳонда дидлар плюрализами (хилма хиллиги) ва эстетик идеалларнинг тенгҳуқуқлиги, шу жумладан гўзаллик тўғрисидаги тасаввур, баъзи этномаданият анъаналари билан боғлиқ равишда юз бермоқда. Европа гўзаллик тури қаторида модада европалик бўлмаган инсон сиймолари тенгҳуқуқлик ўринни эгаллади. 1960 йй. (П.Карден ва П.Рабаннада) подиумга қора танли манекеншчицалар чиқди (Ноэми ва б.) ва фақат оқ таналиларгина гўзаллик эталони бўлмаслигини исботлашди, модомики манекеншчицанинг сиймоси – бу доимо ўзига хос вақт эталони деб ҳисобланади. Подиумларда ва мода журналларининг саҳифаларидги ҳар хил инсонлар катта аҳамиятга эга. Бу билан ҳар бир миллат, халқ ва инсоннинг ўзига хослиги қарор топади.

Замонавий маданиятининг принципиал асоси – эстетик плюрализм, гўзаллик ҳақида ҳар хил миллий тушунчаларни, кўпинча бир бирига ўхшамайдиган, тенгҳуқуқликни назарда тутати. Замонавий модада бир хил модали шаклнинг эталони, ҳар бир инсоннинг индивидуаллиги, мислсизлиги қадрланмоқда.

Ғарб ва шарқ анъаналарининг синтези анъанавий этник ва европа кийимига нисбатан инсонга индивидуалликни намоён этишга, яъни сифатли кийимни лойиҳалашга имкон беради. Ҳаттоки, 1960 йй. хиппилар бошқа халқлар миллий костюмлари асосида европа униформасига ишбилармон инсон костюми альтернатива равишда кийим яратишди.

Костюм лойиҳалашда янгича ёндошиш шарқона костюмнинг ўзгариш ва

трансформацияларига мойил эркин лойиҳаларни, шунингдек кийинишдаги индивидуалликнинг европача анъаналарига хос хусусиятларни бирлаштирган япон дизайнерларига ҳам таалуқлидир. Айнан япон дизайнерларининг ижоди маданий анъаналар мулоқатининг юксак намуналарини ўзида мужассамлаштиради, инчунин европалик бўлмаган дизайнерлардан айнан японлар модасига жуда катта таъсир этишди. Костюм дизайнида “япон йўналиши” борлигини тан олишимиз керак.

Замонавий дизайн учун япон бадиий анъаналари лойиҳалашнинг экологик нуқтаи назардан мувофиқлаштирилганлиги билан ғоят қизиқарлидир.

Турмуш тўғрисидаги буддавийлик таълимотининг асосий таркибий қисимлари муҳит дизайни учун муҳимдир. Япон анъанавийлиги кўп асрлар давомида япон маданияти анъанасини сақлаш ва таъминлашга қаратилган маданият ривожига муҳим тажрибадир. Ўтмиш замонавий билан доим ҳамнафас бўлган, у ҳозир ҳам мавжуд ва замон билан доимо мулоқотда.

Анъана билан замонавийни уйғун бўлиши япон санъати ёрқин мисолдир.

Япон дизайнерлари замонавий кийим яратганда анъанадаги кийимнинг конкрет шаклини ўзлаштирадиган, костюм яратишнинг умумий принципларини, композицион усулларини, бадиий ижодий анъаналарини тақлид этишади. Даставвал улар кўлай, оддий, универсал бўлган шарқ кийимнинг бичимини асос қилиб олишади. Эркин бичим – шарқ кийимининг муҳим ҳоссаи: у танани деформацияламасдан, тана ва кийим орасида маълум масофани ҳосил қилади. Япон кийими асосида оддий геометрик шакллар – тўғрибурчак ва трапеция намоён бўлади. Япон дизайнерлари бу принципларни кўпинча қўллашади. Бундай моделлар ҳаракат учун қулай, эркинлик ва комфорт яратади.

Замонавий моделларда ўралишга, буюмларни упаковка қилишга, кийимда кўп қавтликка японларнинг қизиқиши сезилади. Бу хусусият япон анъанасига таалуқли – эркинликсиз, кенгсиз гўзаллик ҳосил бўлмайди; қачонки гўзаллик индивидуал сиймода намоён бўлса шундагина ҳақиқат рўёбга чиқади. Табиийликка амал қилиш – табиатга зўрлик қилмаслик, ҳар бир буюмнинг ягоналигини ҳис қилиш япон санъатига оид хусусиятдир.

Материалга бўлган анъанавий муносабат япон дизайнерларини бошқалардан фарқловчи хусусиятидир: улар кўпинча янги материал барпо этиш соҳасида новатор бўлган. Уларда композицион марказни йўқлиги ва носимметриклик япон санъатининг антика хусусиятидир – гулдонларнинг қутичаларининг, пардаларнинг “оқиб кетаётган” нақшини япон дизайнерлари замонавий кийимда ўзлаштиради (маслан, Кензонинг машҳур галстукларидаги нақш кўйлаккамаин “оқиб ўтган” ёки Х. Морининг нақш солинган кўйлаклари). Япон дизайнерлари носимметрик конструкцияни тақлиф қилиб, костюм дизайнида деконструкция йўналишига асос солишди.

Истеъмолчининг ижодига бош қўшиш ғояси япон анъанасининг асосидир. Инсон бошқа инсонлар контекстида тасаввур қилинганда, инсоният уни ўзаро боғланиш шакли ва имконият деб тушинадиган контекстуал онг уларга хос. Японияда баъзи анъанавий санъат турлари биргаликда санъат ва кундалик ҳаёт орасидаги фарқни йўқ қилган ва санъатга кенг ижтимоий асосни

жалб этган ижоднинг бир шакли бўлди. Субъект ва объект, ижодкор ва пасив томошабин орасидаги фарқни йўқ қилиш муҳит дизайнининг мақсадидир ва айнан шу ғояни япон дизайнерлари костюм дизайнида илк бор киритишди.

Истеъмолчининг бош қўшиши ва биргаликда ижод қилиши дизайнер ижодининг тугалланмаган натижаси бўлиши мумкин. Япон санъатида асарнинг ниҳоясига етқизилиши ҳаётнинг абадий ҳаракати билан қарама-қарши ҳисобланади, у шунингдек вақтнинг абадий оқимида турмушнинг ўзгарувчанлиги тўғрисидаги буддавий таълимотига ҳам зид келади. Гўзаллик манбаси – умрнинг узоклигида эмас, шунинг учун дизайнер яратган буюм ривожланади, истеъмолчи билан алоқа қилади.

Спонтанлик, импровизация ва кийиш жараёнида трансформация этиш- бу барча хусусиятлар япон дизайнерлари кийимга таалуқли ва истеъмолчига ижодий жарёнда иштироқ этиш имконини беради.

Замонавий маданиятга жуда муҳим бўлган япон анъанасининг яна бир хусусияти турли таъсирларни ассимиляция этиш қобилиятида намоён бўлади. Костюм дизайнида япон модельерлари, костюмда европа ва япон бадий анъаналарини бирлаштириб, мутлақо янги кийимни яратишди, биз уларни на японча на европача кийим сифатида, балки келажак кийими сифатида тасвур этишимиз мумкин.

Дизайнда япон ва европа анъаналарнинг синтезининг намунаси шунга ишонтирадики, айнан маданиятлар мулоқоти янги цивилизацияда юзага келадиган маданиятга муҳим экологик хусусиятларни инъом этиши мумкин.

XXI аср маданиятида Европа ва Америка, Осиё ва Африка маданий анъаналари ажралмас бирликни ҳосил қилади ва Ер юзида яшаётган барча халқларнинг маданиятининг музокараси бўлади.

Таянч иборалари: экология, истеъмолчи, маданият, инсон, классик услуб, ишлаб чиқариш, “хай теч”, неотехнология, инсонпарварлик, альтернатив иктисодиёт, этномаданият, истеъмол, костюм.

Назорат саволлари.

1. Дизайндаги экологик йўналишлар.
2. Истеъмолни экологизациялаш йўналишни таърифлаб беринг.
3. Истеъмолчилар тўғри муамола этиши учун экологлар қандай йўналишларни тавсия этади?
4. Ишлаб чиқаришни экологизациялаш йўналишни тавсифлаб беринг.
5. Костюмда ишлаб чиқаришни экологизациялаш муамоласи қандай ечилади?
6. Альтернатив экономика тарафдорларини тавсия этган ғоялари.
7. Экологик тарҳиботнинг ўрни.
8. Инсон экологияси ва дизайнни инсонпарварлик йўналишни тавсифлаб беринг.
9. Неотехнологик дизайнни нимани тавсия этади?
10. Маданият ва дизайн экологияси йўналишини тавсифлаб беринг.

11. Экологик цивилизация нимани назарда тутуди?
12. Замонавий костюм дизайнида этномаданий дизайннинг ўрни.

Маъруза № 6

Мавзу: ***Моданинг функциялари ва ривожланиш қонуниятлари.***

Режа

1. Моданинг таърифи ва унинг таркиби.
2. Костюм ва мода функцияси.
3. Модани ривожланиш асосий қонуниятлари.
4. Модани прогнозлаш.
5. Моданинг психология назарияси.
6. Мода - оммабоп муамола шакли.
7. Мода - реклама шакли сфатида.
8. Мода намоиши.

Адабиётлар: 2, 3, 4, 5, 15, 19, 34

Мода таърифи ва таркиби. Дизайнернинг асосий фаолиятининг мазмуни маданий намуналарни яратиш бўлгани учун, унда мода каби феномен тўғрисида тўлиқ тасавури бўлиши лозим. Мода индустриясида муваффақиятли ишлаш учун моданинг асосий қонуниятларини, модани ижтимоий ходиса сифатида тушиниш керак, уни ижтимоий психологик ва ижтимоий ривожланиш жihatларини, прогнозлаш усулларини ва ўзгариш инновацион ва циклсимон механизмини билиш керак.

Булар барчаси фақат модали намуналарни тақлид қилмасдан ва яратмасдан, балки модага онгли таъсир этиб, уни бошқаришдир. Мода фақат костюм эволюциясини муҳим фурсатларини намоишчиси бўлмасдан, балки замонавий жамиятда ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг бошқарувчи сифатида бўлади.

XVII асрни охирида мода инсон маданиятининг ўзига хос феномени сифатида санъат соҳасида ва костюмда эстетик идеал ва дидни ўзгариш билан боғлиқ эстетик ходиса сифатида таҳлил этилди. XIX-XX асрларда мода тадқиқотчилари модани ижтимоий ва психологик феномен сифатида таҳлил этишган, уни пайдо бўлишига ва ривожланишига сабабларни ва уни таъсирида рўй берадиган ижтимоий, иқтисодий ва маданий оқибатларини кўриб чиқишган.

Модани ҳар хил нуқтаи назардан ўрганишган: ижтимоий психология ва психотаҳлил, бозор иқтисоди ва маданиятшунос, замонавий жамиятда уни динамикасини белгилайдиган муҳим компоненти сифатида.

Мода лот.*modus*-меъёр, қоида; французча- *moda*; италиян -*moda*; немис - *moda*; инглиз -*moda* (кўпинча *fashion* атамаси қўлланади).

Замонавий жамиятда мода оммабоп хулқ шаклларида биридир. Демак, мода атамасини куйидагича таърифлаш мумкин: мода бу ўзига хос усул, сиймо, ижтимоий ахборотни ишлаш учун меъёр (психолог Л.Петровнинг таърифи); мода бу кўп инсонларга оид сезиш тури (американ ижтимоий психолог Э.Богардуснинг таърифи); мода ижтимоий гуруҳлар афзал кўрган такрорланадиган ўзгаришлар серияси (американ ижтимоий психолог Э. Роснинг таърифи).

Мода ўзгариш жараёнда бўлган моддий ва рухий қийматларга кирадиганбарча маданият турларига мансуб: санъат (рангтасвир, адабиёт, мусика, театр, кино, дизайн), фан, техника, сиёсат, спорт. Дизайн - мода механизмини фаол таъсир этадиган маданият соҳасидир.

Мода инсонни атрофидаги барча буюм муҳитига таъсир этади, яъни интерьер ва магазинни витриналари беазага, маиший буюмларни, оммабоп байрамларни ва саир томоша индустрия дизайнига.

Аммо, кўпинча мода инсоннинг ташқи кўринишида акс этади: либосларида, соч турмагида, макияжда, муамола тарзида, буюмлар доирасида.

Костюмда инсоннинг талаклари ва интилишлари, ўзи тўғрисида ва атрофдаги инсонларга ижтимоий муносабати ва ижтимоий ҳолини акс этгани боис, канадалик жамиятшунос М.Маклюэн инсоннинг уйини ва либосини “бизнинг теримизни давоми” деб айтишга асос булган.

Мода костюмга, буюмлар хоссасига, ғояларга, сузларга ва б., яъни мода намунаси бўладиган буюмларга (мини юбка, соч ранги ва турмаги, автомобиль маркаси, тоғда дам олишга ва б.) таъсир этади.

Моданинг таркиби куйдаги элементларидан иборат: модали стандартлар - муамола ва ҳатти-ҳаракат намуналари ёки усуллари; модали объектлар, улар моддий ва моддий эмас бўлиши мумкин: буюмлар, ғоялар, сузлар, объектларнинг хоссалари; моданинг қиймати; мода мухлисларнинг ҳатти-ҳаракати модали стандартлар, объектлар ва қийматларга ориентлашган.

Моданинг ҳар бир намунаси уни мухлисларига муайян мақсадга эришишга, интилишга; замонавий кўриниб туришига ёки оммалар орасида ажралиб туришига, атрофдаги инсонларга ўзи тўғрисида маълум маълумот беришига имкон беради.

Замонавий йирик шаҳар-мегаполисда мунасобат воситаси сифатида моданинг роли жуда катта, у ерда инсонлар орасидаги мунасобатлар қисқа муддатли (кучада, транспортда, жамоат жойларида ва б.). Шунинг учун ўзи тўғрисида инсон бермоқчи бўлган маълумотни костюм беради.

Мода таркибининг қийматларини орасида биринчиси (атрибутив ёки ички) ва иккинчиси мавжуд.

Модани *биринчи* қийматларига *замонавийлик, универсаллик, демонстративлик ва ўйин* киради.

Замонавийлик – моданинг таркибида фундаментал қийматидир. Ҳар қандай янгиликлар модали бўла олмайди, ва ҳар қандай модали стандартлар ва намуналар ҳам янги бўлмайди (масалан, “ретро” услуби). Экологик услуб модада янги юқори технологик синтетик материалларни ишлатишни инқор этиб, минг йиллар мабойнида маълум анъанавий зиғир, ип, шойи ва жун

газламаларни киритди.

Модада янгилик - бу аввалги модага нисбатан янги ғоялардир. Замонавийликнинг қиймати модани мухлисигасига “вақт билан юривчи” деб ўзини хис қилишга ва тез ўзгаряпган замонга мослашишга имкон беради.

Универсаллик (диффузлик) вақтдан ташқари ҳеч қандай чеклашни эътироф этмайди.

Костюм тарихида моданинг универсаллиги XIX асрда юз берди, XVI асрда эса Европада аввал италиан, кейин испан модалари кенг тарқалганди. Моданинг ривожланиши жамиятни барча ўзгаришларини акс этади: саноатнинг гуркураб ривожланишини, янги транспорт ва коммуникация воситаларини пайдо бўлишини, халқлар аро маданий алоқаларни кучайишини. Маданий намуналарни бир ижтимоий гуруҳдан иккинчисига, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтишида моданинг муҳим қийматларидан бири универсаллик ҳисобланади.

В.М.Краснов мода тарихида универсаллик билан боғлиқ уч томонини ажратган: ягона мода (ибтидоий жамиятда); махсус мода (табақали жамиятда); оммабоп мода (демократик жамиятда).

Қисқа вақт давомида оммабоп бўлган ҳодисаларни “мода доирасида ички оқимлар” деб американ жамиятшунос Э. Богардус номлаган. Уларга *fad* (инжиклик, тентаклик, тез утар ишқивозлик барча жамиятни эмас, балки айрим ижтимоий гуруҳларни оғушига олган), *craze* ёки фетиш (мода билан оммабоп ишқивоз этилиш, мойиллик).

Демонстративлик мода коммуникациясини бир шаклидир, у мода мухлисларига ўз тўғрисида бошқаларга маълумот беришига имкон беради. Энг аввало мода ўз ижтимоий мақомини ёки ундан ҳам юқори иллюзиясини намоёиш этишга имкон беради.

Моданинг *ўйин* қиймати эвристик ижодий фаолияти билан боғлиқ ва у янгиликни излашни, янгини яратишни, эскиликни янги сифатида тавсия этишни рағбатлантиради. XX аср ўйинни инсон миаданиятини универсал элементи сифатида ҳисоблайди. Постмодернизмда ўйин маданий бойликлар ва тимсолларни чексиз комбинациялаш усули ёрдамида маданиятни яратиш усули бўлди. Замонавий дизайнда ўйин элементлари муҳим роль ўйнайди, чунки ўйин инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожланишига қаратилган, унда натижаси эмас, балки жараён муҳим (дизайнер ва истеъмолчининг ҳаммуаллифлиги концепцияси билан боғлиқлиги). Ўйин дунё тушуниш шакли бўлса, мода эса ўзига хос қоидаларига эга ўйин муамоласининг шаклларида биридир. Модага асосий ўйин хусусиятлари мансуб: фазода эмас, вақт мабойнида чекланиш, ихтиёрлик, одатий ҳаёт чегарасидан чиқиш, муайян “ўйин қоидаларини” мавжудлиги.

Моданинг *иккинчи* (сиртки) қиймати конкрет вазият ва мода мухлисларнинг категорияси билан боғлиқ, улар қарама-қарши қийматларни кўзлайди: ижтимоий тенгликни ёки элитарликни, гўзаллик ёки фақат қулайликни ва б. Бир хил мода намуналари ҳар хил мақсадга эришишга имкон беради. Масалан, ситилган джинс буюм битталар учун престиж марка билан мақтаниш имконияти бўлса, бошқалар учун эса ўз демократиклигини,

истеъмолда одмилигини намоён этишдир.

Иккинчи қийматлар инсонни дунёга ва ўзига, жамиятга ва ижтимоий гуруҳларга, табиатга муносабатини намоёиш этади. У ёки бу модали намуналарни танлаганда одам шуларни фарз қилади: “Мен ҳаммадек”, “Менда бошқаларда йўқ нарсаларим бор”, “Менда хохлаган нарсаларим бор”. Маълум модани танлаганда инсон модага ўз муносабатини намоёиш этади.

Костюм ва мода функцияси. Дизайнернинг асосий мақсади – буюмнинг яхлит бадиий контекстининг белгиси ва борлигини лойиҳа объектини яратишдир. Буюм муайян функцияни бажаради. Буюмнинг функциялари ҳар хил, унинг функционал “портретини” яратиш учун функцияларни типлаштириб, тағтизимларини ажратиш керак, улар инсон тизимига киради ва энг аввало тағтизим-инсон буюм муҳитига. Унда инсон ва муҳитнинг ўзаро алоқаси барпо этилади: инсон табиатни ўзлаштириб, унга мослашади.

Буюмда инсон сиймосини (индивидуал ва ижтимоий) ифодалаш, одам танаси морфологиясини тиклаш – лойҳаловчининг вазифасидир, қайерда буюмнинг функцияси моделлаштирилади. Буюм бу ҳолда инсон–буюм– муҳит тизимида боғланувчи функционал қисми сифатида қўрилади.

“Буюм функцияси” тушунчаси – бадиий лойиҳалашнинг марказий категориясидир.

Костюм функциялари тарихий ташкилланган. Жамоанинг турмуш тарзи кийим билан фойдаланишда ўз аксини ифодалайди.

Илк бор кийим ҳимоя (ташқи муҳитдан) функцияни бажарган.

Халқнинг турмуш тарзи, асосий фаолият тури (томир ва мева йиғиш, ов ва деҳқончилик ва б.) кийимда специфик элементларни пайдо бўлишига сабаб бўлганди (белбоғлар, ёпинчоқлар, тўқилган бош кийимлар ва б.).

Костюм функциясида жуграфик ва иқлим шароити, миллий анъаналари, эстетик дидлари ва жамоанинг ижтимоий буюртмалари акс этади. Шакл ва костюм функцияси ёки унинг функционал таркиби бир-бирини ўзаро боғлайди.

Костюмнинг функционал таркибини тадқиқод этиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: костюмнинг мўлжали, унинг функцияси, “адреси” шакл, газлама ва безакларни ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Аммо функция тушунчасини фақат утилитар омиллари билан чекламаслик керак.

Маълумки, илк бор функция атамасини (лот. *functio* – бажариш, қилиш) ХУ11 асрни охирида Г.Лейбниц математикага киритди. Гуманитар ва табиий фанларда бу кўрсаткич бошқача ечилади. Баъзилари функциянинг элементларини ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Бизни эса саноатда ишлаб чиқарадиган буюмнинг мулжалига биноан функцияси қизиқтиради.

Функция -бу буюмнинг фаолияти ва уни харакатини динамик тавсифидир.

Мўлжал тушунчаси мақсадли категорияларига киради ва буюм билан фойдаланиш имконини муайян жараёнда одамнинг конкрет талабларини тавсифлайди.

Буюм функциясини таърифлаш учун икки дастлабки низомни ифодалаш мумкин: функция буюмнинг мўлжали эмас, мўлжал ва функция ўзаро боғлиқ; функция - бу буюмнинг морфологияси эмас, функция ва морфология ўзаро

боғлиқ.

Демак, бۇларни асос қилиб олганда, функцияни қуйидагича таърифлаш мумкин: буюм функцияси – бу буюмни ўз вазифасини реал бажариш учун тафсифидир. Бошқача айтганда, истеъмол жараёнида уни мўлжали ва морфологияси белгилайдиган реализацияси.

Дизайннинг асосчиларидан бири Г.Земпер XIX асрда қуйидагини ёзган: санъатнинг ҳар бир асарни унга берилган утилитар белгисини ёки рамзий эффектини, унга берилган моддий функция нуктаи назаридан кўриб чиқилиши лозим; ҳар бир бадиий асар яратилганда материал билан фойдаланиш натижаси, фойдаланган меҳнат қуролларни, машиналарни ва технологик жараёнларни таъсири бўлади.

Демак, функция, шакл ва конструкция ўзоро боғлиқ.

$$I = f(x, y, z, \dots, n),$$

қайерда I – якуний резултат,

x, y, z, \dots, n – ўзгарувчан кўрсаткичлар.

“Функция” атамаси яхлит ва қисимни ўзаро боғланган маънода қўлланади.

Буюмнинг функцияси унинг фойдаси ва ижтимоий қийматидан келиб чиқади. Буюмнинг фойдали функциясини уч кўрсаткич ифодалайди: нимага мўлжалланганлиги, фойдалиги, қиймати. Буюмнинг шундай функциясини конкрет кўрсаткичлари ва ифодаси уни ижтимоий–қиймат хоссаларидир – фойда, қулайлик, гўзаллик.

Буюмнинг функцияси истеъмол шароити ва буюмнинг морфологик таркиби билан асосланган. Реал функцияни аниқлаш учун уни истеъмол этиш ташқи тавсифларини билиш зарур. Фойдали функцияни бажариш учун у бир қатор хоссаларга эга бўлиши керак: вазни, ўлчамлари, материали, конструктив-технологик хусусиятлари ва б.

Ҳар бир фойдали буюм бараварига ижтимоий, маданий, эстетик ифодали бўлади, яъни кўпгина ижтимоий фойдали хоссаларига эга ва инсоннинг турли ижтимоий ихтиёжларига мос бўлади.

Агар костюмда утилитар функцияси устунлик қилса, костюм буюм сифатида бўлади; минтақавий, ижтимоий, маросим ёки эстетик функцияси устунлик қилса у тимсол ёки белгига эга бўлади.

Костюм функцияси бадиий маънога эга эмас. Буюмнинг қиймати уни истеъмол қилинганда аниқланади. Муҳитсиз, мўлжали йўқ, инсон сиймосидан ҳоли буюм – бу мужмал қобик, “латта”дир. Шунга кўра функциянинг моҳияти ғоя ва реалликни бирлигидадир.

Функциянинг асосий мазмуни – буюмга инсоннинг талаблари ва уларни ечиш даражасидир. Жавоб фактурани, шакл, конструктив ва ранг ечимларида ва материалнинг белгиларида кўринади.

Костюм – бу бизнинг мақсадларимизни, харкатларимизни, интилишилариимизни ўзига хос аксидир. Шунинг учун функция бадиий сиймога эга бўлмасдан, ўзи сиймонинг бадиий қийматини тасдиқлайди.

“Рационаллик ва мақсадга мувофиқлик” тушунчалар моҳияти ижтимоий-иқтисодий ва эстетик концепцияларни ўзгариши билан ўзгаради. Демак, янги

даврда эски костюмни аввалги турида кийиш мумкин эмас.

Костюм функциясини куйидагича таснифланиши тавсия этилади:

- муҳит ва инсонни ўзгартирадиган функция;
- мослаштирув функция, инсон-костюм тизимини сақлаш;
- мақсадга эришишни таъминлайдиган резултатив функция;
- интегратив функция буюмнинг маданий ютуқларини кўрсатади.

Ўзгартириш функцияси ташқи муҳитни қўлай ҳолатда сақлайди, инсонни муҳит билан алоқасини кенгайтиради, унинг фаолиятини оптимизациялаштиради..

Резултатив функция буюмни мақсадларини тавсифлайди. Буюм учун истеъмолчининг талаблари муҳимдир.

Интегратив функция инсон ва жамиятни биринчи назарда тутди. Бу жараён инсонни ижтимоий яхлитликка (маданиятга, халққа, ижтимоий гуруҳга, ойилага) алоқадорлигини тушунишни назарда тутди.

Эстетик функция ҳар хил халқлар томонидан турлича тушунилган. Масалан, баъзи халқлар тана шаклини деформация қилишган, корсет кийишган ва х.к.

Дамба-дам эстетик функция иккинчи даражали бўлган. Масалан, диний функция - Шарқ костюмида, ижтимоий ва эстетик - Европа костюмида, утилитар ва ҳимоя функциялари эса - ишлаш учун мўлжалланган костюмида ифодаланади.

Болалар кийимида асосан утилитар ва эстетик функциялари устунлик қилади.

Умуман айтганда, костюм асосан *ҳимоя, биостимуляция, ижтимоий, белги, эротик ва эстетик функцияларни бажаради.*

Костюм одамни иссиқ-совуқдан, ҳайвон ва ҳашаротлардан, корхона шароитларидан ва х.к. сақлайди.

Халқ костюмларда сеҳр-жодулардан ҳимоя қиладиган элементлари мавжуд (туморлар, кўз мунчоқлар, амulet ва талисманлар ва б.).

Костюм бегона психология ва ахлоқлардан ҳимоя қилади. Масалан, нохайрихоҳлик шароитда кийимни барча тугмаларга тугмалашарди.

Белги функцияси асосан безаклар ёрдамида ифодаланади.

Тарихий ва замонавий костюм *биостимуляция* функцияни бажаради. Костюм ёрдамида одамни касал қилиш ёки соғайтириш мумкин. Аммо, костюм ўзгарувчан биоқобик сифатида инсоннинг ҳаётий жараёнларини яхшилашга ёрдам бергани тўғрисида хали тадқиқотлар ўтказилмаган, гарчи тарихда бунга кўп мисоллар бўлса ҳам: биостимулятор сифатида танани турли жойларини бўйаш, гардишлар, оғир осилчоқлар, сирғалар, тожлар ва х.к. тақиш.

Костюмнинг биологик аспектини ўрганиш оптимал иссиқ ва энергоҳимоя хусусиятларини таъминлайдиган лойиҳа яратишга ёрдам беради.

Модада ўз функциялари ва омиллаштириш қонуниятлари бор.

Етакчи функцияларидан бири – *биостимуляция* ва *янгилинишдир*. Бу функция инсон қиёфасини фақат мавсум, иқлим ва жуграфик шароитлага мос янгиланмасдан, ҳаётий жараёнларни стимуллаштириб, уларни нормал бўлишига имкон беради. Унинг ритми табиий ритмларига мос бўлади.

Ҳамма тан олган моданинг функцияси – ижтимоий. Г.Дж.Блюммер моданинг ижтимоий функциясини қуйидагича тақсимлайди : мода-фантазиянинг беғараз ўйини, одамларнинг инжиқлигини натижаси; мода - одатларни ҳуқумронлигидан халос бўлишига имконият берадиган восита; мода - санкцияланган таваккалнинг бир тури; мода - шахс ўз ўзини намоён этиш воситаси; мода - ёрдамида синфлар ажралиб туради.

Мода демократлашса ҳам (шакл оддийлашади ва хаддан ташқари утилитарлашади), костюм муайян ижтимоий синф белгисини намоён этади.

Костюм тарихи барча даврларида *эротик* функцияни бажарган. Аёлларнинг узун юмшоқ ва юпка кийимлари ҳаракатда тана шакллари кўрсатарди. Асосий қоида: тана қанчалик берк бўлса, шунчалик эротик таъсир этади, яъни либос кўриш учун эмас, балки тасаввур этиш учун имкон бериши лозим. Утган даврлар кўйлақларида чуқур декольте бўларди; агар декольте кичирайса, бўкса шаклини каттайтирадиган турнюрни (сунъий мослама) кийишарди. Бу ҳам эротик таъсир этарди.

Аммо, костюмда эротик функция фақат жинс томонларини кўрсатмасган, замонавий костюмда уни инкор қилиб, *унисекс* костюми (маълум жинсга мўлжалланмаган либослар) яратилган. Масалан, джинс шимлар, кроссовкалар, бейсболкалар, футболкалар ва б.

Молада эротик функцияси асосий бўлса, бу ижтимоий инқироз бўлгани белгисидир.

Белги – бу моддий, ҳис қилинадиган элементдир. Костюмда белги – бу изим, чунки уни барча элементлари муайян маънога эга. Масалан, тугма фақат тақилма воситасигина эмас, балки тизим белгисидир. Костюм ёқасининг муайян геометрик шакли - бу индивидуаллик ва конкрет модани белгисидир. Шундай ёқа шакли давр хоссаларини, ижтимоий ёки услубий белгиларини ифодалайди. Масалан, “фреза” шаклдаги ёқа - испан йўғонишни; “Мария Стюарт” номли ёқа - инглиз ёғонишни; маржон ёқа – Миср фиръавн белгиси бўлган.

Модани ривожланиш асосий қонуниятлари. Моданинг тараққиёти объектив ижтимоий–психологик қонуниятлари билан боғлиқ: биофизиологик ўзгаришлар, акселерация, ижтимоий психологиянинг ўзгаришлар.

Мода тадқиқотчилари мода тараққиётида муайян қонуниятларини аниқлашди: ижтимоий– тарихий ҳодисалари билан модани боғлиқлигини; модани интернационализацияланишини; модани демократизацияланишини; модани тез тарқалишини; модани циклсимон ривожланишини.

Мода тараққиёти ижтимоий-тарихий ҳодисалари билан боғлиқлиги кузатилмоқда: ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар; санъат, фан ва техникада инқилобий туб ўзгаришлар. Модани дарҳол ўзгаришларига сиёсий инқилоблар, йирик тарихий ўзгаришлар (урушлар) сабаб бўлади. Жамоанинг эътиборини ўзига тортадиган барча сиёсий ҳодисалар молада янги стандартлар ва намуналарни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мода интернационал ҳодиса, унга чегара йўқ. Халқаро алоқаларни ва оммавий ахборот воситаларни ривожланиши, халқаро бозорни шаклланиши модани интернационализацияланишига асос яратади. XVI асрда испан модаси

бутун Европа модаси бўлиши билан бу жараён бошланди. XVII аср охиридаги Ғарбий Европани шаҳар костюмида ва XIX аср қишлоқ костюмида миллий хоссалари амалда йўқолганди. Европа модаси пайдо бўлиб, жаҳон модасига айланди. “Глобал мода” тушунчаси пайдо бўлди, дизайнда мода - интернационал услуб. Радио, телевидение, глобал компьютер тармоғи бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшди. Улар ёдамида ер юзида янги мода тўғрисида маълумот тез вақтда маълум бўладиган бўлди.

Аммо экологик муаммолар модани глобаллашига бошқача қарашига мажбур қилди. Бошқа мамлакатларга американ маданиятини ёйилиши танқидланмоқда. Ҳаттоки Ғарбий Европада маданиятни “американлаш”ига қаршилик кучаймоқда.

Интернационал мода ғарбий стандартларга турмуш тарзини йўналтирган янги хоссаларга эга бўлди: турли халқларнинг маданий анъаналарига ўзига хос қизиқиш пайдо бўлди, чунки замонавий дунё – бу миллий ва минтақавий маданиятларнинг кўплиги, улар замонавий цивилизация учун авлодларимиздан қолган бебаҳо ёдгорлик ва бойлик. Маданий сабр-тоқатлик ва этник плюрализм замонавий маданиятни муҳим ютуғи бўлди.

Кийим оммабоп ишланиши, оммабоп маданиятни шаклланиши модани демократизацияланишига асосни барпо этди. Янги мода стандартлари ва намуналари барча ижтимоий гуруҳлар учун мойил бўлди, чунки замонавий ишлаб чиқариш имкониятлари янги модани тез ишлаб чиқаришга ва истеъмолчиларга тақдим этишга имкон беради. Оммавий ахборот воситаларини ривожланиши ҳам янги мода пайдо бўлгани тўғрисида маълумот олишга имконият беради.

Оммабоп бозори ва замонавий ахборот воситалари модани тез тарқалишига сабаб бўлди ва мода цикллари қисқаришига олиб келди.

Мода тараққиётида циклсимонлик муҳим қонуниятидир. Мода ривожланишида тербаниш ва ритмларнинг мавжудлиги, мода ўзидан ўзи ташкилланиш механизми борлигини тасдиқлайди.

Янги мода стандартини жорий этишлиш жараёни ва тасдиқланиши, яъни мода цикллари алмашиши, *модали инновацияси* деб номланади. Инновация мода стандартида, мода объектида ва объектни (инсонда, кийимда мода объектларида ўзгарадиган хоссалари қуйдагилар: ранг, узунлик, ҳажм ва б.) ёки фақат стандартни (масалан, либоснинг қандайдир одатий деталини янги усулда қўллаш) ўзгаришига ёки объектдан воз кечишга олиб келади.

Моданинг инновациясини ҳар хил усуллар билан ижро этилиши мумкин:

- анъана орқали, қачонки мода намунаси утмиш модадан тақлид этиш (ретро мода);
- бошқа маданиятлардан ёки маданият соҳаларидан тақлид этиш. Либосда янги мода ғоялар, услублар ва элементлар тасвирий санъатдан (масалан, 1930йй. модасида сюрреализм услубий йўналиши), “экзотик” минтақалардан (модада этник услуби), ёшлар субмаданиятидан (1990 йй. гранж услуби) пайдо бўлди;
- ихтиролар орқали (инновация) - модада чинкам янги элементларни ёки элементларни янгича комбинациялаш. Кўпинча бу усул янги материаллар ва технологиялар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шундай “кашфиётлар” сифатида

1930 йй. Э.Скапьярелли тақдим этган плёнкадан ишланган кийими, 1960 йй. П.Рабанани пластик ва металлдан ишлаган кийими, мини-мода, кийимниг янги конструкциялари ва б.

Мода тадқиқотчилари модада қуйидаги циклларини аниқлашди:

- янги мода пайдо бўлиши бир неча босқичлардан иборат: янги модани ихтиро этилиши, унга ном берилиши, мода пешқадамларни пайдо бўлиши;
- модани оммабоп тарқалиши (тақлид босқичи, “чупқи”, адаптацияси) икки босқичдан иборат: модага норасмий пешқадамлари ва сўнг кўпчилик қўшилади; буюм оммабоп ишлаб чиқарилганда мода ўзига хослигини йўқотади, пешқадамлар янги модани қидириб топади;
- мода инқироз бўлганда бу кийимларни одатда “консерваторлар” (модадан ортда қолганлар) кийишади.

Бозор иқтисодида модани ўзига хос роли - истеъмол циклларини қисқаришига сабаб бўлади. Буюмлар имиджини онгли равишда тез ўзгартирилади, буюмлар дизайни лойиҳалаганда эстетик ва физик эскиришини назарда тутилиб. Шу билан, ишлаб чиқарувчи буюмлар билан фойдаланиш муддатини камайтириб, янгиларни сотиб олишга мажбур этади (коммерция дизайнида ривожлантирилган эскириш концепцияси).

Модани прогнозлаш. Модани циклсимон ривожланиш қонунияти уни прогнозлашга имкон беради.

Прогноз – бу келажакда объектниг холатини илмий асосланган мулоҳазаси.

Прогнозлар вақт давомига кўра қуйидагича фарқланади: оператив – бир ойгача; қисқа муддатли – бир ойдан бир йилгача; ўрта муддатли – бир йилдан беш йилгача; узоқ муддатли - беш йилдан 15 йилгача; чексиз муддатли - 15 йилдан кўпроқ.

Шуниси аёнки, модани прогнозлаш махсулотни оммабоп ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг талаблари билан боғлиқ: уни ишлаб чиқаришни режалаштириш зарурлиги, янги модалари намуналарини пайдо бўлишини режалаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, янги конструкцияларни яратиш зарурлиги билан асосланган.

Янги кийимлар коллекцияси тахминан ярим йилдан олдин намойиш этилади, лойиҳа эса 1-1,5 йилдан олдин қилинади. Кўпинча қисқа ва ўрта муддатли прогноз қилинади.

Прогнозлаш асосида келажак тўғрисида уч ўзаро боғлиқ манбалар мавжуд:

1) прогнозланадиган объектни тараққиёт истиқболини маълум жараёнлар ва воқеалар аналоглари билан солиштириш. Модани прогнозлаганда санъат асарини янги рағбатларини таққослаш: меъморчиликда формал-эстетик тилини, ҳайкалтарошни, рангтаъсирни, компьютер графикани ва б. ўрганиш;

2) ўтмишида ва ҳозирги вақтида ривожланиш қонуниятлари маълум рағбатларни келажакда шартли давомлаш (экстраполяциялаш). Модани циклсимон ривожланиши шундай прогноз қилиш учун имкон беради;

3) кутаётган ёки ҳоҳлаётган шартларга мос, уларни истиқболи аён бўлган моделларни яратиш. Дизайнда шундай моделни футуролойиҳа дейишади.

Уларга авангард дизайнерлар кийим коллекцияларини киритиш мумкин.

Модани прогнозлаш учун икки умуман ҳар хил йўлларни ажратиш мумкин.

Биринчи йўлни рус назариячиси А.Гофман “фаталистик” деб номлаган мода цикллари табиий циклларига ўхшатиб (мавсумлар алмашган каби мода ҳам алмашади). Костюм дизайнида бу усул кийим шаклини ва уни таркиб элементларини прогнозлашни назарда тутди. Шундай йўлни “шакллик” деб номланса бўлади, чунки фақат костюм шакли, яъни стабил элементлари тадқиқот этилади. Т.В. Козлованинг тадқиқоти бўйича бу қонуниятларни аниқлаш учун маълум вақт давомида костюм шакллари таҳлил этилиши керак. Ушбу тадқиқотга кўра костюм шакли оддий геометрик шаклларга яқинлантирилганда овал, тўғрибурчак ва трапециядан иборат. Таҳлил асосида кийимнинг шакли, узунлиги, шаклнинг юзалари, бел чизигини жойланиши ва б. хусусиятлари орасидаги ўзаро алоқалар аниқланади. Сўнг жамланган назарий ёки формализацияланган “мода модели” тузилади - костюмда модали шакллари такрорланиши (математик модели) ва мода цикллари аниқланади.

Аниқланган костюм шаклини ривожланиш рағбатлари келажакка шартли давом этилади (экстраполяция қилинади) ва керакли вақтга костюм шакли прогнозланади. Шундай усулда костюмнинг ранги, материали, нақши ва бошқа хусусиятлари, костюм шакли таркиби ўзгариши билан боғланиб, прогнозланиши мумкин.

Аммо, бу усулни бир неча камчилиги бор, чунки бу ерда прогноз фақат бир манбага – костюм анъанасига асосланади. А.Гофман фикри бўйича дизайнер бу ҳолда ўтмишни замонавий қилишади янгиликни яратмасдан.

Модани прогнозлаш иккинчи йўли модани барча таркибий қисмларига таалукли, бу усулда инсонларнинг турмуш тарзинининг турли томонлари ва уларнинг эҳтиёжлари прогнозланади. Бу ҳолда айрим мода (костюм шакли) эмас жамоа тараққиёти прогнозланади.

Янги буюм айнан истеъмолчиларни эҳтиёжларидан бошланади, янги буюмни (модани) яратувчиси – истеъмолчидир, шунинг учун моданининг прогнози уни ижтимоий эҳтиёжларини прогнози билан чамбарчас боғлиқ.

Буюм эҳтиёжи тарққиётининг босқичлари уч аспектда бўлиши мумкин:

1) эҳтиёж – ҳолат, қачонки истеъмолчига объект номаълум ёки фақат лойиҳаланишга имкон борлиги мавжуд;

2) эҳтиёж – интилиш, қачонки истеъмолчи объект билан танишиш, аммо у ушбу объектга эриша олмайди;

3) эҳтиёж – йўналтириш, қачонки истеъмолчи объектни ўзи танлайди.

Мода прогнози ижтимоий прогнозларга асосланади, яъни ижтимоий эҳтиёжларга, турмуш тарзига, демографик ва таъминлаганлик даражасига ва ҳ.к. Ижтимоий прогнозлар аҳолий ва экспертларни анкета сурови, инсоннинг ёки ижтимоий гуруҳни, инсонни яшаётган буюм муҳити, яшаш шароити ва ҳ.к. асосида прогноз қилинади. Айнан шундай маълумотлар келажак модани прогноزلашга имкон беради. Прогноз билан шуғулланадиган мутахассислар-“тренд-скаут”лар, улар тасодифий модани ўрганишади, дискотека, премьералар, кўп одамлар йиғилган жойларга (рок-концертлар, стадионлар,

савдо марказлар ва х.к.) бориб, янги тамойилларни аниқлайди. Масалан, кийимни ноанъанавий кийиш усулини, элементлар бирикмасини, муайян услубларни ҳоҳланишини. Бундан ташқари улар модада дизайнер-авангардистларнинг сўнги коллекцияларидан келажак моданинг элементларини улар англаши мумкин. Йрик компанияларда албатта шундай тадқиқот бўлимлари бўлиши лозим.

Модага умуман ориентация этиш фақат модани эътиборга олишинигина назарда тутмайди, балки унга таъсир этиш, уни бошқаришга имкон беради. Модани эффектив бошқариш учун фақат муайян кўп ғояларни мавжудлиги эмас, балки уни пайдо бўлиш ва ўзгариш ижтимоий сабабларини тушиниш керак.

Мода - психологик ва ижтимоий феномен. Модани тадқиқотларига муҳим ҳиссани психолог ва социологлар муҳим ҳисса киритишади. Мода инсон психологиясини, ижтимоий гуруҳнинг хулқ атворини, инсон, ижтимоий гуруҳ ва бутунлай жамиятни эҳтиёжларини ифодалайдиган ижтимоий ҳодиса сифатида таҳлил этади. Айнан модани ўрганиш психологик ва социологик йўллари уни ҳақиқий моҳиятини аниқлади ва уни пайдо бўлиш ва ўзгариш сабабларини очади.

Моданинг психологик назарияси. Мода психологик феномен сифатида тадқиқот этилган. Бу нуқтаи назардан ижтимоий конформизм ва шахсий эркинлик орасидаги тўқнашувни ҳал этиш механизм сифатида одамларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Мода тадқиқотчилари модани психологик функциясига акцент қилишган, у эмоционал юмшаш усули бўлиб, одамни янги тўйғулари ва эҳтиёжларини қондиради деб ҳисоблашган. Психолог Л.Петров модани дамба-дам (6-8 йил) ларзаси деб номлади, уни ёрдамида инсон тез ўз ҳиссаларини янгилайди.

Модага психологик нуқтаи назаридан қараш, уни ўзгариш икки асосий сабабларини аниқлашга имкон беради:

1) “ориентировкани сўлиш” психологик қонуни: ориентир рефлексини пасайиши, сўлиши, идрок этилган сиймони ўз аҳамиятини йўқотиши, мода объектини аста-секин замонавийлик қийматини йўқотиши;

2) олдинги мода намуналарига нисбатан янги таъсир қилувчини пайдо бўлиши. Аввалги намуна ўз муҳимлигини йўқотгандагина янги намуна модали бўлиши мумкин. Шунинг учун шароит этилгандагина янги модани тақдим этиш мумкин. Дизайнерлар шу пайитни сезиши лозим, бўлмаса ғоя жорий этилмайди (масалан, 1922 ва 1969 йилларда модага “макси” узунликни киритишга ўриниш беҳуда бўлганди).

З.Фрейд ва Э.Фромм психоаналитклари модани пайдо бўлиш сабабларини ғайрийшурий жараёнлар билан боғлаган. Масалан, З.Фрейд модани шундай таърифлайди: “Гўзаллик, маънолик ва эркинликка мурожатлар таъсирида янги мода пайдо бўлади”. Мода престиж йўқлигини тиклайди қандайдир алданиш ҳисобига, ўзгариш иллюзиясини яратиб. Масалан, уй бекаси пешбандда ўзини хизматчи сифатида ҳис қилади, башанг кийимда эса у ўзини леди деб ҳис қилади. Психотадқиқотчилар нуқтаи назаридан инсоннинг

бир хислати етишмайдигандан комплекси модани асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Шундай модани ўрганиш йўли ҳайришурий жараёнлари билан модани эротк интерпретациясига олиб келди, яъни эротик эҳтиёжларини қондириш. Европа костюми ўзгариш сабабини тушуниш учун Дж.Флюгель “эроген зона”лари назариясини тавсия этди. Шубҳасиз, костюм тарихида шундай мисоллари кўп: силуэт ўзгаришни мантиқаси, кринолинни ўрнига турнюрни кириши, узун юбкани ўрнига мини юбкани келиши, одам танасини беркитадиган кийим шакллари ва х.к. Одатда, эроген зонасини костюмнинг композицион маркази кўрсатади.

Мода феноменида шахс ўзини икки томонидан кўрсатади: мода жамиятга, ташқи дунёга ва ўзига инсоннинг муносабатини кўрсатади. Бир томондан инсон ўз индивидуаллигини сақлашга ва кўрсатишга хоҳлайди, иккинчи томондан эса – жамиятни бошқа аъзоларига ўхшашга интилади. Демак, битталари мода ёрдамида ажраб тўришга интилса, бошқалари эса – ҳаммага ўхшашга интилади.

XX асрни охирида индивидуаллик фақат кийимдагина ифодаланмасдан, барча буюм муҳитига мансуб бўлди, аммо, оммабоп модада “ҳаммадек бўлиш” шиори тарқалганди.

Ижтимоий ёки ёш гуруҳига нисбатан инсон модага ўз муносабатини кўрсатади. Агар ёшлар, айниқса тинейджерлар мода ёрдамида ажралиб тўришга интилса, ўлғайган ёшдагилар модага танқидий қарашади ва фақат ўзига ярашадиган модани танлашади.

Инсон модага нисбатан бефарқ ва модадан ташқари бўлиши мумкин эмас: у авангардист, ўртача ёки консерватор бўлиши мумкин.

Модага ўз муносабатини кўрсатишдан кўра унга бўйсунуш онсонроқ. Ундан ташқари инсон ташқи кўринишини атрофидагиларни маъқуллашини хоҳлайди. Бу эҳтиёж “ҳаммадек бўлиш” хоҳишининг кучли стимулидир. Мода кониформизмга бўйсунуш ва индивидуал ажралиб туриш хоҳишни орасидаги тўқнашувни юмшатади, бараварига иккаласини таъминлаб. Бунда моданинг ижтимоий функцияларидан бири намоён бўлади – бу ижтимоий назорат функциясидир.

Моданинг ижтимоий моҳияти. Ижтимоий воқеа сифатида мода икки асосий функцияни бажаради – престиж ва бошқарувчи.

Модани престиж функцияси инсонга ўз реал ижтимоий ҳолатини ёки уни юқрироқ қилиб кўрсатишга имкон беради. Модали костюм атрофидагиларга инсонни муайян ижтимоий гуруҳга мансублигини намоён этади (масалан, оссур-бобилликлар кийимида қирмизи рангли шокила, римликларда қирмизи рангли тога, ўрта аср кийимларида кашталанган герб, XVII аср зодагонларни шляпалардаги пат ранги ва пойабзлнинг қизил пошнаси, XIX асрда жуда яхши сифатли тикилган фрак ва б.).

Анъанавий ва имтиёзли табақалар ҳокимиятида ижтимоий гуруҳлар костюмида одат ва ҳуқуқ қатъий чекланганди. Масалан, ўрта аср Европада паст табақаларга ёрқин ранг кийим кийиш ман этилганди. Костюмда муайян материал, безак, шаклларни қўллаш қирол бўйруғи билан белгиланарди. 1480

йилда француз кироли Карл VIII зарбоф ва кумуш кимхобни фақат зодагонлар кийимида қўлланиши мумкин эди, у ҳаттоки пойабзал учининг узунлигини ижтимоий холига кўра белгилаганди. Модада тенглик фақат демократик жамиятларда бўлади.

Хозирги жамиятда ўрта синф етакчи роль ўйнайди, у мода қонундори бўлди. Айнан ўрта синф модада кониформизм тарқатувчиси бўлди. Энди жамиятнинг элитаси ва маргиналлари (бомжлар, дайдилар) оммабоп модасидан холи ва атрофдагиларнинг фикридан қарам эмас бўлишди. Шунинг учун мода кўпинча паст табақаларда ёки элитада тўғилади, чунки улар одат ва анаънани бузишади.

Замонавий мода – бу битта стандарт эмас, балки кўп модалар. Аммо, мода намуналари муайян ижтимоий гуруҳларига мансуб.

Моданинг бошқарувчи функцияси бир томондан жамиятда тенгсизликни кўрсатади, иккинчи томондан эса – ҳар хил ижтимоий гуруҳлар орасида тенгсизликни юмшатади замонавий демократизацияланишни омили бўлиб.

Иқтисодий юксалиш даврида истеъмол ўз чуққисига эришади – инсонлар ўз муффақиятларини престиж маркали ва фирмаларнинг буюмларини ҳарид қилишади (масалан, 1980 йилда Шанель, Версачи, Москино фирмаларнинг кийимлари элитар деб ҳисобланган). Дж.Армани, Черутти ёки Хуго Босс фирмаларнинг классик костюмларни яппилар (биржада спекуляция қилиш натижасида тез бойиб кетган ёшлар) костюми бўлган. 1990 йилларда янги иқтисодий бум кўр-кўрона дабдабаликка берилиб кетишга олиб келди – “гламурминимализм”, “хиппи-шик” услублари юқори мақомини ва моддий имкониятлар тимсоли бўлди. Модага престиж маркалар кирди, “логомания” таркалди, логотиплар либосда нақш ва безакка айланди.

Инқироз даврида бу тамойил сўсаяди. Юқори табақали синфлар паст ёки ўрта синфларга тақлид этишади. Масалан, 1990 йилларни бошида элита паст табақаларга ўхшаб кийинишган, атоқли шахслар футболка ва йиртилган джинсни кийишган ва мухтожларга ёрдам бериш билан шуғулланган.

Мода – оммабоп муамола шакли.

Мода – коммуникация шакли сифатида. Мода фақат ижтимоий мақомни намоёниш этмасдан, балки одамлар орасида алоқа қилиш воситаси, ижтимоий қарашлар ёки норозиликни таъқидлаш усули, оммабоп коммуникация шаклидир. Модада гуруҳ орасида ва гуруҳлар орасида коммуникация бўлади. Мода асосий ижтимоий– психологик алоқа механизмлари билан боғлиқ – ишонтириш, таъқлид этиш, хурмат қилиш, инонтириш.

Мода тарихида тақлид этишда хурмат ва мусобақа муҳим стимуллари бўлган. Хурматдан тақлид этиш асосан мутлоқлик даврларда бўлган, унда қиролнинг диди бошқалар учун намуна бўлган. Шунинг учун қироллар ва уни яқинлари мода қонундорлари бўлган (масалан, XVII асрда Франция қироли Людовик XIV модага катта таъсир этган). Буржуазия жамиятида бу роль таниқли шахсларга ўтди. XIX асрда актерларга (Тальма, Мария Тальони, Сара Бернар), шоирларга (лорд Байрон), сиёсий арбобларга (Симон Боливар, Джузеппе Гарибальди), XX асрда киноюлдузларга, машҳур поп ва рок-музикачиларга, топ-моделларга, сиёсатчиларга тақлид этишган. Одатда ҳар бир

ижтимоий гуруҳни тақлид этадиган ўз намуналари бўлган.

Жамиятда бараварига мусобақа учун ҳам тақлид мавжуд бўлган. Тақлид билан бирга айрим шахсларни ёки ижтимоий гуруҳларнинг бир-бирига мода ёрдамида қарама-қаршилиги рўй берган. Мода тарихида шундай мисоллар кўп. Масалан, Англияда қиролича Елизавета I даврида граф Эссеке қироличани олдида ўз рақибини Ўлтер Ралини бадмон қилиш учун икки минг ўз мулозимларни Рали кийимига ўхшаш кийинтирган; XVII асрда қирол Людовик XIV сарой амалдорларни инглиз қироли Карл II кийимини тақлид этганини кўриб, ўз малайларини шу кийимга кийинтирган, амалдорлар олдида инглиз модасини бадмон қилиб.

Антимода- расмий модага қарама-қарши мода. Одат бўлиб қолган модага оппозиция антимода деб аталади. Одатда, расмий модага эътироз инсоннинг ташқи кўринишида акс этади. Ижтимоий тизим билан норозилигини намойиш этиш учун улар ўзини ижтимоий гуруҳига, турмуш тарзига ва эҳтиёжларига мос ўз модасини яратишади. Масалан, XVII асрда инглиз буржуаз инқилоби даврида пуританларнинг (асосан буржуазияда диний секция аъзолари) костюми билан эътироз билдиришарди. Пуританлар зодагонлар модасини рад этиб, қора кул ва жигар ранг мовутдан, оқ полотнодан оддий ёқали кийим кийишган, сочини калта қирқишган (шунинг учун уларни думалоқ бошли деб аташган). Шундай вазият Буюк француз инқилоби бошида ҳам рўй берган, учинчи табақалар зодагонлар модасидан фарқланадиган ўз модасини яратган. Якобин клубнинг аъзолари –санкюлотлар аслзодалар кийган калта иштон “кюлот”ни ўрнига узун матрослар иштони “матло”ни, духоба ёки шойи абини ўрнига карманьолани (сургунчининг курткази) ёки инглиз модаси бўйича фракни ва пат билан безатилган уч қиррали шляпани ўрнига қизил рангли фригия қалпоғини; кумуш туқа билан безатилган туфлини ўрнига шнурланган ботинкаларни кийишган. Шундай қилиб бу кийим турлари (фрак ва узун панталаонлар ва ботинкалар) икки аср давомида бир неча ўзгаришларга дуч келиб эркаклар модасида классикага айланди.

XIX асрни иккинчи ярмида расмий модага нисбатан негативизм ёшларга мансуб бўлди. Фаровонликни ўсиши, аксельрация, ўспирин ёшдан катта ёшгача масофа кўпайгани боис ёшлар модасини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Иккинчи жаҳон уршидан кейин авлодлар орасидаги тўқнашув ёшларни катталар модасидан воз кечиши рўй берди, чунки у мунофиқона буржуаз ахлоқи, ижтимоий тенгсизлик, шахсни устидан зуровонлик тимсоли сифатида тасаввур этиларди. “Нью лук” услубдаги дабдаба либосларни ўрнига ёки мунгли стандарт эркак костюмларни ва оқ кўйнакларни ўрнига ёшлар қора пуловер (Париж талабалари кийган кийим), джинс ва трикотаж футболкаларни (американ битниклари кийган кийим) кийишган.

1950 йилларни иккинчи ярмида Лондон кучаларида пайдо бўлган мини-мода ҳам “катталар мода”сига эътироз, сексуал инқилоб ва феминизм тимсоли бўлган. 1960 йилда мини-мода расмий бўлганда, эътироз тимсоли хиппилар костюмида рўй берди, улар ҳар бир шахсни тенг ҳуқуқи ва индивидуаллик тимсоли бўлди. Аммо, 1970 йилларда хиппилар костюми “хиппи услуб”ига тез айланди, модага эса этник ва фольклор манбалар, джинслар, расмий модада

хиппидан ўзлаштирилган “ретро” услуги модага кирди.

XX асрни иккинчи ярмида ёшларнинг эътирози ҳар хил бўлган: 1940 йй. – зут АҚШда, зазу Францияда; 1950 йй. – битниклар ва байкерлар АҚШда, тедди-бойлар Англияда, стилигалар СССРда; 1960 йй. – рокерлар, модернистлар, хиппилар; 1970 йй.-янги романтиклар, рэпперлар, яшиллар.

Кўпинча ёшлар орасида антимодани пайдо бўлишига иқтисодий инқирозлар сабаб бўлади, чунки шу пайитда ёшлар биричи бўлиб жабрланади – улар ишни йўқотади ёки топа олмайди. 1970 йй. ижтимоий инқироз *панклар*, 1990 йй. “*гранж*” услубини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ирқий зиддиятлар оқ танали бўлмаган аҳолининг орасида антимода пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин – иккинчи жаҳон урши пайтида АҚШда “зут” костюми, 1970-80 йй. Англияда “ратафара”, АҚШда “рэп” пайдо бўлган.

Шу билан бирга антимоданинг янги ғоялари, услуб ва сиймолари расмий мода учун ўзига хос манба бўлган. Масалан, 1950-60 йй. битниклар, хиппилар, “чап”лар талабаларига кўра джинс кийимлари оммабоп модага айланди. Айнан, рақобатдош субмаданиятлар ўзи катта янги потенциалга эга эди, уни замонавий мода ўзлаштирди. 1960 йй. либос дизайнерлари ғояни расмий модадан ташқари мавжуд ғояларни ўзлаштирган: куча модасидан ва ёшлар субмаданиятидан (битниклар, байкерлар, хиппилар, панклар).

Замонавий инсоннинг ташқи кўринишига хиппи субмаданияти ўзгача таъсир этди. Хиппилар костюми ҳар хил давр ва халқлар костюмларини эклектик аралашмаси бўлган. У ёрдамида улар ўзини индивидуаллигини ифода этишганди. Расмий мода хиппи услубидан инсонни ташқи кўринишини индивидуаллигини, эски буюмлар ва бошқа халқлар маданият элементларини қўллашга қизиқишни, эклектизмни ўзлаштирган.

Панклар субмаданиятидан ёрқин ранглардан, агрессив аксессуарлар, анъаналарга бузуқ ўхшатма қилиш, эпатажга тамойилни расмий мода ўзлаштирди.

Оммабоп ахборот воситалари, оммабоп руҳий онгини, ижтимоий ҳаётни демократизацияланиш тарққиёти таъсирида “юқори санъат” ўрнига “оммалар маданиятлари” бўлиши лозим, улар янги стандартлар ва объектлар пайдо бўлишига тубсиз манбадир.

Мода коммуникациясининг иштироқчилари. Конкрет модани қабул қилишни ёки қилмаслигини, одатда, бу масалани ҳар бир шахс ихтиёрий равшда хал қилади. Модани яратадиган, у тўғрисида маълумот тарқатадиган, мода намунасини истеъмолчилари мода коммуникациясининг иштироқчилари деб аталади. Улар уч гуруҳга бўлинади: яратувчилар, тарқатчилар ва истеъмолчилар.

Модани яратувчилар ўз навбатида ижодкорларига, ишлаб чиқарувчиларга ва кўпайтирувчиларга бўлинади.

Мода ижодкорлари – бу модали бўладиган намуналарни яратувчилари (либос дизайнерлари, ёзувчилар, мусиқачилар, рассомлар, кинорежисёрлар ва б., яъни маданий намуналарни профессионал ижодкорлари). Аммо, оддий инсонлар, ёшлар субмаданият вакиллари ҳам мода ижодкорлари бўлиши

мумкин. Бу холда яратилган модани тасодифий, “куча мода”си дейишади.

Мода ишлаб чиқарувчилар келажак мода намунасини тиражлаш учун хужжатларни тайёрлашади (кийим конструкторлари ва технологлар, ва б.).

Модани кўпайтирадиганлари мода намунасини тиражлашади, улар буюмни оммабоп ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ.

Мода тарқатувчилари – булар истемолчиларга мода йўналиши тўғрисида маълумот беришади. Уни мода журналлар мухарирлари, фотографлар, модани намоёиш этувчилар ва б.

Мода истемолчилари – бу мода намуналарини ўзлаштириб кийишадиганлар. Барча истемолчиларни модага нисбатан куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин (америка тадқиқодчиси Э.Роджерс типологияси бўйича):

- новатор ва экспериментаторлар (2,5%) – булар янги модани яратишга ва экспериментлашга тайёр. Айнан шу истемолчиларга авангард дизайнерларнинг коллекциялари яратилган, улар янги услуб ва экстравагант шаклларни тақдим этишади;

- илк мухлислари (13,5%) – улар биринчи бўлиб моданинг янги ғояларини ўзлаштиришади ва ўз мухитида пешқадам бўлишади;

- илк кўпчилик (34%) – улар модага амал қилишади, аммо, авайлаб, барча зид томонларидан воз кечиб. Бу истемолчилар учун янги шакл, ранг материалларни қўллаб либос яратишади;

- кечиккан кўпчилик (34%) – мода жамиятда кенг тарқалганда, улар шундагина модани ўзлаштиришади. Улар энг янги услублар, шаклларни қабул қилмасдан, утган модага амал қилишади;

- консерваторлар (анаъначилар 16%) – янги мода йўналишидан воз кечган истемолчилар, улар фақат утмиш модага амал қилишади. Бу истемолчилар учун классик услубдаги буюмларни тақдим этилиди.

Мода пешқадамлари модада фаол катнашади – улар мода стандартлар ва намуналарни илк тарқатувчиларидир. Улар модада ўзига хослигини кўрсатиш ва гуруҳда ажралиб туриш учун модани пешқадам позицияни эгаллашга интилишади. Бу уларни ғайриодатийликка ва янги мода намуналарни қидиришга туртади. Мода пешқадамлари расмий ва норасмийга бўлинади.

Расмий пешқадамлари (биринчи босқични пешқадамлари) янги модани байналминал ёки миллий тарқатиш билан боғлиқ. Бу холда маълумот оммабоп коммуникация воситалари орқали тарқалади. Мода тарихида қироллар, сарой амалдорлари, артистлар бўлган бўлса, ҳозир мода пешқадамлари – ёшлар.

Норасмий пешқадамлари (иккинчи босқич пешқадамлари) ўз гуруҳида пешқадам бўлишади.

Мода – реклама шакли сифатида. Янги мода йўналишининг рекламаси бир неча турда қилинади: модалар журналлари, магазин витринаси, моделлар намоёиши, интернет, дизайнернинг имиджи.

Мода йўналиши бўйича энг эффеќетли маълумат берадиган реклами тури – *модалар журналлари*.

Мода журналлар ўтмишдорлари: тахминан XIII асрда расм солинган кўлёзмалар, XVI асрда мода гравюралари, 1672 йилда Лионда “Mercur Galante”

газетасида илк бор модага бағишланган иллюстрацияли чоп этилган рубрикаси, 1785 йилда Парижда “Кабинет мода” номли биринчи модалар, 1779 йилда Россияда “Модное ежемесячное издание ёки Библиотека дамского туалета” номли чиққан нашрлар. XIX–XX асрларда мода журналлари фирма, модельерлар ва дизайнерлар учун рекламанинг асосий воситаси бўлди.

Турли мода мухлислариغا мулжалланган жахонда кўп мода журналлари чоп этилади: андазали журналлардан бошлаб (масалан, “Бурда моден”), оммабоп истеъмолчилар учун аёллар “ўқидиган журналлар” (“Эль”, “Мари - Клер”, “Космополитен” ва б.) то элитар журналларгача (Америкада 1867 й. Ф.Харперз ташкил этган “Харперз Базар” ва 1892 йилда К.Наст ташкил этган “Вог” мода журналлари) ва мода соҳасида ишлайдиган мутахассислар учун махсус журналлар (масалан, немис журнали “Текстиль Виртшафт”).

Мода журналларида бизнеси билан боғлиқ турли касб эгалари ишлайди: мухаррирлар, мода шарҳловчилари, стилистлар, рассомлар ва фотографлар. Илк бор мода йўналиши тўғрисида манба машхур мода рассомлари чизган тасвирлар бўлган: XIX асрда – граф де Каликс, XX аср бошида – Ж Барбье, Ж. Лепан, Эрте (Р.Тыров), Э.Диран, Х.Драйден; 1930-1950 йй. – К.Берар, Эрик (Эриксон), Бенито, Р. Груо, 1960-1980 йй. Антонио (А.Лопес ва Х. Рамос), Т.Перес ва б. Модалари тасвирни, одатда, машхур кутюрье ва дизайнерларнинг тайёр моделларидан чизишарди. Сўнг модалари расми ўрнига аввал оқ-қора, кейин рангли фотография услуб, сиймо ва ва шакллар тўғрисида маълумот бериларди. Мода фотографияси замонавий санъатнинг бир йўналишига айланганига машхур фотографлар Э.Стейхен, П.Хорст, Г.Гойнинген-Ганс, С. Битон, Н.Паркинсон, И. Пенн, Х.Ньютон, Р.Аведон, Д.Иссерман, С.Мэйзел ва б. сабаб бўлган.

Магазин витринаси – мода тўғрисида энг муҳим манба. Витринадан ташқари савдо зали безатилиши услубга, фирма концепциясига (айниқса муллик номидаги бутикларда) мос бўлиши лозим. 1980-1990 йй. дизайнерлар фақат либосдагина ўз концепциясини тақдим этмасдан, сотиш концепциясини ҳам тақдим этишган: АҚШда Р.Лорен ва Англияда П.Смит. Ихтимол келажакда мода журналлари ва магазинлар витринаси ўрнига Интернетнинг компьютер глобал тармоғи ўринни эгаллайди. Ҳозир Интернетта атоқли дизайнерларни ўз сайтлари бор, қайерда мода коллекцияларини реклама қилишади.

Мода намоиши - мода рекламанинг махсус тури. Илк бор мода намоиши деб Катта Пандора (тантанали либосга кийинтирилган) ва Кичкина Пандора (эрталабки уй кийими кийинтирилган) мум кўғирчоқларни ҳисоблаш мумкин, уларни 1642 йилдан бошлаб йилда икки марта Париждан бошқа мамлактларни пойтахтларига юборишарди.

Коллекцияни намоиш этиш – дизайнерлар орасидаги рақобат курашида муҳим реклама воситаси ва дизайнернинг ижодига матбуотнинг эътиборини жалб этиш учун усулдир. Бу костюм моделлар намоишни театрлаш тенденциясига, уни шоуга айлантиришга олиб келди.

Мода намоишлари 1960 йй. шоу бўлди, манекенчицалар махсус гримда ва танланган мусиқа жўрлигида моделларни намоиш этишганди (илк бор Пако Рабанна 1965 йилада намоиш ўтказган). Тамомила Япония

дизайнерлари И.Мияке ва К.Ямомото шарофати билан бу тамойил 1970 йилда ўрнашди. Улар ўз коллекциялар намоёнишини ноанъанавий жойларда пиротехника эффектларини қўллаб ўтқазилганди (гараж, бассейн, гимнастика залида). 1980 й. бошлаб европа дизайнерларига бу тамойил оммабоп бўлди. Замонавий дизайнерлар анъанавий юқори мода ва прет-а-порте хафтаси намоёниш этиладиган жойлардан ташқари трамвай депосида (Жан Поль Готье), метрода (Живанши), вокзалда (Диор, Вествуд), музейда (Шанель, Диор) ўтқазилганди. 1990 й. намоёнишни подиумда эмас, полда, профессионал манекеншичаларни эмас, кучадаги одамларни ёки ноанъанавий қиёфали одамларни таклиф этиб ўтқазилган. Шоуни қизиқарли қилиш учун намоёниш ташкилотчилари харажатни аямас эдилар, спорт залда урмон чангалзорларни, сув ёйилган подиумни, харакантлантирувчи йўлларни қуриб, мусиқачилар ва раққосаларни жалб қилиб, тирик жанворларни ва қушлар билан фойдаланиб.

Анъанавий мода намоёниши профессионал манекеншичаларисиз ўтқазилш мумкин эмас. Манекеншича (топ-модель, фотомодель) мода стандартига ўтиш мумкин бўладиган мода сиймосини мужассамлантиради. Манекеншича касбини юқори мода синдикати асосчиси Ч.Ф.Ворт ўйлаб чиқарган. Унинг рафиқаси Мария Ворт биринчи топ-модель бўлган деса бўлади, чунки салонни таниқли буюртмачилар заказ қилишидан олдин у моделни намоёниш этарди. Ундан ташқари Ворт қизларни ёллар эди, уларни “дублёр” деб номлаганди, чунки уларнинг фигуралари вақти ва имконияти йўқ бўлгани учун примеркага келаолмайдиган зодагон миждозларни кига ўхшар эди. Айнан Ворт “дублёрларга” примерка қиларди ва улар янги моделларни салонда миждозларига намоёниш этарди.

XIX асрни охирида - XX асрни бошида манекеншича сифатида артистлар бўлган, улар фотограflарга моделни расмга олиш учун керакли холатда туришарди ва янги моделларни намоёниш этишарди.

1920-1930 йй. манекеншича касби обруйли бўлган, чунки улар аслзодалар эди (америкаликлар ва рус эмигрантлар).

1950 йй. манекеншичалар таклид қилиш учун намуна бўлган (Англияда – Барбара Гоален, АҚШда – Паркер, Францияда – Биттина Грациани ва Виктуар). Улар гўзал бўлгани боис муваффақиятли тўрмушга чиқиб, малика, герцогиня, баронесса ва х.к. бўлиши мумкин эди.

1960 йй. манекеншичалар ёшлар модасини янги гўзаллик эталони сифатида таклид этиш учун намуна ва пир бўлишди (Пенелопа Три, Пегги Моффит, Джин Шримптон, Верушка). Янги гўзаллик эталони Англиядан Твигги (Лесси Хорнби) – “1966 йил қиёфаси”, биринчи модель оммабоп санам бўлган.

Француз кутюрёси Андре Курреж ўз моделларини намоёниш этиш учун фақат ёш адил қоматли, аввалги давр нозик аёлларга ўхшамайдиган манекеншичаларини танлаганди.

1970 йй. атоқли манекеншичалар киноюлдузлари сингари шартнома тузишарди (масалан, Лорен Хаттон “Ревлон” фирмасининг маҳсулотини реклама қилганда, “астрономик иш хақини олган”).

1980 йй. супермоделлар феномени пайдо бўлди. Улар моделларни

намойиш этиш учун жуда катта гонорарларни талаб қилгани боис, жуда бой бўлишган. Уларнинг касб муваффақияти юқори жамога пропуск бўлди. Наоми Кэмбэлл, Клаудиа Шиффер, Хелена Кристенен, Линда Евангелиста, Карла Бруни, Синди Кроуфрд ўз машҳурлиги билан киноюлдузларни орқада қолдиришди.

1990 йй. модаси супермоделлар культуни давом этди. Кўплар уларга ўхшашга интиларди, тинэйджерлар орасида бу касб энг машҳур бўлганди.

1999 йй. бошида иқтисодий инқироз ва сиёсий ва экологик муаммолари натижасида супермоделлар холати ўзгарди. “Гранж” услубида янги сиймолар подиумда пайдо бўлди: супермоделлар ўрнига подиумга успиринларни эслатадиган ёш манекеншчицалари чиқди. К.Кляйинни реклама компаниясида Кейт Мосс “1993 йил қиёфаси” бўлди. Энди индивидуаллик кўпроқ афзал бўлди – Стелла Теннат, Кристен Мак-Менами, Эрин-о-Коннор, Девон Оаки, Алек Вэк янги мода намуналари бўлди. Профессинал моделлардан воз кечиш тенденцияси рўй берди, бу фақат иқтисодий инқироз билан боғлиқ бўлмасдан, балки дизайнни гумнизациялаш тенденцияси билан боғлиқ эди. 1971 йилдан бошлаб Лондонда “Бадбашара” модель агентлиги мавжуд, улар ноанъанавий қиёфали одамларни (калта ёки жуда узун бўйли, семиз ёки жуда озгин, кал ва б.) моделларни намойиш этиш учун таклиф этишган. Бу холда намойиш этилган кийимлар ва истъёмолчилар орасидаги фарқ йўқолди. Шундай қилиб, дизайнерлар яратган либосларни барча истъёмолчиларга мослигини кўрсатишарди. Шу билан бирга моделлар коллекциясини манекенда ёки вешалкада кўрсатиш тамойили кирди: бу холда манекеншчицанинг фазилати эмас, балки кийимни яхши томони кўрсатиларди.

Дизайнернинг имиджихам рекламанинг бир тури, айниқса ХХ асрни охирида, бу пайитда шоу бизнес каби у таниқли шахс бўлиб қолди. Унинг ташқи кўриниши яратган моделлар коллелециясига мос бўлган.

Дизайнернинг имидж таркибига қуйидаги компонентлар киради:

- дизайнернинг ташқи кўриниши. Биринчи астойдил ўйлаб яратилган имиджнинг мисоли – К.Шанель. Кўпкина мижозларини у яратган модели эмас, балки “буюк мадмуазель” сиймоси ўзига жалб этарди. Ўз сиймоларини Жан-Поль Готье, Ральф Лорен, Джон Гальян, Вивьен Вествуд, Соня Рикель яратишган;

- жамоа олдида чиқиш, китоб ва мақолалари, хикматли сўзлари, ўз фикрларни ифодали расм солиш, интервью бериш, фильм чиқазиш (Кристиан Диор, Эльза Скапьярелли, Карл Лагерфельд). Бу манода ҳам К.Шанель биринчи бўлган – унинг ажойиб шиор-максималари ҳозиргача эслатилади (гарчи уларнинг муаллифи К.Шанельнинг дусту П.Реверди бўлса ҳам): “Мода ўзгаради, ҳақиқий услуб эса – ҳеч қачон”, “қуримсизликка ўрганиш мумкин, аммо искиртликка ҳеч қачон”, “юбка оёқларни чалиштириш учун, энг ўмизи қўлларни куракка қовуштириш учун”, “моданинг икки мақсади бор – комфорт ва севги. Икки мақсад амалга ошса – гўзаллик рўй беради”. Машҳур исм ҳақиқий бойлик бўлади, кўшимча даромад олишга имкон беради. 1949 йилда К.Диор хизматчиси Ж.Руэ ўйлаб чиққан лицензия айнан шунга асосланган. У билан ҳозиргача дизайнерлар фойдаланади;

- прессада нашр этилиш;

- дизайнер исми у яратган услуги билан боғлиқлиги;
- дизайнернинг имиджи янги бадиий услуб билан боғлиқлиги;
- модани муваффақиятли реклама қилиш учун янги мода тамойилларини дифференциация қилиш керак, шунинг учун ҳар бир мавсум янги услубларни иштироқ этади, битгалари кам вақт бўлса, иккинчилари эса – муайян вақт рамзи бўлади. 1930 йй. - модада неоклассицизм услуги (М.Вионне ва Аликс), тарихийлик (Е.Балансега, Э.Молино), сюрреализм (Э.Скапьярелли); 1950 йй. – Нью лук (К.Диор), К.Шанель услуги; 1960 йй. – Лондон услуги (М.Квант), космик услуб (Андре Курреж, Пеър Карден, П.Рабани); 1970 йй. - этник услуб (Кензо); 1980 йй. - неоклассик (К.Лагерфельд), необарокко (К.Лакруа), секси (А.Алайя, Т Мюглер), - “мул кулчилик” (Жан Поль Готье); 1990 йй. – минимализм (К.Кляйн, Д.Кэран, Д.Сандер, М.Прада), деконструктивизм (А.Домельмейстер, Д.Ван Ноттен, Ё.Ямомото, Р.Кавакубо), кибер-панк (В.Ван Берендонк), тарихийлик (Дж.Гальяно, В. Вествуд) ва б. бўлган;
- дизайнерда жамоанинг келажак турмуш тарзини прогнозлаш қобилияти бўлиши керак;
- дизайнер имиджи билан ишлаётган фирмаси билан алоқаси.

Таянч иборалари: мода, таркиб, қиймат, функция, қонуният, инновация, психология, ижтимоий, назария, моҳият, истеъмолчи, антимода, вазифа, гуруҳ, реклама, цикл, усул, прогнозлаш.

Назорат саволлари.

1. Мода атамасини таърифлаб беринг.
2. Моданинг таркиби.
3. Моданинг қийматлари нимадан иборат?
4. Костюм ва моданинг функциялари.
5. Модани ривожланиш қонуниятлари.
6. Моданинг инновацияси қандай усуллари билан ижро этилиши мумкин?
7. Моданинг ривожланиш цикллари қандай?
8. Модани прогнозлашда манбалар.
9. Моданинг психологик назариясини таърифлаб беринг.
10. Моданинг ижтимоий моҳиятини таърифлаб беринг.
11. Моданинг оммабоп шакли.
12. Антимода турлари.
13. Модани яратувчиларнинг вазифаси.
14. Мода истеъмолчилари қандай гуруҳларига бўлинади?
15. Модада рекламанинг ўрни ва унинг турлари.

Маъруза № 7

Мавзу: **Шакл** – костюмни бадиий лойиҳалиш жараёнининг асоси.

Режа

1. Шакл тушунчанинг моҳияти.
2. Шакл таркиби.
3. Шаклни ривожланиш қонуниятлари.
4. Шаклни бир циклда ривожланиш қонуниятлари.
5. Ранг ва шакл.
6. Костюмни шакллантириш асослари.

Адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 20, 30,32.

Шакл тушунчасининг моҳияти. Буюмнинг ташқи кўриниши ва чегарасини ифодаладиган геометрик моҳияти шакл деб ҳисобланади. Шакл (лот. forma) – ташқи кўриниш, чегара.

Шаклни танлаш ва уни тузилишидан санъат бошланади деб санъатшунослар ҳисоблашади.

Санъатни бошқа турларига нисбатан костюм инсоннинг сиймоси ва қомадига кўра доимо ривожланадиган кўп сатҳли тизим.

Костюм тарихи, санъатшунослик, фалсафа, психология, бионика, эргономика, моделлаш амалиётидан ва костюм графикаси соҳаларидан костюм шаклини тадқиқодчисининг билими бўлиши керак.

Фақат чизиқлар ҳаракатининг нюансини, фигура ва шаклни бурулишларини сезилгандагина бир шаклдан иккинчисига ўтилганини сезиш мумкин.

Шакл тушунчаси куйидаги нуқтаи назарлардан таҳлил этилиши лозим: шакл – фалсафа категорияси; шакл – рамз; шакл – объект, буюм; шакл – фаолият.

Шу билан бир қаторда шакл – бу кетма-кет омиллар тупланиши ва уларни доимо ўзгариши, яъни тизимнинг динамик модели деса бўлади.

Шакл тушунчаси инсоннинг дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, Афлотун шаклни ташқи дунёнинг моҳияти деб ҳисоблаган. Қадимий юнонларда шакл ташкилни, уйғунликни тимсоли, моддий дунёни ифодаси бўлган. Бежиз эмаски, улар дунёнинг уйғунлигини “Космос”, тартибсизликни – “Хаос” деб номлашган.

И.Кантнинг фикри бўйича шакл – бу фигура, тур, қиёфа, уйин. Шу билан бирга уйин фигуралар ёки сезгилар уйини бўлиши мумкин. Уйин фазода ва муайян вақтда рўёбга чиқади.

“Коинотнинг барча таркибий қисмлари Галактикадан атомгача мозаиканинг ҳар бир булакчалари каби бир бирига мос бўлиши лозим. Коинотни ифодаладиган мозаика кўп ўзгаришларга сазовор. Вақт мобайнида ўзгариши айрим фрагментларни тўғри кетма-кетликка йиғиш учун бизга ёрдам беради” – деб М.Борн ёзган.

Демак, ҳозирги шакл ўтмиш шакллар билан таққосланмасдан ва келажак шакл учун хулоса қилинмасдан таҳлил этилиши мумкин эмас.

Вақт мобайнида шаклни ривожланиши кетма-кетлигини, намунани, идеал шакл сифатида замонавий шакл стандартини (дамба–дам дизайнерлар томонидан бузиладиган) пайдо бўлишини англайди, бу услубни ўзгаришига,

уни ривожланишига ва янгилинишига олиб келади.

Шакл буюм мавжудлигининг усули, техник ва эстетик зарурлиги билан таърифланади.

Шакл маълум психологик маънони ифодалайди ва муайян сиймоли мазмунни ифодалавчи белги, рамз тизими дейилади.

Дизайн шакли яратилганда куйидаги талабларига аҳамият берилади: функционал – буюмнинг техник мақсадини ва инсоннинг утилитар талабларини олдиндан аниқлаш; конструктив-технологик - материалнинг физик ва механик ва хусусиятлари ва шакл конструкцисияни оқилона ифодалаш; эстетик – жамиятнинг эстетик идеалларига буюмнинг мослиги.

Костюм шакли инсон билан чамбарчас боғлиқ ва фақат унинг сиймоси, размери, ҳаркати инобатга олган ҳолда таҳлил этилиши лозим.

Костюмнинг ҳар бир қатлами ўз хоссаларига эга: устки қатлами: ранг, фактура, чизик, нақш, безак, яни композицион безак қатламларидан иборат; геометрик таркиб, у шакл элементларининг ўзаро пропорционал нисбатларини аниқлайди; тана ва қобик орасидаги фазо; одам фигураси.

Костюм шаклини биз ҳаракатда кўрамиз, ҳаракат – бу костюм шаклини таърифлаш учун энг муҳим омилларидан биридир. Шакл ривожланиш жараёнида турли фазалардан ўтади, чунки ҳаракат – бу фақат физик жисмини фазода кучиб юришигина эмас, балки биологик, интенсивлик ва тангликни ўзгаришлари, товуш ва ритмик ҳаракати – булар барчаси моддани ҳаракатидир.

Костюм шакли биологик тизим каби хусусиятлар тўплами ёрдамида барпо этилади.

Демак, шакл – бу одам қомати, муҳит ва белгиланган муайян функция билан боғлиқ, элементлари эса ўзаро таркибий мослашган фазовий-вақт модели.

Шакл таркиби. Костюмни муайян таркиб ифодалайди, яъни унинг бўлимларининг таркиби.

Сиймоли, функционал ва техник ечимлари билан боғланган шакл геометрик элементларининг маълум фазовий тизими шакл деб тушунилади.

Костюм таркиби – бу костюмнинг айрим элементларининг (кийим, бош ва оёқ кийим, кўшимчалар, тақинчоклар) турғун ташкил этиш усули. Костюмда шакл – бу унинг таркибини ташқи кўриниши.

Костюм таркиби ҳаракат билан боғлиқ ва фақат унга кўра шаклни тўғри тасаввур этиш мумкин.

Костюм таркибини ўрганиш учун шаклни оддий хусусиятлари, геометрик фигуралари, уларнинг алоқалари ва комбинациялари орқали кийимнинг турли-туман турларини ифодалаш керак.

Таркиб элементи – бу энг оддий геометрик шакл, яъни шакл яратиш учун “қурилиш” элементи.

Костюм таркибини аниқлаш учун ҳажмларнинг геометрик асосларини ажратиш олиш керак. Бу ҳолда албатта безак элементлари ҳисобга олинмайди.

Костюмда асосан учбурчак, тўғрибурчак, трапеция ва овал каби таркиб элементлари учрайди.

Ташкилий принципи бўйича костюм таркиби симметрик ва носимметрик бўлиши мумкин.

Симметрик таркибли костюм одам фигурасига нисбатан симметрик жойлашади, носимметрик таркибли костюмда эса – фигура ва костюм носимметрик жойлашади (масалан, Готик ва Модерн бадий услубдаги аёллар костюми).

Костюм шакли стабил ва мобил элементларидан иборат.

Стабил элементлар (муайян вақт мабоинида ўзгармайдиган) асосий таркибий элементларнинг шаклини, келажак моҳиятини, унинг геометрик шаклини ва фазовий тавсифини аниқлайди. Костюмда унга асос қилиб олинган геометрик шакл, костюм бўлимларини пропорционал нисбатлари ва костюм таъсирида гавдани ҳолати ҳисобланади.

Мобил элементларига (тез ўзгармайдиган) безаклар, чизиқлар, материал, фактура, ранг, нақш, яъни шаклини тўлдирадиган элементлар ва стабил таркиб чегарасида тез-тез ўзгармайдиган элементлар қиради.

Костюм шакллари энг аввало стабил элементларнинг умумийлиги билан бирлашади, мобил элементларни ҳилма-хиллиги эса уларга индивидуаллик бериб, аниқлигини ифодалайди.

Шаклини ривожланиш қонуниятлари. Т.В.Козлованинг илмий-тадқиқод изланишларида кийим шакли тузилишида бир неча қонуниятлар аниқланган:

1. Костюмнинг асосий элементлари тўғрибурчак, трапеция ва овал бўлган. Буларнинг ҳар бири маълум вақт циклида такрорланади, яъни *циклсимон қонуни* бўйича ривожланади, Вақти–вақти билан битта шакл бошқаларига нисбатан пешқадам-лидер бўлади. Лекин иккита бошқа шакллар ғойиб бўлмасдан, бирга “яшайди” ва доимо ривожлана боради. Маълум бир вақт ўтганда (тахминан 12 йил) пешқадам шакл инқирозга учрайди ва иккитадан биттаси пешқадамликка ўтади. Спирал қонуни ривожига кўра бу воқеа доимо такрорланади ва қонуният бўлиб қолади. Пешқадам шакллар маълум бир вақтда такрорланиб, шаклини ўхшаш (аналог) қаторини яратади. Шаклнинг силуетлари геометрик тури бўйича ўхшаш булган ҳолда унинг ички ечими, декоратив элементлари, конструктив тизими, сиймо ечими ҳар хил бўлади, чунки ҳар бир вақт давомида ўзига хос техник, ва маънавий турмуш фаровонлиги бўлади.

2. *Шакл ривожланиш жараёнида геометрик ва пластик шакллар бир-биринг ўрнига келади.* Нозик, фигуранинг табиий пропорцияларини таъқидлайдиган кийим шакли ўрнига, фигурани яширадиган хаттоки уни ўзгартирадиган геометриклашган кийим шакллари модага келади. Бу кетма-кетлик бир-биридан чиқиб, шакл ривожланишида узилмас занжирни яратади. Модани ривожланиш жараёнида пластик ва геометрик шаклларни рағбатлантирилган қарама-қаршилиги улар энг юқори даражага эришган вақтида сезилади. Лекин шакллар ривожланиши жараёнида ушбу рағбатларни ўзаро алоқадорлиги юзага чиқади.

3. *Мобил элементлари* шаклантирувчи бўлиб, пластик ёки геометрик шаклларни етилиши ёки инқирозга учрашини ифодалайди. Ўз навбатида асосий рағбатларни алмашиши мобил элементларни таркибига таъсир этади. Моданинг

геометрик ёки пластик даври композицияни барча элементларида намоён бўлади, яъни ички бўлинишлари ва деталларида, ранг ва фактурада.

Костюмнинг муайян шакли доимо ўзгаради, аммо у ҳеч қачон бутунлай йўқолмасдан вақт сари ўзгаради.

Пайдо бўлиш ва ривожланиш даврларида костюм шаклига ички тербаниш, катталаниш ёки сиқилиш, трансформация, акцентни бир қисмдан бошқасига ўтиши мансуб. Бу жуда муҳим, чунки шаклни маънавий эскириши ва узоқ яшаши замонавий дизайнни мураккаб саволларидан биридир.

4. *Вақт сари шаклни ўзгариши турғунлик ва нотурғунлик билан боғлиқ*, яъни уни элементларини стабиллиги ва мобиллиги билан. Шаклнинг ҳар хил қисмлари турли турғунлик даражасига эга. Баъзи элементларига нотурғунлик умуман мансуб эмас, улар шакл таркибига бевосита таъсир этмаса ҳам, бевосита уни шаклланишига ёки инқирозига сабаб бўлади. Уларга чизиқлар, ранг, фактура, безак ва б. киради. Шакл таркиби ва конструкцияси эса турғун элементларидир.

5. *Таркибни ўзгариши бир онда рўй бермайди*. Аввал ҳаракат, кўчиш, уни ички элементларини танглигини ўзгариши рўй беради. Улар шаклни ривожланиш йўналишни ҳосил қилади, яъни усишни ёки инқирозни.

Шакл ўз охиригача чегарасига етиб, доира, квадрат ёки учбурчакка максимал яқинлашиб, бефарқ ҳолатга келади, бу ҳолат уни ўзгариш белгисидир. Шаклни бу ривожланиш қонунини Г.Вейль исботлаган.

6. Костюм шаклини ривожланиш чегараси чексиз эмас. Уни ривожланиши асосида ва ниқобларини энергетик пульсациясида одам фигураси ва уни улчамлари (буйи, эни, қўл ва оёқ узунлиги) ётади.

Шакл тирик организмлар каби ташқи ўзгаришлар таъсирида пульсация этади. Пульсация вериткал ва горизонтал йўналишида бўлиши мумкин. Костюм ривожланиш жараёнининг ўз амплитудаси бор: танага ёпишиб туришдан, ҳаттоки сиқиб қўйган ҳолдан (маҳсус корсетлар ва б.), то танадан максимал узоқлашишгача (кринолин, турнюр ва б. ёрдамида). Бу пульсация тури горизонтал йўналишда рўй беради. Вертикал йўналишдаги пульсация кийимни узунлигини (микро-минидан то супер-максигача) ва елка ҳолатини назарда тутди. Улар давр эстетик идеали ва техник имкониятлари билан боғлиқ.

Шакл муайян вақт мобайнида ўз уқи атрофида пульсация этади, бу ҳолда ҳар бир даврда костюмни маълум жойларига эътибор берилади.

7. Мобил элементлар шакллантирувчи бўлиб, шаклни пайдо бўлишига, ривожланишига ва инқирозга учрашига сабаб бўлади.

Бир циклни ичида мобил элементларнинг фаоллиги натижасида шаклнинг ўзгариши бир неча босқичлардан иборат:

- модада янги ғоя-шакл пайдо бўлганда, шаклни идроқ этилишини кучайтирадиган элементларнинг ўзаро алоқаси *ўхшашлик* принципи бўйича тузилади. Бу шаклни яққол кўринишига олиб келади. Костюмнинг горизонтал ва вертикал йўналиши бўйича ички чизиқлари, декоратив-конструктив ечимлари ва материал фактураси шаклни яхлит идроқ этилишига сабаб бўлади. Бу босқичда (3-4 йил) шакл мураккаб ва йирик деталлар билан юкланмайди, материалнинг таркиби эса шаклни яхши сақлайди ва силлиқ хира эффектли

бўлади;

- модани кейинги босқичида (3-4 йил) костюм элементларнинг ўзаро алоқаси *контраст* принципи бўйича тузилади. Ривожланаётган ғоя-шакл тасдиқланади ва мураккаб конструктив-декоратив чизиклар ва нақшлар билан тўлдирилади. Контраст безакли деталлар ва ҳар хил фактурали материал бирикмалари шаклда қўлланади. Материалнинг таркиби қалинлашади ва фактураси ҳар хил эффектлар билан бойитилади (тўқилмаган, бўғимлар ва б.). Деталлар ва чизиклар ечимида вертикал ва горизонтал йўналишлар қаторида диагонал йўналиши қўлланади. Булар қўшимча композицион имкониятларини яратади;

- шаклни ривожланиш учинчи босқичи (3-4 йил) *зиддиятлик* принципи бўйича тузилади. Бу даврда кийимнинг ҳажмли шакли фаол талқин қилинади. Таркиби сийраклашган материаллар шаклини бўрттириб кўрсатади. Концентрик тасвирлар, спирал йирик нақшлар шакл ичида йиўналиш ҳосил қилиб, шаклни инқирозга учратади. Шаклнинг ҳажми конструктив усуллар билан кучайтирилади (узоклашган ва ўзгарадиган деталлар, кўп қаватлик ва б.). Лекин турли бичим, носимметрик ва спирал йўналиш фонида янги перспектив шакл чегараси сезилади.

Ранг ва шакл. Костюмнинг рангли ечими композицион ғояси билан чамбарчас боғлиқ.

Костюмнинг рангли ечимини бўйича Г.Петушкованинг таҳлили қўйидагини кўрсатади:

- шакл геометрикланса ранг қуюқлиги кучаяди, контраст ечимлари пайдо бўлади; шакл пластиклиги кучайса - ўхшаш ранглار бирикмаси устунлик қилади;

- ранг гаммасини ўзгариши ранг доираси бўйича кетма-кет, совуқ ва илиқ ранглар бараварига ёки полихромия (кўп ранглик) етакчи бўлиши мумкин;

- мода гаммаси хусусиятини ўзгариш индикатори сифатида полихромияни устунлиги, нохроматик рангларни кўплиги бўлади;

- ранг ва шакл ўзаро боғлиқ. Костюм рангининг таҳлили қўйидаги ҳулосага олиб келди: ранглар муайян геометрик шаклга интилади, яъни қизил ранглар – тўғрибурчак, кўк ранглар – овал, яшил ранглар – трапеция шаклига интилади.

- рангларни муайян шаклга интилиши уларни иллюзиялари билан боғлиқ: шакл кичирайса, костюм колоритида шаклни моддийлигини ва зичлигини кўрсатадиган илиқ ранглар, контраст бирикмалар бўлади; шакл катталанса ранг гаммаси мураккаблашиб, совуқ томонга ўтади, улар шаклни кўриниш вазнини ва катталигини камайтиради;

- фактурани роли кучайганда костюм гаммасида илиқ, юза ранглар устунлик қилиб, фактура элементларини кўрсатади;

- шакл инқирозга учраган пайтда рангни совуқ ва илиқ турлари модага киради, улар таркибий иллюзиясини, шакл юзасини синганлигини ёки иллюзор фактуралигини намоён этади;

- шакл вужудга келганда, уни яққол кўрсатадиган интенсив, фактура ва ички ечимларини танглаштирадиган ранглар устунлик қилади;

- перспектив шакл кўпинча қизил ва қора рангда берилади, чунки улар

силуэтни аниқ курсатади;

- кетаётган шакл совуқ, мураккаб гаммада берилади, улар шаклни инкирозига имкон тўғдиради, бўлинишлар кўплиги рангли контраст бирикмалари билан таъкидланади.

Костюмни шакллантириш асослари. Маълум тарихий даврни ифодаловчи шакл – бу изланиш жараёнида келиб чиққан шакл-схемадир. Унинг ташкилий асослари шахсий онг ичида туғилмасдан, ижтимоий танлаш натижасида пайдо бўлади.

Улар амалий эҳтиёжлардан келиб чиқади, муҳит уларни ўзлаштириб, ичидан энг зарурларини танлаб олади.

Замонавий кийим шакл турлари қуйидагича тақсимланади: классик, базовий ва модалар.

Классик шакл – бу эстетик ва утилитар функциялари мувозанатга эга шакл. Классик шакл – бу узок вақт давомида ижтимоий танлаш натижасида энг барқарор, функционал фойдали элементларидан тузилган ва ривожланган шакл.

Эркактар инглиз костюми, қулоқчини, фетр шляпаси, аёллар “кема”симон шаклли туфлиси ва б. классик шаклга мисол бўлади.

Улар ўзгармайди деб ҳисобланмаслик керак, костюм тузилиши диалектик жараён бўлгани боис, ўзгариш доимо рўй беради.Классик шаклдаги костюмлар модадан энг оқилона ва функционалтомонларни олиб замонга яраша ўзгаради ва унга мос бўлади. Классик шакл модадан ҳеч қачон чиқмайди, баъзан эса устунлик қилади.

Классик шаклнинг тузилиш асослари келажак авлодларига норматив бўлади ва унинг асосида тузилган буюмлар намуналар деб ҳисобланади.

Классик шакл демократик ва интернационал хусусиятларига эга.

Классик шаклдаги буюмлар барча ёшдаги ва турли гавдали одамларга ва ҳар хил мулажалларга мос келади.

Базавий шакл - бу ижтимоий ва моддий турмушнинг ғоявий-сиймоли тамойили ва одамга эстетик таъсир этадиган шаклдир. У муайян бадиий услуб шаклнинг ғоясини ифодасидир.

Базавий шакл асосида барча кейинги шакл турларининг дастлабки таркиблари тузилади. Бу шакл буюмлар серияси асосида бўлади.

Базавий шакл қуйидаги хусусиятларга эга:

- шакл асосидаги геометрик элементларнинг бирлиги ва барқарорликка асосланган уйғун боғланган яхлитлиги;

-узок вақт давомида бўлимларнинг деярли турғун ўзаро нисбатлари;

- илмий, техникавий ва эстетик савияни ифодалайдиган муайян таркибни мавжудлиги;

- маълум пластик сиймони (гавда тутиш – қоматни) ифодалаш;

- базавий шакл асосида ётган тизим бўлимларнинг ўзаро алоқасини бирлиги; шаклнинг геометрик тури, конструктив ва силуэт чизиқларни, бўлимларни пропорционал ва ритмик тузилиши, симметриклиги, ранглари, материаллар, фактура ва безакларни тақсимланиши.

Агар услубга оид базавий шакл даврнинг жиддий белгиларини ўз элементларида тўлиқ тўпланса, у классик шакл бўлиши мумкин. Шундай шакл

сифатида аёллар колготкаларини мисол қилиш мумкин.

Тез утар замон талабларига мос шакл *модали* деб аталади.

Шакл элементлари билан бемалол фойдаланиш учун куйидаги қоидаларни инобатга олиш лозим:

- костюмнинг ҳилма-хил турларини тузиш асоси сифатида базавий шакл олинади, чунки у даврга мос. Уларни синчиклаб ўрганиш ва кийим лойиҳалашда илмий изланишлар ўтқозиш керак. Саноатни талвасага солмасдан мантиқий равшда янги шакл ва материални вужудга келтириш учун талабларни тайёрлаш шарт;

- максимал утилитар ғояни ифодалаган шакл эстетик шаклгача ўсиши керак. Шаклнинг мукамал эмаслигини яширадиган тикувчининг қувликлари бўлмаслиги керак ва ёмон конструкцияни безаксимон “ямоқлар” билан чалиғитмаслик лозим;

- замонга мос шаклни бениҳоя пластик ифодаликлиги, нақш ва фактурани чуқур маънолиги, моделни юксак даражада ва аниқлик билан ижро этилганлиги исталган натижани беради;

- базавий шаклни тушуниб етиш даражаси модага нисбатан муносабатини аниқлайди. Мода – бу базовий шаклнинг намоёни, аммо ҳар доим уни таърифламайди;

- барча модали силуэтлари саноатда ишлаб чиқариш шарт эмас. Фақат келажаги бор силуэтларгина тикилиши лозим. Кўп фасонларни яратишга ҳам зарурият йўқ, чунки улар ишни қийналтитриб, маҳсулотни мукамал эмаслигига олиб боради.

Таянч иборалари: шакл, категория, моҳият, таркиб, қонуният, геометрик, пластик, пульсация, цикл, базовий, классик, модали, хусусият, мода, услуб.

Назорат саволлари.

1. Шакл тушунчасининг моҳияти.
2. Шакл таркибини нима ифодалайди?
3. Шаклни ривожланиш қонуниятларини таърифланг.
4. Шаклни циклсимон ривожланиш қонуниятини тавсифлаб беринг.
5. Шаклнинг геометрик ва пластик турлари қандай алмашади?
6. Шакл пульсациясини тавсифлаб беринг.
7. Бир цикл мабойнида шакл қандай ривожланади?
8. Ранг гаммасига кўра шаклни ҳолатини аниқлаш мумкинми?
9. Классик шаклни нима тавсифлайди ?
10. Базовий шаклни нима тавсифлайди ?

Маъруза № 8.

Мавзу: *Костюм дизайнини ижодий асослари.*

Режа.

1. Дизайнда ижодий асосларини урни.
2. Дизайнда бадиий ижод босқичлари.
3. Дизайнда сиймолик.
4. Дизайнда ҳажмий шаклнинг ўрни.

Дизайнернинг ижодий фаолияти учун кўп билим соҳаларидан маълумотларга эга бўлиши лозим, улар бир биридан узоқ бўлса ҳам. Ижобий натижага эришиш учун дизайнер санъат соҳасига ва фан йўналишига таълуқли билимларини ўзлаштириши лозим.

Санъатни хар бир турида ғоявий-ижодий асоси – композициядир. Бошқача айтганда, композиция орқали дизайнер қизиқтирган ғояни ифодалайди.

Бадиий асар – муайян ўзаро боғланишда бўлган бир турли элементлар мураккаб тизими. (чизиқлар, рангли доғлар, ҳажм, нақш, колорит ва б.)

Бадиий асарда эстетик ва сиймо принципларини ўзаро нисбати истеъмолчида тасаввур ва фантазияни уйғотади, ассоциатив фикрлар ва хис тўйғулар мураккаб тизимини тасаввур этишга сабаб бўлади.

Ассоциативлик – гўё бир бирига тўғри келмайдиганларни орасида боғланишни сезиш ва ўрнатиш қобилиятдир. Ўхшаш ёки контраст бўйича ассоциациялари буюмларни функционалликка оидлигини енгишга, уларни орасидаги қонуний боғлиқларни ва янги функционал мўлжални барпо этишга кумак беради. Санъатга оид умумий бадиий шакллантириш усуллар симметрик ва носимметрик, контраст ва нюанс, гротеск, метафора ва б. бўлиши мумкин.

Бадиий шакл – маънонинг ички таркибини санъат қонунларига оид буюм сифатида барпо этиш. Шакл барча санъат турларига оид умумий тушунчасидир.

Композицион шакллантириш бараварига икки соҳадан келиб чиқади – шаклни рамздан ва формал алоқаларидан. Улардан қайсиниси дастлабки, қайсиниси иккиламчи эканлиги номаълум, чунки ижодий жараён ақлга бовар қилмайди. Аммо шуниси аёнки, ассоциациялар манбаси – муаллифни ижоди ўзига ҳослиги, унинг шахсий сиймолар дунёсидир. Формал – композицион алоқалар соҳаси эса одам шаклини тасаввур этиш объектив мавжуд қонунларидан келиб чиқади. Шунга қарамай бир-бирисиз ижод бўлмайди. Уларни орасидаги алоқа чуқур ва табиий.

Ассоциацияларидан тўғиладиган мавзу тартибсиз, тарқатиб жойлантирилган морфологизацияланган элементлар тўплами сифатида кўриниши мумкин. Реаллик ва яхлитликни у фақат композиция орқали, барча элементларини узвий боғлиқ тартибига бинон эришилади.

Дизайнер икки вазифани ечади: ижтимоий-коммуникатив ва эстетик

маданийни. Дизайнга оид оммабоп коммуникация маълумотни эстетик эҳтиёжни уйғотиб, ривожлантириб ва мустаҳкамлаб, токи у иқтисодий кучга айланганчакўп одамларга “эстетик маълумотни” етқизишга имкон беради. Одамлар янги буюмларни фақат уларни янги утилитар хоссаларини, модали ва престижлиги учунгина талаб қилмайди, балки “тирикчилик учун энг зарур”, эстетик дидга биноан эстетик эҳтиёж оммабоп талабига айланади. Эстетик талабни қондириш учун буюмларнинг шакли доимий ўзгариши керак: шакллар услубий бир хил бўлган ҳолда индивидуал ҳар хил бўлиши лозим, шунга кўра дизайнер фақат стилист бўлмасдан, балки рассом, ижодий шахс бўлиши зарур.

Ижод – бу воқеликни қайта тушиниш ва ўзгартиришидир. Билим ва сезгисиз ижодий фантазия тўғилмайди. Бой ва тўғри тузилган билимлар мажмуи – ижоднинг асосидир. Қачонки яратувчи, ижодий фаолият пухта ва аниқ билимлар мантиқа асосида барпо этилса, таниш буюмлардан янгиларга ўтиши аён. Қачонки янги ғоя тасодифий, мантиқий ва онгли жараёндан холи пайдо бўлса, интуиция ва илҳом келади дейишади. Сўнги йилларда одамни фикрлаш фаолияти қонуниятларини тадқиқот этадиган фан туғилди, у ерда фаҳм, онгсизлик ва интуиция эвриситка элементлари мавжуд. Ушбу фан одамни интуиция ёрдамида ижод этиш, “газламани сезиш” билан шуғулланади.

Дизайнер умумий ва мутахассисга оид билимларини тўплаши лозим. Ижодий фантазияни тарбиялаш профессионал қизиқувчанликсиз ва кузатувчанликсиз мумкин эмас.

Дизайнда бадиий ижод босқичлари. Ижодий интуиция ва таҳлил, яъни ўз ижодини мантиқий англаш, бадиий ижоднинг босқичларидир. Фақат интуиция ва таҳлилни ўйғун бирлиги яхши компоновка қилинган ва яқунланган асарни яратишга имкон беради.

Сиймоли фикрлаш, интуиция, баҳолаш фаолият ва эмоционал кайфиятсиз ижодий жараён мавжуд бўлмайди. Ижодий фаолият билан ривожланадиган ва ортириладиган эстетик негизлар ва психологик механизмлар барча ижод элементларида бор.

Борлиқ ва санъатни эстетик тасаввур этилиши автоматик равишдаги одатий тасаввурни бартараф қилишни назарда тутаяди. Эстетик қайғу пайдо бўлиши учун аввал буюмга эътибор берилмаган томонларни кўриш керак, уни янги нуқтаи назардан кўздан кечиш лозим.

Интуиция – бу фараз, зийраклик, сезарлик. Ўзаро қандайдир умумлиги бор уч атама мавжуд: интуиция, илҳом, инстинкт – тасаввуф билим, тасаввуф кўтаринкли, тасаввуф фаолият.

Кўп амалий масалаларни ечишда, шу жумладан муҳитни лойиҳалашда, *ижодий интуицияга* асосланган усуллар (мияни ҳужум қилиш усули) кенг тарқала бошланди. Кўпинча бу масалалар ҳисоблаш ёрдамида эмас, балки интуиция асосида ечилади.

Дизайнерни ишлаш жараёнида интуитив фараз ва мантиқий тузилишлар ўзаро боғлиқ бўлиб, навбатма-навбат алмашиб тўради ва мураккаб чатишиб тўради. Дизайнер интуитив фикрлаши самарали вужудга келиши учун ост онгига тааллуқли элементларни ажратиб олиши керак. Ижодий масалани ечган пайитда формал-мантиқий компонентни сусайтирадиган имкониятни яратиш

ЛОЗИМ.

Қуйидаги чеклашларни киритган ҳолда шундай шароитни яратиш мумкин: берилган вақт мабойнида қўйилган масалани ечиш; маслани ечиш учун жалб этилган ёрдамчи воситалар билан фойдаланиш; ғояни ифодлалайдиган воситалар билан фойдаланиш.

Биринчи чеклаш масалани ҳал қилувчини формал-мантиқий тузилишларни ишлатмасликка мажбур қилади. Демак, фикрлаш интуитив компоненти жалб этилган ҳолда, натижани спонтан равишда келиб чиқишига рағбатлантиради.

Иккинчи чеклашда восита сифатида ёрдамчи маълумотлар, махсус адабиётлар, Интернет маълумотлари ва б. назарда тутилади. Бу ҳолда ташқаридан олинган конкрет маълумотга таяниш имконияти инкор этилади. Бу чеклаш муаммони ечиш учун ўз билимларига таянишга рағбатлантиради.

Учинчи чеклаш воситаларга тааллуқли, улар ёрдамида дизайнер ўз ғоясини ифодалайди. Улардан асосийлари – график ва ҳажмий моделлашдир. Шаклни график усулида тасвири ва минимал воситалар ёрдамида уни ҳажмий тимсоли фақат шаклни эмас, балки мумммани кўришга ундайди.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар фақат қисқа муддатли топшириқларни бажариш учун қўлланиши мумкин.

Сезги билан яратилганни тўғри баҳолашни билишдан таҳлил бошланади. Рассом фаолиятида бу муҳим пайт. Ижодий интуицияга қобилят – рассомнинг истеъдотлигини намоёнидир. Таҳлил этишга қобилятни, яъни ўз ижодини мантиқий кўриб чиқиш, ўстириш ва етиштириш лозим. Мазмундан шаклга ўтганда барпо этилган интуитив ўстириб, дизайнер нафақат муҳит ва персонажларни ўзаро муносабатини, композиция форматини, балки манбасини ва ҳаттоки бажариш воситаларини ҳам ўрнатади. Фақат интуиция бўйича яратилганни таҳлил этиб, дизайнер ижодий яқунловчи босқичига йўллар ва воситаларни топиши мумкин. Ижодий жараённи схемаси куйдагича бўлади: интуиция – таҳлил – интуиция, чунки санъат ҳам ҳис билан бошланади, ҳам яқунланади, аммо таҳлил ёрдамида тушунтирилади.

Дизайнда сиймолик. “Сиймо” атмаси замонавий истеъмолда бир неча маънода қўлланади. Ҳар хил тасвирларни – гул, прибор, тоғ манзараси расмини кенг маънода “сиймо” деб аташади, яъни буюмлар ва воқеаларни сезги-конкрет қайта тикланишини. Реал дунё буюмларни кўз билан идрок этиш психологик маънода шу буюмларни “сиймоси” дейилади. Фалсафада эса “сиймо” атамаси фақат сезгига оидгина эмас, балки инсон психикаси буюм муҳитни интеллектуал акс этиши ҳам.

Бадий сиймо – бу психологик, семиотик ва бошқа кўп ахамиятли аспектларга эга сиймоликнинг махсус тури.

Сиймо рассом тасавурида тўғилади, этилади ва санъат асарида мужассамланиб, истеъмолчини тасавурига ўтади. Сиймоли фикрлаш қобиляти ноёб – бу катта истеъдот ва ҳақиқий илҳомни тимсолидир. Бадий сиймонинг хусусияти шундаки: типиклиги – ўзига хослигида, умумийлиги – ягоналигида намоён этилади. Костюм композициясида бадий сиймо – муайян муҳитда одам сиймоси ва костюмни ўйғун бирлигидир.

Замонавий дизайнерлари “от кутюр” ва “прет-а-порте” коллекцияларида жуда кўп сиймо ечимларини намоиш этишади, истеъмољчини ҳамкорликка таклиф этиб. Улар кийим танлаганда барча жоиз ролларни тасвур этиб, мартабаси ва жамоатдаги ўрнига кўра моделни танлаб олади.

Ўзига хос сиймолик бир неча воситалар комплекси билан эришилади - кийим, пойабзал, бош кийим, сумка, соч турмаги, макияж, безак, аксессуарлар ва б. Сиймо яратишда энг муҳими – янгилик ва ифодалилик. Ифодали ва жиддий сиймо яратиш учун муаллиф дадил экспериментатор, новатор бўлиши лозим, рамзлар ва белгилар билан фойдаланишни билиши керак, чунки костюм - бу инсонларда сиймолик ассоциацияларни идрок эттирадиган турли даража маъноли рамз ва белгилардир. Дж.Фоллини (белгилар ва рамзлар қомусини муаллифи) фикрига биноан “қонун ва сўз эмас, балки белгилар ва рамзлар дунёни бошқаради” .

Белги- бу кенг истеъмољ қилинадиган муайян маълумотга эга ҳар қандай график ифодадир.

Рамз икки маънога эга – бу қандайдир буюмни номидан қилинган тасвир, у мутлақо бошқа шакл ёки абстракт тушунча бўлиши мумкин. Рамз атамани иккинчи маъноси – ёзма белги (ҳарф, ноталар, рақам, математк рамзлар ва б.). Рамз ва белгиларни энг муҳим функцияси – график тасвирлар ёрдамида инсонлар орасида алоқа барпо этиш.

Дизайнда ҳажмий шаклни уйғунлаш. Маълумки одамнинг ҳаёти табиий ва сунъий ижтимоий ва буюм муҳитида ўтади. Буюм муҳити – бу одамни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган буюмлар комплекси. Бу комплексни буюм ҳалақалар сифатида тасаввур этиш мумкин, улар одам учун муҳимлиги бўйича кетма-кет жойлантирилган.

Одамга энг яқин буюм ҳалқаси – кийимдир. Пойабзал ва кўшимчалар кийим элементларига мос бўлиб, яхлит ансамблни барпо этиши зарур. Оёқ кийимда ҳам бир неча ҳалқаларни ажратиш мумкин – ички (пайпоқ, колготкалар ва б.) ва сиртқи (пойабзал, чанги, коньки ва б.). Иккинчи буюм ҳалқаси – полни қопламаси ва маиший анжомлар. Учуниси – мебель ва туртинчиси – меъмордир. Шу тарзда костюм дизайни индустриал, ландшафт ва муҳит дизайни буюмлари билан чамбарчас боғлиқ.

Қадимдан одамзод ўз ижодида ҳажмий шаклларнинг ўғунлик асосларини эътиборга олишга интилишган. Бу мутлақо оригинал ва фундаментал назарияси пропорциялар, формал элементларни идеалланишдан келиб чиқмасдан, шакллантириш билимга асосланади. Шакллантиришни ассоциатив-сиймоли томони муаллифни шахсий фантазиясига тааллуқли. Келажак дизайнерлар ўз ғояларини муҳимлигига ишониши зарур ва ўз фикрини, ҳаттоки онгсиз бўлса ҳам, рағбатлантириши керак. Бу ҳолда иждодий машқларни тез бажариш учун маҳсусл усул– ўйин пайдо бўлади.

Бу усулда энг муҳими – ўз услубига эга актив иждодий шахс сифатида муаллифнинг роли ҳар қандай график усулда истеъмољчига ўз ғоясини етқизишга уриниш. Шубҳасиз, ўйин асосига олинган қийматларнинг ҳақиқий характери – иждод ва илҳом манбасидир.

Масалан, топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин: муайян схемага

биноан эскизлар сериясини яратиш: костюм - меъморчилик элементи; сумкалар – чемоданлар, автомобиллар; пойабзал – маиший анжомлар – механизмлар; бош кийимлар – мебель – компьютер; аксессуарлар – электр маиший техника; боғ паркдаги хайкал – пошналар –кўлқоплар.

Бу ва бошқа амалий масалаларни ечиш учун “мияни хужум этиш ”усулини қўллаш мумкин. Дизайннинг асосий вазифаси – буюмларни янги маданий намуналарини яратиш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини орасида оммабоп коммуникацияни рўёбга чиқариш. Дизайнер буюмни маънавий ғоя билан таъминлайди, истеъмолчига эмоционал таъсир этиб, моддий ва маънавий маданиятни биргаликда бириктиради.

Бу амалий масалаларни ечганда рассом дизайн объектнинг элементларини ифодали тузилиши учун воситалар танлашни назарда тутлади. Вазн, ҳажм, ранг ва ёруғликни ритмик такрорланиши шакл ташкилни этиш учун воситаларидир.

Турли буюмларни сиймо ечимини қидиришда булар барчаси қўлланиши мумкин. Бунинг учун дизайнер ўқиш жараёнида бадий ритмнинг эстетик қонуниятларини ўрганиши лозим. Биологик, муҳандис ва композицион ритмлар дизайнда муҳим роль ўйнайди.

Бунга имконият тўғдирадиган машқлар серияси барпо этилиши мумкин:

- товуш ва ранг орасидаги ўзаро таъсири (тасвирий-график композиция берилганда мусиқа маълумоти импульс сифатида қабул қилинади). Товуш сигналлар ёрдамида кўриш рецепторнинг функциялари кучаяди. Информацион импульс мусикавий маълумотга субъектнинг реакциясини юзага келтиради, эмоционал-психологик хис-туйғуни намоён этади – сезги, тасаввур, тушунчани, улар композиция тузишда (колорит, шакл, чизиқ ва доғлар, уларни ўзаро жойланиши ва принципиал нисбатлари) бош асос сифатида иштироқ этади;
- ранг ва сўз орасидаги ўзаро алоқа (адабий асарларни сиймо тасаввурларига биноан ишланган рангли график композициялар); сюжет - ритм, интонация, муаллиф ҳикоя қилган принциплар;
- ранг, чизиқ ва борликни компонентларнинг орасидаги ўзаро боғлиқлиги (Коинот, Ер, табиат, инсон сиймоси таъсирида кунгилга тушган сиймоси).

Замонавий дизайнда синтез санъати кенг тарқалмоқда: кўпфункционали рангли мусиқа, фан ва техникани энг янги ютуқлари билан фойдаланиш.

Синтезланган санъат таъсирида асарларни яратиш жараёни қуйдаги босқичларга бўлиш мумкин:

- маълумот тўплаш; манбалар, импульслар ва х.к., уни таҳлил этиш: маълумотга импульснинг таъсири, уни сиймо ва сенсор тавсифи, яъни сезиш, тақдим этиш, тасаввур этиш, абстрактлаш;
- олинган маълумотни тартибга солиш: оддийлик, узликсизлик, ҳар хиллик, ўйғунлик ва х.к.;
- альтернатив вариантларни ишлаб чиқиш ва оптимал ечимини танлаш;
- истиқболли ривожланиш назарий (концепция, гипотеза) ва масалани ечиш лойиҳа – тажриба принципларни тузиш (ишларни амалий ёки техникавий бажариш, яъни композицион-колористик, чизиқли-график, ҳажмий-текислик ва

бошқа ҳажмий-режалаштирилган ечимларни бажариш).

Таянч иборалари: ижод, ассоциация, бадиий босқич, бадиий сйимо, рамз, ўйин усули, интуиция, композиция, колористика, ҳажмий..

Назорат саволлари.

1. Ижод атамасининг маъноси нимадир?
2. Ассоциативлик костюм дизайнида қандай қўлланади?
3. Костюм дизайнида бадиий босқичлар.
4. Интуиция костюм дизайнида қандай қўлланади?
5. Бадиий сйимо костюмда қандай ифодаланади?
6. Костюм дизайнида рамзларнинг ўрни.
7. Ўйин усулини ижод жараёнида қўлланиши.

Маъруза № 9

Мавзу: *Костюм дизайнида ижодий манбалар ва эвристик усуллари.*

Режа

1. Костюм дизайнида ижодий манбалар турлари.
2. Бионика манбасининг қўллаш йуллари.
3. Ўсимликлар манбасини костюмда қўлланиши.
4. Меъмор ва амалий санъат асарларнинг манба сифатида қўлланиши.
5. Манба турини танланиш сабаблари.

Адабиётлар: 2, 3, 4, 5, 10, 11, 15, 30.

Дизайнер костюм коллекциясини яратишда ижодий манба сифатида ҳар қандай табиий ҳодисалар, буюм муҳитнинг турли элементлари, дунёда содир бўлаётган воқеалар, мусиқа, рангтасвир, адабиёт, балет, театр, цирк, кино, томоша тадбирлари, этник мавзулар, меъморчилик, муҳандислик иншоатлари, машина деталлари, турли механизмлар, маиший буюмлар, амалий санъат асарлари (шиша, тош, ёғоч, металл, керамика ва б.), мусиқа асбоблари, ер фактураси, юлдузли осмон, оригами ўйини, экология, тарихий, халқ ва классик костюмлар, эклектика усули, пародия усули, стилизациялаш усули ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Ҳар бир дизайнер ўз фаолиятининг муайян босқичида тарихий ва халқ анъаналари билан илҳомланиб, ижодий манбаларга мурожат қилади.

Экзотик мамлакатларнинг маданияти кўп бадиий услубларда ғоя ўзлаштириш мода тарихида доимо бўлган. XX аср модаси кўпинча этник ва тарихий манбаларга мурожат қилган. Классик шаклни ва экзотик халқларнидан ўзлаштирилган безакни бирга қўшиб, моделларни барпо этадиган дизайнерлар авлоди пайдо бўлди, масалан, Ж.П.Готьеининг “эскимос” коллекцияси.

Табиат азалдан инсон учун иш майдони бўлган. Ташқи дунёни тушуниш

ва ўрганиш эҳтиёжи унинг қонунларини ўрганишга ва ўзлаштиришга олиб келади.

Асрлар мобайнида маълумот йиғиб, одамзод бионика (юнонча *bio* – “ҳаёт элементи”) фанни барпо этди. Бу йўналиш 1950 йилларнинг охирида пайдо бўлди. Ушбу фаннинг асосий мақсади – биологик тизимлар ва жараёнларнинг имкониятларини ўрганиш эди. Леонардо да Винчи, Н.Е.Жуковский, Л.Гальвани биониканинг кашфиётчилари деб ҳисобласа бўлади.

XIX-XX асрлар оралиғида пайдо бўлган бадиий услуб Модерн жонли табиатга асосланганва айнан шу даврда чекланган меъморчилик империяси пайдо бўлди. Испан меъмори А.Гаудининг ишлари бунга ёрқин дадил. Унинг ишларида эгри чизиқли юзалар меъмор конструктив шаклларни биологизацияланиши деса бўлади. Бионика бошқа соҳаларда жадал тарқалди: маиший техникада, ҳарбий саноатда (сув ости кемаларининг шакли балиқ шаклида) ва б. Замоनावий костюмда биониканинг тимсоли чакамуғ ўсимликнинг тикани асосида кашф этилган “велкро” тасмаси кенг қўлланилади.

Табиат миллион йиллар давомида дурдона асарлар яратиб, ўз маҳоратини доимо оширади.

Табиатнинг органик ва мантиқий боғлиқлари мужассамлашган янги шаклларни яратиш имкониятни топиш, замонавий дизайн янги йўналишнинг асосий вазифаси бўлди, бунга ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бионика ва кристаллография катта таъсир этмоқда. Уларнинг асосида кўп объектлар ва дизайн буюмлари (аксессуарлар, заргарлик буюмлари ва б.) барпо этилмоқда.

Жонли табиатда яшаш жараёни органик маъқуллик билан боғлиқ. Ҳудди шундай одам ҳам ўз фаолиятида истаган натижага эришишга интилади. Муаммони ечиш учун биринчи планга буюмнинг кўпфункционаллиги чиқади, яъни буюмлар бир неча мўлжалда қўллаш мумкинлиги. Бу муаммони трансформациясиз ечиш мумкин эмас (бу усулни 1920 йилларда конструктивистлар тақдим этишганди, аммо у ҳозирги кунларда амалга оширилди).

Трансформация – бу буюм шакли ва ҳажмини ҳар хил усулда бириктириш, жойини ўзгартириш, айрим деталларни алмаштириш ҳисобига ўзгартириш. Бошқача айтганда, буюм лойиҳасига қандайдир қўзғалувчанликни асос қилинади, чунки истеъмолчининг ҳамкорлиги назарда тутилади. Стандарт деталлар тўпламидан асосий шаклга ҳар хил бириктирув усуллари ёрдамида кўп вариантларни ҳосил қилиш мумкин. Замоनावий мода буюмларни функционал трансформацияси норматив операцияларни доимо бўлганлиги оқибатидир.

Сўнгги йилларда дизайн стилистик ўзгаришларга учраганлиги айниқса сезилади, бу стилистик ўзгаришларни импульслари эса фақат функционал-конструктив таркибидагина эмас, балки формал-эстетик изланишларидан ҳам. Дизайнерлар кўпроқ шакллантириш соҳасида конструктивизмга мурожат этишади. Бу йўналиш “хай-тач” деб номланади. Хай-тач дизайннинг ривожланишида замонавий йўллардан биридир. Бу юқори технологиялар, инсоннинг яшаш муҳитига корхона элементларини ўтқозишдир. Охириги

пайтларда сунъий муҳитнинг ўзгариш тезлиги инсоннинг унга мослашиш қобилиятидан ўтиб кетди. Техноген муҳитда антропологик адаптациянинг асосий қийинчилиги буюм дунёсининг реал моддийлигини йўқотилганлиги, шунинг учун дизайнерлар олдида янги ўта таъсирли дунёни ҳосил қилиш масаласи қўилган. “Хай-теч” – бу ўзига хос шакллантириш, сенсорлик, моддийлик, ранг, муҳитнинг акустик режими, ёруғлик дизайни.

Костюм композициясида ифодали сиймоларни барпо этишга ассоциатив фикрлаш имкон тўғдиради – буюм, абстракт ва психик ассоциацияларни, объект ечимини график изланишларга айлантириш, яъни ассоциатив расм солишдир.

Таянч иборалари: дизайн, манбаа, трансформация, табиат, коллекция.

Назорат саволлари.

1. Костюм дизайнида ижодий манбалар турларини ифодалаб беринг.
2. Бионика манбасининг қўллаш йуллари қандай?
3. Ўсимликлар манбасини костюмда қўлланиши қандай ?
4. Меъмор ва амалий санъат асарларнинг манба сифатида қўлланиши.
5. Манба турини танланишига нима сабаб бўлади?

Маъруза № 10

Мавзу: Костюм дизайнида ижодий усуллар.

Режа

- 1 Костюм дизайнида ижодий усуллар.
2. Эвристика.
3. Ассоциация усули.
4. Аналогия усули.
5. Бионика усули.
6. Карриатура усули.
7. Бошқаларни фикрини аниқлаш.
8. Неология усули.
9. Декомпозиция ва кетма-кет яқинлашиш принцип усули.
10. Ёрдамчи вазифа усули.
11. Камчиликлар рўҳати”.
12. Ёрдамчи саволлар усули.
13. Антропотехника усули.
14. Эмпатия усули.
15. Илғор технологиялар усули.
16. “Ақл ҳужуми” усули.
17. Уйин усули.

Костюм дизайнида эвристик усуллар. Ижодий жараён – бу мазмун ва шакл бирлигини қидиришдир. Баъзан ижодий вазифа ечилганда анъанавий усулларни қўлланиши қизиқарли ечимни бермайди. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида дизайнернинг ижодий фаолиятини интенсификациялашга йўналтириш керак.

Бутун жаҳон дизайнерлари дизайнни барча соҳаларида даврга муносиб янги молларни яратиш учун янги ғояларни қидирмоқда. Буюмларни ишлаб чиқарадиган фирмалар дизайнерлардан қизиқарли бир ғояни эмас, балки ажойиб, янги чексиз ғояларни талаб қилишади. Бу ижодий фантазияни жадаллаштириш усулларни ёки эвристика усулларни қидирилишига сабаб бўлади.

Эвристика (грек. *heurisiko* – қидираман, кашф этаман) – бу маъсул ижодий фикрлашни урганадиган фандир.

Ижодий жараён жуда мураккаб ва ўта хилма хил ҳодиса. Ижодий тасаввурни ривожланиши, лойиҳа ижодий вазифаларни ноанъанавий усуллар билан ечиш, психологик инерцияни енгиш – бу эвристик усулларнинг имкониятларидир. Замонавий дизайнерлар кўпинча аналогия, ассоциация, комбинациялаш, инверсия ва б. усулларга асосланган оддий эвристик усуллари билан фойдаланади. Лойиҳаловчи эвристик усуллари билан фойдаланишни билиши керак.

Турли эвристик усуллари билан қўлланиш натижасида дизайнернинг ижодий қобилиятини ва ташаббусини профессионал йўналишда фикрлаш мантиқасини ривожланишига имкон беради. Бу ҳолда ижодий қидиришни тартибга солиш ва жадаллаштиришга имкон пайдо бўлади.

Шу тарзда дизайнерни ўқитиш энг муҳим мақсади – бу ҳар бир талаба лойиҳалаш фаолиятида ўз қобилиятини очишга ва ўз ўзини баҳолаш қобилиятини ривожланишига имкон бериш, ва лойиҳага қўйилган вазифани ечиш учун индивидуал усулларни ишлаб чиқиш.

Дизайнер фаолиятида қўлланиш мумкин эвристик усулларини кўриб чиқамиз.

Ассоциация усули – ғояни вужудга келиш усулларидан биридир. Агар дизайнерларнинг ижодий тасаввури ташқи муҳитни турли ғояларда қаратилса, бу ҳолда бу усул яхши натижа бериши мумкин. Дизайнерни сиймо-ассоциатив фикрланишини ривожланиши, уни “ўйлаш аппаратини” доимий “ҳарбий тайёргорликка” олиб келишдир, чунки бу ўқиётган ижодий шахсни муҳим вазифаларидан бири. У теварак атроф муҳитига тез таъсирланиши ва у ердан ассоциацияни олиши керак. Ундан ташқари, замонавий дизайнда сиймоли фикрлаш лойиҳалашда принципал янги услуб деб ҳисобланди.

Дизайнерни ассоциатив фикрлаши буюмли, абстракт ва психологик ассоциацияларни объект ечимини график қидирувга ўзлаштиришди. Ижодий жараёнда ассоциатив фикрлаш жуда муҳим. Шундай фикрлашга дизайнернинг қобилият ижодининг асоси бўлади, чунки ҳар қандай санъат асари – бу хотирада тикланган реал дунёни ва буюмларни ассоциатив тасаввурлаш натижасидир.

Костюм дизайнери реал борликни қандайдир трансформация ва

Ўзлаштириш натижасида кийимда қўллаши мумкин ва барча нарсаларни олиши мумкин: мавзули фрагмент ёки бутунлай манбани. Костюм лойиҳалашда ижодий манба сифатида табиат, воқеалар, буюмлар бўлиши мумкин. Либос дизайнерни шакл, ҳажмларни бирикмаси, ҳар хил тузилишларнинг бирикмалари доимо кизиқтиради.

Ассоциациялар ҳар хил бўлиши мумкин: буюмли, абстракт, психологик ва нореал. Асфальтда қўлмақлар, музни ялтираганлиги, йўлда ёки даладаги лойнинг фактураси, ёмғир томчиси, деразада аёзнинг расмлари ва б. - булар барчаси ихтиро қилиш чун озуқа бериши мумкин. Дар ҳақиқат, дизайнернинг фикри муайян йўналишда бўлиши учун у доимий профессионал машқлар қилиши лозим. К.Диор қуйидагича изҳор қилган: “Аслда, барча мени билганим, кўрганим ёки эшитганим ҳаммаси мени вужудимда қўйлакка ўзлаштирилади”.

Аналогия (ўхшаш) усули – қўйилган вазифани ечиш усули. Бу усулда тарихий, халқ ва миллий костюмдан, муҳандислик ечимлардан, меъмор иншоатларидан олинган ўхшаш ечимлар яратилади. Дизайнер ижодий манбани шарҳлаш билан учрашади ва трансформация ёрдамида уни лойиҳа ечимига айлантиради. Бу усул кенг ва кўпинча қўлланади, айниқса лойиҳалашда объектнинг сиймо ечими қидирилганда. Янги қизиқарли ечимлар ижодий манбани кўриниш аломатларидагина эмас, балки буюмни яратиш усулидан ҳам ҳосил бўлади:

- “бичилмаган ва тикилмаган либос” усулини костюм тарихидан ўзлаштириш мумкин (римликларнинг тоғаси, ёпинчоқлар, ҳинд аёлларнинг сариси, индонезия аёлларнинг саронг юбкаси ва б.);
- “упаковка” усули – тара ва упаковка дизайни;
- “тўқиш” усули – амалий-декоратив санъат буюмлари ва халқ костюми ғоя беради;
- “ҳажмий фактурани яратиш” усули – ўсимлик шакллар, гуллар, барглари, илдизлар, пустлоқлардан ва б. ғояни олиш мумкин;
- “ катта шаклларни қисмларга бўлиш” усулни ўрта аср яроғ-аслаҳалари ва модул лойиҳалашдан ғояни олиш мумкин.

Аналоглардан ўзлаштирилган дастлабки ғоя амалга оширилади. Шундай лойиҳалаш усули функционал лойиҳалашга мансуб, яъни буюмни лойиҳалашни эмас, балки усулни.

Масалан, лойиҳалаш: чойнакни эмас, сувни қайнатадиган усулни; калишни эмас, сув ўтказмайдиган пойафзални.

Бионик усули бионика конкрет объектларни таҳлилидан иборат. Масалан, ҳашоратлар канотларини таҳлил этиб, янги ўралиш шаклларни, устки кийимларни қаватланишини, деталлар трансформациясини яратиш мумкин. Баъзи ҳашоратларни нурланиши ичига ёритқич ўрнатилган пойабзални яратиш ғояни тўғдиради .

Дизайнда бионик ёндошиш ўзгача конструктив буғумларни, янги хусусиятли фактураларни ҳосил қилишга имкон беради.

Ундан ташқари, бу усул дизайнер эътиборини табиат объектларини диққат билан ўрганишга; одатийда қизиқарли ғоя, принцип ва усулни кўришга имкон беради. Бунда ижодий шахсни ташқи дунё, одамни яшаш муҳит билан

боғланганлиги аёнидир.

Неология усули хорижий ва ўз мамлакатига оид лойиҳалашда ёт ғоялари билан фойдаланиш усули. Умуман айтганда, мода тақлидга асосланган. Шунинг учун мутахассислар ва истъеъмолчилар ҳар бир янгилик ёки аломатни психологик чарчаш рўй берганча тиражланади. Бунга ҳам прототипни фазовий қайта тузиш асосида қиритиш мумкин.

Ўзлаштириш жараёнда қуйидаги саволларни қўйиш ва уларга жавоб бериш керак. Прототипда нимани ўзгартириш керак? Прототипда нимани ўзгартириш мумкин? Қандай қилиб?

Шуниси тушунарлики, прототипни ўзгартирмасдан фойдаланиш ёки ўзлаштириш профессионал жанжалга ва плагиатга оборади.

Ҳақат усулни қўллаш коррект ҳисобланади. Масалан, чарм сумкани ўрилиш масштабини, фрагментлар шаклини ва б. ўзгартириб, либос моделида қўллаш мумкин.

Каррикатура усули – дизайн маҳсулотининг сиймо ечимини беъмани, янги тасодифий ечимини ҳосил қилишга олиб келадиган усул. У сиймоли модель чегарасини аниқлашга ва ижодий тасаввурни ривожланишига ёрдам беради. Гипербола усули, гротеск сиймони яратиш замонавий модали эскизларида ва баъзи дизанер моделларида ифодали сиймони яратиш учун кенг қўлланади (масалан, И.Мияке, Дж.Гальяно, А. Мак-Квин, Д.Ван Ноттен).

Бошқалар фикрини аниқлаш ёки “ақл йиғиладиган усули” доимо талабалар ўқитилганда уларни қандайдир муаммо ечиш тўғрисида суралганда қўлланади: “Бу тўғрисида нима ўйлайсиз?” Этилган кўп мулоҳазалар асосида лойиҳа вазифасини ечиш учун оптимал варианты аниқланади.

Умуман айтганда, дизайнер кабинет ходими эмас. Дизайн маҳсулотини ишлаб чиқишда коллектив ижод муҳимдир. Баъзи дизайн-студиялари ишни бошлаганда етарли миқдорда ғояларни генерация қилиш учун кўп одамларни жалб этишади. Бунга лойиҳалашдан олдин дастлабки тадқиқотларни ўтқазиб босқичини қиритиш мумкин, қайерда лойиҳанинг муаммолари ва мақсадлари шаклланади: илмий-техникавий журналларидан, суров ва интервьюлардан, аналогларни ўрганишдан маълумот йиғилади. Булар барчаси янги маълумотни ҳосил бўлишига олиб келади.

Декомпозиция ва кетма-кет яқинлашиш принцип усули - мураккаб вазифани қисмларга ажратиш ва кетма-кет уларни ечиш. Бу усул “ўзлаштириш” усулга ўхшайди. Масалан, лойиҳалаш вазифаси аёллар устки кийим сериясини ишлаб чиқиш, бу усул билан фойдаланиб лойиҳани бир неча кетма-кет босқичларга бўламиз: қандай янгиликни сиз тавсия этасиз, қандай стереотипдан воз кечиш керак – бу асосий босқич; қандай ассотиментни ишлаб чиқиш керак; саноат ёки шахсий буюртма учун; қандай шакл, силуэт, пропорцияларда ва бошқа композицион воситаларида бўлади; сўнг бош ва оёқ кийимлар ва аксессуарлар тўғрисида ўйланади.

То ғояга мансуб ечим топилмаганча бу йул билан юриш керак. Бунда мураккаб лойиҳа вазифасини аввал ечиш учун енгил вазифаларга бўлиш мумкин бўлганда “ўзгартириш усули”ни қўллаш маъқул. Масалан, эстрада костюмни эскизлар сериясини яратиш учун аввал сиймони, имиджни, сўнг

безаклар ва костюм ўйланади.

Ёрдамчи вазифа усули - ўхшаш вазифани ечиш ва уни ечишга халақит берадиган кўрсаткичларни аниқлаш. Шундай эвристик усул билан костюм дизайнерлари доимо фойдаланган. Бу усул бошқаларни ўхшаш ғояларни (мода журналларидан, кўрғазмалардан, либос моделлари намойишидан, магазин, бутик ва бозорларни қатнашишдан) киритишдан ва уларнинг фазилатларини ва камчиликларини астойдил таҳлил этишдан иборат. Бу усул ўзгани лойиҳалаш тажрибасини қўллаб, мураккаб вазифани ечишга имкон беради.

“Камчиликлар рўйхати” усулида буюм камчиликлари батафсил тўлиқ рўйхати тузилади. Агар тайёр буюмнинг сифатини яхшилаш вазифа қўйилса, бу усулни қўллаш тавсия этилади. Рўйхат камчиликларни йўқотишга ёрдам беради. Умуман айтганда, дизайнердизайн махсулотини истъеъмолчисига айланиб кўпроқ сураш ва саволлар бериши керак.

Ёрдамчи саволлар усули психологик инерцияни пасйитиришга ва вариантларни қидиришни тартибга солишга ёрдам беради. Қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин: буюмда нимани айириш, парчалаш, катталаш ва х.к. мумкин. Масалан, вазифа плашчни лойиҳалаш бўлса, қуйидаги ёрдамчи саволларни қўйиш мумкин: Плашч трансформацияланадиган бўладими, қандай деталлари ва қандай қилиб? Қавилган астари олиб қўядиган бўладими, қандай материалдан қилинади? Плашч кимга мўлжалланган? Плашчни авра материали арзон (синтетик пленка, сунъий чарм, газлама) ёки қимматбаҳо (табиий чарм, замша, қимматбаҳо газлама) бўладими? ва б.

Саволлар керакли ечимга олиб келади ва лойиҳалаш жараёни энгиллаштиради яна *“етти карра қидириш уй”* усули қўлланса. Бу усул дизайнер ўзига қўядиган етти саволга асосланган: Ким? Нима? Қаерда? Нима билан? Нима учун? Қандай қилиб? Қачон?

Вазифани ечиш жараёнида қидириш йўлларни кенгайтириш учун вазифа формулировкасини ўзгартириш усули билан дизайнер олдида стратегик вазифа қўйилганда фойдаланади. Масалан, берилган вазифа плашчни лойиҳалаш бўлса, унинг формулировкасини қуйидагича ўзгартириш мумкин: сув ўтқазмайдиган ёки сувни ўзидан қочирадиган газламадан ёки полиэтилен пленкадан ва б. плашчни яратиш; сув муайян холда оқиб кетадиган ёки маълум жойларга йиғиладиган плашчни яратиш; кнопка босилганда капюшони соябонга айланадиган плашчни яратиш; тахлаганда кичкина сумкага сиғадиган плашчни яратиш ва х.к.

Агар ўзгарган вазифа формулировкаси кутилмаган ҳаттоки беъмани бўлса, ечими ҳам қўйилган вазифага биноан тасодифий бўлиши мумкин.

Умуман *“вазифа формулировкасини ўзгартириш”* усули лойиҳа ечимини қидириш доирасини кенгайтиради ва дизайнерни фикирлашини мобиллиги намойиш этади.

Антропотехника усули – одамни физик имкониятларига мос янги буюмларни лойиҳалаш усулидир. Ҳаттоки авангард моделларида ҳам одам тана пропорциялари, буюмнинг қўлайлиги инобатга олиниши керак. Масалан, чунтакларни жойланиши фойдаланишга қўлай бўлиши керак, сумканинг тақилмаси бир қўл билан очилиши керак.

Эмпатия усули лойиҳалаётган буюмни “ролига кириш”. Бу усул билан театр актерлари фойдаланади. Масалан, шаҳар транспортида юриш учун кийим яратиш. Дизайнер бу буюм “ролига кириб”, уни нуқтаи назаридан анъанавий ечимларини таҳлил этади. Демак, газламаси силлиқ бўлиши керак, осилган деталлари бўлмаслиги керак ва х.к.

Илғор технологиялар усули – “идеал буюмни” кидириш усули. Унинг асосий мақсади буюм мўлжалига идеал мос бўлиши керак. Масалан, идеал курткани лойиҳалаш вазифаси қўйилган. Халқаро стандартига кўра куртка ҳажми етарли даражада бўлиши лозим, конструкцияси буюмни фигурада идеал ўтиришини ва эркин ҳаракатни таъминлаши керак; барча деталлари (чунтак, кокеткалар ва б.) қўлайликни таъминлаш керак, тақилмаси икки қаватли (“молния”, тасма ва пистонга ва б.) бўлиши керак; белида ва этагида энини ўзгартириш учун кулиска, белбоғ, резинка, хлястик ва б. қилиниши керак; капюшон трансформацияланидаган (очиладиган, тахланадиган, ёйиб қўйиладиган, маҳсус чунтакка солинадиган) бўлиши керак; куртка гигроскопик бўлиши шарт (перфорация, маҳсус астар ёрдамида).

“Ақл ҳужуми” усули – бу қисқа муддатда коллектив ғояларини генерация қилиш. Бу усулда ушбу муаммо билан шуғулланмайдиган турли мутахассисли одамлардан коллектив ташкил этилади. Коллектив корхона билан боғлиқ эмас жойда йиғилади, уни таъсири бўлмаслиги учун. Бу ҳолда қуйидаги шартлар қўйилади: коллектив катта эмас бўлмаслиги лозим, коллектив аъзолари кетма-кет тез ўз фикрини этиши керак, танқид ман этилади, жараён магнитофонга ёзилади. Сўнг коллектив иш натижаси мутахассисларга берилади, улар ғояларни таҳлил этишади, ҳаттоки бемаъни хазил ёки пародоксал бўлса ҳам, баҳолашади ва ечиш моҳиятни аниқлашади.

Интуитив фикирлашга асосланган ғояларни генерация қиладиган усуллар “мия ҳужуми” усулидан келиб чиққан:

- “ақл мусоҳара” усули – танқид ман этилган ҳолда қатнашувчиларни тез сўров қилиш. Бу ҳолда ғоя мантиқий яқунгача етқизилгани боис бу жарён кўп вақт жалб қилади, шунинг учун бу усул мусоҳара дейилади;
- “дельф усули” (қадимий Юнонистон шаҳри Дельфда оракул бўлган) – экспертлар баҳоларини йиғиш тизимини ташкил этиш ёрдамида эксперт прогнозлаш, уларни математика-статистик таҳлил этиш ва ҳар бир цикл натижаси асосида кетма-кет корректив қилиш усули;
- “қароқчилар мажлиси” усули “мия ҳужуми” усулига ўхшайди. Бу усул кидириш, таҳлил этиш, танқидий баҳолашда, эксперт баҳолашда ва хулоса чиқаришда қўлланиши мумкин.

Ўйин усули модада ўйин фурсатини назарда тутаяди, ўйин эса доимо инновацион фаолият билан боғлиқ. Ўйин мода намуналари ва сиймоларини ўзгаришига оборади ва қидиришни рағбатлантиради. Ўйин учун жараённи ўзи муҳим, қайерда буюмни трансформация ва яқунига етқазмаслик асоси қўйилади. Эркин рух, театраллик, таввақал ва эрмак – бўлар барчаси замонавий дизайн элементлари.

XXI аср либос коллекцияларида ўйин усули кўпинча қўлланади: деконструкция, эклектика ва б.

Таянч иборалари: ўйин усули, эмпатия, антропотехника, ақл хужуми, илғор технология, декомпозиция, каррикатура, бионика, аналогия, ассоциация, эвристика, неология.

Назорат саволлари.

1. Эвристика тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Эвристик усуллар турлари.
3. Ассоциация усулини таърифлаб беринг.
4. Аналогия усулини таърифлаб беринг.
5. Бионика усулини таърифлаб беринг.
6. Каррикатура усулини таърифлаб беринг.
7. Бошқалар фикрини аниқлаш усулини таърифлаб беринг.
8. Декомпозиция усулини таърифлаб беринг.
9. Ёрдамчи вазифа усулини таърифлаб беринг.
10. Камчиликлар рўйхати усулини таърифлаб беринг.
11. Ёрдамчи саволлар усулини таърифлаб беринг.
12. Антропотехника усулини таърифлаб беринг.
13. Эмпатия усулини таърифлаб беринг.
14. Ақл хужуми усулини таърифлаб беринг.
15. Ўйин усулини таърифлаб беринг.

Маъруза № 11

Мавзу: *Костюмни бадиий лойиҳалаш усуллари.*

Режа

1. Мухит лойиҳалаш принциплари.
2. XX1 асрда костюм дизайнида ечилишга лозим масалалари.
3. Дизайнернинг фикрлашига ихтисос йўналишлари.
4. Лойиҳаланаётган масалани ечиш учун дизайнерни ижодий жараёнида режаси.
5. Комбинаторика усуллари.
6. Жойини ўзгартириш.
7. Кўшимча (ўйиб ўрнатиш).
8. Трансформация.
9. Кинетизм.
10. Размерсиз кийимни ишлаб чиқиш.
11. Яхлит мато бўлагидан кийим ишлаб чиқиш.
12. Лойиҳалашнинг модуль усули.
13. Деконструкция усули.
14. Инверсия усули.

Адабиётлар: 4.

Ҳозирги шароитда кийим дизайнини ўқитишнинг асосий вазифаси лойҳалаш учун ҳар хил усулларидан фойдаланиб, ижтимоий ва маданий муамолари билан боғлиқ, олдида муҳим лойиҳа вазифаларини қўядиган ва уни ечадиган мутахассис тайёрлаш.

Постмодернизм эстетикаси истеъмолчининг эстетика эҳтиёжларига биноан пайдо бўлиб, яни эстетик ва экологик муаммолари янги сиймолар, янги шакллар, технологик усуллар ва кийим моделларида замонага яраша янги тамойилларни талаб қилади.

Эски лойиҳалаш принципларини ўрнига “муҳит” лойиҳалаш принциплари келди: инсон экологиясини инобатга олиб, лойиҳалаш реал маданий-тарихий контекстга киритиш; абстракт истеъмолчига эмас, балки индивидуал шахсга инъом этиш; дизайн объектининг асосий истеъмолчиси билан ҳаммуалифлик этиш; дизайнер берган схемасига билан пассив фойдаланмасдан, дизайн махсулотигига актив ижодий муносабатда бўлиш; дизайнер фаолиятининг моҳияти, буюм муҳитнинг қўпгина объектларини яратмасдан, инсоннинг турмуш тарзи сценарийсини тақдим этишдир.

Шу сабабдан дизайн мухсулотларига янги талаблар қўйилади: гўзаллик, инсон психикасига яхши таъсир этиши, ижобий ҳиссаларни туғдириши, ижод этишга имконият бериши лозим.

Костюмни моделлашда айрим вазифа қўйилса, дизайн эса умумий муаммони қўйиб, уни ечишга уришиб қўради. Бу муаммолар модали тенденциянинг жиҳати бўлмасдан, инсонни жамиятдаги фаолиятига таалуқлидир. Агар кийимни моделлаш яхши шакл ҳосил қилиш, фигурага мос бўлиш, замонавий бўлиш мақсади қўйилса, дизайн эса муайян мақсадда эркинлик бериб “шаклни бузади” (деконструкция усули), буюмни гавдада бошқа классик европа анъаналарига оид бўлмаган ўрнашишни атайлаб синаб қўради.

Дизайн янги йўналишларни ишлаб чиқади, уларга асосланиб модада тенденциялар ривожланади.

XXI аср костюм дизайни қуйидаги масалаларни ечади деб тақазо этиш мумкин: оддий шаклни мураккабга трансформациялаш; размерсиз кийимни ишлаб чиқиш; тикилмаган кийимни тавсия этиш; оддий бичим асосида кийим яратиш; ҳар хил ассортиментларнинг бир-бирига киришиши ва қўшилиш тенденциясини ривожлантириш; оддий воситалар ёрдамида кийим ишлаб чиқиш; “унисекс” буюмларни яратиш; комфортни тақдим этиш учун кийимни трансформация этиш; янги материаллар, фактуралар ва нақшларни қидириш; янги технологик усулларини тақдим этиш; идеал буюмни ишлаб чиқиш; ноанъанавий материаллардан бир марта фойдалаланадиган кийим лойиҳалаш.

Натижада костюм дизайни кийимни комфортлилигини, ташқи муҳит билан уйғун қўшилишин, кийимнинг янги шаклларини яратиш муаммоларини ечишга уринади. Комбинаторика, модуль, деконструкция ва бошқа усулларидан фойдаланиб, дизайнер келажак кийимни ривожланиш йўлларини тақдим этади.

Дизайнернинг фикрлаши ихтисос йўналишга оид ривожланса ва дизайнер ўзи қуйидаги хусусиятларга эга бўлса, лойиҳалаш шундагина фойдали натижа

беради: масалани аниқ кўриш ва ифодалаш қобилияти бўлиши лозим; қисқа вақт давомида кўп ғояларни тез ишлаб чиқиши лозим; ажойиб ечимларни топиш; берилган муаммога оид жуда зўр ечимларни тез ўйлаб чиқиш маҳорати бўлиши лозим.

Лойиҳаланаётган масалани ечиш учун дизайнерни ижодий жараёнида режа мавжуд бўлиши лозим: ғояни пайдо бўлиши ва масалани кўйиш; маълумотни йиғиш ва тўплаш, ижодий манбани танлаш; кучни концентрациялаш, интенсив ишлаш, ҳар хил эвристик ва лойиҳалаш усулларидан фойдаланиш; танффус этиш, диққатни четга тортиш ва бир неча вақт ўтгандан сўнг яна ечимга қайтиш, янги нуктаи назар билан уни баҳолаш; фикрнинг равшанлашуви – яқуний оптимал ечимни ҳосил қилиш.

Назарий ва амалий иш барча лойиҳалаш босқичларида умумий лойиҳалаш усулида тузилиши мумкин: муаммо ситуациясини англаш; лойиҳалашдан олдин таҳлил этиш; масалани ечиш учун воситалар ва принципларни таърифлаш; формал сиймони ташкил этиш; лойиҳани ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаш услубий жураённи тўрт асосий босқичга бўлиш мумкин: информацион қисм; таҳлилий-тадқиқот қисм; синтетик қисм; коммуникатив-амалий қисм.

Комбинаторика усуллари. Кийим лойиҳалашда комбинаторика усулларни илк бор 1920 йилларда конструктивистлар А.Экстер, А.Родченко, Л.Попова, В.Степанова қўллашган.

Тизимга оид таркибий таҳлилни ўзлаштириб ва абстракт рангтасвирда “формал тажрибалар” билан шуғулланиб, конструктивистлар бу усулларни кийим ишлаб чиқишда фойдаланишган. Кийим лойиҳалашда улар бир неча шакллантириш усулларини қўллашган: оддий геометрик шакллар тўпламидан стандарт элементларни комбинациялаш; базавий шакл асосида ҳар хил безакларни комбинациялаш; тайёр стандарт объектларини комбинациялаш. Кейинчалик шаклни ҳосил қилишнинг программалаштирилган усуллари саноатга оид коллекцияларни лойиҳалашда фақат етакчи усул бўлмасдангина график компьютер дастурларнинг асосига ётади.

Комбинатор усулларига қуйидагилар киради: комбинаторика, трансформация, кинетизм, размерсиз кийим ишлаб чиқиш, яхлит бўлак матодан кийим яратиш.

Комбинаторика – дизайнда фазовий, конструктив, функционал, график таркибларни вариантли ўзгариш қонуниятларини қидириш, тадбиқ этиш, фойдаланишга ва типик элементларидан дизайн объектларини лойиҳалаш усулларига асосланган кийим шаклини ҳосил қилиш тарзи.

Соддароқ айтганда, комбинаторика – бу ҳар хил тарзда шакл ва унинг элементларини комбинациялаш.

Комбинаторика – бу вариантли изланиш, уни лойиҳалашда бир қатор асосий усулларга ажратиш мумкин:

- тўқимачилик композицияларини, раппортли газламаларни ёки трикотажд полотносини ишлаб чиққанда элементларни текисликда комбинациялаш;
- яхлит шакл ҳосил қилинганда типик стандарт элементларни (модуль)

комбинациялаш;

- муайян шакл ичида (бир конструктив асос ёки базавий шакл) деталларни ва пропорционал бўлинишларни комбинациялаш;

- тайёр комплектларни ташкил этиш, тайёр вариантларни компьютерда кидириш.

Комбинаторика маълум усуллардан фойдаланади: жойини ўзгартириш, кўшимча гуруҳлаш, айланиш, ритмларни ташкил этиш.

Жойини ўзгартириш ёки эвристик комбинациялаш, элементларни ўзгартириш ёки аламашишни назарда тутаяди. Бу усул лойиҳалашда кенг тарқалди, чунки оддий ва деярли қутилмаган натижа беради. Кийим бўйлаб деталларни компановка қилинганда, бир деталлар бошқалари билан алмаштирилганда, бир конструктив асосда буюмнинг деталлари вариантли фойдаланишда бу усул қўлланади. Масалан, ёқани чунтак, белбоғ, сумка, трансформацияланадиган квадрат, учбурчак, доирага ва бошқага алмаштириш. Баъзан, бу ғоя беъмани бўлса ҳам, унда оқилона ғояни топиш мумкин.

Кўшимча (ўйиб ўрнатиш) усули оддий шаклдан мураккаб шакл ҳосил қилинганда фойдаланади. Оддий шакл маълум йўналишда (вертикал, горизонтал, диагонал ёки аралаш) қирқилади ва турли шаклли геометрик шакллар (квадрат, тўғрибурчак, учбурчак, доира, капалак, гул ва б.) орасига киритилади.

Трансформация (лот. transformatio – ўзгариш) – кийим шаклини бошқа турга айлантириш ёки ўзгартириш учун кийим лойиҳалашда кўпинча фойдаланадиган усул. Трансформация жараёни динамика, ўзгартириш ҳаракати билан мавжуд бўлади.

Трансформация куйидагича амалга оширилади: бир шаклни иккинчисига ўзгартириш (масалан, узун юбкани калта қилиш, тахлама сумка ва б.); бир деталь шаклини ўзгартириш (масалан, ёқанинг учи қайтарилади, урилади, боғланади ва ҳ.к.).

Кинетизм (юнон. kinetikos – ҳаракатга келтирмоқ) комбинация қилиш назарда тутилган лойиҳалаш усули, унинг асосида кўз илғайдиган шаклни ҳаракатга келтирадиган ғоя олинган.

Кинетизм усули шаклда безакда, нақшда ва б. кўз илғайдиган динамикани ҳосил қилиш. Шаклнинг ҳаракат ғояси В.Татлин, К.Мельников, А.Родченко, ва б. мансуб, 1920-1960 йй. бу ғояни Л.Мохой-Надь, М.Дюшан, Р.Сото, Н.Шоффер, Вазарелли ва б. ривожлантиришган.

Костюм дизайнида кинетизм усули кийимни трансформациялайдиган деталлар динамикасида, айланаётган ва ҳаракат қилаётган элементларида қўлланади. Кўзни алдайдиган график воситалар ёрдамида “оп-арт” услубида моделлар коллекцияси ишланган. Асосан иллюзия эффекти тўқимачилик соҳасида кучли динамикани яратиш мумкин.

Размерсиз кийимни ишлаб чиқиш – ҳар хил қоматли одамларга мос келадиган ўрта размерли кийимни ишлаб чиқиш учун комбинацияланган лойиҳалаш усулидир. Размерсиз кийим турли ҳажмли трикотаж кийимларида мавжуд. Бундай кийим турини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади, яъни маълум комбинация ёрдамида ҳаётнинг барча ҳодисларига

мос костюм гардеробини ташкил этиш мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, буюмлар оддий, ҳаттоки шакли примитив бўлиши керак, улардан оддий ва мураккаб комплектларни ташкил этиш мумкин. Бу ерда “оддийдан мураккабга” ўтиш усули.

1990 йилда американ дизайнерлар трикотаждан модали кийимларнинг ўзгарувчан гардеробини тақдим этишди. Тақдим этилган комплектнинг айрим қисимлари (“труба”) жуда оддий бўлган. Ушбу оддий шакллар комплектнинг қисми сифатида бир-бири ёки бошқа кийимлар билан комбинацияланиб кийилиши мумкин.

Размерсиз кийимнинг ассортименти ҳар хил: қўш бурмали топлар; ҳар хил қўш бурмали юбкалар; ёпишган силуэтли, узунлиги минидан максигача юбкалар; ҳар хил размерли “хомутлар” ёкалар, лиф, белбоғсимон кийиш мумкин.

Размерсиз кийим ғоясини япон дизайнерлари ҳам тақдим этган. Масалан, И.Мияке барча одамларга мос, бўйига ва кундалангигоа гофрени қўллаб, кийим коллекцияларини тақдим этган. Демак, кийимнинг танага ёпишиб туриш эффектига эластик трикотаждан ташқари, гофре, плиссе, ғижимланган фактура, лайкра ва резинка қўшилган мато, кулиска ва драпировка ёрдамида эришиш мумкин.

Эластик материаллар ривожланганлиги боис “ҳаммабоп кийим” лойиҳалаш учун имкониятлар кўп. Имтеъмолчи эса комплект яратганда ўз ижодини ҳам қўшади.

Яхлит мато бўлагидан кийим ишлаб чиқиш – бичилмаган ва тикилмаган кийимни комбинаторика усулида яратиш. Бу усул қадимдан бўлган: ибтидоий халқларда, қадимий юнон ва римда, ҳинд ва ҳиндуларда ва б. халқларда.

Тикилмаган кийим усули технология ва конструктив жиҳатдан жуда қизиқарли ва самарали. Ҳар хил мосламалар (боғлаш, тугун, бантлар, фурнитуралар) ёрдамида трансформация ўзгариши рўй беради. Масалан, Франция “Эрмес”фирмаси ўз “карэ” рўмолари билан дунёга машҳур кўрғазмаларда доимо ўз маҳсулоти билан фойдаланиш усуллариини намоён этади. Масалан, рўмол-карэдан (90x90 см) бўйни ва белида боғланадиган лиф, халқа ёрдамида лиф-бикини, ўраб кийиладиган юбка-саронг, бўйин безакларни ва ҳ.к. барпо этиш мумкин.

Матода кесим қилиб, ҳар хил кийим турларини тақдим этиш мумкин.

“Оригами” усулни қўллаб компаньон-материаллар, иккиюзли газламалар, турли матолар, ҳар хил безак, мосламалар, кесимлар, қўшимчалар ва турли геометрик шаклда мато бўлакларини қўллаб костюм қисмларининг турлича вариантларини тақдим этиш мумкин.

Лойиҳалашнинг модуль усули. Дизайн буюмларини ишлаб чиқишда модуль лойиҳалаш усули – стандартизация соҳасида энг самарали фаолият. Бу усул буюмнинг таркибий элементларини унификациялашга мухтожлик тўғдиради. Унификациянинг асосий принципи – унификациялашган элементлардан (модуллер) фойдаланганда ҳар хил дизайн буюмларини ҳосил қилиш. Модулга оид лойиҳалаш конструктив, технологик ва функционал яқунликни барпо этади.

Модуль – меъёр ўлчовидир. Аввал одам танасининг айрим қисмлари меъёр ўлчови бўлган: дюйм – катта бармоқ бўғимининг узунлиги; пядь – икки томонга сурилган катта ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа; фут – одам оёқ кафтининг ўртача узунлиги ва б. Масалан, Англия – ўрта аср меъморчилигида фут модуль бўлган, Италияда – квадрат ва тўғрибурчак ва ҳ.к. Шу тарзда, меъморчиликда модуль билан фойдаланиш яхлит ва унинг қисмларини уйғунлигига эриши учун бадий воситадир.

Модуль – бу яхлит шаклда такрорланиб, қолдиқсиз жойланадиган асос қилиб олинган ўлчов меъёри. Карралик – модулни қолдиқсиз жойланиши. Замонавий меъморчилик модули – 10 см; қурувчиликда – 30 ёки 40 см; станоксозлик ва асбобсозликда – 5 см; интерьер жиҳозларида – 5 ва 15 см. Бадий шаклларни вариантлиги – халқ ижодини ўзига хослиги. Масалан, халқ нақши, одатда, бир неча такрорланган элементлардан иборат. Доғистон заргарларининг нақши 27 стандарт элементлардан тузилган, Озарбайжон кашталарида 3-5 бир хил мавзулар қўлланган.

“Ҳозир барчаси шунчалик “кутю” кўринишда кимматбаҳо бўлгани боис, янгича ўйлашни бошлаш, қандайдир бир янги нарсани тақдим этишвақти келди” – деган машҳур япон дизайнери И.Мияке. Машҳур дизайнер Пако Раббани металл пластинкаларидан модул усулуда ажойиб кийим коллекциясини яратган. Бу янги модулдаги кийимни тақдим этишдир.

Модуль одамни тана ўлчамлари ва кийимнинг оптимал ўлчамлари асосида танланади. Одатда, модуль оддий геометрик шакллардан иборат. Кийим дизайнида “пэчворк” усули қўлланганда модулнинг асосий хоссаси – унинг ўнг ва тескарасига “тоза” ишлов берилади. Уларга қўлланган материаллари, бириктириш усуллари, ранглари, геометрик шакллар турли вариантли буюмларни яратишга имкон беради.

Трансформация усулида буюм шаклини ўзгартиришга имкон берадиган бириктириш усуларни қўллаш лозим. Буюм шаклини ўзгартириш сабаблари қўйидагилар бўлиши мумкин: кичкинадан катта қилиш ёки каттани кичик қилиш (бу модулни ўраш ёки ёзиш усули); оддий шаклдан мураккаб шаклни ҳосил қилиш, ёки мураккаб шаклдан оддийсини яратиш; шаклни ўзгартириб, буюмни нимага мўлжаллангалигини ўзгартириш.

Модуль мураккаб шаклли бўлган ҳолда (гул, япроқ, капалак, қушлар ва б.), уларни бир-бирига тикиб қўйиш, бир-бирига кашта усулида (“ришелье” кашта элементи) ёки фурнитура ёрдамида бириктириш мумкин. Ҳар хил шаклли модулларни бирининг устига бири бириктирилганда мураккаб композицияларни яратиш мумкин.

Халқ амалий-декоратив санъатида модуль принципи кенг қўлланган. Масалан, ўзбек амалий-декоратив санъатида “кўроқ усули”да маиший буюмлар (ёстик, чойшаб ва б), болалар кийими ишланарди.

Замонавий костюм дизайнида модуль усулида машҳур дизайнер П.Раббани моделлар коллекциялари ишланган. Модуль сифатида ҳар хил геометрик фигуралар (квадрат, тўғрибурчак, овал, доира, учбурчак ва трапеция) ва мураккаб элементларни қўлланган. Материал сифатида асосан металлни олган. Модуль элементлари туноғич, скрепка ва б. фурнитуралар ёрдамида

бириктирилган ёки устима-усти бириктирилган.

“Пэчворк” усули ҳам замонавий дизайнерлар ижодида кенг қўлланмоқда.

Деконструкция усули. 1980 йилларнинг бошида япон дизайнери Ё.Ямамото ва Р.Кавакубо ва кейин бельгияликлар Д.Ван Ноттен ва А.Дольмейстерлар деконструкция усулини тавсия этишди. Жан Поль Готье ва Джон Гальяно бу услуни қўллашди.

Либос моделлашда деконструкция усули янгича ёндошиш, фигурада буюмнинг ўтиришини ва унинг шаклини эркин манипуляция қилишини назарда тутди. Япония дизайнерларнинг ишлари европа дизайнерларига кучли таъсир этди. Улар қизиқиш билан носимметрик бичимни, буюмнинг четини нотекислигини, узилишни, турлича йиртиқлар ва кесикларни, конструкциянинг чап ва ўнг томонига бўлишни, инверсияни (чоклар буюмни ўнг томонида, лацканлар орқасида, тақилмалар ноанъанавий жойларда, виточкалар ўнг томонида), тугалланмаган элементларни, анаънавий технологияни бузилишини моделларида кенг қўллайдиган бўлди.

Инверсия (лот. *inversio* – ўрин алмаштириш) ўзига хос қизиқарли усул – зидни асос қилиб лойиҳалаш усули, ўрин алмашиш усули, кўпинча беъмани ўрин алмашишда.

Натижада костюм дизайнида бу усулнинг айрим мисоллари қуйдагилар: чоклари ўнгига тикилган буюмлар; ичи бўш кўп сиртки чунтакли сумкалар; иккиюзли буюмлар; фирма лейблини (белгиси) буюмнинг ўнг томонига чиқариш; ва ҳ.к.

Инверсия дизайнерни ноанъанавий фикрлашга, умуман янги ғоя пайдо бўлишига имкон беради. Масалан, ёқа ва лацканлар этагида жойлашган, кўйлак ва галстук юбкага айланади, шимлар блузкага ўхшаб қўлга кийилади ва б.

2000-2007 йиларда деконструкция одатий кийим комплектларини бузиш томонига ўзгарди: блуза, майка ва бир энгли куртка; бир почали шим; фақат бир чап ёки ўнг томонли курткалар; орт бўлакисиз ва олинадиган энгли куртка; юбканинг ярмидан биттаси иштон почаси; юбканинг ярми; чўзилишга оид кийимга ўтган жакет; ва б.

Либос кийиш усули ҳам ўзгарди. “Гранж” услубини кучли таъсири кўринди: жўртага қилинган пала-партишлик, ҳар хил узунликдаги буюмларни қават-қават қилиб кийиш.

2001 йил мода программасининг энг муҳим доврўғи – трикотаж кийимда, шимларда, жакетларда, юбкаларда ва энгларда кундаланг сер бурма қилиш бўлди.

Ундан ташқари, анъанавий классик ансамбль “жакет-юбка-блузка” ҳам бузилди. Классик пиджакка юбка ўрнига ички кийим услубидаги “пачка” туридаги юбка, жакет+шортлар, пиджак галстук билан+трусилар, нимча+футболка+шортлар, пиджакнинг иккига бўлиниши ва ҳ.к.

Шундай қилиб деконструкция усули 1990 йй. охири – XXI аср бшида дизайннинг фарқловчи хусусияти бўлди. У коматда кийимнинг эркин ўтиришини, ғижимларни мавжудлигига, тана ва кийим орасида ҳавони мавжудлигига сабаб бўлди ва кийимни комфорт қилди. Ундан ташқари, деконструкция классик костюм турғунлигини бузишни тавсия этди ва кийим

кийишнинг янги усуллари тақдим этди.

Таянч иборалари: комбинаторика, трансформация, модуль, инверсия, деконструкция, костюм, кинетизм.

Назорат саволлари.

1. Муҳитни лойиҳалаш принципининг асослари.
2. XX1 аср костюм дизайни қандай масалаларни ечиши мумкин?
3. Дизайнерни ижодий жараёнида қандай режалари мавжуд бўлиши лозим?
4. Замонавий костюмда комбинаторика усулини қўлланиши қай даражада?
5. Комбинаторика усулининг турлари.
6. Жойини ўзгартириш усулини таърифлаб беринг.
7. Қўшимча усулини таърифлаб беринг.
8. Трансформация усулини усулини таърифлаб беринг.
9. Кинетизм усулини таърифлаб беринг.
10. Размерсиз кийимини ишлаб чиқиш усулини таърифлаб беринг.
11. Яхлит мато бўлагидан кийим ишлаб чиқиш усулини таърифлаб беринг.
12. Модуль усулини таърифлаб беринг.
13. Деконструкция усулини таърифлаб беринг.
14. Инверсия усулини таърифлаб беринг.

Маъруза № 12

Мавзу: *Костюмни лойиҳалаш асослари.*

Режа

1. Лойиҳалашнинг асосий босқичлари.
2. Лойиҳалашдан олдинги вазиятни таҳлил этиш.
3. Таҳлилни синтез этиш.
4. Ижодий концепцияни ишлаб чиқиш.
5. Дизайн–лойиҳанинг асосий вазифаларини аниқлаш.
6. Лойиҳалаш усуллари.
7. Лойиҳа-график моделлаш.
8. Техникавий моделлаш.
9. Компьютер дизайни.
10. Макетлаш.

Адабиётлар: 4

Костюм лойиҳалаш – бу тадқиқот этиб, эскизлар, макетлар ва моделларни яратиш, буюмларни чизмасини ва хисобини ишлаш, тажриба учун намуналарни ишлаш, белгиланган хусусиятларга эга янги кийим памунасини яратиш жараёндир.

Дастлабки лойиҳалаш тадқиқотлар ва ўхшаш моделлар таҳлили асосида янги ижодий концепцияда тўғилади, улар энг аввалосиймода ўз аксини топади. Сиймо балки эскизда яратилиб, макетда ва кейин моделда ифода этади ёки бевосита газлама билан макетлаш жараёнида моделга айланади.

Лойиҳалашни асосий босқичлари. Янги буюмларни, янги хоссаларни ва буюм муҳитини янги функцияларини лойиҳалашга дизайн фаолияти мосланган.

Лойиҳалаш жараёнида фаннинг ютуқлари қаторида (социология ва прогнозлашни) сиймо-ассоциатив усуллари ҳам ўрганилади, улар шаклни маъно ва социомаданият мазмуни билан тўлдирди.

Дизайнер фаолиятини лойиҳалаш асоси – ижтимоий талабларни инобатга олиш.

Костюмни лойиҳалаш асосий босқичлари қуйдагилар: лойиҳалашдан олдинги вазиятни таҳлил этиш; шакллантириш маълум турларини таҳлил натижаларини синтез этиш; асосий вазифаларни аниқлаш;

- лойиҳа вазифани ечиш учун оптимал вариантларни қидиришда ҳар хил лойиҳалаш усулларни қўллаш.

Лойиҳалашдан олдинги вазиятни таҳлил этиш. Лойиҳалашни бошланғич босқичида лойиҳалашдан олдинги тадқиқотларда буюмни функцияларини, буюмлар ёки шароит комплексини, лойиҳалаётган буюмни ёки шароитни ташқи кўриниши тўғрисида, ўхшаш моделларни борлиги бўйича кўрсаткичлар таққосланади.

Лойиҳалашдан олдинги таҳлил ижтимоий-иқтисодий, функционал (буюм билан фойдаланиш усулларни тадқиқот этиш), функционал – қийматига оидлигини (аҳолининг ҳар хил гуруҳларни истаклар таркибини таҳлил этиш), технология ва шаклни (буюм ва уни аналогларнинг таркибини таҳлил этиш, композицион, конструктив ва пластик ечимларини қидириш) таҳлил этишни назарда тутади.

Лойиҳалашдан олдинги таҳлилнинг натижасини шакллантириш муайян турларида синтез этиш. Дастлабки лойиҳалаш таҳлилдан сўнг буюмни моддийлаштириш усулда (композициясини таркиблаштириш ва уйғунлаштириш) натижасини синтезлаш.

Дизайнда синтез – бу дизайнерлик таҳлилда лойиҳага оид маълумотларни фикрий тартибга солиш жараёнидир ва уларни яхлитликка бириктириб, лойиҳа сиймосини яратишдир. Ягона буюмларни таркибланиши шаклланиш деб номланади. Синтез усуллари тизимли (комбинатор, ўхшашли) ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган интуитив ҳаракатда бўлиши мумкин. Синтез жараёнида ўтқазилган тадқиқотларнинг натижаси аниқ шакллантириш усуллари билан амалга оширилади. Костюмни шакллантириш комбинатор ва ўхшаш усуллари етарлича ўрганилган.

Ижодий концепцияни ишлаб чиқиш. Синтез жараёнида ижодий концепция тузиш – бу дизайнер вазифасини ечиш энг муҳим қисмидир. Дизайнда концепция – асосий ғоя, мақсадларни, вазифаларни ва воситаларни маънавий йўналиши.

Дизайн-лойиҳанинг асосий вазифаларини аниқлаш. Дизайн-лойиҳани устидан иш асосий вазифаларни аниқлашдан бошланади. Энг аввало

лойихалаётган буюмни мўлжали ва функцияси, конструктив ва технологик талаблари аниқланади. Шу билан бирга лойихалашнинг мақсади мавжуд буюмларни замонавийлаштириш ҳам, яъни замонавий ташқи кўринишни бериш (стайлинг ёки тимсол асосида лойихалаш), ва вазифани принципиал янги ечим асосида ёки аввал номаълум технологик принцип бўлиши мумкин.

Лойихалаш усуллари. Лойиха вазифаларни энг оптимал вариантини қидириш жарёнида дизайнер моделлаш ва макетлаш усулларни қўллайди.

Дизайнда моделлаш – бу бир бутун объектни ёки объектлар тизимининг вазиятини ёки функционал жараёнини акс этиш, тасаввур этиш ёки таърифлаб бериш жараёндир. Бадий сиймо, лойиха-график (эскиз яратиш), ретроспектив, конструктив, перспектив, техникавий ва компьютер моделлаш усуллари мавжуд.

Лойиха-график моделлаш лойиха ғоясини яратишда ва акс этишда ёрдам беради.

Лойиха-график-моделлаш қуйидагиларни кўзлайди: график шаклини лойиха вазифанинг маъносига мослайди; эскиз лойихани вариант қидирув ва тажриба ҳаракати; қўйилган вазифани ечиш учун лойиха қидирувни мантиқий кетма-кет ва тизимли ёндашиш.

Мавжуд лойиха ғояларни, технологияларни, корхоналарнинг иқтисодини, бадий маданият ютуқларини (меъморчилик, рангтасвир, ҳайкалтарошлик) инобатга олиб, дизайнер аввал ўз тасаввурида келажак буюмнинг эскизини ва дастлабки график тасвирини яратади (қидирув эскиз, фор-эскиз).

Янги ечимларни қидириш ва вариантларини танланиш қоғозда қилинади. Кейин буюмнинг ташқи кўринишини таърифи ва амалий фойдаланиш қоидаси аниқланади. Натижада лойихалаётган буюмнинг бадий-услубий ва рангли-фактуравий ечими (эскиз лойиха) ва конструкцияси, моделнинг пропорцияси ва силуэти тўғрисида тўлиқ маълумот берилади.

Дизайнда энг кенг қўлланадиган усул – *ретроспектив моделлаш*, яъни тимсол ва модел ўхшашларни таҳлилига асосланган ва ушбу таҳлилни асосида янги лойиха вазифасини ташкил этиш. Аммо, бу усул дизайннинг асосий вазифасини бажаришга имкон бермайди – янги буюмларни яратиш эмас, балки мавжудларни такомиллаштиришдир.

Дизайнда бошқа моделлаштириш усул – *конструктив моделлашдир* – бу буюмнинг функциясини ва морфологиясини (morfologiya – буюмни функцияларига мослашган) материал шаклини ўзгартириш. Конструктив моделлаш қуйидагича бўлиши мумкин: корректив - буюмнинг функцияси ва шакли такомиллаштирилинадиган; ўтимли - буюмга янги хоссаларни бериш учун функция ва морфология қайтадан тушуниб етилади (масалан, кийим дизайнида деконструкция усули); проекцион- буюмни функцияси ва шакли қайтадан яратилади (кийим япон дизайнери И.Мияке ижоди).

Дизайнда энг инновацион усул деб *перспектив моделлаш* ёки лойихавий прогнозлаш ҳисобланади, у жамиятнинг перспектив ривожини ўрганиш билан шуғулланади ва шу тимсолига етишга имкон берадиган лойихани яратади.

Костюм дизайнери технолог ва конструктор билан биргаликда аввал экспериментал моделни ишлаб чиқади (синов учун намуна), у синовдан

Ўтқазилади ва шу жумладан истеъмолчилар томонидан. Кейин камчиликлари тузатилгандан сўнг, синов ўтқазиб, саноат учун намуна ишланади (ишчи лойиҳа). Кейин оммавий ишлаб чиқариш учун корхонага берилади. Ишчи лойиҳага қўйидаги ҳужжатлар киради: андазалар, буюмнинг технологик ишлов бериш хариталари, рангли ва фактуравий ечим учун хариталар.

Техникавий моделлаш– бу базавий модель ёки уни график тасвири бўйича чизмалар ва кийим намунаси ишлаш жараёнидир. Ишлаб чиқарилган намуна оммабоп ишлаб чиқариш корхоналарга шакл ва конструкцияси бўйича намуна бўлади.

Замонавий дизайнда *компьютер дизайни* муҳим ўринни эгаллайди, чунки у янги технология ривожланиши нуқтаи назаридан энг перспектив деса бўлади. Компьютер дизайни мустақил йўналишга асосланиб, маълумот билан визуал ишлашга асосланган (компьютер графикаси, дизайн WEB-саҳифалар).

Фото- ва видео кўргазма материаларга компьютер ишлов бериш, рақамли тарқатувчиларнинг визуал маълумотларни кенг ёйилгани (маслан, мода фотосуратчилар энди ретушдан воз кечишди, энди фотография компьютерда ишлаб чиқарилганда нафақат нуқсонлари йўқотилади, балки моделнинг кўз, соч ва терисини рангини ўзгартириш мумкин). Келажакда эҳтимол бу усул тирик фото- ва топ-моделлардан воз кечишга олиб келади. Компьютер дизайни ҳаёлий реал ва виртуал сиймоларни яратишга қаратилган.

2001 йилда Францияда биринчи виртуал фотомодель Ева Солал пайдо бўлган, у “Madam Figaro” журнални муқовасида манекеншчица касбини бошлаган. Унинг иштироқчилари М.Мианс, Ф.Леви ва А.Лейрони бўлган. Улар виртуал персонажларни яратишга ихтисослашган дунёда биринчи фирмани барпо этишган.

Шакл дастурлашга ва серияликка асосланган компьютер графикаси шаклни кўп ҳар хил турларини яратишга, буюмни батафсил моделлашга имкон беради. Уч ўлчамли компьютер графикаси мавжуд эмас объектларни ҳажмий тасвирини яратишга имкон беради. Компьютер дастурлар билан стилистлар фойдаланади (макияж ва соч турмаги, кийим моделини маълум шахс учун танлаш); тўқимачилар ва трикотаж дизайнерлари (нақш, ранг гаммаси вариантларини яратишда); кийим дизайнерлари (моделлар экизини ишлаш); конструктор ва технологлар. Компьютер моделлашнинг ривожланиши ишлаб чиқариш янги технологиялари билан чамбарчас боғлиқ, масалан, реклама ва полиграфияда.

Кийим ишлаб чиқаришда ҳам компьютер дастурлар кенг қўлланмоқда. Улар янги моделлар жорий этилганда харажатларни камайишга, мослашувини ва ҳаракатчанлигини тезлаштиришга имкон беради: лойиҳалашни автоматлаштирган тизими, конструкторлик дастурлари стандарт ва шахсий ўлчамлар асосида нафақат базавий асосни тузишга, унга модел хоссаларини киритишга имкон беради, балки мавжуд эмас моделнинг ҳажмий тасвирини моделлашга ҳам имкон беради.

Аммо, компьютер моделлашнинг истиқболи ажабли бўлса ҳам дизайнда янги моделларни яратганда дизайнерни роли камаймайди. Компьютер ҳеч қачон дизайнернинг ўрнини босмайди, у ижодкорни қўлида фақат мослама

сифатида қолади (қалам ёки мўйқалам каби), лойиҳалашнинг баъзи босқичларини тезлаштириб ва енгиллаштириб. Энг муҳими – компьютер графика дизайннинг моҳиятини ва маъно қийматини асослайдиган янги ғоялар ва тамойилларни ярата олмайди.

Лойиҳалаш усулларида яна бири – *макетлаш*. Дизайнда макетлаш - бу масштабда ёки аслига мос ҳар хил материаллардан макетларни ишлаш. Макет – лойиҳалаётган буюмни материалдан ишлаб чиқаришдир. Ҳажмий макетлар буюмнинг фазовий таркиби, ўлчамлари ва пропорциялари тўғрисида тасаввур беради. Костюм макетини яратиш учун материал сифатида макет материаллари, қоғоз, нотўқима материаллар, целофан, сунъий чарм, пластелин ва б. қўлланиши мумкин. Замонавий костюм дизайндаасосан лойиҳа-график моделлаш ва макетлаш усуллари қўлланади.

Таянч иборалари: лойиҳа, концепция, усул, техник моделлаш, график моделлаш, макетлаш, шакл ретроспектива, вазифа.

Назорат саволлари.

1. Костюм лойиҳалаш асосий босқичлари.
2. Лойиҳалашдан олдинги вазиятни таҳлил этиш нимани назарда тутуди?
3. Шакллантириш маълум турларини таҳлил натижаларини синтез этишнимани назарда тутуди?
4. Асосий вазифаларни аниқлаш нимани назарда тутуди?
5. Лойиҳа вазифани ечиш учун оптимал вариантларни кидиришда ҳар хил лойиҳалаш усулларни қўллаш нимани назарда тутуди?
6. Ижодий концепцияни ишлаб чиқиш нимани назарда тутуди?
7. Дизайн лойиҳанинг асосий вазифаларини аниқлаш нимани назарда тутуди?
8. Лойиҳа-график моделлашга нима киради?
9. Ретроспектив моделлашга нима киради?
10. Конструктив моделлашга нима киради?
11. Перспектив моделлашга нима киради?
12. Техникавий моделлашга нима киради?
13. Замонавий костюм дизайнида компьютер моделлашнинг ўрни.
14. Костюм лойиҳалашда макетлаш усулининг ўрни.

Маъруза № 13

Мавзу: *Костюм дизайнида ижодий концепция.*

Режа

1. Дизайн концепциясининг йуллари.
2. Дизайнда XX аср глобал концепциялари.
3. Постмодернизм концепцияси.
4. Постиндустриал цивилизация концепцияси.

5. “Янги дизайн” тушунчаси.
6. “Яхши шакл”.
7. “Очиқ шакл”.
8. Замонавий дизайнда ижодий концепциялар.

Адабиётлар: 4

Замонавий дизайнни муаммоларида ижодий концепция муаммоси (асосий ғоя, лойиҳалаш мақсади ва вазифаларини, маънавий йўналиши) марказий ўринни эгаллайди. Концептуаллик – бу лойиҳа маданиятнинг моҳиятини асослайдиган умумий ижодий кўрсатмадир. Ижодий концепция лойиҳанинг қиймати ва маънавий мазмунини белгилайди. Ижодий концепциянинг мазмуни ва характери нафақат муаллифни шахсий дунёқарашини билан, балки лойиҳа маданияти ва жамиятни ривожланиш асосий рағбатлари билан боғлиқ. Одатда, дизайнда концепциялар муҳим муаммоларни ифодалайди, улар жамиятни ва инсонни ҳаяжонтиради. Дизайн инсонларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиши зарур ва уларнинг муаммоларини ечишда ўз ҳиссасини киритиш лозим. Акси ҳолда у маданиятда инсонпарварлик маъносидан ўз мавжудлигиндан машҳур бўлади. Дизайннинг концепцияларини лойиҳалаш куйидаги асосий йўллар билан боғлиқ:

- *баҳолаш йўли* лойиҳалашни жамият ва инсоннинг турмуш тарзи ва шахсининг турини, ижтимоий ва шу жумлада эстетик қоидалари билан боғлиқ объектив ва субъектив бойликларни яратиш фаолиятини кўриб чиқади;

- *тизим йўли* дизайнер лойиҳалаш объекти моддий-функционал ва ижтимоий-маданий элементларини ўзаро боғлиқ тизим сифатида кўриб чиқади. Тизим йўли муҳит, унинг элементларини, инсон ва жамиятни иштирогида ўтаётган жараёнларорасидаги аниқ функционал боғлиқларни аниқлашни кўриб чиқишни талаб қилади. Лойиҳалашда шундай йўлнинг натижаси – тизимли объектни тузилиши;

- *муҳит йўли* – инсон фазовий-буюм муҳитини, ҳаётининг атрофини ўзлаштириш натижасини кўриб чиқади. Инсоннинг фаолияти ва муомаласи муҳитни айрим элементларини биргаликка боғлайдиган марказ ва аниқлайдиган фактор сифатида эътиборга олинади. Бу ҳолда лойиҳалаш яхлит сиймони яратишга ва муҳитни функционал ташкил этишга йўналтирилган.

Костюм дизайнида мавжуд концепциялар, одатда, ўз давр дизайнининг асосий муаммоларини оқимидадир ва турмуш тарзини ўзгариш умумий рағбатлари билан боғланишидадир. Аммо, бу умумий рағбатлар дизайнда ҳар хил муаллифлар концепцияларида ўзлаштирилади, яъни дизайнерлар буюмнинг функциясига ўзгача қарашади, гардеробни таъминлаш турли концепцияларини тарафдорлари бўлади, ҳар хил шакллантириш усулларни қўллашади, турли турмуш тарзда яшаётган инсонларга ўз кийимини таклиф этишади. Бундан ташқари, кийим дизайнини ўзига хослиги шундаки, концепция матнда эмас, балки визуал шаклда ўз ифодасини баён этади. Модани мавсумий ўзгариш ритм аънанаси кийим дизайнида ижодий концепциясини асосий ўзлаштириш шакли-моделлар намойишдир. Концептуаллик фақат кийим моделлашдагина эмас

(гарчи бу энг муҳими бўлса ҳам), балки моделларни танлашда, муайян сиймо яратишда (соч турмак, грим ва б.), мусика жўрлигида ва намоиш ўтказиш жойда намоён бўлади.

Дизайнерларнинг муаллиф ижодий концепциялари, одатда, лойиха маданиятни ривожланиш умумий тенденцияларидан холи эмас ва дизайнда мавжуд у ёки бу умумий концепцияларга қайд қилмайди.

XX асрда лойиҳалашда икки глобал концепциялари мавжуд: XX асрни биринчи ярмида дизайннинг ривожини аниқлайдиган функционализм; XX асрни охирида постмодернизм (“янги дизайн”, “антифункционализм”).

Функционализмнинг асосий принциплари шаклларни функционаллиги, маъқуллиги ва универсаллиги бўлган. Немис функционализмнинг мумтози Д.Рамс унинг асосий хоссаларини аниқлаган: мураккабликни ўрнига оддийлик, ноодатийни ўрнига одатий, модалини ўрнига узоқ яшайдиган, эмоционални ўрнига функционал, турли таассурот қолдирадиганни ўрнига оқилона бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Италиан дизайни назариясида дизайнда модернизмни фарқлайдиган функционал лойиҳалаш йўли лойиҳа онгини “кучли” йўли деб ҳисобланди. “Кучли лойиҳалаш”ни принципиал хусусиятлари қатъий функционализм, илмий-техникавий тараққиётни мақташ, механицизм, рационализм, авторитар лойиҳа–мафқуравий таълимотга интилиш, ижтимоий муҳандисликни принципи, дизайн маҳсулотлар истеъмолчиларни абстракт-типологик моделлаш бўлади. Бу хоссалар давр меъморчиларни (Ле Корбюзье, Гинзбург ака укалар), дизайнерларни (рус конструктивистлар) ва модельерларни (К.Шанель) ижодий концепцияларини ифодалайди.

XX асрни охирида маданиятни янги концепцияси постмодернизмни барпо этиши рўй берди. Бу даврда қатъий хулқ қодаларни ўрнига плюрализм ва эркин танлаш келди. “*Индустриал жамоат*” мафқурасини ўрнига “*постиндустриал жамоат*” концепцияси келди, у ривожланиш ва тарққиёт ғоясига қарама-қарши “*таққослаш ва тўплаш*” шиорини таклиф қилди.

Янги жамиятда “*постиндустриал цивилизация*”ни мафқурачиларни фикрлари бўйича асосий омил сифатида капитал ва меҳнатни ўрнига маълумот ва билим, ижтимоий таркиб сифатида эса синфлар эмас, тенг ҳуқуқли “*маълумот уюшмалари*” бўлиши лозим.

“*Компьютер инқилоб*”и “*глобал информатсион цивилизация*”га олиб келиши ихтимоли бор. Унинг муҳим хоссалари - ижтимоий ва маданий тизимларни хилма хиллиги, онгни кўп қирралиги бўлади, бойликларни қатъий регламентланган тизими эркинроқ ва индивидуал танланадиган тизимга айланади.

“*Очик тизим*”лар ғояси замонавий фан ва маданиятни асосий ғояси бўлди. Бу ўзгаришлар фалсафада, меъморчилик назариясида янги концепцияларни пайдо бўлишига сабаб бўлди, улар “*постмодернизм*” деб аталди. Постмодернизм концепциясида янги даврда европа рационаллигини инқирози ўз аксини топди. “*Янги фикрлаш*” онгда “*идеал бут*”лардан воз кечишни тарғиб қилади. Бошқача этганда, постмодернизм инсоннинг барча фаолият турларида радикал плюрализмни, яъни бирликдан воз кечиб, кўпликни даъво этишни талаб қилади: фалсафада – янги даврнинг метафизика

онгини радикал ўзгартиришини; сиёсатда – марказлаштирилмаган сиёсатни; эстетикада – юқори ва оммавий маданиятларни боғлиқлигини ва анаъналарга қайтишни назарда тутди.

Постмодернизм онгли эклектикаликка, мозаиккаликка ўтишни, анаънани пародияга оид қайтадан кўриб чиқишни, классика ва авангардни, паст ва баландни, элитар ва оммавийни аралашини назарда тутди.

Постмодернизмга оид рағбатлари XX асрни охирида меъморчилик постмодернизмида, тасвирий санъатни “янги тўлқин”ида (*трансавангард*, “янги ёвойилар”, “маданий рангтасвир” “эркин фигуративлик”, “янги тўлқин”нинг графикаси), “янги дизайн”да ўз ифодасини топди. Янги йўналишнинг энг принципал хоссаларидан бири эклектизмдир. “Радикалэклектиклик” ҳар хил услубий чегараланишдан эркин “очиқ шакл” эклектикасини назарда тутди. Эклектизм нафақат услубий йўналишлар орасида қарама-қаршилик йўқлигини ва уларнинг тенг ҳуқуқликни бирга мавжудлиги, балки замонавий меъмор, рассом ва дизайнерларнинг ижодини асосий усули сифатида ҳам тушунилади.

Дизайнда “янги тафаккур” инсонпарвар-экологик йўналтирилган фикрлашнинг тимсоли, дизайнер касбининг йўналиш стимули, дизайнда “муҳит йўл”ини барпо этилишидир. “Янги дизайн”, биринчидан, дизайнер ва истеъмолчини ўз ижодий фикрини эркин ифодалаш учун постулатига, иккинчидан, “лойиҳа реализм”и постулатига ва, учинчидан, принципал концептуал, типологик ва жанр плюрализм постулатига асосланади.

Италиян назариячиси А.Манчини лойиҳалаш янги парадигмасини пайдо бўлишига олиб келган қуйидаги асосий сабабларни келтирган:

- дизайннинг иерархик моноцентриклик моделини инқирози – постмодерн даврида бир марказ мавжуд эмас. Компьютер инқилоби корхонани тик иерарх таркибини ўзаро ижодий алоқалашган профессионал-ижрочиларни ётиқ тармоғига алмашишга олиб келади;

- тараққиёт ва утилитаризм ғоясининг инқирози. Фойдалиқ критерий ўйин ва гендонистик лаҳзаларига тан берди;

- механицизм инқирози – техникани минитатюралациялангани функциянинг ташқи моддий кўрсаткичини йўқолиши. Роботланган корхоналарни мослашувчанлиги, катта серияли корхоналарни минитатюралациялангани ва ҳунармандчилик корхоналарни аҳамияти қайта тикланиши дизайнда шаклланишга технологик ва корхона чекланишларни бартараф қилди;

- стандарт ва тартибни инқирози. “Янги дизайн” асосий принцип функционализмдан (шакл функциясига риоя қилади) ва “яхши шакл” тушунчадан воз кечди.

“Яхши шакл”нинг (“соф шакл”) муайян критерийлари номаълум тушунча “очиқ шакл” билан ўзгартирилади. Энди “яхши шакл” эстетикаси “айрим синфларни эстетик кодлашни эскирган тизими” деб тан олинади. “Яхши шакл” “яхши дид” каби муайян ижтимоий ҳолатнинг эстетик рамзи сифатида қабул қилинади.

Замонавий инсонни эстетик эҳтиёжларига “янги шакл” жавоб бермайдиган бўлди; шаклни афзаллиги энди унинг тартибга солишни ва

жипсланганлигида эмас, балки шахсни эмоционал бойтадиган сиймолигидадир. “Янги дизайн” “яхши шакл”дан айна умумий намуна сифатида воз кечади, аммо бу “яхши” ёки “соф шакл” замонавий дизайнда ижодий концепцияни асоси бўла олмади. 1990 йй. дизайнда минимализмнинг зафари буни исботлади. Аммо минимализм дизайнда ягона бўлган йўналиш сифатида талқин қилинмаганди, балки кийим дизайнида унга қарама-қарши деконструктивизм ва тарихийлик билан дўстона бирга мавжуд бўлган.

“Янги дизайн” италиян нақлини асосчиси Э.Стоссас (италиан дизайнида янги тамойиллари 1950-1960 йй. пайдо бўлганди) “бўш лойихалаш” концепциясини таклиф этган. Унинг фарқловчи хусусиятлари маданият феноменларнива ижодий жараёнларни инсонпарвар ўрганиш, жонли интеллектни ва инсон билимни сунъий ва эгасизликдан устунлиги, плюрализм ва радикал эклектизми бўлди. Эстетик плюрализм кийим дизайнида таърифлайдиган рағбат бўлди ва замонавий модани ўзгаришига олиб келди: 1970 йилдан бошлаб барча учун модали стандартларни ва намуналарни буюриб турган “ягона мода мавжуд эмас, балки кўплар учун ҳар хил дизайн” шиори қанчалик муҳим бўлса, шунчалик замонавий мода битта мода йўналишини таклиф этмасдан, балки ҳар хил истеъмолчилар учун кўп модаларни ва услубий йўналишларни тавсия этади. 1970 йилдан бери эстетик плюрализм устунлиги ҳар хил ижтимоий гуруҳларида турли эстетик эҳтиёжлари мавжудлигига олиб келди. Кийим дизайни истеъмолчиларни кичик гуруҳларнинг эҳтиёжларини назарда тутиб, лойихалаш мақсадларини дифференциацияланмоқда.

Плюралистиккўпинча индивидуаллик сифатида тушинилади. Бу кийимга муносабатни ўзгартиради, энди кийим ижтимоий идентификация воситасигина эмас, балки шахсинг ижодий ифодасидир. Замонавий дизайн ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини мужассам этиш ҳуқуқини тан олади ва, демак, ҳар бир инсоннинг шахсий турмуш услуби ва унинг ўз эстетик эҳтиёжининг ҳуқуқи бўлишини тан олди. Машҳур италиян дизайнери Дж.Армани “костюмнинг қуллиги” билан курашмоқда. Унинг фикри бўйича “шахс ўзи ўз услубини танлаб олади, гарчи эклектика элементлари бўлса ҳам, аммо у алоҳида, субъектив бўлади. Аллақандай қойидаларни ва амрларни зўрлаб ўтқазиб мумкин эмас”. Буюк француз кутюръеси Ив Сен Лоран этган: “Мода – бу униформа эмас. Унга албатта бирорта ўзиникини, индивидуаллигини киритиш лозим. Мода шахсга устунлик қилмаслиги лозим, аксинча, унинг хоссаларини бўрттириб кўрсатиши лозим”.

Ижодий концепцияларнинг таҳлили нуқтаи назаридан костюм моделлаш тарихини ўрганиш кийим дизайнини ривожланиш мантиқасини аниқлашга, турмуш тарзини ўзгариши сабабли профессионал фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларини ўзгаришига имконият тўғдиради. Барчатарихга кирган инқилобчи ва ўзгартирувчи машҳур модельерлар (П.Пуаре, К.Шанель, Э.Скапьярелли, К.Диор, К.Баленсиага, М.Квант, А.Курреж, Ив Сен-Лоран, И.Мияке ва б.) жамият ва турмуш тарздаги ўзгаришларни, инсонни янги сиймоларини пайдо бўлишини ифодалашган, янги ижодий концепцияларни таклиф этишган.

Замонавий дизайнда кўпгина ижодий концепциялар мавжуд – муаллифлик концепцияларидан бир қатор йўналишларгача (масалан, минимализм, деконструктивизм). Баъзи дизайнерлар модани тез ўзгариш тарафдорлари, бошқалари эса классик услубини яратишга интилади; битталари яхлит эстетик намуналарни яратади, бошқалари эса кийимни трансформация этиш имкониятини қўллашади; битталари ўз асарларида истеҳзо ва ҳазил киритса, бошқалари эса кучли ҳис ва истироб тўғдиришга интилиб, томашабинни хижолатда қолдиради.

Умуман костюм дизайнерлар ижодини концептуализациялашга рағбатини кучайишини қайд қилишимиз мумкин (масалан, Р.Кавакубо, Х. Чалоян, Х.Сторей ва бошқаларнинг ижоди).

Таянч иборалари: баҳолаш йўли, муҳит йўли, функционализм, янги дизайн, информация, цивилизация, постмодеонизм, янги шакл, концепция.

Назорат саволлари.

1. Дизайн концепциясининг йуллари қандай?
2. Дизайнда XX аср глобал концепциялари.
3. Постмодернизм концепцияси нимани назарда тутади?
4. Постиндустриал цивилизация концепцияси нимани назарда тутади?
5. “Янги дизайн” тушунчаси нимани ифодалайди?
6. “Яхши шакл” қандай бўлиши лозим?
7. “Очиқ шакл” қандай бўлиши лозим?
8. Замонавий дизайнда ижодий концепциялар.

Маъруза № 14

Мавзу: ***Ягона буюм, комплект, ансамбль ва коллекцияни лойиҳалаш асослари.***

Режа

1. Ягона буюмлар лойиҳалаш заруриятига сабаблар.
2. Ансамбль атамасининг моҳияти.
3. Ансамблнинг яхлитлиги.
4. Комплект атамасининг моҳияти.
5. Комплект яхлитлиги.
7. Коллекциянинг бирлигини барпо этилиши.
8. Костюм коллекцияси турлари.
9. Коллекция яратилишда тартиб.
10. Саноатга оид оммабоп коллекцияни ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари.
11. Истеъмолчиларнинг гуруҳлари.
12. К.Диор тавсия этган коллекцияни яратиш босқичлари.

13.Перспектив коллекцияни лойихалашда асосий вазифалар.

14.Коллекциянинг таркиби.

Адабиётлар: 4

Костюм дизайни – буюм муҳитини ечимларидан бири, яъни костюмни лойихалашдир. Костюмни лойихалаш объекти – ягона буюмлар, комплект, ансамбль ва коллекция бўлиши мумкин.

Турли ассортиментли *ягона буюмларни* лойихалаш заруриятини келиб чиқишига қуйидаги сабаблар бўлган:

- тикув буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарнинг тор ихтисослашганлигидир (устки кийим, ички кийим, енгил кўйлақлар);

- замонавий истеъмолчи ўз гардеробини асосан бир-бирига мос алоҳида буюмлардан ташкил этиши;

- замонавий модани демократизацияланиши, модада кўп функционалли кийимни ва истеъмолчи эркин кийим танлашни тавсия этилиши;

- замонавий истеъмолчининг психологик тури индивидуаллиги, турмуш тарзини тез ўзгариши сабабли замонга мос бўлишни, ташқи кўринишини вазиятга биноан тез ўзгартириш имкониятини таъминлашни талаб қилиши.

Одатда, саноат корхоналарида катта ёки кам серияда ишлаб чиқариладиган алоҳида буюмлар лойихаланади. Буюмнинг лойихаси истеъмолчининг типик қоматига мўлжалланади, умумий конструкциялаш усули бўйича чизилади ва оммабоп талабларга мос бўлиши назарда тутилади.

Ягона буюмлар лойихаланганда уларинг услубий ечимлари, материаллари, ранги, фактураси, композицион ечимлари ва ҳ.к. бир бирига мослиги назарда тутилиши лозим, чунки улардан истеъмолчи ўз хоҳишига биноан комплектни барпо этади.

Ягона буюмлар инсоннинг дидига кўра буюмларни танлашига ва ўзига ҳос бадиий сиймони яратишга имкон беради.

Ансамблни лойихалаш. Ансамбль (фр. ensemble – бирга, бараварига) – муайян бадиий ғояга бағишлаб яратилган, элементларининг ўзаро боғлиқлигини, кийим ва қўшимчаларининг бир-бирига бўйсунганлиги эътиборга олинган, маълум инсон ва мўлжал учун яратилган бадиий сиймо акс этган алоҳида буюмлар тўпламидир.

Ансамбль костюм қисмлари, силуэти, пропорциялари, ранги ва безагининг ўзаро мослиги ва органик бир-бирига боғлиқлиги бўйича бирлигини назарда тутди. У кийим, пойабзал, бош кийим, соч турмаги, безақлар, қўшимчалар ва гримдан иборат яхлит бутунлик бўлиб, ҳеч қандай ўзгаришларни кўзламайди. Ҳар қандай элементни қўшиш ёки бирортасини олиб қўйиш унинг яхлитлигини барбод этади.

Ансамбль кўпқаватлик, унинг барча қисимларини бир йўла кийилиши мужассамдир. Улар ўзаро боғланган ва бир бирига бўйсунган.

Ансамбль тизимида қуйидагилар киради: башанг либослар, туй либоси, махсус мўлжал учун костюм, сахна кийими ва б.

Яхлитлик ва ниҳоясига етказилган, замонавий костюмда доимо эстетик

критерий бўлган. Маълум мўлжал учун яратилган костюм барча қисмларининг ранги, нақши, беаги ва б. хоссалари бир-бирига мос бўлишига интилади. Масалан, XVI асрда Англияда сарой хонимлари кўйлагининг енги ва ички юбкаси бир хил газламадан қилинарди. Аммо соф ансамбль XIX асрнинг охири – XX аср бошларида “Модерн” даврида (1890-1900 йй.) барпо этилган. XX асрда ансамбль кутерьелар учун ўзига ҳос “чўққи” бўлди. Улар шахсий буюртма бўйича костюмни бутунлай яратишган. Анъанавий моделлашда кийим ансамблининг лойиҳалаш сиймони бадиий ифодалигига эришишга энг юқори нуқта деб ҳисобланади.

Аммо XX аср давомида ансамбль тўғрисида тасаввур ўзгарди. Масалан, 1920 йй. ансамбльнинг ечими костюмда ранг бирлигини назарда тутди: кўйлакни ранг тонига шляпа, кўлқоп, туфли, сумка, соябон ва б. танланади; кўйлак беагининг ранги кўшимчаларнинг рангида такрорланади.

1930 йй. “Буюк турғунлик” шароитида шундай исрофгарчиликка имкон бўлмади, қачонки ҳар бир кўйлакка махсус шляпа, туфлини ва б. талаб қилинарди. Бу даврда костюмнинг яхлитлигини кўшимчалар бирлиги ёрдамида ечишган: сумка, туфли, кўлқоплар, шляпа бир хил рангда бўлиши лозим, аммо бу гарнитурни ҳар қандай кўйлак билан кийиш мумкин эди. Масалан, қора туфли, шляпа ва кўлқопни оч рангли кўйлак билан кийиш мумкин эди.

Ҳаттоки, иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам ансамбль ўрнини сақлаган, масалан, тюрбанни блузка ёки сумкани матосидан қилишга ишлатишган.

Ансамблнинг ҳақиқий триумфи “New look” даврдан бошланган. К.Диор яхши дидни аниқ қоидаларини элегант аёл сиймосини қайтириб белгилади. Кўйлакка муносиб шляпа, кўлқоплар, сумка ва бижутериялар билан кийилиши лозим бўлган. К.Диорнинг фикри бўйича “шляпасиз аёл тўлиқ кийинмаган”.

1960 йй. модасида ҳам ансамбль сақланган. Масалан, А.Куррежнинг модаларида кўлқоплар ва бош кийимлар кўпинча бир хил газламадан ишланган.

Аммо 1960 йилнинг иккинчи ярмидан кўча модасида, айниқса ёшлар субмаданиятларида, ансамблдан воз кечиш сезилди. Масалан, хиппилар ҳар хил услублардаги кийимларни эркин аралаштириб, астойидил орасталик ва пухта ўйланган костюмлардан воз кечишган.

1970 йй. ансамблнинг ўрнини комплект эгаллай бошлади.

Замонавий модада ансамбль ғояси кўпроқ реал ҳаётда эмас, фақат подиумда қолди. Кийимда кўлайлик, комфорт ва функционаликни талаб қилиниши, ансамбль тўғрисида аввалги тасаввурини эскиртиради.

Комплектни лойиҳалаш. Комплект (лот. *completes* – тўлиқ)– муайян мўлжал ва бадиий ечимга мосланган бир бирига мос костюм элементларнинг тўплами. Комплект костюм элементларини ўзаро алмаша оладиган очиқ тизим, унда ҳар бир буюм мустақил бўлган ҳолда, кўпқаватлик ҳос. Вазиятга биноан комплект костюмни ўзгаришига имкон беради. Костюм алоҳида буюмлар: жакетлар, юбкалар, шимлар, нимчалар, бош ва оёқ кийимлар, аксессуарлар ва тақинчоклардан иборат.

Комплектнинг алоҳида буюмлари ўз мўлжалини ўзгартиради (кундаликни башангга, кундаликка оидни сафарга кийилиадиганга айланади ва ўзгача). Шунинг учун комплект лойиҳаланганда айрим буюмларнинг қўлланиш

чегарасини кенгайтириш лозим.

Илк бор ансамблга альтернатива сифатида комплект 1920 йй сахна костюмида қўлланган. Конструктивистларнинг кийим лойиҳалашда комбинатор услубни ўқлаи комплект ғоясини пайдо бўлишига мантиқий хулоса бўлди.

1929 йилда модельер Э.Скапьярелли олти буюмдан иборат комплектни тавсия этди, кун давомида уларни ўзарокомбинация қилиш мумкин эди.

Оммабоп модада комплектлар фақат 1970 йй. тарқалди. 1972 йилда инглиз модельерлари Люк ва Дж.Таллис мода коллекцияларида бир-бирига мос юбкалар, шимлар, нимчалар, блузкаларни намоиш этдилар. 1970 йй. иқтисодий инқироз даврида шундай йўл кўпчиликка манзур бўлди, чунки алоҳида буюмлар ассортиментидан “оқилона” ёки “базавий” гардеробни барпо этиш мумкин эди.

Ҳозирги замонда комплектлар модадан ансамблни мутлақо сиқиб чиқарди. Энди замонавий инсонинг гардероби комплектлардан иборатдир. Истеъмолчи ўз хоҳишига биноан костюм элементлари комбинациялаб, ўз индивидуаллигини костюм яратишда намоиш этиши мумкин эди.

Комплект айрим қисмларининг бирлигига, одатда, ранги, шакли, беаги, услубнинг бир-бирига мослиги билан эришилади. Бу сифат коллекцияни лойиҳалаш босқичида инобатга олиниши лозим. Ҳозирги истеъмолчининг кийимига нисбатан асосий талаби – комбинациялашга имкон бериш. Масалан, “Eskada” немис фирмасининг мавсумий коллекциялари ранги, шакли, нақш ва бошқа хоссалари бўйича бир-бирига мос келадиган алоҳида буюмлар ассортиментидан иборат, шунингдек, ўтган мавсум коллекциясидан буюмларни янги коллекция буюмлари билан бемалол қўшиш мумкин.

Коллекциянинг барча қисмлари услуб бўйича бир-бирига мос бўлиши мумкин, аммо 1970 йй. костюмда “*диффуз услуби*” пайдо бўлди. Бу услубга биноан костюмда ҳар хил услублар аралашиб кетди: масалан, классик пиджак “*фольк*” услубидаги қўш бурмали юбка билан, классик шимни эса спорт услубидаги куртка ва романтик блузка билан қйилди. Замонавий комплектларда кўпинча ҳар хил услубдаги, турли рангли, нақшли материаллардан ишланган буюмлар қўланади. 1990 йй. бошида шундай аралашмаларга “*бирикмайдиган бирикмалар*” деган ном берилди.

1990 йй. комплект тизимида кийим кийшнинг янги усуллари пайдо бўлди: у композицияни пала-партишлиги, буюмнинг қоматда эркин ўтириши, буюмни бир томонга силжиши, тақилмаси ёнига ёки орқасига силжиши ва ҳ.к. билан фарқланади.

Одатда, комплектлар ҳар хил фактурали материаллардан қилинади. Комплектлар куйидаги қисмлардан тузилади: пальто (узундан калтагача), турли шаклли шимлар, свитерлар, кўйлақлар ва ҳ.к.

1998-1999 йй. комплектни барча элементлари бир хил ёки ўхшаш рангларда қилинган.

2000-2002 йй. қарама-қарши ранг ва ҳар хил буюмларнинг бирикмалари пайдобўлди ва 1970 йй. “*пиёз*” услубни эслатадиган кўпқаватлик тенденцияси намоиш этилди. Аммо, одатий костюм элементларини янги усулда кийиш

учун қидирув тенденцияси сақланиб қолган эди.

Коллекцияни лойиҳалаш. Коллекция (лот. collectio – тўплам) – илмий, тарихий ёки бадиий қизиқишни ифодалайдиган, ўхшаш буюмларни тизимга солинган тўпландир. Костюм дизайнда коллекция қуйдаги бирликни барпо этадиган ҳар хил мўлжал учун моделлар серияси: муаллиф концепцияси; сиймо; коллекцияда қўлланган материаллар; ранг ечими; шакл; базавий конструкциялар; услубий ечим; ва х.к.

Коллекцияда тури ва мўлжалига мос ҳар хил хоссалар устунлик қилади. Масалан, муаллифлик ижодий концепциясида услуб, сиймо ва концепция бирлиги муҳим бўлиб, бу ҳолда базавий конструкциялар қўлланмаслиги мумкин. Ҳар қандай коллекцияда унинг яхлитлиги муҳим хосса бўлиб ҳисобланади, чунки у коллекцияни ҳар хил моделларнинг механик тўпланидан фарқлайди. Яхлитлик услубнинг ижодий усулини, ранг гаммаси, материаллар таркиби, шакл, сиймолар умумийлиги билан таъминланади. Ундан ташқари тўғри яратилган коллекциянинг белгиси динамикададир, яъни мазкур коллекцияда марказий ғояни ривожланиши. Шу тарзда коллекция бир хил ёки деярли бир хил моделлар серияси эмас. Коллекциянинг ажойиб томони бўлган қизиқарли конструктив ёки декоратив ечим ҳар бир янги моделда унинг янги қиррасини кўрсатиши керак, коллекцияда ғояни имконий нюансларини намоён этилиши лозим.

Коллекция турли элементлардан ташкил топиши, яъни, бу ансамбллар, комплектлар, алоҳида буюмлар, қўшимчалар ва безаклар бўлиши мумкин.

Костюм коллекциясининг турлари. Коллекцияда бир неча турлари яратилади:

- перспектив коллекцияларда келажак моданинг концепцияси кўрсатилади, одатда, келажак мавсумда янги услублар ва рағбатлар тақдим этилди. “Юқори мода”лар коллекцияси (етақчи Мода Ўйларники) ва дизайнерлар яратган “прет-а-порте” коллекциялари перспектив коллекцияларига киради. Бу коллекцияларга ноёб шакл ва силуэтлар, ажойиб сиймолар, материаллар технология ва конструкциялар билан тажриба ўтқазилиш хосдир. Истиқбол коллекциялар келажак инсонларнинг сиймосини тақдим этишади, шунинг учун уларни лойиҳалашда моданинг прогнози, турмуш тарзини тараққиёти, иқтисодий вазиятни прогнози ва б. бўйича маълумотлар инобатга олинади. “Прет-а-порте” коллекцияси конкрет фирманинг базавий санотига оид коллекцияси ҳам бўлади;

- базавий санотга оид коллекциялари бевосита тадбиқ этиладиган ассортимент концепциясини тавсия этади. Уларда модани актуал йўналишлари кўрсатилади ва омабоп ишлаб чиқаришга мўлжалланади. Шундай коллекциялар мода ярмаркаларида совда ходимлари учун намоён этилади (масалан, Париж саломида ёки Дюссельдорф мода ярмаркасида). Санотга оид коллекцияларга синовдан ўтган “мўтадиллаштирилган” шакллар хос. Бу коллекцияларда модага оид рағбатлар муайян таркибли ва рангли материалларда ўз аксини топади;

- муаллиф коллекция дизайнерларнинг ижодий концепциясини акс этади. Шахсий буюртма ёки омабоп имтиёзмолчига мўлжалланган махсус модельерлар яратган “Юқори мода ва Прет-а-порте” коллекциялар халқаро

кўрғазмаларида ва ярмаркаларида, кечки клублар, презентацияларда, ижодий конкурсларда намоиш этилади;

- махсус мўлжал учун коллекциялар, масалан, форма кийими коллекциялари, мактаб фомаси коллекциялари.

Юқорида барча кўрсатилган коллекциялар қуйидаги хоссалари билан дифференцияланади:

- ассортимент – фирманинг ихтисосига биноан пальто, костюм, бош кийим;

- мавсумга оид; одатда мавсумий коллекциялар икки марта (баҳор-ёз ва куз-қиш мавсумлари учун) намоиш этилади. Аммо, Дюссельдорфдаги йирик саноатга оид мода ярмаркаси янги мода коллекцияларини йилда тўрт марта намоиш этишга ўтди: куз, қиш, баҳор ва ёз учун;

- ёш категорияси: болалар, тинейжерлар ва б. учун коллекциялар;

- маълум мўлжал учун: уйда, спорт учун, дам олиш учун ва б. учун коллекциялар.

Бундан ташқари кимга мўлжалланганлигига қараб коллекциялар қуйидаги гуруҳларига бўлинади:

- шахсий гардероб (шахсий буюртмачи учун);

- оммабоп (муайян истеъмолчилар тури учун);

- гуруҳларга оид (муайян инсонлар гуруҳи учун): а) формали кийим коллекцияси – ўқувчилар учун форма, ҳарбий форма коллекциялар ва б.; б) фирмага оид кийим коллекциялари - аэрофлотда ишлайдиганлар учун, савдо фирмалар учун ва б.; в) вакиллар ва делегациялар учун коллекциялар – Олимпия миллий терма жамоалари учун ва б.

Янги коллекциялар устида ишлаш. Янги коллекциялар яратиш учун қуйидаги тартиб назарда тутилади:

- моданинг прогнози асосида перспектив мода концепцияси тузилади, яъни материаллар коллекцияси, уларнинг таркибида тенденциялар ва модали ранг гаммаси мавсумдан бир ярим йил олдин материаллар саланида намоиш этилади (масалан, “Premier Vision” Париж салоида ва Frankfurt-Mayнда “Intershtoff” материаллар ярмаркасида);

- юқори модани перспектив коллекциялари яратилади, улар мавсумдан ярим йил олдин намоиш этилади; баҳор-ёз мавсуми учун – январда, куз-қиш учун – июлнинг охири августнинг бошида (гарчи унда тавсия этилган услублар ва оммабоп модадаги тенденциялар анга кечроқ амалга ошиши мумкин), ва шунингдек “pret-a-porte” коллекциялари мавсумдан етти-саккиз ой олдин намоиш этилади: баҳор-ёзги - сентябрь-октябрнинг бошида, куз-қишги – февралда яратилади ва ишлаб чиқарилади;

- саноатга оид оммабоп коллекцияларини юқори модада “pret-a-porte” коллекцияларида тақдим этилган перспектив тенденциялари ривожлайди. Янги услублар оммабоп ва перспектив коллекцияларида тақдим этилагандан сўнг, тахминан 1,5-2 йилдан кейин ишланади, баъзи ундан ҳам кечроқ. Эркалар модасининг тенденциялари тўғрисида шуни ҳам айтиш мумкин-ки, у аёллар модасига нисбатан 1,5-2 йилга “кечилади”.

Саноатга оид оммабоп коллекцияни ишлаб чиқариш жараёни бир неча босқичлардан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг *биринчи босқичида* (лойиҳалашда дастлабки тадқиқотчилар босқичи) куйидаги ишлар қилинади:

- истеъмол ва талабнинг объектив омилларини ўрганиш: аҳолининг даромадини, чакана савдони, тўлов оборотини, аҳолининг жон бошига даромад даражасини ва б. динамикаси;
- истеъмолчининг типологик хоссаларини аниқлаш (маркетинг тадқиқотлари);
- истеъмолчининг аниқланган талабларини ва истеъмолчилар гуруҳининг баҳоли ориентацияси билан ўзаро боғлиқлиги.

Йирик компанияларда дизайн стратегиясининг тадқиқот этиш учун махсус ташкилотлари мавжуд, улар истемочиларнинг талабларини ва хулқини таҳлили билан шуғулланади ва фирмага оид услубни, муаммоларни аниқлашади. Бу тадқиқотлар ижрочилар учун лойиҳалаш жарёнига асос бўладиган тавсияларни беришади (истеъмолчилар гуруҳи, таблаб қилинган коллекция услуби, ассортиментнинг афзал турлари, буюмларга тавсия этилган баҳолари ва б.).

Истеъмолчиларнинг типологик хоссаларини аниқлашда куйидаги омилларига эътибор берилади: жинс ва ёши; размери ва бўйи; тўлалиги; мода ориентацияси; эстетик истакларнинг шаклланиш даражаси.

Истеъмолчилар шартли равшда тўрт гуруҳга бўлинади.

Истеъмолчиларнинг кўпчилиги *биринчи гуруҳга* киради, яъни улар буюмларни стереотип усули асосида солиштиради ва уларда дизайн тўғрисида ўз таассуроти шакланмаган бўлади. Бундай ҳаридорларнинг хулқига буюмнинг маркази ёки муайян имиджни ташкил этиб, осон таъсир этиш мумкин.

Истеъмочиларнинг *иккинчи гуруҳига* янгиликни пайдо бўлишига, буюм муҳитини аста-секин ўрганишга тайёр ва танлаш критериялари тўғрисида ўз тасавурлари борлари киради.

Истеъмолчиларнинг *учинчи гуруҳида* дизайн тўғрисида ўз индивидуал, муайян асосланган тасавурлари мавжуд бўлади. Уларнинг хулқига ҳаттоки реклама ёрдамида ҳам таъсир этиш қийин. Уларнинг талабларини лойиҳалаш босқичда инобатга олиш керак.

Тўртинчи гуруҳ – “истеъмолнинг пешқадамлари” бўлиб, улар энг новаторлик таклифларни қабул қилишга тайёр.

Коллекцияда моделлар сони уларнинг баҳосига қараб яратилади: тахминан 65% моделлар – арзон гуруҳига, 30% - ўрта баҳоли ва 2-5% - қимматларга киритилади.

Қиммат моделлар “юқори мода” услуби, конструкциянинг ноёблиги, силуэтнинг ажойиблиги, сўнги мода тенденциялари, юқори сифатли материаллари ва безаги билан фарқланади.

Бу гуруҳга “pret-a-porte” ва “pret-a-porte”-люкс туркумидаги коллекциялар киради. Ушбу гуруҳни моделлари жуда кам серияда 5-10 дона ишланади. Коллекция қанчалик қиммат бўлса, унга шунча кўп моделлер киритилган бўлади.

Ўрта гуруҳ моделлари қулай фасонлари, модали силуэтларни оддийроқлиги, модали материаллар ва ишончли навлари билан фарқланади.

Арзон моделларнинг ташқи кўриниши кўркам бўлиши, ушбу гуруҳнинг

аввалги моделларига нисбатан янгилиги билан фарқланиши, ёқимли фактурали, нақшли ва модага оид рангли материаллар қўлланиши лозим.

Дизайнер ўзи учун қўйдагиларни аниқ тасаввур этиши лозим: модел конкрет ассортимент гуруҳи ёки кўпфункционали бўлиши керак. Бу бичим тури, газлама ва ранг танланиши билан боғлиқ.

Коллекция яратилганда, дизайнер харидорларда савдо маркасининг обрўсини ҳам инобатга олиши лозим.

Шундай дифференциациянинг зарурлиги ва потенциал харидорларни кўпайтириш истаги 1980 йй. коллекциянинг сонини кўпайтиришга олиб келди. Асосий эркак ва аёллар кийимлари коллекцияларига ёш истеъмолчига мўлжалланган ва арзонроқ нарҳда сотиладиган “параллел” коллекцияларни ва бошқа ассортимент ва мўлжалга оид коллекциялар билан мода бозори кўшимча тўлдирилади. Италиялик дизайнер Дж.Армани бу йўналишда биринчи бўлиб ўз “мода империя”сини кенгйтира бошлади. “Giorgio Armani” маркали қимматбаҳо аёллар ва эркаклар кийимлари коллекцияларидан ташқари у ҳозир “Manu”, “Emperio Armani”, “Armani Exchange”, “Borgonouvo/21”, “Armani jeans” ва “Armani golf” (қимматбаҳо спорт кийими) параллел коллекцияларини ишлаб чиқармоқда. Амалда бу йўлдан барча машҳур дизайнерлар кетди.

Ҳар бир шундай коллекцияни ўз конкрет харидори бор, уларнинг талабларини ва психологик қиёфасини коллекция яратувчилари аниқ тасаввур этишади. Потенциал харидорларнинг сонини кўпайтириш учун кўп фирмалар ҳар хил истеъмолчилар гуруҳларига мўлжалланган (консерваторлар ва пешқадамлар) моделлар коллекциясини яратишади. Масалан, юқори сифатли престиж эркак кийимлари билан машҳур бўлган таниқли немис фирмаси “Hugo Boss” ҳар бир мавсумда уч коллекцияни тайёрлайди. Ҳар бир йўналиши маълум истеъмолчига мўлжалланган:

- “Boss” - мувафакятли яхши кийинадиган, мода билан қизиқадиган аммо кўзбуямачиликка интилмайдиган ишбилармон учун;
- “Baldessarini”-“Boss” фирмасининг кийимини киядиган бошқаларга ўхшамасликка интилиб, деталларга, матоларга эътибор беради ва яна унинг кийими “зерикарли” бўлмаслигини ҳоҳлайди;
- “Hugo” – мода билан ҳақиқатдан ҳам қизиқадиган ёшлар учун, улар модани яхши билишади ва бошқалардан кескин фарқланиш учун, қандайдир ўзига ҳосликни қидиришади.

Иккинчи босқичда (лойихалаш ва моделлаш) шакллантириш усулларни аниқлашда тадқиқотларнинг натижасини амалга оширилади. Бу босқичда коллекциянинг ғояси материалда ифодаланади. Коллекциянинг ғояси юқорида кўрсатилган талабларга биноан конкрет моделларда амалга оширилади. Бу ҳолда юқори мода, “pret-a-porte” ва саноатга оид коллекциялар яратилганда албатта уларни ўзига ҳос спецификациялари инобатга олинади.

Француз кутюръеси К.Диор “Кристиан Диор ва мен” номли ўз асарида юқори мода коллекция яратиш кетма-кетликни баён этган. Бу китоб чоп этилган вақтда юқори мода яратишда К.Диорнинг усули анаънавий бўлмаган. У моделлашни газламадан эмас, эскиздан бошлаган. Аммо, кейинчалик юқори мода уйларида янги ғояга қизиқиш етакчи роль ўйнайдиган бўлди ва коллекция

яратишда К.Диор тавсия этган босқичлар анаънага айланди. К.Диор коллекция яратиш учун кетма-кетликни тавсия этган босқичлари анаънага айланди.

“*Студия*” деб номланган биринчи босқичда:

- табиий ва бошқа шаклларнинг ассоциациялари асосида бўлажак коллекциянинг илк ҳомакилари ишланади ва моделлар эскизлари яратилади

- бўлажак коллекциянинг ғоялари муҳокама қилинади, энг яхши эскизлар танланади ва коллекциянинг асосий ғоясига биноан қўлдан чиқарилади, танланган эскизлар асосида моделлар макетлари ишлаб чиқарилади, безак турлари танланади. Битта эскиз бўйича газламадан бир неча макет яратиш мумкин ва уларнинг ичидан энг яхшиси танлаб линади;

- коллекциянинг моделлари макетлари муҳокама қилинади ва энг сўнгги танлов қилинади.

“*Устахона*” деб номланган иккинчи босқичда:

- коллекция намойиш этиш учун режа тузилади;

- моделларни намойиш тартиби аниқланади;

- намойиш режиссураси аниқланади.

“*Салон*” деб номланган учинчи босқичда моделлар коллекцияси истеъмолчиларни назорат гуруҳида синаб кўрилади.

Тўртинчи босқичда янги коллекциянинг рекламасининг асоси лойиҳаланади.

Саноатга оид оммабоп коллекцияни лойиҳалаш. Эскизларни яратиш аввал коллекциянинг коллекциянинг *концепцияси*, ассортимент, ҳом ашёси, моделларни нимага мўлжалланганлиги аниқланади.

Биринчи босқич – “яратиш”. Бу босқичда бўлажак коллекциянинг муайян ранг гаммаси, конкрет матога, етакчи силуэт (силуэтлар) ва коллекция услубига мос эскизлари ишланади.

Иккинчи босқич - коллекцияларни режалаштириш. Коллекцияда моделлар сони аниқланади, улар муайян фирманинг баҳолаш сиёсати, тақсимлаш усуллари, бир йилда чиқарилган коллекциялар сони билан боғлиқ, кейн матода қилинадиган моделларнинг дастлабки танлови ўтказилади.

Учинчи босқич-моделларни ишлаб чиқиш. Эскиз асосида коллекция учун газлама танланади моделнинг конструкцияси текширилади, нуқсонлари тузатилади. Моделнинг конструкцияси кўпинча конструктив моделлаш усули ёрдамида бажарилади. Кейин манекеншиччалар учун матодан модел тикилади.

Тўртинчи босқич – моделларни танлаш ёки коллекцияни “ўтоқ” қилиш – расмий намойишдан аввал моделлар танланади. Одатда танловда компания директори, сотув бўлимнинг ходимлари ва асосий буюртмачи қатнашади. Талаб тенденциялари бўйича маълумотлар асосида энг фойдали ва мувафақиятли моделлар танланади. Шу билан бирга манекеншиччаларнинг фикри албатта инобатга олиниши керак. Танлаш усуллари фирмани сиёсатига боғлиқ, аммо ҳар қандай ҳолда коллекциядан бир неча моделлар қолади, улар ҳам баҳоланади.

Бешинчи босқич – андозаларни ишлаб чиқиш. Андазларни ишлаш қиммат бўлгани боис, улар коллекция батомом ишлаб чиқилгандан сўнг қилинади. Компьютер технологияларни қўлланиши бу босқичда харажатларни

анча камайтиради.

Олтинчи босқич – корхонада ишлаб чиқариш. Дизайнерлар коллекциясининг серияси тикилади, моделлар серияси сони фирманинг баҳолаш сиёсати билан боғлиқ.

Еттинчи босқич– коллекцияни тақсимлаш ва рекламаси. Бунда нафақат савдо муассасасининг ходимларигина эмас, балки саноатга оид кўргазма ва ярмакаларда, фирма реклама ва оммавий ахборот воситалар ходимлари фаол қатнашишлари лозим.

“Pret-a-porte” саноатга оид коллекциясини яратишда бир неча тафовутлар мавжуд. Бу ҳолда ишлаб чиқариш босқичига коллекцияни дастлабки намоёишдан сўнг киришлади. Дизайнда моделлар намоёиши рекламанинг илк ва асосий шакллари дир, модали мансабга эришиш учун дизайнерлар орасидаги рақобат курашида кучли реклама восита дир. “Pret-a-porte” хафтаси доирасида ўтказиладиган моделлар намоёишида (Париж, Нью-Йорк, Милан, Лондон, Барселона, Дюссельдорф, Москва, Санкт-Петербург) энг аввало матбуот ходимлари (атоқли фотосуратчилар, мода журналлари муҳаррирлари, мода шарҳловчилари) ва савдо ходимлари таклиф этилади. Намоёишдан сўнг *байерлар* (йирик универмаг ва бутиклар учун моделларни сотиб оладиган мутахассислар) фирмалар билан шартномалар тузади. Бундан сўнг келгуси мавсумга танланган моделларни ишлаб чиқарадиган тиражи аниқланади.

Ундан ташқари “Pret-a-porte” коллекцияси перспектив коллекция бўлиб, саноатга оид оммабоп коллекциялар учун “прогноз” ва “дастур” бўлади. Перспектив коллекцияни лойиҳалашда қуйдаги асосий вазифалар бажарилади:

- бўлажак истеъмолчиларнинг ўзига ва модага муносабатини инобатга олиб, янги сиймони яратиш (уч компонентлик ўзгартириш қонунинга биноан учдан кўп етакчи коллекциянинг сиймоси тақдим этиш тавсия этилмайди);
- анаънавий ва ноанаънавий ассортиментни ранг ва пластик ечимини яратиш; - янги материаллар ва фурнитураларни коллекцияларда қўллаш;
- коллекцияни фазовий шакллари белгиладиган етакчи силуэтларни аниқлаш;
- янги технолгияларни ва услубни ифодаладиган бош кийимларни, пойабзални ва аксессуарларни лойиҳалаш;
- моданинг янги тамйиларини ифодаладиган коллекциянинг базавий шакллари учун конструктив асосларини ишлаш;
- моделларни ишлашда прогрессив технологияларни қўллаш;
- реклама, янги коллекцияни намоёиш этиш учун сценарий тузиш, моделларни танлаш, намоёиш сиймоларини яратиш (соч турмаги, грим ва б.), мусиқа танлаш, намоёиш учун жой танлаш ва б.

Саноатга оид коллекция бир қатор ассортимент коллекцияларидан иборат, чунки замонавий оммабоп модада комплектлар устунлик қилади, алоҳида ассортиментнинг оммабоплиги сақланган ҳолда. *Ассортимент коллекциясини устидан* ишлаш ўзига ҳослигига эга ва қуйидаги босқичларидан иборат:

- эҳтиёжларни қондириш учун муайян ассортиментнинг меъёрини аниқлаш;

- муайян ассортимент коллекциянинг истеъмолчиларнинг ёш ва размери, тўлалик гуруҳларини кўрсаткичларини аниқлаш;

- перспектив коллекциянинг етакчи силуэтларига биноан истеъмолчиларни мода эҳтиёжларига мос силуэтларни аниқлаш. Бунинг учун тақдим этиладиган коллекцияларда янги моделлар қаторида классик ва ҳорижий моделлар бўлиши лозим;

- тавсия этилган силуэтларига материалларни танлаш;

- силуэт шаклларнинг конструкциясини ишлаб чиқиш;

- базавий таркибнинг модел элементларини билан тўлдириш натижасида конструктив асосини ишлаш.

Натижада битта конструктив асосида мини-коллекция барпо этилади. Бир неча шундай мини-коллекциялар қўшилишидан ассортимент коллекцияси пайдо бўлади.

Саноатга оид коллекцияни лойиҳалаш босқичида унификация ва стандартизацияни қўллаб, кийимнинг элементларини конструктив-технологик узеллари ва деталлари каталогини тузиш керак. Бу янги моделларни ишлаб чиқариш жараёнида вақт ва воситаларни тежайди.

Ўрта ва кичик бизнеснинг мобиллиги қўшимча устунликни яратади, чунки бозор конъюктураси тез ўзгаради. Кичик корхоналарда янги моделги потокка киритиш икки ҳафта вақт олади: бир ҳафта ишлаб чиқаришга ва яна бир ҳафта назорат ишларини олиб боришга (кичик партида тикилган моделлар ёрдамида истеъмолчилар реакцияси текширилади).

Коллекциянинг таркиби. Коллекциянинг яхлитлигини таъминлаш учун куйидаги қоидаларни эътиборга олиш керак:

- услубий ечимнинг яхлитлиги;

- коллекция сценарийсини тузиш, яъни коллекцияни композицион тузилиши;

Коллекция яхлитлигининг зарурий шарти - коллекциянинг кульминацияси, яъни композицион марказнинг мавжудлиги. Умумий қойида бўйича уч композицион марказ бўлиши керак:

- бош (намойишни очадиган биринчи модел ёки моделлар блоки), кульминация (намойишни ўртаси) ва якуний (намойишни якунлайдиган модел ёки моделлар блоки);

- қаторни тонал риволанишини тузиш;

- тонли ва колористик композицион марказларни бир-бирига тўғри келадиган ҳолда рангли ривожланишини тузиш;

- қаторнинг таркибий тузилишини аниқлаш:

1) стабил элементларни таҳлил этиш (силуэт, пропорциялар, ритм, вазнлар);

2) мобил элементларни таҳлил этиш (безак, фактура, конструктив ва конструктив-декоратив чизиқлар, қўйма деталлар);

- буюмларни ишлаб чиқаришга технологик принципларини ўхшати.

Кўпинча коллекция мўлжал, силуэт ва ранг бирлиги билан бирлашган моделлар блокидан иборатдир. Анаънада юқори мода коллекцияси куйидаги “чиқиш” - блокларидан иборат: устки кийим (пальто, плашч, костюмлар мавсумга биноан), костюмлар, кундузги қўйлақлар, калта кечки қўйлақлар, узун кечки қўйлақлар, тўй либослари.

Аммо К.Диорнинг дастуридагидек замонавий модада шундай аниқ ассортимент гуруҳлари мавжуд эмас. Баъзи дизайнерлар умуман коллекциянинг анаънавий блок такрибидан воз кечишади, ижодий концепциясидан ташқари ўзаро боғлиқ бўлмаган алоҳида моделларни намойиш этиб (бу айниқса костюм дизайнида деконструктивизм тарафдорларига таълуқли). Аммо, дизайнерларнинг кўплари коллекциянинг анаънавий таркибига риоя қилишади: устки кийим; кундалик кийим; дам олиш, спорт, туризм ва б.; башанг, байрамга оид, кечки кийим; махсус тантанали кийим, тўй либослари; тантанали воқеалар учун кийим.

Таянч иборалари: лойиҳалаш, ансамбль, комплент, моҳият, яхлитлик, босқичлар, саноат, баҳо, таркиб, коллекция, истеъмолчи.

Назорат саволлари.

1. Ягона буюмлар лойиҳалаш заруриятига нима сабаб бўлган?
2. Ансамбль атамасининг моҳияти.
3. Ансамбль яхлитлиги қандай эришилади?
4. Комплект атамасининг моҳияти.
5. Комплект яхлитлиги қандай эришилади?
6. Комплект билан ансамбль қандай фарқланади?
7. Коллекциянинг бирлигини барпо этилишда нима эътиборга олинади?
8. Костюм коллекцияси турлари.
9. Коллекция яратилишда қандай тартиб бўлади?
10. Саноатга оид оммабоп коллекцияни ишлаб чиқариш жараёнинг босқичлари.
11. Истеъмолчиларнинг гуруҳлари.
12. Коллекция моделлари баҳосига кўра қандай тақсимланади?
13. К.Диор тавсия этган коллекцияни яратиш босқичлари?
14. Перспектив коллекцияни лойиҳалашда қандай асосий вазифалар бажаралади?
15. Коллекциянинг таркиби.

Маъруза № 15

Мавзу: *Кўп функцияли буюмлар ва янги кийим турлари.*

Режа

1. Кўп функцияли кийим пайдо бўлишига сабаблар.
2. Кўп функцияли кийимларга кирадиган буюмлар.
3. Минимализм йўналиши концепцияси.
4. Замонавий кўп функцияли кийимлар турлари.

Бир неча функцияни бажарадиган буюм кўпфункционали дейилади. XX асрда кўпфункционали буюмларни лойиҳалаш дизайнда муҳим тенденциялардан бири бўлди. 1920 йилдаёқ функционистлар кўп анъанавий буюмларни ўрнига ишлатиш мумкин бўлган универсал буюмларни яратишга интилишган эди. Бу йўналиш универсал услуб яратишга уринишлар билан боғлиқ эди, у илмий асосланган, уйғун ва маъқул бўлган ҳолда, одамларнинг ёши, маданий савияси, шахсий диди ва б. қатъий назар истемолчининг маиший ва эстетик эҳтиёжларини бажара олди. Рус конструкторлари меҳнаткашлар учун функционалиги ва универсаллиги билан барча бошқа кийимларнинг ўрнини босадиган “янги форма кийими”ни лойиҳалашди.

Замонавий инсоннинг эҳтиёжларини шундай лойиҳалаш усули қондиради, чунки бу кийимлар уларнинг турмуш тарзига мос бўлиб, манбани тежашга имкон беради. Дизайнерлар яратган универсал кийимларга 1920 йилдаги “Шанель услубидаги костюмни”, Ив Сен Лораннинг кўйлак-смокингини, джинсларини киритиш мумкин. К.Шанель “кичкина қора кўйлак”ни эркалар костюмнинг аналози сифатида тақдим этган, чунки шаклнинг оддийлиги ва қора рангнинг универсаллиги, қўлайликни модада ва конкрет вазиятда бекиёс қилади: ҳар хил безаклар ва аксессуарлар ёрдамида уни кундалик ёки башанг қилиш мумкин. “Шанель услубидаги” костюмни ҳам ҳар хил вазиятларга кийиш мумкин. Джинслар ҳам кўпфункционал буюмга айланди – илк бор ишчи кийим сифатида, кейинчалик кундалик ва сўнг башанг кийимга ўзлаштирилди. Замонавий джинслар анаънавий джинс (кук рангли деним) газламасидан тикилмасдан, балки янги таркибли, фактурали, толали газламалардан ҳам тайёрланади.

Кўпфункционали буюмларни яратишга минимализм (замонавий дизайнда етакчи йўналишларидан бири) тарафдорлари интилади. Костюм дизайнида минимализм – бу минимал сонли кўпфункционал буюмлардан иборат гардероб коцепциясидир. Минималистлар (масалан, америкалик дизайнер К.Клян, Д.Керан, немис дизайнери Дж.Сандер) фикри бўйича универсал буюм қуйдаги хоссаларга эга бўлиши керак: шаклни оддийлиги, безакнинг йўқлиги, нейтрал рангли, газламаларнинг юқори сифатлиги. Костюм доимо янги ассортимент турлари ва янги буюмлар билан бойийди. Одатда, бу бошқа кундалик кийимларидан элементларни ўзлаштирилганда рўй беради. Замонавий гардеробда ҳарбий формадан, спорт кийимидан ўзлаштирилган кийим турлари мавжуд. Доимо ўзгарадиган турмуш тарзи ва ҳаёт ритмига мосланиб ва бизнинг кийимимизни бойитиб бу жараён тугамайди.

Маиший костюмга доимо ҳарбий форма таъсир кўрсатади. Салб юришлари давридан бошлаб, то ўрта аср рицарларнинг жанг ва мусобақа учун мўлжалланган кийимлари ҳам маиший костюмнинг янги турлари билан тўлдирилади. XIV асрда эркаларнинг олди очиқ кийими - баскали куртка (purpuren) пайдо бўлди, уни илгари рицарлар металл совут тагидан кийишган. XVII асрда мушкетер плащчилари ва пошналар этиклар модага киритилди. Биринчи жаҳон урши даврида аёллар маиший кийимга “қоплама” чунтаклар,

акцентланган тақилмалар, “матрос” ёқалари ва “авиаторларнинг тик ёқалари” ўтган. 1970 йй. модага ҳарбийлашган услуб-“militari look” – хаки ранги, погонлар, хлястиклар, пилоткалар ва ҳарбий планшеткага ўхшаш сумкаларни киритди. 1990 йй. модага ҳарбийлар кийими учун материаллар ва ботинкалар кирди.

Спорт кийимлари қўлай ва универсаллиги, жинслар ва ёшлар орасида фарқнидеярли йўқ қилиб, замонавий кундалик костюмнинг ассортиментини жиддий равишда тўлдиради. XX асрда кундалик кийим спорт трикотажи (пуловер, футболка, майка ва б.) ва спорт кийимлари (куртка, кроссовкалар, бейсболка ва б.) тўлдирилди.

XX асрни охирида ички кийим янги устки кийим сифатида қўлланадиган бўлди. 1970 йилда “*ички кийим услуб*”и модага кирди. Аёллар ички кийимлари, уларнинг элементлари модага кирди (бюстье, комбинация-кўйлак, боди-сьют, комбридесс ва б.). 1980 йй. В.Вествуд ва Ж.П.Готье “*корсет услуби*”ни модага киритишди. 1990 йй. аёллар ички кўйлагидан ўзлаштирилган “комбинация-кўйлак”лар модага кирди. Эркаклар кийимида азалдан кўйлаги, нимчаси, майкаси ички кийим бўлган, XX аср ўртасидан бошлаб эса улар ўзлаштирилиб, устки кийим сифатида модага кирди.

Кийим ассортименти бошқа жинс кийимидан ўзлаштирилган билан ҳам тўлдирилди. XIX-XX аа. аёллар костюми эркаклар костюмининг элементлари билан тўлдирилди. Бу ҳол аёлларнинг эмансипацияси ва жамиятда ўрнини ва ижтимоий ҳоли ўзгариши билан боғлиқдир. Аёллар гардеробида классик инглиз костюми, шимлар, нимча, шортлар ва б. пайдо бўлди. Эркаклар костюмида эса аёллар костюмининг элементлари кирди, у турли ёрқин рангли ва нақшли ички ва устки кийимлар, тақинчоқлар, соч турмаклар.

Баъзан буюмнинг мўлжали ўзгарганида янги ассортимент турлари унинг функционал трансформациясида пайдо бўлади. Масалан смокинг кўйлакка айланиши мумкин (Ив Сен Лораннинг кўйлак-смокинги), эркаклар кўйлаги аёллар кўйлаги ёки жакетгига, майка – кўйлакка.

Костюмнинг янги турларини пайдо бўлишига ҳар хил халқларнинг анъанавий костюмлари доимо манба бўлган. Шарқдан Европага янги кийим элементлари кирди.

Таянч иборалари: функция, кўп, минимализм, унисекс, лойиҳалаш, концепция, буюм, истеъмолчи.

Назорат саволлари.

1. Кўп функцияли кийим пайдо бўлишига нима сабаб бўлган?
2. Кўп функцияли кийимларга қандай буюмлар киради?
3. Минимализм йўналиш концепцияси.
4. Кўп функцияли маиший кийим лойиҳалашда қандай кийимлар таъсир этган?
5. Замонавий кўп функцияли кийимлар турлари.

Маъруза № 16

Мавзу: *Замонавий костюм ассортиментининг умумий тавсифи,*

муаммолари ва ривожланиш тамойиллари.

Режа.

1. Замоनावий кийим ассортименти ўзига ҳослиги.
2. Кийим ассортиментининг ривожланиш тамойиллари.
3. Кийим ассортиментининг ривожланиш муаммолари ва истиқболи.

Адабиётлар: 4, 16, 26.

Техникавий прогресснинг темпларини тезлаштирган илмий-техникавий прогресс (ИТП) бадиий маданиятга кучли таъсир кўрсатди.

Санъат ва ИТП бир-бирига қарама-қарши эмас. ИТП қўйган масалалар “ҳаётни гўзаллик қонунлари бўйича” тасдиқлашни назарда тутди. Икки соҳани ўзаро боғлиқлиги ижодий фикрни концентрациялашда аниқ ифодаланган. Санъат жамиятда ижодий фикрнинг аккумулятори бўлиб, фаол ижодий шахсни тарбия қилиши лозим.

Замоनावий санъат, яъни жаҳон санъати, жаҳон бадиий маданияти, бир хил эмас ва ўзаро кескин қарама-қаршидир. Мамлакатлар ва жаҳон халқлар замоनावий санъатда универсал бадиий услуб мавжуд эмас. Жаҳон санъати ўз ижтимоий-тарихий типологияси бўйича ҳар хил бадиий маданиятларни ўзаро бир-бирига таъсир этиб барпо этилмоқда. Ҳозирги даврда жаҳон санъат тарихини диалектикасига биноан ғоявий-бадиий ҳаракатларни яқинлаши ва тукнаши рўй бермоқда.

Аммо, бу шароитда айрим санъат турлари орасида уйғун боғланиш муаммоси, ягона услуб яратиш, яхлитлик ва мукамалликни барпо этиш лозимлиги жуда муҳимдир. Замоनावий демократик руҳланган рассомлар жаҳондаги зиддиятларни оқлайдиган ва уйғунликни инқор қиладиган эстетикага қарама-қарши инсонпарвар идеалларни тасдиқламоқда.

XX аср илмий-техникавий инқилоб воқелик ва ҳаётга янги қарашлар билан боғлиқ. Янги санъат ўтмишнинг улуғлигини ўзлаштириб, анаъналарга янгиликларни киритди.

Санъат билан аниқлик, тежамлик, тектоник, равшанлик, етакчилик қилмоқда. Замоनावий санъатнинг асосий вазифаси - инсоннинг фаолиятига максимал мос бўлиш ва унга комфорт ва қаноатни ҳосил қилиш.

Корхонани ижтимоий функцияларига мос янги услуб саноатда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларда янги эстетик қийматларни ҳосил қилади. Бу буюмларда саноат молларини янги сифат принципи мавжуд: ритм, мусикалик ва шакллари геометризацияланиши.

Саноат санъати – дизайн моддий ишлаб чиқариш соҳасида борликни эстетик ўзлаштириш фаолияти сифатида иштироқ этмоқда. Ҳозирги замон – бу техникани куч-қудратига тан беришдир, энди у ақл ва мантиқани ифодасидир.

Буюмларнинг функционализи ва кейинроқ психологизми замоनावий гўзаллик ва маданиятни ифодаси деб аён этилади. Буюмларнинг функционализи ва у билан боғлиқ конструктивизм ҳозирги даврда асосий ғоя

бўлиб қолди.

XIX аср костюмидан яратилиб, замонавий костюм ундан бутунлай фарқланади – у содда, оддий, ҳажми катта эмас, енгил, фигурага яқинлашган. Аммо, ўтган аср костюмини инқор этиб, замонавий костюм уни принципларини ривожлаб қўллайди. Сиймо инсон ва костюмнинг уйғунлигида ҳосил бўлади.

Замонавий костюм гўзал пропорцияларни яратмасдангина уларни кўрсатади. У ўзгарувчан, эгилувчан ва динамиклик. Костюм фигурани ўзгартирмасдан уни гўзаллигини намоён этади.

Замонавий давр қуйидагиларни талаб қилади: мукамал шаклни; фигурани яхлит тасаввур этилишини; буюмни техникавий жиҳатидан яхши ишланиши; буюм фигурада “яхши турибди” идеали ўрнига янги эстетик идеал пайдо бўлди – “буюм фигурага пластик мосланиши”.

XX-XXI асрлар гардеробини таъминланиши вақтлар сари синалган шакллар асосида барпо этилмоқда, уларни асосида мода йўналишлари яритилмоқда, улар ҳар доим янги тимсол тизимлари ва бадий сиймолари билан бойитилмоқда.

Замонавий костюмни қуйидагилар тавсифлайди:

- костюм ансамблининг ёрқин сиймолиги;
- қўшимчалар костюмни нимага мўлжалланганлигини кўрсатади;
- кийим ягона турларининг материалларини эркин композицияси;
- ранг акцентларини эркин жойланиши;
- кўпфункционалиги, мавсумга мос эмаслиги, турланиши костюмни универсаллиги ва қўлайлигини ифодалайди;
- янги кийим турларини яратиш ва анаънавийларни трансформациялаш;
- материалларнинг қўлланишини қайта тақсимлаш;
- материалларни универсаллиги;
- ички кийимларни устки кийим сифатига ўтиши;
- костюмда узунликлар ва ҳажмлар, ва силуэтларни контраст бирикмалари, кўпқаватлик, кўппоғоналик, комплектларни нотипиклиги устунлик қилмоқда;
- спорт услубини етакчилиги;
- услубларни мослиги ёки контрастлиги;
- услублар, материаллар ва буюм турларини барча ёш гуруҳларида эклектик бирикмалари янги эстетик сифатни барпо этди;
- костюм элементларини кийиш турли усуллари, улардан ҳар хил бирикмаларни яратиш;
- инсон гардеробида бир хил мўлжалга белгиланган буюмлар камаймоқда.

Кийимни такомиллаштиришига мажбур этадиган асосий куч – бу инсон талабларини ривожлантириш ва уларни қондиришдир. Кийимга қўйиладиган талаблар инсон – костюм – муҳит – корхона тизимида тузилади, қайерда инсон, истеъмолчи бўлгани боис тизимни лойиҳалашга йўналтирилади.

Кийим ассортиментининг ривожланиш тамойиллари тизимли нуқтаиназар принциплари ва ўзидан ўзи жалб этадилиши билан асосланади: инсонни шакллантирадиган кийим (фигурани таъқидлайдиган ёки яширадиган); ташқи муҳит ўзгаришларига одамни мосланишига ва ривожланишига имконият берадиган кийим; чиқиндисиз кийим.

Костюмнинг анъанавий турлари ва бир хил материаллардан тайёрланган кийимлар энди инсонларнинг эҳтиёжларини қондирмайди.

Ҳозирги даврда инсоннинг руҳий ривожланиши, ўз фикрини эркин ифодалашни назарда тутилади. Шунингдек жисмоний ривожланиши, ўз ўзини такомиллаштириши рўй бермоқда.

Биринчиси – инсоннинг ривожланишида кўзга яққол ташланадиган тенгсизликни ифодаласа, иккинчиси – одамларнинг спорт билан шуғулланиши ва корхона талаблари билан боғлиқ.

Костюм ассортименти бўлимларга парчаланиши ва одамда синалиш жараёни рўй бермоқда. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан бу аҳолининг зичлиги билан боғлиқ.

Замонавий ва келажак костюмга қуйидаги талаблар қўйлади: ҳар хил қоматли одамларга кийиш имкониятини яратиш; ташқи муҳитни ўзгаришига ва услубий йўналишига мос сиймони костюм билан таъминлаш; инсоннинг аҳволини тезлик билан тиклаш; материалнинг универсаллиги ва конструкция тузилишлар ёрдамида кийимни ҳар хил қоматли одамларга кийиш имкониятини яратиш (бу талабларга рельефли юзалар ёки олиб қўйиладиган деталлар ёрдамида эришиш мумкин).

Янги кийим яратиш учун истеъмолчи ва корхона талаблари нуқтаи назаридан лойиҳалаш усулларни, ишлаб чиқиш технологиясини ва қўлланадиган асбоб-ускуналарни бутунлай қайта куриб чиқишни мажбур этадиган муаммолар:

1) соғломлаштирадиган, даволайдиган ва касалликларни олдини оладиган костюм учун материаллар, шакллар, конструкциялар ва технологияларни яратиш (масалан, чарчашни, руҳий-жисмоний кескинликни йўқотиш, жароҳатни даволаш, одамнинг ҳарорати ўзгаришга кўра рангини ўзгартирадиган кийимлар ва ҳ.к.);

2) ноёб хусусиятли материаллар шакллар, конструкциялар ва технологияларни яратиш: одамни ўз-ўзидан иситадиган ёки совутадиган материал ва костюмлар; ранг сезгили ва ёруғлик ўтишни ростлайдиган костюм; овозни ростлайдиган костюм; ҳидни сезадиган костюм; одамни овозига жавоб берадиган костюм элементлари; ўз-ўзидан тикланадиган материаллар; белгиланган муҳитда истемъолчи талабларини таъминлайдиган костюм; химоя костюмларни яратиш: ўз-ўзидан ташқи муҳитнинг ҳар хил зарали таҳсирларидан рад этадиган; ҳар хил микроблар учун тузоқли кийимлар; санитария кийими – одам организми чиқинди моддаларидан химоя қилувчи.

3) инсоннинг жисмоний, руҳий ва психик имкониятларини кенгайтирадиган костюм учун янги материаллар, шакллар, конструкциялар ва технологияларни яратиш: ақлий ва жисмоний оғирликни енгиллаштирадиган ёки олиб ташлайдиган (масалан, шахтёрлар костюмида кумирдан қўшимчалар ва ўзгармас магнитлар ёрдамида бу муомала ечилади); огоҳлантирадиган костюмлар (болалар, кўзи ожизлар, қарилар ва б. учун); инсон амалга оширмаган (санъатга, фанга ва ҳ.к.) потенциал имкониятларини юзага чиқарадиган костюмлар; инсонни ноҳуш рағбатларини огоҳлантирадиган костюмлар.

4) бир марта кийиладиган кийимлар: ўзидан ўзи ювиладиган, эриб кетадиган, кимёвий ҳодисаларидан дарак берадиган костюмлар.

Шу равишда костюм ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш реал перспективалар кийимни тизимли лойиҳалашда ўзаро боғлиқларни прогнозлаш ва оптимизациялашганда барпо этилиши мумкин, у инсон - костюм – муҳит – корхона тизимида ўзлаштирилиши лозим.

Ҳозирги кунда бу муаммолар Франция, Япония, АҚШ, Жанубий Корея ва б. мамлакатлар лабораторияларида тадқиқот этилмоқда. Масалан, Францияда чиқарилган махсус газмол бир томони одамни иситса, иккинчи томони эса-совутади; Японияда витамин С билан ишлов берилган газлама яратилган, у одамни ушбу витамин билан таъминлайди (50 карра ювилишни чидайдди), хиди бўлмайдиган пайпоқлар чиқарилмоқда (махсус антимикробли модда билан ишлов берилган); ҳароратга кўра ранги ўзгарадиган газлама чиқарилган, ва ҳ.к.

Таянч иборалари: замонавий, талаб, келажак, ассортимент, костюм, дизайн истеъмолчию

Назорат саволлари.

1. Замонавий костюм ассортиментига ИТПнинг таъсири.
2. Замонавий костюмга қандай талаблар қўйилади?
3. Замонавий костюмни нима тавсифлайди?
4. Костюм ассотиментининг тамойилари.
5. Келажак костюмга қўйиладиган талаблар.
6. Янги буюмларни яратиш учун истеъмолчи ва корхона талаблари.

Маъруза № 17

Мавзу: *Костюм тизимида бош кийимни лойиҳалаш.*

Режа

1. Бош кийим тавсифи.
2. Бош кийимни лойиҳалаш композицион асослари.
3. Одамнинг қомати ва костюм билан бош кийимнинг композицион ўзаро боғлиги.
4. Бош кийимини бош ва юз билан ўзаро боғлиги.
5. Бош кийимнинг тектоникасини бошнинг морфологик аломатлари билан қзаро алоқаси.
6. Бош кийимни лойиҳалаш композицион асослари.
7. Бош кийим турлари.

Адабиётлар: 2, 9, 17, 18, 19, 26.

Бош кийим либосни бошқа қисимларига нисбатан костюмнинг ижтимоий

ва эстетик қийматини ифолайди. Унда костюмга хос маънавий – этик қоидалари амалга оширилади. Шунинг учун тизим сифатида костюмни бош кийимсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Костюмни тизимли таҳлили бош кийимнинг ўрнини кўрсатади. Шаклларни вертикал ривожланадиган тизимида бош кийимнинг табиий жойи шаклларни тепага ривожини мантиқий яқунлайди ва мослантиради.

XVI асрдан бошлаб, костюм кўпқаватли бўлган, унинг ҳар бир қатлами танани муайян жойига ёпишиб туради. Либоснинг ҳар бир қатлами бош кийим шакли, катталиги, ранги, материали ва фактураси билан мослаштирилади. Тарихий костюмда бош кийимлар костюмнинг ҳар бир қатламини яқунлайди, ҳозир эса шундай мослантириш йўқ. Бош кийимни йўқлиги уни шакллар барча тизимларни яқунлаш ёки мослантиришни кераклигини бартараф қилмайди. Бу бошқа воситалар ёрдамида қилинади, масалан, бошда жойлантирган аксессуарлар ёки кийим деталлари ёрдамида.

Қачонки устки қатлам воситалари тамом бўлса, кейинги қатламлар юзага чиқиб “ишлашни” бошлайди. Костюм ички динамикликка эга бўлади. Бу ҳолда шаклни яқунлайдиган ролни соч турмаги бажаради. Унинг роли костюмда бош кийимини маъносига етказилади.

Бизнинг кундалик ҳаётимизда бош кийимнинг йўқлиги – бу кўпинча руҳимизнинг ёшлигини, спортлигини ва демократиклигини ифодалайди. Соч турмак қилинмаса, костюм тизимида ўзгача маъно бахш этилади – соддаликни, дилкашликни, баъзида эса бепарволикни.

Бош кийимлар костюм каби бир неча функцияни бажаради: утилитар, ижтимоий, эстетик, этник, белги.

Мўлжалига биноанкостюмда битта функцияси етакчи бўлади. Масалан, махсус кийимда – утилитар, башанг кийимда – эстетик, миллий кийимда – этник функциялари.

Бош кийим тавсифи. Бош кийим костюм тизимининг элементи, уни тектоник ечимга қобил ва карскас таркиблари киради. Бу нуқтаи назардан бош кийим шакллари кўриб чиқилади.

Замонавий костюм тарихий костюмга нисбатан функционал-эргономик ва эстетик талабларга жавоб берадиган оддий шакл ва конструктив ечимга эга. Бош кийим костюм шаклга бўсунади, айрим ҳолатларда эса етакчи бўлиши мумкин.

Замонавий костюм тарихий захирасидан бош кийимнинг бир неча турларини ўзлаштирган, уларнинг ҳажмий-фазовий таркиби костюм шаклининг асосий қисмини яқунлайди.

Халқ костюмида бош кийим одам бошини этник хоссаларига нисбатан ишланган, қўлай шакллари ўзлаштирилган.

Тарихий бош кийимлар асосида замонавийлари яратилади.

Замонавий бош кийимларни ишлаб чиқаришда турли материаллар (фетр қалпоқлар, сунъий толадан тасма, тўр ва б.), асбоб ускуналар ва машиналар қўлланади.

Бош кийимнинг шаклини ҳосил қилиш усуллари ҳар хил. Бу бошга рўмолни оддий усулда боғлаш ёки махсус мураккаб шаклни ҳосил қилиб

безатиш.

Бош кийимни шакллантиришни ҳар бир усулида конструктив ечими етарли даражада вариациялар бўлишига имкон беради, қайерда турли шаклли деталлар (масалан, пона) туплами тенг бўлган ҳолда, бош кийимга ҳар хил шаклни ҳосил қилади.

Бош кийимни лойиҳалаш композицион асослари. Бош кийимни лойиҳалаш асосида унинг шаклини ва чизиқларини бош ва юз тузилиши билан боғлиқ. Бошнинг шакли чўзиқ, кенг ва нормал бўлиши мумкин. Юзнинг шакли тўғрибурчак, ромбсимон ва конуссимон бўлиши мумкин. Юзнинг айрим қисмлари: пешона, бурун, лаб, ияк ҳам турли бўлади.

Композицион мослаштириладиган бош чизиқлари стабил ва мобилга бўлинади (улар билан бош кийим чизиқлари ўйғунлаштирилади). Стабил чизиқлари қуйидагилари: юзнинг профиль чизиғи (пешона, бурун, лаб ва ияк чизиқлари), юзнинг овал чизиғи (ёноқ, лунж, ва ияк чизиғи), ёноқ ва ёноқ ёйни чизиғи; энса профиль чизиғи. Бу чизиқлар асосий. Улар одамнинг миллий ва этник аломатини кўрсатади. Бош кийим чизиқлари бошнинг стабил чизиқлари билан ўйғун бўлиши лозим.

Мобил чизиқларга кош чизиғи, кўз шаклини чизиғи, бурун чизиғи, бош ва юз соч чегара чизиқлари (соқол, бакенбардлар, муйлов) киради. Бу чизиқлар ҳам инсоннинг миллий ва этник белгисидир, аммо улар инсоннинг эмоционал-психологик ҳолати, ёши, модага ва б. кўра ўзгаради. Бош кийимлар чизиқлари юзнинг мобил чизиқлари билан боғлиқлиги бош кийим ва инсоннинг эмоционал-психологик алоқасини таъминлайди, унинг индивидуаллигини кўрсатади.

Одамнинг қомати ва костюм билан бош кийимнинг композицион ўзаро боғлиги. Бош кийим костюм шакллар тизимини яқунлайди. Костюмнинг барча шаклларни пластик боғланиш асосий шарти уларни масштаб ва пластик ўйғунлигидир.

Бош кийимнинг масштаби костюмни асосий қисимга (пальто, костюм, кўйлакка) нисбатан ва уни елка камари билан ўзаро боғлиги костюмнинг мўлжали, унинг етакчи функцияси ва замонавий эстетик идеаллари билан аниқланади.

Бош кийим шакллари костюмни асосий қисмига нисбатан платсик ечими контраст, нюанс ёки ўхшаш нисбатларда бўлиши мумкин.

Кундалик костюмда бош кийим костюмни асосий қисмига нисбатан контраст нисбатлари деярли учрамайди. Агар бир хоссаси бўйча (масалан, геометрик тури бўйича) контраст ечимда бўлса, бошқалари (ранг, фактура) – ўхшаш ёки нюанс нисбати бўйича қилинади.

Бундан ташқари бош кийим факат пальто, костюм, кўйлак шакли билан мослашмасдангина, балки уларнинг деталлари билан ҳам ва энг аввало кийимнинг елка қисмини характери билан мосланиши лозим. Бош кийимнинг чизиқлари ёка ўмизи, елка чизиғи, лифнинг ечимига ўхшаш бўлиши керак.

Бош кийимини бош ва юз билан ўзаро боғлиги. Бош кийим муайян ҳажмли бўлиши лозим.

Ўхшаш принципи бўйича яратилган бош шаклини такрорлайди (рўмол,

тўқилган шапкалар, боғичлар, шлемлар). Шундай бош кийимлар, уларнинг шакли энг аввал утилитар эҳтиёжларни таъминлайди, эстетик эҳтиёжлар эса - материал, ранг ва б. таъминлайди.

Контраст принциплари бўйича яратилган бош кийим катта ҳажмли бўлади. Уларнинг шакли, пропорциялари, костюмнинг асосий қисимлари, одамнинг қомати ва бош тури билан ўйғунлаштириш керак. Катта ҳажмни қўлланиши эстетик ёки рамзий функциялар устунлиги билан боғлиқ (рамзий функция кўпинча халқ костюмида, XX аср костюмида эса эстетик функция устунлик қилади).

Нюанс принциплари бўйича яратилган бош кийим ҳажми бошдан каттароқ бўлади. Замонавий бош кийимлар асосан шу принципда яратилади. Бош кийимларни ҳажми бош ҳажмига нисбати 2:3; 1:3; 3:4; 3:5 оптимал бўлади. Бу нисбатлар бараварига эстетик ва утилитар функцияларни бажаради.

Бош кийимнинг конструктив камарлари билан контраст ёки ўхшаш бўлиши мумкин. Бу бош кийимни носимметрик ечимга олиб келади.

Бош кийимни шакли конкрет одамнинг бош шакли ва юзини тури билан ўзаро боғлиқ бўлиб ва уларга пластик бўйсуниб, инсоннинг сиймосини ифодали ва шунга кўра унинг индивидуаллиги яққол кўрсатади. Бош ва юзни стабил ва мобил чизиқларини бош кийим билан ўзаро боғлиқлиги ўйғунлик билан эришилади.

Юзнинг қандайдир томонларини кўрсатиш учун ўхшаш ечимини қўллаш лозим, аммо бу ҳолда меъёрни сезиш керак, чунки юз чизиқларини бош кийимда кўп такрорланиши қиёфани каррикатуралари қилиб кўрсатишига олиб келади.

Контраст усули юзни тузилиш хоссаларини бўртириб кўрсатади.

Фақат нюанс ечими бош кийим ва юзни ўзаро ўйғунлигига эришишга имкон беради.

Бош кийимнинг тектоникасини бошнинг морфологик аломатлари билан ўзаро алоқаси. XX аср эстетик ва этик қойдаларига биноан бош кийим тектоникасини бош морфологик аломатларини ўзаро боғлиги қуйдагича бўлиши мумкин:

- “ураш” принциплари (берк шакллар). Бош кийим геометрик тури бўйича оддий бўлиб, бош шаклини такрорлайди;

- фазовий ривожланиш принциплари (очиқ шакллар). Бош кийим шакли фазода ривожланган. Бош кийим ҳажми бош ҳажми, геометрик тури, катталиги, вазни бўйича муайян пропорционал нисбатларда ифодаланади;

- инсон бошининг шакли билан бош кийимни композицион ўйғунлик принциплари. Бош кийим чизиқлари ва юзнинг стабил чизиқлари билан мосланишув принциплари, улар ҳаракатни такрорлайди;

- инсон ва бош кийимни эмоционал-психологик алоқаси. Одам бошини оптимал ифодаликлиги юзни стабил ва мобил чизиқлари билан бош кийимни мослиги нюанс нисбатлари ёрдамида эришилади, максимал ифодалилик эса – ўхшаш ёки контраст нисбатлар ёрдамида эришилади.

Замонавий костюм тарихий костюмга нисбатан функционал-эргономик ва эстетик талабларга жавоб берадиган оддий шакл ва конструктив ечимга эга. Бош кийим костюм шаклга бўсунади, айрим ҳолатларда эса етакчи бўлиши

мукин.

Замонавий костюм тарихий захирасидан бош кийимнинг бир неча турларини ўзлаштирган, уларнинг ҳажмий-фазаовий таркиби костюм шаклининг асосий қисмини яқунлайди.

Халқ костюмида бош кийим одам бошини этник хоссаларига нисбатан ишланган, қўлай шакллари ўзлаштирилган.

Таянч иборалари: бош кийим, шакл, функция, лойиҳалаш, композиция асослари, юз.

Назорат саволлари.

1. Костюмда бош кийимнинг роли.
2. Бош кийимнинг функциялари.
3. Бош кийимнинг тавсифи.
4. Бош кийимнинг лойиҳалаш композицион асослари.
5. Бош кийимнинг бош ва юз билан ўзаро боғлиги.
6. Бош кийим турлари.

Маъруза № 18

Мавзу: ***Костюм тизимида аксессуарлар.***

Режа

1. Аксессуарларга кирадиган буюмлар.
2. Аксессуарларни ўзгаришига сабаблар.
3. Қўлқоп турлари, тарихий функциялари, рамзлари, замонавий турлари ва услубий ечимлари.
4. Пайпоқларни тарихий ривожланиши ва функциялари.
5. Колготкаларни лойиҳалаш йўналишлари.
6. Белбоғ ва камарлар рамзлари, функциялари ва тарихий ривожланиши.
7. Сумкаларнинг функциялари, тарихий ривожланиши, композицион ечилиши ва замонавий сумка турлари.
8. Соябонлар функциялари ва тарихий ривожланиши.
9. Кўзойнақлар функциялари ва турлари.
10. Галстукни тарихий ривожланиши, функциялари ва замонавий турлари.
11. Елпигични тарихий ривожланиши, функциялари ва замонавий турлари.

Аксессуарлар (фр. “*accessoire*” – бирор нарсага боғлиқ бўлган, бирор нарсага мансублик) – костюмнинг унча аҳамиятли бўлмаган буюмлари.

Костюм композициясида аксессуарлар (сумкалар, қўлқоплар, белбоғлар, кўзойнақлар, бўйин боғлар, бўйин рўмоллар, муфтлар ва б.) нафақат иккинчи даражали буюмларгина бўлмасдан, костюмнинг умумий услубини яратишади. Ундан ташқари аксессуарларни модада ўз ҳаёти бор. Бир томондан улар кийим услубига мос бўлиши лозим, иккинчи томондан эса - уларда баъзан костюм

дизайнерларнинг ғоялари билан мос эмас ўз “ички” модаси бўлади.

Баъзан аксессуарлар модаси кийим мода йўналишидан орқада қолади ёки олға кетиб, истиқбол мода йўналишининг тамойилларини прогнозлаб. Моданинг маҳлиёлиги доимо кўп майда буюмлардан “тўқилган”, уларни танлаш кийим маданаияти билан боғлиқ. Дизайнер услуб ва меъёрни сезиши ва уни ташқи дунёга реал муносабати ансамблни сиймо яхлитлигига эришишга ёрдам беради: бараварига бугунги - актуал, эlegant, комфорт ва эртанги – динамик, сиймоли ва доимо ёқимли.

Янги аср ўз ҳаёт қоидаларини, муаммоларини, муносабатларини, фикрлашни буюради. Ҳаёт жуда тез ўзгарипти. Ўзгарувчан ва мобил замонавий мода инсонни ўз имиджига эга бўлиши учун жуда муҳим восита бўлди. Костюм инсонни фонда ажраб тўришига ва уни шахсий ва профессионал манфаатга эришишга ёрдам бериши зарур. Янги услубнинг фикрлаш белгиси – ҳар бир инсоннинг шахсий оригиналлиги ва мислсизлигини акс этиш. Фақат буюмлар – кийим, безаклар, бош ва оёқ кийим ва қўшимчалар - уларни уйғун бирлигисиз энди истеъмолчини қизиқтирмайди. Муайян шароити ёки кайфиятига кўра потенциал истеъмолчини кўпроқ хилма-хил бўлиш имконияти қизиқтиради, бунга буюмларни муайян бирикмалари ёрдамида эришиш мумкин. Янги бирикмалар ёрдамида инсон интуитив равшда янги сиймо, муамола ва ролларни ўзига чоғлайди. Бу табиий эҳтиёждир.

Дизайнер комплекс синтетик фикрлаши, уйғунликни қизғин сезиши лозим. Масалан, кўз ойнак лойиҳалаганда безаклар, макияж, соч турмаги ва бош кийим инобатга олиниши керак.

Сумкалар, белбоғлар, қўлқоплар фақат утилитар функциянигина бажармасдан, улар кийим ва пойабзал билан мос бўлиб, костюм ансамблига яхлитликни бахш этиши лозим.

Конструкцияси мураккаб ва деталлар билан ортиқча юкланган кийимга оддий шаклли ва безакли аксессуарлар тавсия этилади, оддий кийимларга эса – шакли ва безаги мураккаб сумка ва белбоғлар танланиши мумкин.

Қўлқоплар – қўлга кийиладиган костюмни муҳим қўшимчаларидан биридир. Улар қўлни иқлим шароитидан ҳимоя қилиб, костюмни декоратив яқунлайди.

Қўлқоп рамзини қўлнинг умумий рамзлари билан қиёслаганда у куч ва ҳимояни мужассамлантиради. Қўлқоп кийган қўл мудрофага тайёргарлик рамзи ва тажавузкорлик аломати ҳисобланарди. Қўлқопсиз қўл – ишонч ва ниятларнинг самимийлиги белгиси бўлган. Шунингдек у деҳқончилик билан шуғулланмайдиган шахслар белгиси бўлгани боис, юксак мавқеининг рамзи ҳисобланарди.

Қўлқоплар костюмнинг ҳаракат пластикасини таъкидлайди. Қўлқопнинг асосий функцияси – қўлни совуқдан, шомолдан, зарарли моддалардан ва кирдан ҳимоя қилиш.

Костюмни бошқа буюмлари каби қўлқоплар ўз тарихига ва халқларга мансуб.

Кўп шарқ ва славян халқларда қўлқоп вазифасини кийимнинг узун энглари бажарарди, улар қўлни иситарди ва керакли пайитда иссиқ буюмларни

кўтарганда фойдаланарди. Шундай энглар камбағалларнинг кийимида кўп вақт давомида сақланган.

Илк бор кўлқоплар бармоқлари йўқ қопча турида бўлган, кейин бошмалдоқли кўлқопга ўхшаши пайдо бўлди.

Энг қадимий кўлқоп 1922 йилда Тутанхамоннинг мақбарасида топилган. Ихтимол у босиб олган Осиё халқларидан олиб келинган. Мақбарада эса фиръавинни Осирис худосига кузатиш учун кўлқоп бошқа буюмлар қаторида кўйилган. Қадимий Мисрда фиръавн ва унинг яқинлари босиб олган халқлардан совға этилган кўлқопларни дабдаба либос қаторида тантана маросимларда кийишган аввайлаб асраган нозик кўлларни иссиқ ва шомолдан сақлаш учун. Мисрликлар кўлқоплар билан ишлаганда ва овқатланганда кўлини химоя қилишарди.

Қадимий Юнонистон ёзувчиси ва тарихчиси Ксенофонт милоддан аввал III асрда Месопатамияда Кирни укасида ёлланма аскарни бўлган. Форслар мўйнали кўлқоплар ёрдамида кўлини иситишди деб асарида кесатиб ёзган. Юнонистонда кўлқоп кийганларни нозик ва кучсиз деб ҳисоблашарди ва танбех беришарди. Гомернинг “Одиссея” поэмасида Лаэрт боғда ишлаганда кичитки ўтдан кўлини сақлаш учун кўлқоп кийган дейилган. Антик даврда кўлқопни базимга утиришдан олдин кийишган, чунки иссиқ овқатни қошиқ билан эмас, кўл билан ейишган.

Қадимий римликларни қизил мовутдан бой безатилган кўлқоплари Рим империяси рамзи бўлган. Улар оғир иш қилганда, совуқдан сақланиш ва овқат еганда кўлқоп кийганди.

Россияда чор ва боярлар “перчаткали кўлқопни”ни кийишган, оддий халқ эса – оддий перчаткани кийишган.

Ўрта асрларда Европада “бармоқсиз” кўлқопларни кийишган. Чарм ва темир халқадан кўлқопларни ҳарбийлар ва овчилар кийишган. Бу даврда кўлқоплар кўпинча рамзий маъноли бўлган: епископ ва рицарлар унвони берилганда кўлқоп беришарди. Сюзеренни кўлқопи билан рицарнинг мартабаси кутариларди, шаҳарликларга имтиёз берарди. Қирол ёки епископ кўлқопини номи билан совда қилишга, чақани зарб қилишга, солиқ йиғишга руҳсат бериларди. Мухр қаторида у ҳокимликни тасдиқларди. Судья фақат кўлқопда адлияни хал қиларди.

Кўлқопга сажда қилиш рицар этикетининг муҳим элементи бўлган. Музокарада ерга ташланган кўлқоп дуэлгъа чақирилганини кўрсатарди ва уни кўтариб олиш даврони қабул қилганлигини билдирарди; кўлқоп билан юзи урилса – шундай шармандалиқ фақат қон билан “ювиларди”. Агар аёллар кўлқопини рицарга совға қилишса, у уни белбоғи ёки дубулғасига қистирарди ва аёлнинг шарафига турли жасорат ва уйламасдан турли иш қилишга тайёр эди. Муҳим музокара якунланганда столда қолдирилган кўлқоп келишувликни англади.

XI асрдан бошлаб аёллар безак сифатида узунлиги тирсаккача оқ бўздан кўлқоп кийишган. Кашта ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган чарм ва шойидан кўлқоплар аслзодалар орасида бойлик рамзи бўлган.

XII асрда кўлқопга талаб кўпайгани боис, кўлқопчилар касб ҳуқуқига эга

бўлди. Кўп авлодлар усталарнинг санъати-қўлқоплар аслзодаларнинг костюмини қимматбаҳо аксессуарлари бўлган.

XVI асрда тўқилган пайпоқлар пайдо бўлганда, модага тўқилган қўлқоплар ҳам кирди, аммо чармдан қилинганлари элегант ҳисобланарди. Улар зар, дур ва ипак ип билан кашталанди. Италия ва Испанияда атир сепилган қўлқопларни кия бошлашди. Кўпинча қўлқопчилар ва парфюмерлар бир цехда ишлашган. Француз қироличаси Мария Медичи наввар қиролнинг рафиқасини захарланган қўлқопни ҳадя қилиб улдирганди.

Леонардо да Винчи ўз манускриптида денгизда сузиш учун қўлқоплашни тасвирлаган ва таърифлаб берган.

Ўйғониш даврида қўлқоп маросими мураккаблашди. Испания грандлари қўлқопни киймасдан қўлда ушлашарди; Рим Папаси ва қирол иштироғида қўлқопда бўлиш хафли эди.

Ечиши осон бўлиши учун қўлқопни кенгроқ қилишга интилишарди. Айниқса қўлқопни тиш билан ечиш айибланарди, саломлашганда уни ечмаслик ёки у билан бирорта нарсани олиш ҳақорат қилишни билдирарди.

Жуда кўп таъқиқлар сабали эркаклар қўлқопни қўлга киймасдан белига қистириб юришарди.

XVII-XVIII асрларда эркак ва аёллар кашталанган қўлқопни кийишган. Бу вақтда аёллар костюмида қўлқоплар жуда муҳим модали аксессуар бўлди. Улар энг билан мусобақа қилганди: энг қанчалик калта бўлса, қўлқоп шунчалик узаярди. Уларни ечиш қийин бўлгани боис XVIII асрни охирида бармоқсиз қўлқоплар— *митенлар* (*фр. mitaines*) пайдо бўлди. Уларни шойи газламадан тикишарди ёки жун, ипак ва пахта ипидан тўқишарди. Эркаклар костюмида тўрдан манжетлар қўлни беркитгани боис қўлқопга жой қолмаганди.

Айнан XIX асрда “қўқоплар даври” бошланди. Эркаклар модасида одми бичимли безаксиз қўлқоплар кирди. Қўлқоплар кийиклар чармидан ва замшадан қилинарди. Кечки қўлқоплар узун, бармоқсиз; кундузгиси эса — бармоқли бўлган. Яхши муамола қойидаси бўйича жамоада қўлқопсиз бўлиш одобсизлик деб ҳисобланарди. Ундан ташқари либосни барча буюмларининг ранги ҳар хил вазиятлар учун қатъий белгиланганди: балга оид - оқ, овда — сариқ, мотам костюмида — қора бўлиши лозим эди.

XIX асрга қадар қўлқоплар қўлда тикиларди. XX асрда қўлқоплар аёллар ва эркаклар костюмида ажраламас қисми бўлди. Улар утилитар ва эстетик функцияни бажаради.

Хозиргача қўлқоплар модасида икки услубни ажратишади: француз - юпқа эластик чармдан, қўлга ёпишиб турадиган тор узун қўлқоплар; инглиз — сал чузиладиган чармдан қўлқоплар.

Модага биноан қўлқопларнинг бармоқларни учи ҳам ўзгариши мумкин: у учкур ёки квадратсимон бўлиши мумкин. Қўлқопнинг узунлиги, кесилиш шакли, фурнитураси ҳам модага боғлиқ. Агар кўйлакнинг энги калта бўлса, қўлқоплар узаяди ва пистон ёки тугмали тақилмалари қилинади.

Қўлқоплар модага биноан ҳар хил материаллардан қилинади: чарм (ялтироқ, хира, локланган, босма нақш туширилган чармдан ва замшадан), духобадан, атласдан, замонавий синтетик материаллардан, турли тўрлардан,

трикотаждан, ип газламадан ва б.

Қўлқопларнинг шакл композицияси силуэт, конструктив (чоклар) ва декоратив (фактура, ранг, безак) чизиклар ёрдамида яратилиши мумкин. Уларни орасида декоратив чизиклар муҳим роль ўйнайди.

Костюмнинг безак элементлари қўлқопда ҳам такрорланиши мумкин: кашта, металл туқалар, пистонлар, перфорация ва б.

Ранги бўйича қўлқоплар кийимга нисбатан сал бошқа тусли ёки бир хил рангли бўлиши лозим, қўлни жуда узун тасаввурини тўғдирмас учун.

Қўлқоплар тури, размери ва мўлжали бўйича бўлинади. Замонавий қўлқоплар маҳсус, спорт ва майишийларга бўлинади. Майишийлари эса кишки ва баҳор–кузгига бўлинади. Спорт қўлқоплар – бу боксчилар, штангачилар, мотоциклчилар, велосипедчилар, чангичиларникидир ва б.учун. Маҳсус қўлқоплар билан тиббий ходимлар, электромонтёрлар ва б. фойдаланади.

Қўлқоп стрелка, напалка ва платкадан иборат. Қўлқопнинг платкаси яхлит ёки икки бўлакли (орқа ва ич томони) бўлиши мумкин. Платканинг кенгайган тепа томони манжета дейилади. Қўлқопларнинг орқа томони одатда кашта, чок, металл фурнитура, перфорация билан безатилади.

Пайпоқлар. Биринчи пайпоқ қачон тўқилганлигини хозир аниқлаш қийин. Гомерни асарида Пенелопа кечаси тўқилган буюмни кундуз сукиб ташларди – мумкин у пайпоқ бўлган? Археологлар копт қазилмасидан V асрда тўқилган болалар пайпоғини топишган.

Тўқиш касби фақат XIII асрда Италияда тикланган. Аммо ўрта асрда пайпоқ костюмнинг алоҳида қисми сифатида бўлмаган. Эркаклар мовут, бўз ёки юпка чармдан тикилган иштон-пайпоқ кийишган. Шунинг учун Францияда дастлаб пайпоқни *bas de chausse* – “*иштонни почаси*” деб аташган. Аскарлар ва оддий халқ кўпинча пайтава кийишарди.

Испанияни тўқилган пайпоқнинг ватани деб ҳисоблашади. Бу ерда уларни қўлда тўқиб кашталанган рангли улоқ билан безатишарди. Шундай пайпоқлар шунчалик даражада қиммат турардики, ҳатто инглиз қиролига Генрих VIII (1491-1547йй.) совға сифатида юборишган.

Унинг қизи Елизавета I (1533-1603 йй.) ипак пайпоққа эга бўлган. Аммо бу даврда Англияда жун пайпоқгина тўқиларди.

Пайпоқ тўқидиган машинанинг ихтирочиси Уильям Лининг тақдири ўзгача бўлган. Философия магистри тўқуқвчи қизни севиб қолган ва унга ёрдам бериш учун 1589 йилда тўқув машинасини ихтиро қилган. Бу машина бир дақиқада 100 изма қилиш мумкин эди. Аммо қиролича Елизавета I га кўрсатилганда машинада фақат ипак эмас, жун пайпоқлар тўқилади ва тўқувчилар ишсиз қолади деб у Лига патент бермаган. Куп утмай Ли ипак пайпоқ тўқидиган дастгоҳни ихтиро қилди, аммо на Елизавета I, на Яков I бу машина билан қизиқишмади. Умидсизликдан Ли Франция қироли Генрих IV таклифини қабул қилиб, Руанга кучиб кетди. Аммо Генрихни улимидан сўнг Мария Медичи ҳомийлик қилмагани боис у Парижга кетди ва у ерда 1610 йилда вафот этди. Католикларнинг таъқибидан қочиб хунарманд-протестантлар Германия, Австрия ва Италияда бошпана топишган. Пайпоқ тўқув машинасини 1650 йилда катъий тадбиқ этилган.

Барокко ва Рококо услублари даврида кавалерлар оқ шойи пайпоқ кийишган, кирол Людовик XIV даврида узунлиги тиззагача кўк ёки қизил пайпоқлар урф бўлган. Мода қонундори маркиза де Пампадурга тақлид этиб, зеболик аёллар тўрдан пайпоқни кийишадиган бўлди.

XVIII асрни охирида Европада тикилган пайпоқни ўрнига тўкилгани кирди. Буюк француз инқилоби даврида калта иштон-кюлотни ўрнига узун иштон-санкюлотни кийилгани боис пайпоқ керак эмас бўлиб қолди. Аммо, Наполеон империяси даврида сарой костюми пайпоқни яна мода бўлгани боис, пайпоқдан воз кечиб, эркаклар калта пайпоқ-носқини кийишадиган бўлди.

Аёллар пайпоқлар тарихи ўзгача. Қанчалик кўйлаги калтароқ бўлса, шунчалик пайпоққа эътибор бериларди.

Россияга пайпоқлар Ғарбдан келган, номи эса шарқий-татар сўзи “чолгау”дан келиб чиққан, яъни “пайтава”дан.

Россияда қишлоқ аёллари пайпоққа катта эътибор беришарди. Олифта аёллар бараварига 6 жун пайпоқ кийишган, чунки семиз болдир урф бўлган. Қамбағаллар пайпоқни пайтавани устидан кийишган. Одатда уларнинг пайпоғи оқ ёки қора рангли бўларди. Безакли пайпоқларнинг тепаси оқ, пасти - йўл-йўл ёки нақшли бўлган.

XIX асрни ўртасида аёллар оқ пайпоқ кийишганди. Қанчалик аёлларюбкаси калталанса, шунчалик пайпоққа ва пойабзалга кўпроқ эътибор бериларди.

XX асрда аёлларнинг ташқи кўринишида пайпоқлар муҳим ўринни эгаллайди. *Фильдекос* (фр. “шотландикалар”) ва *фильдеперс* (фр. “форс ипи”) пайпоқлар ипаксимон пахта ипидан тўкиларди.

Аввал модада пайпоқлар оқ ва қора рангли бўлган, сўнг аёлларнинг оёғи кўпроқ очилгани боис тўр пайпоқлар модага кирди.

Тўрсимон кўзли, тўр, ҳар хил рамзли нақшлар (гуллар, ўргимчак ини ва б.) билан безатилган пайпоқлар 1900-1914 йй. модага кирди. Юпка ип газлама – *флёр* ва шойи шундай пайпоқлар учун материал бўлди. Қўлда ёки машинада ишланган кашта (нақши гул, қушлар) ёки брюссель тўрларидан кўшимча қилинган пайпоқлар айниқса зеболи ҳисобланган. Баъзан, зеболи либослар билан йўл-йўл ёки катак-катак пайпоқларни кийишган.

1920 йилдан кейин модага тана рангли шойи пайпоқлар кирди.

Иккинчи жаҳон урши пайтида магазинларда пайпоқлар бўлмагани учун, инглиз аёллар парламентга мурожат қилишди: расмий жойларга пайпоқсиз келишга рухсат берадиган қонун қабул қилишни. Аммо бу муаммони ғалати ечими қуйидагича бўлди: аёллар ишга борганда оёғини аччиқ чой билан бўйшарди ва пайпоқлардагидек чоқини ҳам чизишарди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин модада сунъий ва синтетик толалардан пайпоқлар кенг тарқалганди. Нейлон пайпоқлар илк бор АҚШда 1939 йилда қилинганди. Улар тана рангли қилинарди.

Мини-мода кенг тарқалгани боис модага турли рангли пайпоқлар кирди.

Тўр,эластик, лайкра ва б. пайпоқлар кенг тарқалди. Пайпоқлар орқасида чокли (баъзан қора рангли ва товонида стрелкали), яхлит тўкилган, қора товонли, ҳар хил тасвирий мавзу (капалак, юракча, нухат, ромб, гул ва б.)

нақшли бўлган.

Колготкалар. Костюм дизайнида колготкалар муҳим роль ўйнайди, уларнинг тимсоли пайпоқлар бўлган.

Мини–мода ва рок-н-ролни (у тез ва кўпол ҳаракатни талаб қилган) кенг тарқалгани туфайли модага папоқларни ўрнига колготкалар кирди.

Кийимнинг янги турлари ва шакллари колготкаларни безатиш учун янги усулларни талаб қилди.

Янги илғор технологиялар дизайнерларга бу костюм кўшимчаси эстетик ва утилитар функцияларни бажаририш учун янги имконлар яратди.

Пойабзал билан биргаликда колготкалар замонавий аёллар костюмининг пластик сиймосини яқунлайди.

Дизайнерлар колготкаларни лойиҳалашда ва бадиий безашда, одам фигурасини костюм ёрдамида коррекциялашда одат бўлиб қолган усуллар билан фойдаланишди: оптико-геометрик иллюзиялар, психологик чалғитиш иллюзиялар, ҳар хил ранг ёки фактурани психологик таъсири ёрдамида. Масалан, нейтрал ранглар оёқни табиий кўрсатади, тўқ ранглар эса – оёқни узунроқ қилиб кўрсатади. Вертикаль чизиқлар, ромб ва тўғрибурчак геометрик нақшлар идеал оёқлар гўзаллигини кўрсатишга ўндайди. Ялтироқ фактураларда оёқ каттароқ, хираларда эса – кичкинароқ туюлади.

Замонавий колготкаларни лойиҳалашда икки йўналиш мавжуд: классик ва фантази.

Классик колготкалар, одатда, сидирға, бир тонли бўлади. Уларни расмий шароитда, этикет сақлаш керак бўлган ҳолда кийилади: театрга, презентация ва б. бориш. Табиий тана рангли колготкалар қўлни табиий рангига монад бўлиши лозим.

“Фантази” ёки *авангард* колготкалар ранги, тўқилиши ва фактураси ҳар хил бўлган.

Ёшлар орасида гулли ёки геометрик нақшли, логотипли, стилизацияланган хайвонлар, балиқлар, эртак персонажлари тасвири, катак-катак ва йўл-йўл (*дольчиклар*) колготкалар кенг тарқалганди.

Ҳамонки колготкалар совуқ ва ҳаттоки иссиқ пайитда кийиладигани боис, дизайнерларга кимёчилар, биологлар, тиббий ходимлар ёрдам берган, улар маҳсус ҳаво утказадиган моделларни яратишган.

Охирги пайитда ишланган колготкалар антистатик, антимиқроб, хидни йўқотадиган хусусиятларга эга. Колготкалар эластик иплардан (“эластан” ва лайкра) тўқилиши, уларни танага ёпишиб турадиган қилди, қон айланишини кучайтиради, антицеллюлит ва антиварикоз хоссаларга эга қилди. Колготкаларни максимал босимини болдир ва бўксага тақсимланиши натижасида енгил массаж эффементи юз беради.

Болалар, тинейджерлар ва талабалар учун колготкалар лойиҳаси ишланганда сиймоли ечимлар бўлиши лозим. Дизайнер ажойиб фикрлаши лозим, моданинг янги тамойилларини билиши, янги материаллар ва фактураларни қидириши зарур.

Классик ва “фантази” колготкалардан ташқари яна балет ва цирк артистлари учун маҳсус колготкалар мавжуд. Шундай моделларни яратганда

қўйидагини инобатга олиш керак: бу буюмлар ёруғликни турига кўра ташқи кўриниши ўзгаради, демак, ижодий қидирув ранг ва ёруғликни ўзаро алоқасини, томашабинга рангни психофизиологик таъсирни инобатга олиш ва антропотехника (одамни физик имкониятларига мослаштириб объектни лойихалаш) билан фойдаланиш керак.

Белбоғ ва камарлар. Улар костюмнинг ажралмас қисми бўлган. Ибтидоий даврда белбоғ ва камарлар психологик функцияни бажариб, яъни ёвой рухдан сақлаш воситаси бўлган. Қадимдан белбоғ танани тепа ва пастки қисмларга ажратиб, инсонда ҳам ихтимол юқори ва паст моҳиятини ажратар эди. Эзотериклар билими бўйича белбоғ одамни икки муҳитга бўлар экан: белбоғдан юқори тана қисми инсонни Космос билан, пастки қисми эса Ер билан боғлайди. Уларни фикри бўйича эркаклар космик, аёллар эса ер моҳиятига эга.

Қадимдан энида ҳаттоки кийими бўлмаса ҳам белбоғ кийишарди. Белбоғларни атрибутив ва рамзий маъноси халқларда ва вақт сари ҳар хил бўлган.

Қадимий цивилизацияларида белбоғ – бу газлама ёки чармдан тасма ёки тўқилган ўтдан қилиниб, жамиятда инсоннинг ўрнини, униг бойлигини, ҳаётида ўзгаришларни ва б. томонларини акс этарди.

Крит оролида, Қадимий Юнонистон ва Римда белбоғ жуда муҳим қисми бўлган: уйдан белбоғсиз чиқиш одобсизлик деб ҳисобланарди, фақат раққосалар ва гетералар хитонини белбоғ билан боғламаслиги мумкин эди. Одатда белбоғга пешбанд, қурол, ва б. буюмлар қистирилари. Гомернинг “Иллиада” поэмасида “бел боғлаш” жанга тайёрланишни ифодаларди. Белга қилич, пичок, камон, отиш қуроли ва б. қистирилари.

Славян халқларида (Ғарбий Украинада) қалин чармдан, яширин чунтакли, босма безакли, кумуш ва мис тўқалар ва тугмалар билан безатилган эни кенг камар ўзига хос корсет ва яширин чунтак бўлмасдангина тумор ролини ўйнаган.

Мўғил чарводарнинг зарурий буюми белбоғ “бус” бўлган. Уларда “бустой” эркаклар синоними эди, аёлларники эса – “бусғуй” (“белбоғсиз” аёл) бўлган.

Баъзи араб малакатларида ўспирин вояга етганда белбоғ боғлашади. Агар белбоғи туя жунидан бўлса у 15 ёшга кирганини акс этарди.

Эскимослар унаштириш маросимда куёв келинга овланган ивласин билан (оқ айиқ ва моржнинг олдинги тиши) безатилган белбоғни совға қиларди.

Словакия ўспирини бозорда қимматбаҳо белбоғ сотиб оларди, акс ҳолда қизлар унга эътибор бермасди. Белбоғга пул соладиган чунтакларни қистиришарди.

Озёрбойжонда белбоғга олтин танга тикишарди ва у авлоддан авлодга ўтарди.

Рус деҳкони белбоғсиз юриш уятли ҳисобланган. Инсондан белбоғни олиб ташлаш шанига инсон келтиришни билдирарди. Қадимий одатга кўра фол очганда белбоғни ечиш зарур эди. Янги тўғилган чақалоққа белбоғни ҳадя қилишарди. Чўкинтиргандан сўнг қизларга белбоғ боғлашарди. Маитни ҳам

белини боғлашарди. Рус қишлоқ қизлари севган йигитига дуолар, севган исмлар, насиҳатлар, ўғитлар кашталанган белбоғларни совға қилишарди.

Волга бўйлаб қишлоқларда белбоғда сўзлар тўқишарди. Тўқилган сўзлар сони бўйича белбоғга ном бериларди: бир сўзли, икки сўзли, уч сўзли, тўрт сўзли. Аёллар белбоғни кўкракни тегида боғлашарди, эркаклар эса – белидан пастрок. Белбоғлар эшилган шойидан қилиниб, шокила ва попуқлар билан безатиларди. Кундалик белбоғга қинда пичоқни осиб қўйишарди.

Кафтан, пусстин ва чопонларини кенг уч метрли жун ёки шойи белбоғ – *кушак* билан боғлашарди. Кушак Россияга Шарқдан келганди (қўшак туркча сўз).

Ўрта Осиёда эркаклар қўйлак ва чопонини белбоғ (чарм ёки газламадан) ёки *чорси* (*қийиқча*) билан боғлашади. Баъзан белига бараварига бир нечтасини боғлашади. Одатда қарилар - оқ, ўрта ёшлар - кўк, ёшлар – қизил, сариқ, малина рангли белбоғни кийишарди. Белбоғни тахламларига пул, тамакидон, йўлга олинган нонни, майда буюмларни солишади. Белбоғ билан номоз олдида юзини артишади, у жойномоз ёки дастархон сифатида ҳам бўлиши мумкин эди. Чорсини бошига салла қилиб ўрашарди. Бўйиндаги рўмолни учи пастка қараб осилиб тўрса ҳам ёки дунёдан воз кечканлигини кўрсатарди. Мотам кийимда аёл ва эркаклар чопонни устидан бел боғлашарди. Аёллар одатда белбоғ кийишмаган. Ўрта асрларда касбни эгаллаган ўқувчига белбоғ боғлашарди.

Жанубий–Шарқда Япония ва Хитойда аёл ва эркак либосларида белбоғлар бўлган. Японияда эркаклар белбоғини кимонони ўстидан белидан сал пастрок кийишган, кундалик кийимда уни учуи пастга қараб боғлашади, башанг кийимда эса - учлариюқорига қаратилади. Аёллар кимонони устидан кўкрагидан сал пастрок бараварига 3-7гача белбоғ кийишади. Аёллар белбоғи-*оби* учун газлама алохида тўқилади.

Европа ўрта асрларида белбоғнинг рамзи ўзгача бўлган. У фаровонлик ва фахрийлик, кадр-қийматлик ва ифбатлик, эр-хотин вафодорлик тимсоли бўлган. Фохиша аёлларига белбоғ кийиш ман этилганди.

Мусулмон шарқида чармдан камар насронийларни фарқловчи белгиси бўлган, чунки улар харом чучка терисидан қилинарди. Мусулмонларнинг белбоғи газламадан қилинарди.

XIII асрда совут ёки харбий плашчни устидан қилични қистириш учун белдан пастрок белбоғ *дупсинни* кийишган. XIV асрни иккинчи ярмида бу кенг белбоғ зар билан безатиларди, бургундлар модасида эса белбоғга турли буюмлар (хамён, ойнани) қистиришарди.

XV-XVI аа. қуроли махкамланган газламадан кенг белбоғ-*бандельени* кийишганди. XVII асрда банделье шпагани олиб юрадиган кавалернинг модали аксессуарлари бўлган.

XVII асрда Россияда белбоғсиз юриш беадаб ҳисобланарди. Белбоғни бой ва қамбағаллар кийишган. Бойларнинг белбоғлари қимматбаҳо матолардан қилиниб, сер безатиларди. Ингичка белбоғни қўйлакни, кенгини эса – кафтанни устидан кийишарди, улар билан тугма ва қўйма қаторида фахрланашарди. Белбоғлар яхшилик ва сермазмунли совға сифатида

ҳисобланарди. XX асрга қадар белбоғсиз юриш шармандалик тимсоли бўлган, инсондан камарни ечиш уни иснод қилингаллигини аксэтарди.

XX асрда костюм копозициясида белбоғ муҳим ўринни эгаллади. Улар услубни яратадиган костюм элементларидан биридир. Белбоғлар ва камарлар ҳар хил материаллардан қилинади, безаклари ва тақилмалари ҳам хилма-хил. Конструкцияси ва кийиш усули бўйича улар боғланадиган ва тақилмали. Ёши, жинси, ижтимоий ҳолидан қатъий назар белбоғ ва камарни ҳозир ҳамма такади. Унинг асосий вазифаси – кийимни ушлаб тўришдан ташқари, у танани камчиликларини яширади, комадни келишган, батартиб қилади, аёл белини гўзаллигини намоён этади.

Умуман, ҳозирги модада белбоғларни гуруҳларга бўлиниши шартлидир. Масалан кенг белбоғни хоҳланса нимча, корсаж, корсет, мини-юбкага айлантириш мумкин.

Камар ва белбоғни кийиш учун маълум қоидаларни билиш керак. Масалан, эркалар костюмида классик қонуни бўйича камар ранги пойабзал ранги билан бир хил бўлиши лозим; тўқасининг ва бошқа фурнитураларни материали соат материали и рангига мос бўлиши лозим; пойабзал ва қўлқоп каби қора камарлар рангли спорт кийимида қўлланиши мумкин; смокингни шимиға асосий газламадан кушак бўлиши керак. Аёллар костюмида камар ранги одатда сумка ва туфлини ранги билан мосланади, дизайни эса безаклар билан ўйғунлашади.

Аммо замонавий мода демократик ва ўзгача бўлгани боис, юқоридаги қонунлари фақат этикет қоидаларига кўра ва расмий шароитда риоя қилинадиган бўлди.

Ҳозир дизайнерлани ва истеъмолчилар эътиборида ҳар хил белбоғлар: декоратив, функционал, ҳарбий, этник, авангард, милитари услубида ва б.

Камарлар учун асосий материал – чарм. Улар перфорация, тука, туноғич, металл пистонлар, заклёпкалар, шокила ва попуқлар, босма нақшлар, занжир, стразлар ва б.билан безатилади. Уларга альтернатив материаллар сифатида пластик, металл ва текстиль қўлланади.

Сумқлар бошқа костюм дизайн асарлари каби техникавий прогресс ютуқларинигина акс этмасдан, турли ижтимоий гуруҳларни турмуш тарзи ва психологияси тўғрисида маълумот беради.

Психологлар фикри бўйича аёлни характери тўғрисида уни сумқаси маълумот беради. Кичкина, ичи тулдирилган целофан пакети аёлни кам тасаввурлигини ифодалайди. Ёрқин сумқаларни фантазияси бор енгилтак аёллар олиб юришади. Катта сумқаларни пессемист аёллар олиб юришади; эски, ифлос, йиртилган лекин озода ва элегант кийинган аёллар – бу мантиқаси мутлақо йўқ ёки кўп муаммолари борлигини кўрсатади.

Сумқани пайдо бўлиши ҳар хил майда буюмларни олиб юриш билан боғлиқ. Масалан, римликлар плашч тогани тахламларида синус деб аталаган маҳсус чунтаги бўлган, у ерда пул ва бошқа майда буюмларни солишган. Қадимий Юнонистон аёллари кичкина нозик қопча-кисетни олиб юришган, XIX асрда эса классик костюм билан ишқивозлик бўлганда улар аёллар сумқачаси тимсоли бўлди.

Африка халқларида сумкаларга сеҳрли маъноли нарсаларни солишган. Масалан, Сахарадаги тауреглар қабиласида сумка-туморида кучманчиларни барча турмуш шароитлари учун дуоларни олиб юришган.

Барча халқлар турли материаллардан қилинган, сер безатилган, турли шаклли, тақилмали, бандли сумкаларни қўллашган.

Европада сумкалар билан XI асрдан бошлаб фойдаланишди. Бу белга қистириладиган кичкина сумка-хамён, унга аслзодалар хайр бериш учун чака солишарди. Бу сумкалар *l-aumoniere*– тангадон деб номланганди. Сумка-кисетлар (тамаки солиш учун) эркаклар костюмида бўлган. Ижтимоий ҳолига кўра улар оддий полотнодан, юмшоқ эчки чармидан, замшадан, кимхобдан қилинарди ва кашта, дур, рангба-ранг мунчоқлар билан безатиларди.

XIII асрда осиб юрадиган сумкалар қаторида квадрат ёки тўғрибурчак шаклли асосан ясси, дастаси кашталанган шнурдан қилинган қўлда олиб юрадиган сумкачаларида ибодат китобларини олиб юришган. Сумкалар шойи, зар ва кумуш иплари билан кашталанарди ва кичкина кўнғироқчалар ва попуқлар билан безатиларди.

XV асргача сумкалар билан асосан савдогорлар ва алмашувчилар фойдаланарди. Уларнинг костюмини асосий атрибути катта хамён бўлган. Шундай сумкалар Россияда ҳам маълум эди.

XV асрда сумканинг роли ўзгарди. Аёл ва эркаклар сумкалари фарқланадиган бўлди. Аёллар сумкалари юмшоқ, ипак ипи билан кашаталанган, белбоғга узун шнур ёки занжир билан маҳқаланарди. Эркаклар сумкаси дағал чармдан ишланарди, уларни чарм измалар ёрдамида белбоғга маҳкамлашарди, сумкани орқасидаги измага ханжар қистириларди.

XIV–XV аа. Францияда пул учун қопча амалдорлар туалетини буюми булган. Кеч Готика модасида турли размерли қопчалар коллекцияларини белбоғга осиб қўйишарди, юрганда уларни ичидаги тангалар жирингларди. Улардан ташқари белбоғга калитларни, пичоқ ва атир шишасини осиб юришарди.

Бу қопчалар Ренессанс даврида ҳам сақланганди. XVI асрда рамка тақилмали сумкалар пайдо бўлди, уларнинг конструкцияси хозиргача сақланиб қолган.

XVII асрда маркиза де Помпадур аёллар сумкачаси - “*ридикюль*” (фр. *reticule*– аёллар сумкаси, сетка) ихтиро этганди. Бу сер безатилган духоба ва турдан қилинган сумкача эди. Модага XVIII асрни ўртасида кириб, ридикюль XIX асрни бошида оммабоп бўлди, чунки тор антик кўйлақларда чунтак бўлмаган. Сайр ва визитлар учун қимматбаҳо мўйнадан ишланган, зар ва кумуш билан кашталанган ёки бутунлай кумуш ёки зар совут туридан қилинган ридикюльлар пайдо бўлди. Уларни қўлда олиб юришарди, белбоғга қистиришарди ёки бўйинга осиб қўйишарди. Ридикюль XIX асргача мода бўлган.

XIX асрни бошида модага каттиқ сумкачалар кирди. Аста-секин “ридикюль” номи қайтти ва сумкалар орасида пешқадам бўлди.

1930 йй. модага оддий хажмий ва мустаҳкам чармдан сумкалар кирди ва “ридикюль” сўзи истеъмолдан чиқди.

Оммабоп онгда сумкалар орасида савлатлик рамзи *портфель* бўлган.

1970 йилни охирида модага *кейс* (иккинчи номи – *дипломат*) кирди – бу қаттиқ чемоданча стилли эркаклар хамрохи бўлди, портфель эса ўқувчиларни портфелига айланди. Ҳозир у яна модага кирди *портфель-планшетга* алмашиб, қаттиқ конструкцияси, рационаллиги ва олиб қўйиладиган узун тасмаси билан классик портфелдан фарқланади. Уларни ичида маҳсус буюмлар (визиткалар, ручкалар, мобил телефон) учун чунтаклари қилинган. Шундай портфеллар вертикал ва горизонтал бўлиши

Замонавий портфель варианты: *сумка-портфель-трансформер*. мумкин. У миниатюр чемоданга айланиши мумкин, уни қопқоғи эластик тасмалар билан таъминланган .

Аввалгидай рақам қулупли кейс рақобатдошдир. Кейсларнинг моделлари кундаликларга (қоғоз ва канцеляр буюмлари учун) ва командировкага оидга (унда кийим учун катта эмас ниқоблар қилинган) турларига шартли бўлиниши мумкин.

Замонавий сумкалар дизайнини фарқловчи томонлари - уларнинг кўпфункционаллиги ва трансформацияланадиганлиги. Сумкаларни шаклланишига янги концепциялар пайдо бўлди: универсал *сумка-трансферлар*, мураккаб қаттиқ конструкцияли олиб қўйиладиган чунтакли *сумка-кейс* ёки маҳсус механизм ёрдамида этюдникка айланадиган сумка-кейс.

Аёллар сумкалар ассортименти эркакларникига нисбатан жуда хилма-хил. Бу театрға, пляжға оид, кундалик, косметичкалар, башанг, сайирға оид ва б. сумкалар. Улар ҳажмли ёки ясси, юмшоқ ёки қаттиқ, кичкина ёки катта, турли материаллардан ва турли геометрик шаклли (трапеция, тўғрибурчак ва овал) бўлиши мумкин.

Сумканинг корпусининг конструкцияси бир неча қисмдан иборат бўлиши мумкин: икки клин ва полотнодан; икки “деволчасидан” ва тегидан; яхлит полотно бўлагидан.

Сумкани сиймосини яқунлаш учун ишчи ва декоратив фурнитура (тукалар, пистонлар, тақилмалар ва б.) катта аҳамиятга эга. Нимқаттиқ ва юмшоқ сумкаларда юмшоқ таҳламалар ўзига хос декор бўлган.

XX асрни охирида сумкаларни дастаси жуда хилма-хил бўлди: елкадан ташлаб юрадиган узун, калта бир ва икки қавт, эшилган юмшоқ, ясси, қаттиқ металл ва пластмасс, комбинацияланган (узун ва калта) дасталар.

Сумкаларни лойиҳалаш – бу костюмни лойиҳалаш мураккаб қисмларидан биридир. Ҳар ҳил мўлжалли сумкалар (эркак ва аёллар, ёшлар ва болалар, спортға оид, маиший ва б.) ўзига хос сиймо ва технологик ечимни талаб қилади. Масалан, кундалик сумкаларда конструктив ечими баҳялар, безак, фурнитура билан кўрсатилади. Башанг сумкалар эса мураккаб шаклли декоратив тақилмалар, таҳламалар, мунчоқлар, стразлар ва б. билан безатилади. Сумканинг мўлжали уни ранги билан ажралиб тўради: кундалик сумкалар одатда табиий чарм рангида, кул ранг, тўқ жигар ранг, қора ва б. рангли қилинади. Башанг сумкалар эса қора, оқ, қизил-кўк-яшил гаммада қилинади.

Ёшлар учун сумкалар маҳсус гуруҳға киради. Улар юмшоқ шакли, катта размери, ранглар ва материаллар контраст бирикмаси, фантази ечими билан

ажралиб тўради. Сумкалар яратишда янгилик – бу уларни комплектлигидир. Дизайнер бир комплектда косметичка, хамён, атир учун сумкача, кўзойнак, ручка, ёзув дафтари, телефон ва б. учун ниқобларни тавсия этади. Комплектнинг барча буюмлари бир рангли материалдан ва ўхшаш шаклда қилинади. Комплектга камар ҳам кириши мумкин. Чемоданлар ва йўл сумкаси ҳам комплектда ишланиши мумкин: анъанавий ҳажмли юмшоқ ёки қаттиқ конструкцияли чемоданларга юмшоқ йўл сумкалари қўшилади.

Шундай комплектларни лойихалаш дизайнердан катта профессионал маҳорат, дид ва маданиятни талаб қилади.

Кўзойнаклар. Аксессуарлар орасида кўзойнаклар муҳим роль ўйнайди, Кўзойнак бу фақат кўриш учун коррекция воситасигина эмас, балки катталар ва болалар кийадиган модали аксессуардир.

Европада кўзойнаклар чамаси 1300 йилда пайдо бўлган. Аммо, тарихчилар маълумотига кўра улар Шарқ Осиёда анча эртароқ маълум эди. Фақат амалий функцияга эга бўлиб, улар жуда тез модали безак бўлиб қолди ва модага бўйсуниб, ҳар хил ўзгаришларга йўлиқди: ойнаклар шакли ва катталиги, қўлланган материаллари, гардишининг шакли ва ранги.

Тарихнинг баъзи даврларида кўзойнаклар моданинг аломати бўлган. Масалан, XVII асрда эркаклар ёрқин рангли катта кўзойнак кийишган, XVIII асрдан бошлаб зодагонлар *лорнет*(занжирли қўл дастали кўзойнак), зобит ва элчилар *монокльни* (олтин гардишда ойнак ёки у сиз тасмада бир кўзга кийиладиган кўзойнак) афзал кўришган.

XIX асрни ўртасида *пенсне* (банди йўқ қаншарда турадиган кўзойнак) пайдо бўлган.

XX асрда модага куёш нурларидан ҳимоя қиладиган кўзойнаклар пайдо бўлиб, костюмнинг ажралмас қўшимчаси бўлди.

Кўзойнаклар – кўзга ташланадиган аксессуардир. Улар ёрдамида юзга сирлик, фитнеслик, сексуаллик, ҳимоясизлик, интеллектуал диққат-эътиборни, аристократик шармни жалб этиш мумкин.

Ажойиб гардишли ва ойнакли кўзойнаклар заргар буюмлар каторида кечки тантанали маросимларда кийиш мумкин.

Кўзойнакни ҳозир фақат яхши кўришгагина эмас, ўзини ташқи кўринишини ўзгартириш учун ҳам кийишади (масалан, буруннинг шаклини, юз овалини ва б.). Демак, юзнинг қандайдир нуқсонларини кўзойнак ёрдамида коррекция қилиш мумкин.

Кўзойнакнинг ажойиб нозик шакли, гардишининг шакли, ранги ва фактураси ёрдамида салобатлилик ва куркамликка эришиш мумкин.

Куёш нуридан сақлайдиган ва айниқса спортга оид кўзойнаклар лойихаланганда, дизайнернинг пластик анатомия соҳасидан, череп суяқларини ва юз мушакларини тузулишидан билими бўлиши лозим. Ундан ташқари кўзойнакнинг конструкцияси мустаҳкам, енгил, қўлай ва хафсиз бўлиши керак.

Ёшларнинг кўзойнаклари куёш нуридан ҳимоя қиладиган, спортга оид ва декоратив бўлиши мумкин.

Декоратив кўзойнаклар конструкцияси ва беагаги стили бўлиши керак. Масалан, гардиши газлама, мўйна билан қопланган, гул шаклида,

стилизицияланган қушлар, ҳайвонлар ва мунчоқлар билан безатилган, ойнаклари эса хилма-хил шаклли, ҳар хил материалардан (шиша ва пластмасса) ва ранги турли (яшил, чигар ранг, хаво ранг ва б.), ранги ёруғликка нисбатан ўзгарадиган (“хамелеон”) бўлиши мумкин.

Думолоқ, овалсимон, квадрат, тўғрибурчак, томчисимон, мушук ёки неначани кўзига ўхшаган, чузилган тор тасма турида, гардиши ёки у сиз – бу замонавий модалар кўзойнақлар шакли.

Ранги тепасидан пастка қараб тўқдан очга ўтадиган градиент линзалар тавсия этилади. Линзаларнинг ранги қора, тўқ-кўк, тўқ-кул ва жигар ранглар.

Гардишсиз кўзойнақлар – ниқоблар шакли пайвндловчининг кўзойнагини эслатади, баъзилари бурун ва қошни ҳам беркитади.

Яна бир янгилик – чўзилган гардишлар ҳаттоки қўлоқгача етади.

Қўш бурма ва турли ленталар билан безатилган романтик гардишлар ҳам мода бўлди.

Гардишлар ҳар хил рангли ва размерли стразалар билан безатилган: коралл, феруза каби сунъий тошлар фирма логотипи шаклида терилган. Гардишнинг ранги қора, кўк, тўқ қизил, жигар ранг, оқ ёки қахрабо тоши рангида тавсия этилган. Гардиш учун материаллар анаънавий пастик+металл, баъзилари эса экзотик чарм, кофе ёки атиргулқимматбаҳо ёғочдан қилинган.

Қулоққа тақиладиган заушниклар қўлай ва функционал ёки қизиқарли қилинган. Қулай заушниклар кенг қилиниб, соч учун ҳам гардиш сифатидда фойдаланади. Бундай кўзойнақларни асосан яссилари қўлайдир, соч турмагини бузмас учун. Қизиқчи заушниклар ясси ёки думолоқ, декоратив деталлар билан сер безатилган, баъзан қалин симга ўхшаганлари тавсия этилади.

Соябонлар ҳам бой тарихга эга. Қуёшдан сақлайдиганлари ёмғирдан ҳимоя қиладиганларидан анча эртароқ пайдо бўлган. Бу соябон шахсни ижтимоий рамзи бўлган боис уни малайлар кутариб юришарди.

Чодир шаклдаги соябон билан чирков фойдаланган.

Қуёшдан сақлайдиган соябон илк бор қадимий юнон гулдонида тасвирланган: у бой юнон аёлига соя бериб тўрган.

Римликлар ҳам қуёш ва ёмғирдан сақланиш учун фойдаланишганг. Ёмғирдан сақлайдиган соябон ясси конус шаклли эди, дастаси эса доимо ўртада бўлмаган. Анча вақт уткач, XVI асрда Италияда тахланма соябон ихтиро қилинган. Мария Медичи қуёшдан сақлайдиган соябони Францияга киритган. Бу ердаги соябонлар мумланган газламадан, дастаси эса суюқдан қилинганди.

Россияга Петр I даврида XVIII асрда Голландиядан келган, у ерда *zontek* – бу чодр, полотно, парусина маъносини билдиради, уни қуёш ва ёмғирдан сақланиш учун кемани устидан тортиларди. Шунинг учун XVIII асрда Россияда “*зонт*” сўзи бўлмагани боис, уни “*зонтик*” деб аташарди. Илк бор 1720 йилда “зонтик” сўзи денгиз уставида учрайди.

XVIII асрда ёмғирдан сақлайдиган соябон кенг тарқалганди. Дастаси эгиладиган кичкина соябон (нем. *Knicker*) 1815 йилда ихтиро этилган.

Кейинги даврларда соябон костюмнинг айрилмас аксессуарлари бўлди. Уларнинг шакли, қўлланган материаллари, беагаги, конструкцияси модага биноан ҳар хил бўлган.

Замонавий соябонларнинг конструкцияси кескин ўзгарди. Энди дизайнерлар соябонни дизаннинг кўпфункционали объект қилишди: *соябон – сумка, соябон – арава* (дастасининг учи роля дунголаги шаклида қилинади).

XX-XXI аа. соябон муҳим аксессуар бўлди. Унинг шакли ҳар хил бўлди: квадратсимон, тўғрибурчак, икки қават овалли, чуқур куполни ички томонида чунтакли, *соябон-шляпа, соябон-хасса, соябон-сумка* ва б.

Соябонга қўлланадиган материаллар ҳам ҳар хил бўлди: сув ўтқазмайдиган нейлон, табиий шойи, нурни қайтарадиган ва резиналанган материаллар. Альтернатив материаллар сифатида ҳарир пластик, мўйна, чарм, махсус сув ўтқазмайдиган модда билан ишлов берилган трикотаж, тўр ва б. Соябоннинг беага ҳам ҳар хил: тўр, кашта, шокила, попук, қўйма гуллар, капалаклар ва б.

Ранги бўйича соябон-сумка, устки кийим билан мос ёки улар билан контрастда бўлиши лозим.

Соябонларни яхлит ёки икки ва уч қарра тахланадиган турлари кенг тарқалди. Уларнинг дастаси ҳам турли шаклли ва ҳар хил материаллардан қилинади (ёғоч, пластмасса, темир).

Соябон эркалар, аёллар ва болалар учун; кундалик ва башанг; куз-қиш ва баҳор-ёзга мўлжалланди.

Галстуклар. Галстук ёки бўйин рўмоли Қадимий Римда пайдо бўлган. Рим легионерлари уни бўйинини иситиш учун кийишган.

Эсан чикқан бўйин рўмолини Европада XVII асрни ўртасида кийишадиган бўлди. Барокко бадий услуби даврида дабаба костюмлар, катта париклар кийишган, бўйин рўмол эса ёқани ўрнига бўлган. Уни бўйнига айлана ўраб олдида бантга боғлашган. Шундай рўмолни француз аскарлари кийишган. Улар рўмолни шундай усулда ўрашни Людовик XIV ёллаган хорват аскарлари кийган бўйин рўмоли “*cravate*”дан (хорват сўзи) тақлид этишган.

XVII асрни 70-йй. бўйин рўмолни бир неча тор бантга боғлаб, тўр учларини жюстокорни (кафтан) устига чиқаришарди.

90-йй. *a-la-Steinquerk* пайдо бўлди. Уни бўйинга айланасига ўраб, учларини жююсткорни учинчи измасига киргизишарди. Галстук атамаси 1692й. Стейинкеркдаги (Штейинкирхе) жанг билан боғлиқ, у ерда француз аскарлари инглизларни устидан ғалаба қозонган. “Хеч қандай жангдан кейин қилинмаган маросим билан Париж саройида ва барча қиролликда ғалаба нишонланган... Бу даврда эркалар қийин боғланадиган тўр галстуклар кийишган. Жанг олдида аскарлар тез кийиниб, галстукларини пала-партиш боғлашган. Аёллар ўз либослари учун уни намуна сифатида олишган” (Вольтер, “Француз қироллар Людовик XIV ва Людовик XVни подшолик тарихи”). *Стейинкеркни* эрка ва аёллар кийишган.

“*Галстук*” сўзи эҳтимол голланд тилидан тадбиқ этилган ва кейин немис сўзи ўрнига келди (*Hals* – бўйин, *Tuch* - рўмол). “*Крават*” ва “галстук” атамаси кўп хориж тилларда сақланган. Французча -*cravate*, полякча – *krawate*. Рус костюмида Петр Iни реформаларидан сўнг кирган. У даврда уни *галстук, галштук* ва ҳаттоки *гауздук* деб аташган.

XVIII асрда бўйин рўмолни ўрнига қора лента-*солитер* кирди. Уни

парикни оркасига маҳкамлаб, бўйинни урашарди ва олдида бант боғлашарди. Баъзан лентага юпқа тўрдан кўйма бурма тақишарди.

1789 йилда Францияда инкилоб ва Директория даврида костюм кўпинча ғайриодатий бўлган. Олифта-аслзодалар оқ матодан ёки докадан бўйин рўмолни турли тумон усулда боғлашарди. Уни ҳар доим янгича боғлаш башанг ҳисобланарди. Аслзода эркак галстукни кунига уч марта алмаштириши лозим эди.

1812 йлдаги урушдан сўнг модада *col russe* галстук оммабоп бўлди.

Капитализм модага ўзгаришларни киритди. Ишбилармон эркак идеал бўлди. Эркаклар ижтимоий ҳоли фақат костюмининг сифати бўйича фаркланадиган бўлди. Ярқираган, сер безакли либос кийиш келишмаган қилиқ деб ҳисобланарди. Қанчалик даражада эркаклар костюми оддий бўлса, шунчалик галстукка кўп эътибор бериларди. Ҳаттоки галстукни боғлаш санъатига бағишланган ўқув қўлланмалар бўлган. Ўқув курси 15 дарсдан иборат бўлиб, галстукни боғлаш 32 усулини тавсия этган. Шундай ўқув қўлланмани муаллифларидан бири Оноре Бальзак бўлган эди. Қўлланмани тавсияларига биноан эркакнинг ўзига хослиги галстук танлашда ва уни боғлашда билинарди. Маслан, заковатнинг галстуги зўр маҳорат билан боғланиши лозим эди, тор фикрли кишининг фантазияси йўқлигини галстук боғлашидан кўриш мумкин эди.

Романтизм даври галстук тарихида изсиз қолмади. “Кенг духоба қайтармали жакетнинг хурпайган бантли энли галстук астойидл ўйланган костюмни кўшимчаси бўлган. У ҳеч қандай оқ доғни, ич кийимни кўрсатмайди – бу романтизмни олий зеболигидир” (Теофиль Готье “Романтизм тарихи”).

Романтиклар кўйлак ва оқ ёқалиарини сотувчиларнинг рамзи деб масқара қилишарди. Галстук қия бичилган газлама бўлаги ёки диагонали бўйича тахланган рўмол бўлган. Кенг томони бўйинни урарди, учлари эса олдида ҳар хил усулда боғланарди: шарқ дидида, а-ля-Байрон ёки ўз фантазиясига биноан.

XIX асрни 50 йй. юмшоқ шарфни ўрнига охорланган астарли галстуклар келди, у оркасида тугмаланарди, одида эса катта ясси бант тикиларди. 50 йй. иккинчи ярмида пластрон кийишган – манишканинг тепасини беркитадиган кенг юмшоқ галстук. Уни сидирға ёки нақшли газламадан қилишарди ва дур ёки қимматбаҳо тошли туғноғич ёки камея билан қийишарди. Пластронни сюртук ёки пиджак билан қийишарди. Ёзда фуляр ёки батистдан рангли галстукларни эркин тугун ёки бантга боғлашарди. Кечки костюм-фракга оқ батистдан ёки докадан галстук кийишган. Смокингга қора галстук мансуб эди.

XIX аср 70 йй. “арзон дабдабалик” пайдо бўлди – тугмаланадиган охорланган ёқа ва манжетлар. Бу даврда тайёр (боғланган) галстук ва тахламалли пластрон ва бантга ёки денгиз тугунига боғланган узун шарфлар оммабоп бўлди.

XX аср бошида галстук учун сир ёки нимқимматбаҳо тошлар билан безатилган қисқичлар модага кирди. Кўпинча, тақа, аёлнинг боши, силизацияланган гул шаклида қисқичлар мода бўлди.

1904 йилда Милан сахнасида “Чио-Чио-Сан” операси қўйилганди, унинг аввалги номи “Мадам-Батерфляй”, “Мадам-капалак” бўлгани боис

оркестрантлар галстуклари капалакни эслатадиган оригинал шаклда қилинганди. Шу вақтдан бошлаб “капалак-галстук” башанг костюмда одат бўлди. Ярқираган йирик “капалак-галстук” ёшлар авангард либосида мода элементи бўлди. Бу галстукни аёллар ҳам кийишарди, у костюмга одмийликни бахш этади.

30 йй. жун гарус ёки сутаж тасмасидан тўқилган галстуклар мода бўлган.

Хозир ҳам эркаклар модаси хилма-хиллигига ва эркинлигига қатъий назар эркаклар костюмининг асосий беагаи сифатида галстук қолди. Ҳарбий форма кийимида тайёр шаклланган тугунли орқасида тугмаланадиган галстук-регат қўлланади.

Галстук - эркаклар модасини даракчисидир. У кйлакнинг ёқасини катталигини, бурчагини, пиджак елкасининг энини, ёқа ва лацканини энини, бел сатхини, тугмаларни сонини ва жойланишини, пиджак ва шимни энини, пойафзал шаклини белгилайди.

Галстук ҳозир ҳам расмий кийим белгисидир. Баъзи расмий маросимлар ўтказилганда галстук кийиш маросимни расмийлигини билдиради, галстуксиз маросим ўтказиладиган бўлса, эркинлик берилади.

Галстук яланғоч бўйинга кийилиб ва олдида эркин осилиб тўрса – бепарволикни кўрсатади. Бу либосда ишбилармон услубига мос келмайдиган ўзига хос авангарддир.

XX аср икинчи ярмидан галстук аёллар гардеробида ҳам қўлланадиган бўлди. Улар рангба-ранг матоларидан қилиниб, эркакча тугунга боғланади. Айниқса ишбилармон аёлларнинг расмий кийимда галстук кенг қўлланади.

Елпиғичлар. Елпиғичлар тарихи одамзот тарихидан деярли қисқарок эмас.

Елпиғич рамзи ҳаво ва шамол, нафис, самовий субстанциялар билан боғланади. Елпиғич Узоқ Шарқ анъаналарида шоҳона улуғворлик ва олий ҳокимиятни ифодалайди. Шунингдек, у ёвуз жинларни ҳайдайди деб ишонишарди. Хитойда елпиғич саккиз ўлмас авлиёнинг бири бўлган Ужунли Қаюннинг белгиси ҳисобланарди. Унинг ёрдамида авлиё вафот этганларни тирилтирган деб ўйлашарди. Елипиладиган елпиғичга қўшимча равишда Ой рамзи берилди, чунки уни очиб ёпиш Ой фазалари билан қиёсланарди.

Дастлаб улар япроқлардан, хайвонлар терисидан, қушларни патидан қилинарди. Шарқда елпиғичлар пальма ва лотосни япроқларидан ва кейинроқ товус ва туяқшнинг патидан қилинганди. У билан ҳашоратлар ҳадаланарди.

Қадимий мисрликлар елпиғични бахт ва осмонни осоишталик рамзига айлантиришганди. У билан фақат фиръавн фойдаланиши мумкин эди. Шунинг учун саройни шарафли лавозимларидан бири елпиғични чап томонида олиб юрувчиси бўлган. Шундай бурчни одатда фиръавнинг қариндоши бажарарди ёки улуғвор аслзодалардан бири.

Этруск ва қадимий юнонлар елпиғични товусни патидан қилишарди. Рим матроналар (аслзода аёллар) учун ҳам елпиғичлар товуснинг патидан қилинарди. Товуслар эса Самос оролида устириларди. Лотинча елпиғич *falbellum*. Бундан *falbelifer* (*falbellum+ fero-* олиб юриш) - елпиғични олиб юрадиган сўзи келиб чиққан. Шундай ном бежиз берилмаган. Рим матронаси

елпиғични ўзи ушламасдан, уни учун махсус қули олиб юарди.

Ҳиндистонда елпиғич қуёш соябони каби ҳоким рамзи бўлган, Хитойда эса аслзодалар рамзи эди. Японияда тахланмайдиган (“*утива*”) ва тахланадигани (“*оги*”) елпиғичлар ҳарбий ҳокимлик (самурайлар) рамзи бўлган.

Ўрта Осиёда тахланмайдиган елпиғичлар рангли поҳолдан тўқилади. Уларнинг шакли ясси эмас ҳажмий. Шундай елпиғичдан ташқари икки қават газламадан тикилган ва махсус ёғоч дастага эркин маҳкамланган, айлантирганда ҳаво юргизадиган елпиғич хозиргача қўлланади.

XVI асрни охирида европа костюмида елпиғич модални аксессуар бўлди. Шубҳасиз бу ерга елпиғич Хитой ва Япониядан келган, чунки улар тахланадиган бўлган. Антик елпиғичлар эса тахланмасди, шундай елпиғичларни хозир ҳам Рим папни тантанали маросимларида куриш мумкин. Тахланма елпиғичларни белбоғга қистириб юришган. Вентарола -XVI асрда италия келинларнинг елпиғичи.

Елпиғичга костюмни бошқа буюмлари каби бадиий услубларни таъсири бўлган.

Барокко ва Рококо даврида модага чарм, пергамент, шойи, қоғоздан қилинган елпиғичлар урф бўлган. Улар фил суяги, ташбақа косаси, садаф, олтин ва кумуш, туяқуш ва товус пати билан безатиларди. Елпиғичларни атоқли рассомлар безатишарди (А.Ватто, Ф.Буше). Версаль саройида тантанали маросимларда елпиғичлар муҳим роль ўйнаган: аёллар фақат қироличани иштироғида елпиғични очиши мумкин эди. Елпиғичнинг махсус ҳаракати ёрдамида аёллар керакли маълумотни билдириши мумкин эди.

Рококо давридан бошлаб Европа модасида елпиғич шаҳарликлар модасига кирди. Улар аввал бал либоси учун аксессуар бўлган, XX асрда эса оддий аёллар аксессуари бўлиб қолди. Испанияда елпиғичхалқ костюмининг айрилмас қисмидир.

Тахланмайдиган ва тахланадиган замонавий елпиғичлар турли материаллардан (қоғоз, шойи, ип газлама, пат, пластмасса ва б.) қилиниб, асосан тўр, расм, стразлар (сунъий тошлар) ва б. билан безатилади.

Таянч иборалари: аксессуарлар, буюм, қўлқоплар, пайпоқлар, колготкалар, сумкалар, белбоғла, елпиғичлар, соябонлар, галстуклар.

Назорат саволлари.

1. Аксессуарларга қандай буюмлар киради?

2. Аксессуарларни ўзгаришига нима сабаб бўлган?
3. Қўлқоплар тури.
4. Қўлқоплар тарихий функциялари ва рамзлари.
5. Замонавий қўлқоплар турлари.
6. Қўлқопларнинг услубий ечимлари.
7. Пайпоқларни тарихий ривожланиши.
8. Пайпоқларнинг функциялари.
9. Колготкаларни лойиҳалаш йўналишлари.
10. Белбоғ ва камарлар рамзлари ва функциялари.
11. Белбоғ ва камарларни тарихий ривожланиши.
12. Сумкаларнинг функциялари.
13. Сумкаларни тарихий ривожланиши.
14. Сумкаларни композицион ечилиши.
15. Замонавий сумка турлари.
16. Соябонлар функциялари.
17. Соябонларни тарихий ривожланиши.
18. Кўзойнаклар функциялари.
19. Кўзойнаклар турлари.
20. Галстукни тарихий ривожланиши.
21. Замонавий галстук турлари.
22. Галстукнинг асосий функцияси.
23. Елпиғични тарихий ривожланиши.
24. Елпиғичнинг функциялари.
25. Замонавий елпиғич турлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Пармон Ф.М. «Композиция костюма» М., 1995.
2. Козлова Т.В. «Основы художественного проектирования» М., 1996.
3. Козлова Т.В. «Эстетика проектирования одежды». М, 1998.
4. Г.Хасанбоева. «Костюм ва мода тарихи». Т., 2002.
5. ПармонФ.М.«Художественноепроектированиеодеждыпромышленного производства». М., 1991.
6. С.Ш.Тошпулатов.М.К.Рамазанова “Кенг ассортиментли буюмларни бадий безаш” Тошкент 2007 й.
7. М.К.Рамазанова. “Кийимни бадий безаш ва моделлаштириш”
Тошкент 2007 й.

1. Мода журналлари.
2. www-mode.ru
3. stile.asra.ru
4. kroyka.ru
5. www.glamurneko.ru
6. [htt://nasebya.ru/womtns-fashion](http://nasebya.ru/womtns-fashion)
7. sarafan.ru
8. osinka.ru
9. [htt://modellar.fashiontime.ru/](http://modellar.fashiontime.ru/)
10. [htt://www.stylemania.ru/](http://www.stylemania.ru/)
11. [htt://www.modecentrum.ru/](http://www.modecentrum.ru/)
12. [htt://www.fasionpeople.ru/brands/drاند-6.html](http://www.fasionpeople.ru/brands/drاند-6.html)

